

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
БАНК-МОЛИЯ ХОДИМЛАРИНИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ТАРМОҚЛАРАРО ИНСТИТУТИ**

Э.А. АКРАМОВ

КОРХОНАЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

**Олий ўқув юртлариаро илмий — услубий
бирланмалар фаолиятини Мувоффиқлаштирувчи
Кенгаш Президиумининг тавсияси билан тайёрланган**

ТОШКЕНТ — «МОЛИЯ» — 2004

Э. А. Акрамов. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. Т.: «Молия» нашриёти, 2003 йил. 224-бет.

Ўш шўв йўланмада бозор муносабатларининг шаклланишига мослаб, корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлилининг назарий, услубий ва шу билан бирга унинг асосий босқичлари ёритилган. Унда молиявий таҳлилнинг асосий талаблари, манбалари, хорижий мамлакатларнинг молиявий таҳлил борасидаги тажрибалари, корхоналарнинг молиявий ҳолатини умумий баҳолаш, молиявий мустаҳкамлик таҳлили, баланс ликвидлиги, корхоналарни ишчанлик ва бозорга оид фаоллигини таҳлили, айланма маблағларининг айланиши, маҳсулотларнинг таннархи билан молиявий ҳолат ғртасидаги алоқа ҳамда корхоналарнинг молиявий натижалари таҳлили кўрилган. Иккисодиётта оид адабиётда биринчи маротаба корхоналарнинг иккисодий ночорлиги таҳлили ҳам баён этилмоида.

Мазкур ўшўв йўланмаси олий ўшўв юртлирининг ўшўтувчилари, аспирантлари, магистрантлари, бакалаврлари, шунингдек, касб-хунар коллежлари ва лицейларнинг талабалари томонидан фойдаланишга мўлжалланган. Ўшўланмадан халқ ҳаёлигининг иккисодиёт соҳалари мутахассислари ҳам фойдаланишлари мумкин.

В учебном пособии с учетом требований рыночных отношений последовательно излагаются теоретико-методологические и практические проблемы и этапы анализа финансового состояния предприятий. Рассмотрены основные принципы и источники финансового анализа, зарубежный его опыт, общая оценка финансового состояния предприятия, анализ финансовой устойчивости предприятия и ликвидности баланса, связь финансового состояния с оборачиваемостью оборотных средств и себестоимостью продукции, анализ деловой, рыночной активности, экономической несостоятельности и финансовых результатов деятельности предприятий.

Учебное пособие рассчитано на преподавателей, аспирантов, магистрантов, студентов высших учебных заведений, может быть использовано специалистами экономических служб народного хозяйства.

The theoretical-methodological and practical issues and stages of financial analysis of enterprises as it required with market economy are consistently stated in the manual. The following issues are examined in the book: the basic principles and sources of financial analysis, foreign experience, estimation of financial state of enterprise, analysis of enterprise's financial stability and balance liquidity, financial state in connection with turnover of capital and production costs, analysis of business and market activity, economic insolvency as well as financial results of enterprises activity.

The manual is designed for the lecturers, post-graduate students, master degree candidates, students of universities. It also can be used by the experts of the national economy infrastructure.

Махсус муҳаррир: М. Ш. Шарифходжаев. Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг академиги.

Махсус тақризчилар: А. Т. Иброҳимов — иқтисод фанлари номзоди, доцент
Ш. Ш. Шоякубов — иқтисод фанлари номзоди, доцент
Ф. Ш. Шамсуддинов — иқтисод фанлари номзоди, доцент

© Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг «Молия» нашриёти, 2004 й.

КИРИШ

Корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш, уларнинг ишларини яхшилаш, самарадорлигини оширишнинг муҳим омили бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш корхоналарнинг ишлаб чиқариш, молиявий, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш даражасини аниқлашга ёрдам беради, фойдаланилмаган ресурсларни аниқлаб, корхоналарнинг келгусида ривожланиши, уларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш учун зарур тавсияларни ишлаб чиқишга имкон беради.

Халқ хўжаликни бозор муносабатларига ўтказиш билан корхоналар хўжалик фаолиятини таҳлил қилишнинг ахамияти янада ортади, чунки бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқаришга жорий этилмаган ресурсларни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш энг долзарб муаммога айланади.

Бозор муносабатларни шаклланиши, ривожланиши, қўп укладли бозор иқтисодиётини барпо этиш, ҳар хил шаклдаги бизнесни ва ишбилармонликни ривожлантириш йўлига олиб келадики, корхоналар фаолиятининг молиявий натижалари — фойда ва рентабеллик корхоналар фаолиятининг асосий кўрсаткичларига айланади.

Халқ хўжаликни ривожлантиришда ҳаддан ташқари марказлаштирилган маъмурий-бўйруқбозлик, расмийчилик, режалаштириш ва бошқаришлик тизимидан воз кечиш, бозор муносабатларидан кенг фойдаланиш, корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтиради, уларнинг молиявий ҳолатига эътиборни оширади ҳамда корхоналарнинг молиявий ҳолати билан шуғулланувчи, ундан манфаатдор ташкилот ва органларнинг таркибини кенгайтиради.

Агар илгари корхоналарнинг хўжалик фаолиятини, уларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш билан фақат молия, банк, статистика органлари ва юқори ташкилотлар шуғулланган бўлсалар, эндиликда бу иш билан юқорида кўрсатилган ташкилотлардан ташқари солиқ органлари, аудиторлик идоралари, жамoa ташки-

лотлари, акционерлар, таъминловчилар, истеъмолчилар ва бошқа органлар ва ташкилотлар ҳам шуғулланишяпти.

Бу ҳолат молиявий таҳлил, уни бажариш услуби олдида янги талаблар қўймоқда.

Маълумки, собиқ иттифоқ даврида корхоналар хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш, жумладан, корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил этишнинг услубий масалалари марказда — бугун иттифоқ органлари томонидан ишлаб чиқиларди, муаммолари ечиларди ва иттифоқдош республикаларга фойдаланиш учун жўнатилар эди.

Собиқ иттифоқнинг тарқатилиши туфайли иттифоқдош республикалар мустақил давлатларга айланди, улардан ҳар биттаси бозор муносабатларга ўтиш учун ўз йўлини танлаб, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни давом эттириб, бозор иқтисодиётини шакллантирмоқда. Улар орасида Ўзбекистон ҳам ўзининг бозор иқтисодиётга ўтиш моделини ишлаб чиқиб, халқ хўжаликни бозор муносабатлари шароитида ривожлангирган ҳолда ижобий натижаларни қўлга киритиб келаётир.

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни ҳуқуқий базасини ташкил қилувчи Республика Қонунлари, Президентимиз Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг юзлаб қарорлари қабул қилинди ва қабул қилиняпти.

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг асосий йўналишларидан бири — бу бошқарув тизимни такомиллаштириш ҳисобланади. Бу масалани ижобий ҳал этишда корхоналарнинг хўжалик фаолияти ва молиявий ҳолатини таҳлил қилиш катта рол ўйнайди. Чунки корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш бошқарув тизими самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Бозор муносабатлари даврида бу шартнинг асосий қисми бўлиб корхоналар молиявий ҳолатининг таҳлили ҳисобланади. Республикада янги молиявий ҳисобот шакллари қабул қилинди, уларни ўрганиш ва улардан кенг фойдаланиш услубларини барпо этиш катта аҳамиятга эга.

Бозор муносабатлари даврида республикада бу масалани ечиш мақсадида молиявий таҳлил услубиятини такомиллаштириш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин бу борада ҳали ечилмаган муаммолар ҳам кам эмас. Молиявий таҳлилнинг ўтказишдан манфаатдор ташкилотлар, органлар, мутахассислар ҳали ҳам илмий, ҳам амалий нуқтаи назардан асосланган услуб

билан таъминлаган эмаслар. Бу ҳолат, албатта, бозор муносабатларини шакллантириш даврида корхона ва ташкилотларга самарали бошқарувчилик қилишда салбий рол ўйнамоқда.

Молиявий таҳлилдан манфаатдор ташкилот ва органлар, мутахассислар, кенг китобхонлар оммаси эътиборига ҳавола қилинаётган бизнинг китобимизда бозор муносабатлари шаклланаётган бугунги кун иқтисодий назариясига асосланиб, собиқ иттифоқ даврида шаклланган молиявий таҳлил услубиятини, бу борадаги хорижий мамлакатларнинг тажрибасини эътиборга олиб, бозор иқтисодиёти талабларини кўзда тутиб, корхоналар молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг комплекс услубиятини ишлаб чиқиш мақсадлари, тадбирлари баён этилган. Ўйлаймизки, бу қўлланма корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишни яхшилашда, уни самарасини кўтаришга ёрдам бериши шак-шубҳасиздир.

Ўқув қўлланма муаллифи иқтисод фанлари номзодлари, доцентлар А. Т. Иброҳимов, Ш. Ш. Шоёкубов, Ф. Ш. Шамсутдиновларга ўқув қўлланмани тайёрлаш даврида унинг сифатини, мазмун-моҳияти ва савиясини ошириш ниятида қилган тавсия-таклифлари учун чин қалбдан ўз миннатдорчилигини изҳор этади. Бу тавсия ва мулоҳазалар муаллиф томонидан асосий йўналишлар бўйича эътиборга олинган.

Ўқув қўлланмада ўз ифодасини топган молиявий таҳлил услубияти, унда тавсия этилган, фойдаланилган, таҳлил қилинган кўрсаткичлар тизимининг асосланганлиги, амалийлиги, замон талабларига жавоб бериши Республика корхоналари материалларини муаллиф томондан таҳлил этиш йўли билан синовдан ўтказилган. Шунингдек, муаллиф ўқув қўлланмани чоп этишда яқиндан ёрдам берганликлари учун «Тошкент-12» ва «Акбар-Азизий» ҳомий фирмаларига ҳам ўз миннатдорлигини изҳор этади.

I БОБ. БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

1.1. Халқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтказиш ва корхоналарнинг молиявий ҳолати аҳамиятини кўтариш

Маълумки, 80-йилларда мамлакатимизда ҳаддан ташқари марказлаштирилган режалаштириш ва бошқарувчилик маъмурий-буйруқбозлик, расмийатчилик тизимининг потенциал имкониятлари тамом бўла бошлади. Шу даврда фойдаланилаётган социалистик иқтисодий назарияни тубдан кўриб чиқиш, ўзгартириш, социалистик жамият қуриш усулларины такомиллаштириш объектив заруриятлиги кун тартибига қўйилганди. Лекин бу муаммолар ўз ечимини топмади, халқ хўжаликни ривожлантиришда эскича бошқарув давом этаверди. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг эҳтиёжлари, унинг объектив-субъектив имкониятлари тўлиқ ва ҳар томонлама эътиборга олинмади. Мамлакат ривожига муҳим ҳисса қўшадиган алоҳида минтақалар ва иттифоқдош республикаларнинг табиий-иқтисодий шароитлари ҳам, эҳтиёжлари кўзда тутилмади.

Халқ фаровонлигини ошириш давлат миқёсида асосий вазифа шиор этиб қабул қилинган бўлса-да, амалиётда бу муаммолар ечилмай қолаверди. Жамиятни ижтимоий ривожлантириш учун ривожланган капиталистик мамлакатларга нисбатан 4-6 марта кам маблағлар ажратилди. Бу ҳолат шунга олиб келдики, 1990 йил республикаимиз аҳолисининг 45 фоизи қашшоқликда ҳаёт кечирди. Иттифоқ миқёсида бу кўрсаткич 15 фоизни ташкил қилган эди.

Корхоналар фаолиятида хўжалик юритишда асосий усул сифатида қабул қилинган хўжалик ҳисоби усулидан эса формал фойдаланилди, унинг тамойиллари кўп тармоқларда, корхона ва ташкилотларда амалга оширилмади. Корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий мустақиллиги тубдан чегараланди, улар ўз мол-мулкларига, ишлаб чиқарган маҳсулотларга эга бўлмадилар. Мамлакат бўйича ўртача 15 фоиз корхона ва ташкилотлар давлат

бюджетига бир сўм ҳам фойда келтирмай, зарарига ишладилар, 25 фоиз корхона ва ташкилотларнинг рентабеллик даражаси 10 фоиздан ошмас эди, ўз-ўзини молиялаштириш тўғрисида эса гап бўлиши ҳам мумкин эмасди.

Халқ оммасида пайдо бўлган халқ ҳаракатининг кенг шакллари — социалистик мусобақа, коммунистик меҳнат учун интилиш ва бошқа ҳаракат шакллари вақт ўтиши билан маъмурий бошқарув таъсирида бузилди, издан чиқди ва формал тадбирларга айлантирилди. Натижада ишлаб чиқарувчилар — меҳнаткашлар бу халқ ҳаракати шаклларида чекландилар ва воз кечдилар.

Қабул қилинган кўплаб қонунлар, қарорлар ва тадбирларга қарамасдан фан-техника тараққиёти ишлаб чиқаришни ривожлантиришда асосий ҳал қилувчи омилга айланмади. Бу борада хорижий мамлакатларнинг ютуқларидан фойдаланиш у ёқда турсин, мамлакатда кашф этилган фан ва техника ютуқларидан тўлиқ фойдаланилмади.

Ишлаб чиқилиб, амалиётда самарали фойдаланилаётган иқтисодий ислоҳотлар замон талабига мос равишда такомиллаштирилмади, чуқурлаштирилмади ва охиригача олиб борилмади. Мисол сифатида 1965 йилда қабул қилинган режалаштиришни такомиллаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришда ҳўжалик ислоҳотини келтиришимиз мумкин.

Маълумки, бу ислоҳот саккизинчи беш йиллик даврида халқ ҳўжалигини ривожлантиришни жадаллаштирди, ривожлантиришни ифодаловчи миқдорий ва сифат кўрсаткичларнинг абсолют ва нисбий кўрсаткичлари ўсиш суръатлари тубдан кўтарилди. Лекин тўққизинчи беш йилликдан эътиборан яна тараққиёт суръатлари пасая бошлади, чунки бошланган ислоҳот такомиллаштирилмади, охиригача олиб борилмади. Ривожланиш суръатлари йилдан-йилга пасаяверди — бу турғунлик йиллари эди. 1990 йилдан бошлаб мамлакат иқтисодий инқирозга дучор бўлди, иқтисодиёт орқага кета бошлади. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кескин камайди. 1991 йилдан бошлаб Ўзбекистон ҳам иқтисодий инқирозга учради.

Собиқ иттифоқ раҳбарияти бу ҳолатни сезиб, инқироздан чиқиш йўллари қидира бошладилар. Бу муаммони ечиш учун икки йўл бор эди.

Биринчидан, иттифоқдош республикаларнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириши;

иккинчидан, халқ ҳўжаликни бозор муносабатларига ўтказиш зарур эди.

Ана шундай иқтисодий инқироз, бўҳронлар пайтида собиқ СССРнинг тарқатилиши иттифоқдош республикаларнинг ҳаммасини мустақил давлатларга айланишини ва бозор иқтисодиётига ўтишларини тезлаштирди.

Бироқ Ўзбекистон ўз халқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтказиш дастурини илгарироқ ишлаб чиқиб, 1990 йилнинг октябр ойида ўтказилган республика Олий Кенгашининг мажлисида қабул қилинди. Демак, Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтиш борасида ўз йўлини излаб топиб, ўз андозасини ишлаб чиқиб, мамлакатда ижтимоий асосланган бозор иқтисодиётини шакллантирмоқда ва демократик тамойиллар асосида қурмоқда.

Халқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантириш, ривожлантириш корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳолатини, тутган ўрнининг аҳамиятини тубдан ўзгартиради, корхона ва ташкилотлар фаолиятининг молиявий натижалари уларнинг ишини баҳолашда асосий кўрсаткичларга айланиб қолади.

Бозор муносабатлари бозор иқтисодиётининг шаклланиши, ривожланиши даврида корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳолати аҳамиятининг кўтарилишига қуйидаги вазиятлар таъсир кўрсатади:

1. Маъмурий-буйруқбозлик тизимини бозор муносабатлари билан алмаштириш корхоналар фаолияти натижаларини баҳолаш **критериясини** тубдан ўзгартиради. Агарда илгари корхоналар фаолиятининг натижалари, авваламбор, ишлаб чиқариш дастурининг бажариш, яъни ишлаб чиқарилган **маҳсулотларнинг** ҳажми билан ифодаланган бўлса, бозор муносабатлари даврида корхоналар фаолияти молиявий натижалар ва **молиявий кўрсаткичлар — фойда ҳамда рентабеллик** кўрсаткичлари билан ифодаланади. Бу ўз навбатида бозор муносабатлари даврида корхоналар фаолиятининг молиявий ҳолатига эътибор ошаётганлигидан далолатдир.

2. Жамиятда фойдаланилаётган ижтимоий-иқтисодий тузимдан қатъий назар корхоналар фаолиятини ташкил қилиш учун хўжалик юритиш усулларида фойдаланилади. Шундай усуллардан бири хўжалик ҳисоби усулидир. Хўжалик ҳисоби усули собиқ иттифоқ даврида шаклланди ва мамлакатимизда кенг фойдаланилди. Чунки ўша даврда корхона ва ташкилотлар фаолияти хўжалик ҳисоби тамойиллари асосида ташкил қилинган эди.

Лекин ўша даврда кўпгина корхона ва ташкилотлар фаолиятида хўжалик ҳисоби формал равишда фойдаланилган эди. Кўп тармоқлар ва корхоналар давлат бюджетига ҳеч қандай фойда келтирмасди, яъни доимо зарар билан ишлаб, давлатдан ҳамма вақт дотация ва субсидия олиб, ҳаёт кечирарди. Демак, бу корхона ва ташкилотлар хўжалик ҳисобининг асосий тамойили — ўз-ўзини оқлаш, ўзини-ўзи молиялаштириш тамойилларининг амалга оширмаганлар. Чунки бу ҳолат маъмурий-бўйруқбозлик ва расмийчилик тизимининг асосий хусусиятларидан бири бўлган эди.

Бозор муносабатларига ўтиш муносабати билан молиявий якунлар асосий кўрсаткичларга айланар экан, корхоналар фаолиятида энди юзаки эмас, ҳаққоний хўжалик ҳисоби амалга оширилиши лозим. Демак, корхоналар фаолиятининг молиявий натижалари тугган ўрни ошиб боради, бозор муносабатлари хўжалик ҳисоби усулини инкор этмай, уни қабул қилади ва ҳаққоний хўжалик ҳисобини амалга оширади.

3. Маълумки, марказлаштирилган режалаштириш маъмурий-бўйруқбозлик ва расмийчилик даврида корхоналарнинг маблағларга бўлган эҳтиёжлари асосан давлат бюджети томонидан молиялаштириш йўли билан қопланар эди, чунки халқ хўжалик, ижтимоий ишлаб чиқариш мамлакатимизда, асосан бир ижтимоий-иқтисодий укладдан иборат бўлганди ва давлат режаларига биноан унинг буюртмаларини бажариш билан шуғулланарди.

Бозор муносабатлари даврида кўп укладли бозор иқтисодиёти шаклланади экан, давлат укладида ҳам бозор муносабатлари, кенг фойдаланилар экан, корхона ва ташкилотларнинг маблағларга бўлган эҳтиёжлари табиий равишда асосан молиялаштириш сўрали эмас, балки кредитлаштириш, яъни банклардан кредитлар олиш орқали қондирилиши мумкин. Бунинг учун корхоналар ўз фаолиятини самарали ташкил қилишлари, олинган кредитларни ўз вақтида қайтиб бериш қобилиятига, яъни керакли даражада молиявий имкониятга эга бўлишлари керак.

4. Марказлаштирилган режалаштириш ва бозор муносабатларини шакллантириш тизимидан қатъий назар халқ хўжалигини ривожлантиришда давлатнинг иштироки, аралашуви, унинг бошқарув роли табиий равишда бўлиши керак.

Лекин марказлаштирилган режалаштириш тизимида бутун корхона ва ташкилотлар давлатники бўлганлиги ҳамда унинг

қарамоғидалиги учун доимо давлат раҳнамолигидан фойдаланганлар, давлат уларга ҳамма вақт ёрдам бериб турган.

Бозор муносабатлари даврида эса давлат томонидан ёрдам доимо камайиб боради. Корхона ва ташкилотлар кенг иқтисодий мустақилликка эга бўлиб, ўз фаолиятига ўзлари жавоб беришлари лозим. Шунинг учун ҳам корхона ва ташкилотлар ўзларининг керакли молия ҳолатига эга бўлишлари керак.

5. Маълумки, собиқ иттифоқ даврида корхоналараро рақобат бўлган эмас. Уларнинг ҳаммаси давлат режаларига асосан фаолият кўрсатишган. Иқтисодий нуқтаи назардан оғир ҳолатга тушиб қолган корхоналар давлатдан олинган ёрдамга асосланиб ўз фаолиятини давом эттираверганлар. Оғир молиявий ҳолатга тушиб қолган корхоналарни синиш тизими бўлган эмас.

Бозор муносабатларига ўтиш муносабати билан корхоналараро рақобат тизими шаклланди. Агарда корхоналар оғир молиявий ҳолатга тушиб қолса, олинган ссуда ва қарзларни ўз вақтида қайтиб бера олмаса, бу корхоналар устидан хўжалик судига банк ва кредиторлар томонидан аризалар тушади ва хўжалик суди бу корхоналарни синди ёки банкрот бўлди деб қарорлар қабул қилади.

Демак, корхоналар банкротликка учрамаслик учун бозор муносабатларининг талабларига жавоб бера бориб, ўз фаолиятини яхши молиявий ҳолатда ушлаб туришлари лозим.

6. Пировардида бозор муносабатлари даврида корхоналар молиявий ҳолатининг аҳамиятини ошиб бориши тўғрисида гап борар экан, яна бир нарсани таъкидлаш лозим.

Республика жаҳон бозор иқтисодиёти муносабатларига кириб бораркан ҳамда хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда бўлар экан, республикада ҳисоб ва ҳисобот тизимлари халқаро андозаларга ўтказилиши лозим. Бу миллий счетлар тизимидан фойдаланишни, ҳисоб ва ҳисобот тизимларини бозор иқтисодиёти талабларига мослаб такомиллаштиришни, молиявий ҳамла бошқарув ҳисоби ва ҳисоботи тизимларини татбиқ қилишни талаб этади. Бу тадбирларнинг асосий вазифаларидан бири бу корхоналарнинг молиявий ҳолатини яққол кўрсатиб бериш ва ҳар томонлама ифодаланишни талаб этади. Чунки бозор муносабатлари даврида корхоналарнинг молиявий ҳолати ҳам назарияда, ҳам амалиётда асосий муаммога айланади.

Шундай қилиб, халқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтказилиши, республикада бозор иқтисодиётини шаклланиши муносабати билан корхоналарнинг молиявий ҳолатига эътибор

ошиб боради. Демак, корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш энг долзарб масалаларга, шунингдек, молиявий таҳлил услубини ўрганиш, ўзлаштириб олиш халқ хўжаликнинг, бутун иқтисодий идора ва органларнинг, ташкилотларнинг энг асосий вазифаларидан бирига айланади.

1.2. Молиявий таҳлилнинг асосий талаблари ва манбалари

Корхоналарнинг молиявий ҳолати бу:

- комплекс равишдаги тушунча бўлиб, у ўз ичига кенг кўрсаткичлар тизимини олади, улар корхоналарнинг молиявий ресурслари борлигини, ҳолатини, жойлашганлигини ва улардан фойдаланиш даражасини ифодалайди;

- корхоналар фаолиятидаги бутун ишлаб чиқариш ва хўжалик омилларининг ҳаракати, уларнинг ўзаро алоқадорлиги натижасидир;

- корхоналарнинг мўътадил ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва бошқа фаолияти учун зарур бўлган молиявий ресурслар билан таъминланганлиги ва улардан самарали фойдаланиш ифодасидир;

- корхоналарнинг бошқа хўжалик субъектлари, органлари ва ташкилотлари билан ўзаро алоқаларни ҳақиқий акс эттиришидир.

Корхоналарнинг ички ва ташқи омиллар таъсири остида шаклланган молиявий ҳолати, уларнинг истиқболини аниқлаш билан бирга, бу корхона билан алоқада бўлган бошқа ташкилотлар ва корхоналарнинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади. Умуман корхоналарнинг ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятини, жумладан уларнинг молиявий ҳолати таҳлили асосини бир бутун комплекс иқтисодий фанлар: иқтисодий назария, макро ва микро иқтисодиёт, менеджмент ва маркетинг, статистика, бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия, кредит, пул муомаласи ва бошқалар ташкил этади. Демак, таҳлилчи мутахассис-аудиторлар кенг иқтисодий илмга эга бўлишлари лозим.

Корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш, яъни молиявий таҳлил — бу кенг кўрсаткичлар ёрдамида, комплекс усулларида фойдаланиб корхоналарнинг молиявий ресурслари борлигини, ҳолатини, жойлашганлиги ва улардан фойдаланиш даражасини ифодалашдир.

Молиявий таҳлил кўп қиррали мураккаб процесс бўлиб, у ташкил қилиниши, бунинг учун эса бир қатор талабларга асосланиши керак. Бу талаблар қуйидагилардан иборат:

- абсолют ва нисбий кўрсаткичлар ўртасидаги алоқаларни борлигини билиш;

- молиявий таҳлил мобайнида абсолют ва нисбий кўрсаткичлардан биргаликда фойдаланиш;

- молиявий таҳлил мантикий равишда амалга оширилиб, у индуктив усулга — алоҳида ҳодисалардан умумий ҳодисаларга ўтиш, молиявий ҳолатнинг бир шакл кўринишидан умумий кўринишга ўтиш ва дедуктив усулга — умумий ҳодисалардан алоҳида ҳодисаларга ўтишга асосланиб таҳлил қилиш;

- ҳамма фойдаланилаётган кўрсаткичлар бир хил, асосланган усулда аниқланиши лозим;

- молиявий ҳолатни таҳлил қилишда таҳлил қилинаётган корхона кўрсаткичларини бошқа корхоналар, ўртача тармоқ кўрсаткичлари ва илғор корхоналар кўрсаткичлари билан таққослаш;

- молиявий таҳлилнинг ҳар томонлама бўлишлиги ва корхоналарнинг умумий молиявий ҳолатига тасир қилувчи омилларни таҳлил этиш;

- молиявий таҳлилни самарали ўтказиш учун керакли маълумотларни олдиндан тайёрлаш ва бу борада асосий тасдиқланган молиявий манбалар билан чекланмасдан бирламчи бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланиш;

- молиявий таҳлил объектив равишда ташкил қилиниб, у корхоналарнинг молиявий ҳолати реал даражасини ифодалаши лозим;

- молиявий таҳлил ўз вақтида ўтказилиб, таҳлил яқунларига асосланиб, молиявий ҳолатни яхшилаш чораларини ўз вақтида амалга оширишга имкон бериш;

- молиявий таҳлил комплекс равишда ўтказилиб, унда молиявий ҳолатнинг ҳамма шакл ва йўналишлари ифодаланиши лозим;

- молиявий таҳлил ўз вақтида ва ҳаққоний бўлиб, у молиявий ҳолатни кўтаришга бағишланган тадбирларни ишлаб чиқиб, уларни амалга оширишга имкон бериши керак;

- молиявий ҳолатни таҳлил қилиш шундай вақтда ўтказилиши лозимки, таҳлил яқунлари қўйилган мақсадни амалга

ошириб, корхона бошқарувини такомиллаштиришга имконият туғдириши лозим;

- молиявий таҳлил барча йиғилган ва умумлаштирилган маълумотларга асосланиб, керакли кўрсаткичлардан фойдаланиб, бу кўрсаткичларнинг асослилиги тўғри усулларда аниқланиши лозим.

Кўриниб турибдики, молиявий таҳлил кўп қиррали мураккаб ва муҳим бўлганлиги сабабли у бир қанча талабларга асосланган бўлиши лозим. Юқорида кўрилган талабларга асосланиб, молиявий таҳлил корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишда қуйидаги вазифаларни бажаришга йўналтирилиши керак:

1. Корхоналарнинг молиявий даражасини баҳолаш.
2. Молиявий ҳолатнинг ўзгаришини аниқлаш.
3. Молия ҳолатига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш.
4. Корхоналарда қўлга киритилган молиявий ҳолат даражасини ифодалаб, бу борада хали фойдаланилмаган имкониятларни, мавжуд захираларни кўрсатиб бериш.

5. Корхоналарда хали фойдаланилмаган имкониятларни сафарбар этиш мақсадига тавсиялар, таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш шарт-шароитларини кўрсатиб бериш.

Бажариладиган вазифалар шуни кўрсатаёттики, молиявий ҳолатни таҳлил қилиш корхоналарда шаклланаётган бошқарув тизимини такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга. Молиявий таҳлил бошланмасдан таҳлилнинг объектлари ва предметлари аниқланиши лозим. Молиявий таҳлилнинг асосий объекти бўлиб: хўжалик субъектлари, алоҳида корхоналар, ташкилотлар ҳисобланади. Лекин молиявий ҳолат корхоналар гуруҳи, ишлаб чиқариш тармоқлари миқёсида ҳам аниқланиши мумкин.

Молиявий таҳлилнинг предмети бўлиб корхона ва ташкилотларнинг молиявий фаолияти, уларнинг молиявий ресурсларидан фойдаланиш жараёни ҳисобланади.

Молиявий таҳлилнинг мақсади ва унинг йўналишини этиборга олсак, молиявий таҳлил ҳар хил шаклда бўлиши мумкин; тармоқлараро, тармоқда, корхоналар миқёсида, жорий ва истиқболий, тезкорлик ва тугалланган бўлиши мумкин. Тармоқлараро молиявий таҳлилда тармоқлараро иқтисодий алоқаларни назарда тутган ҳолда таҳлил қилинаётган корхоналарнинг молиявий ҳолати ўртача тармоқ кўрсаткичлари билан солиштирилади.

Тармоқ миқёсида ўтказилаётган молиявий таҳлилда таҳлил қилинаётган корхоналарнинг молиявий кўрсаткичлари шу тармоқдаги бошқа корхона ҳамда илғор корхоналар кўрсаткичлари

билан таққосланади. Бозор муносабатлари даврида бутун корхона ва ташкилотлар мустақил равишда фаолият олиб борар экан, молиявий таҳлилнинг энг асосий шакли бўлиб алоҳида корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ҳисобланади.

Тугалланган молиявий таҳлилда корхонанинг бутун молиявий ҳолати таҳлил қилинади, ундан ташқари корхоналар молиявий ҳолатининг алоҳида йўналишлари, шакллари таҳлил қилиниши мумкин.

Тезкор, таҳлил корхоналар фаолиятида доимо, узликсиз бўлиши керак, унда молиявий ҳолатнинг алоҳида кўрсаткичлари кузатиб борилади ва уларнинг ўзгаришига қараб бошқарув тадбирлари ишлаб чиқилиб амалга оширилади.

Жорий молиявий таҳлил чорак ва ярим йиллик молиявий ҳисоботлар бўйича ўтказилиб, молиявий ҳолатни йил давомида ўзгартириб, яхшилаб туриш имкониятини беради. Фаолият кўрсатаётган ҳар бир корхона ўз истиқболига эга бўлиши зарур, бу истиқбол тадбирлари эса корхоналар бўйича ишлаб чиқилиши керак. Шу муносабат билан корхоналарнинг молиявий ҳолати истиқболини ҳам таҳлил қилиб туриш керак.

Молиявий таҳлилнинг йўналтирилганлиги нуқтаи назардан молиявий таҳлил қуйдаги шаклларда ўтказилиши мумкин:

- горизонтал таҳлилда ҳисобот давридаги молиявий ҳолатни ифодаловчи кўрсаткичлар ўтган давр билан таққосланади, яъни бу кўрсаткичларнинг динамикаси аниқланади;

- вертикал таҳлилда молиявий ҳолатга тааллуқли бўлган кўрсаткичларнинг таркибий-тузилмаси ўрганилади. Масалан, корхона маблағларининг ёки уларни қопловчи манбаларининг ҳисобот давридаги таркиби ва уни ўтган даврга нисбатан ўзгариши ифодаланади;

- нисбий кўрсаткичлар таҳлилида молиявий ҳолат кўрсаткичлари ўртасидаги алоқа ўрганилади. Масалан, корхона маблағларининг ва уларнинг манбалари ўртасидаги алоқа, молиявий ресурслар ва улардан фойдаланиш ўртасидаги алоқа ифодаланади;

- таққослаш таҳлилида корхона бўйича молиявий ҳолат унинг алоҳида бўлимчалари молиявий ҳолати билан таққосланди, бу корхонанинг молиявий ҳолати бошқа корхоналарнинг молиявий ҳолати билан солиштирилади;

- пировардида, омиллар таҳлилида корхонанинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлил этилади.

Юқорида кўрсатилган молиявий таҳлиlining шаклларида ташқари яна амалиётда ички ва ташқи, молиявий ва бошқарувчанлик таҳлили шакллари қўлланилади.

Ички молиявий таҳлил корхоналарнинг ходимлари томонидан ўтказилиб, шу корхоналарнинг бошқарув тизимини келгусида такомиллаштириш ва молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида ўтказилади.

Ташқи молиявий таҳлил корхоналарнинг ходимлари томонидан эмас, бошқа органлар, ташкилотлар ходимлари томонидан ўтказилади. Бу таҳлил корхоналарнинг илтимоси бўйича ёки ташқи орган, ташкилот, корхона ходимлари томонидан назорат сифатида ўтказилиши мумкин.

Бозор муносабатларига ўтиш билан молиявий ва бошқарувлик таҳлилидан кенг фойдаланилмоқда ва бу таҳлил шакллари катта аҳамият касб этаяпти.

Молиявий таҳлил – бу корхоналарнинг очиқ тарздаги молиявий ҳисоботларининг маълумотларига асосланиб ўтказиладиган таҳлилдир.

Юқорида таъкидланганидек, молиявий таҳлилни корхоналарнинг ходимлари ўтказиши мумкин, лекин молиявий ҳисобот очиқ бўлганлиги учун бу таҳлилни бошқа ташқи органлар, корхоналар ва ташкилотлар – солиқ, молия, банк ва бошқалар томонидан ўтказилади ҳамда корхоналарнинг молиявий ҳолатига баҳо берилади.

Бошқарув таҳлил бевосита корхоналар томонидан ўтказилиб, у ҳам очиқ, ҳам ёпиқ ҳисобот ахборотларига асосланади ва бу таҳлил якунлари корхоналар раҳбарияти томонидан бошқарувликни такомиллаштириш учун фойдаланилади. Бу таҳлилда ёпиқ маълумотлардан фойдаланилганлиги учун бу таҳлилни асосан ташқи корхона ва органлар эмас, бевосита корхона ходимлари олиб борадилар, чунки бозор муносабатлари даврида ҳар бир корхона ўзининг ҳисоб сиёсатига эга. Шунингдек, унинг фаолиятида тижорат сирлари бўлиб, улар молиявий ҳисоб ва ҳисоботда эмас, бошқарма ҳисоб ва ҳисоботида ифодаланади.

Молиявий ва бошқарма таҳлил шакллари бир бирини инкор қилмайди, улар бир-бири билан боғлиқ, лекин бажарадиган вазифалари ва хусусиятлари ҳар хил.

Молиявий таҳлил қуйидаги хусусиятларга эга:

- молиявий таҳлиlining якунлари очиқ бўлиб, улардан ҳамма фойдаланиши мумкин;

- молиявий таҳлилнинг субъектлари ва бу таҳлилнинг якунларидан фойдаланувчи орган, корхона, ташкилотлар таркиби кенг;

- молиявий таҳлил ҳамма учун мосланган, нашр этилган ҳисобот маълумотларига асосланади;

- молиявий таҳлил корхоналар ички бошқарув муаммоларини ечиш учун ўтказилади;

- молиявий таҳлилнинг йўналиши молиявий ҳисобот маълумотлари билан чекланган бўлиб, унда чегараланган бир аниқ вазифалар ечилади. Бу молиявий мустаҳкамлик, баланс ликвидлиги, фойда, рентабеллик даражаси ва бошқалардир.

Ўз навбатида бошқарма таҳлил куйидаги хусусиятлар билан ифодаланади:

- корхона тижорат сирларини сақлаш мақсадида бошқарувлик таҳлиlining ёпиқлиги;

- бошқарма таҳлил ўтказилганда фойдаланадиган маълумотлар таркиби чегараланмайди. Бу таҳлилда очиқ молиявий ҳисобот маълумотларидан ташқари, бирламчи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари, махсус ташкил қилиб йиғилган маълумотларидан фойдаланилади;

- бошқарма таҳлилда таҳлил йўналишлари, фойдаланилаётган кўрсаткичлар, бажариладиган вазифалар чегараланмайди;

- бошқарма таҳлилнинг якунлари ички мақсадлар ҳамда молиявий ҳолатни яхшилаш учун фойдаланилади.

Кўриниб турибдики, корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш кенг миқёсда ва аниқ вазифаларни бажариш учун ўтказилади. Корхоналарни ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш учун анъанавий, қадимдан қўлланиб келинаётган усуллар билан бирга, кенг тарзда статистика усуллари, молиявий ҳолатни ифодаловчи маълумотларни йиғиш ва умумлаштириш, статистик кузатишларни ўтказиш, абсолют, нисбий, ўртача, динамик кўрсаткичлардан фойдаланиш, динамик қаторлардан, иқтисодий индекслар тизимидан, омиллараро корреляция алоқаларни аниқлаш, жадвал ва чизма тизимдан фойдаланиш лозим.

Умуман таҳлил қилиш усуллари, айниқса, молиявий ҳолатни таҳлил қилиш усуллари бозор муносабатларига ўтиш билан янада такомиллаштирилиши, корхоналараро таққослаш, рақобатчи ва илгор корхоналар билан таққослаш ҳамда корхоналарнинг истиқ-

бол молиявий ҳолатини таҳлил қилиш усуллари катта аҳамиятга эга бўлиб қолади.

Молиявий таҳлил кўп қиррали мураккаб иш бўлиб, у ўз ичига корхоналарда шаклланган молиявий ҳолатни, унинг алоҳида йўналиш бўйича молиявий ҳолатини аниқловчи шарт-шароит, омилларни, корхоналар молиявий ҳолатининг келгусида кўтариш имкониятларини, захираларини, йўналишларини таҳлил қилишни олади. Демак молиявий таҳлилни ҳар томонлама тайёрлаб, сўнг ўтказиш лозим. Шу сабабли молиявий таҳлилни тайёрлаш ва ўтказиш бир қанча босқичларни ўзига олиб, улар қуйдагилардан иборат:

- молиявий таҳлилни ўтказишнинг ишчи дастурини тузиш. Дастурда таҳлилнинг мақсади ва вазифалари аниқланади;

- таҳлилни ўтказувчиларнинг таркибини аниқлаш, яъни таҳлил қилувчиларнинг рўйхатини тузиш;

- таҳлил учун фойдаланиладиган иқтисодий маълумотларни тўплаш;

- молиявий таҳлилда фойдаланадиган кўрсаткичлар тизимини аниқлаш;

- молиявий таҳлил кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларини аниқлаш;

- таҳлилда фойдаланадиган кўрсаткичларни ҳисоблаш ва уларни умумлаштириш;

- таҳлил якунларини жадваллар ва чизмаларда шакллантириш;

- молиявий таҳлил натижасида хотима тайёрлаб, унда таҳлил якунлари бўйича хулосалар чиқариб, келгусида корхонанинг молиявий ҳолатини кўтаришга бағишланган тавсиялар ишлаб чиқиш;

- молиявий таҳлил якунларини махсус йиғилишда муҳокама қилиш;

- таҳлил якунлари бўйича муҳокама натижаларини эътиборга олиб, корхонанинг молиявий ҳолатини кўтариш мақсадида бошқарув тизимини такомиллаштиришга бағишланган тadbирлар ишлаб чиқиб, уларни корхона раҳбариятининг махсус қарорида чиқарилаш.

Ўтказилаётган молиявий таҳлилнинг даражаси ва мазмуни фойдаланилаётган маълумотлар базасига боғлиқ. Иқтисодий фанларнинг ривожланиши, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларининг такомиллаштирилиши билан маълумотлар базаси ҳам такомил-

лашиб боради. Демак, фойдаланиладиган маълумотлар молиявий таҳлилнинг манбалари бўлиб ҳисобланади. Бундай манбалар сифатида корхоналарнинг йиллик ва бошқа ҳисоботларини кўриш мумкин.

60-70-йилларда корхоналарнинг йиллик ҳисоботи қуйидаги ҳисобот шакллардан иборат эди:

1-шакл. Корхона асосий фаолияти бўйича баланс.

2-шакл. Балансга иловалар.

3-шакл. Низом фондининг ҳаракати.

5-шакл. Ишлаб чиқариш харажатлари.

6-шакл. Товар маҳсулоти таннархи.

6-шаклга илова, унда алоҳида маҳсулотларнинг рентабеллиги тўғрисида маълумотнома берилади.

7-шакл. Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш ва бошқарув харажатлари.

8-шакл. Маҳсулот сотиш бўйича режани бажариш ҳисоботи.

9-шакл. Меҳнат ресурслари бўйича режани бажариш ҳисоботи.

10-шакл. Молиялантириш ва махсус фондлар маблағлари ҳаракати.

11-шакл. Корхонанинг асосий маблағлари ва амортизация фондининг ҳаракати тўғрисида ҳисобот.

12-шакл. Маҳсулотни сотиш тўғрисида ҳисобот.

14-шакл. Хўжалик ҳисобидаги корхоналар бўйича бошқарув харажатлари тўғрисида ҳисобот.

15-шакл. Фойдани тақсимлаш тўғрисида.

20-шакл. Фойдалар ва зарарлар.

Кўриниб турибдики, бу даврда йиллик ҳисоботнинг таркиби бой бўлиб, молиявий ҳолатни ҳар томонлама таҳлил қилиш учун имконият берар эди. Лекин бу даврда молиявий таҳлилга кам эътибор берилган. Молиявий таҳлил пайтида фақатгина айланма маблағларнинг айланиши ҳамда фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари таҳлил қилинарди, холос.

Кейинги пайтда молиявий таҳлил манбалари чекланди ва 1997 йил 1 январгача молиявий таҳлил манбалари сифатида қуйидаги ҳисоботлар қабул қилинди:

1-шакл. Корхона баланси

2-шакл. Молиявий натижалар ва улардан фойдаланиш тўғрисида.

1-ф-шакл. Корхона молиявий ҳолатининг асосий кўрсаткичлари.

2-ф-шакл. Корхона харажатларининг таркиби ва уларнинг вужудга келиш манбалари.

5-шакл. Корхона балансига иловалар:

- фондларнинг ҳаракати;
- қарзга олинган маблағлар ҳаракати;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлар;
- номоддий активларнинг йил охиридаги қолдиқлари;
- асосий воситалар ва уларни ҳаракати;
- молиявий қўйилмалар;
- ижтимоий кўрсаткичлар;
- валюта маблағларининг ҳаракати.

Балансга иловалардан кўрииб турибдики, молиявий таҳлил учун зарур бўлган бир қанча аҳамиятли кўрсаткичлар берилган. Бу захира, жамғарма, истеъмол фондлар, ижтимоий соҳа фонди, бюджетдан махсус молиялаш фонди тўғрисида маълумотлар, узоқ ва қисқа муддатга олинган банк кредитлари, узоқ ва қисқа муддатли кредиторлик қарзлар, акциялар, облигациялар (заёмлар) ва бошқа қимматли қоғозлар тўғрисида, ижтимоий суғурта, аҳолининг бандлик даражаси, фондлар тўғрисида ва бошқа маълумотлар келтирилар эди.

Юқорида айтилгандек республикада ҳисоб ва ҳисоботни ташкил этиш халқаро андозаларга ўтказилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1997 йил 15 январда «Корхоналар ва ташкилотларнинг йиллик, чорак молиявий ҳисоботи шакллари ва ҳажмини тасдиқлаш тўғрисида» буйруқ қабул қилди. Бу буйруққа биноан Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 16 моддаси «Молиявий ҳисобот»га асосланиб, корхоналар молиявий ҳолатини таҳлил қилиш учун фойдаланадиган молиявий ҳисоботларнинг шакллари тасдиқланиб, фойдаланишга тақдим этилди. Бу ҳисоботлар куйидагилардан иборат:

А) Йиллик молиявий ҳисобот бўйича:

1-шакл — Бухгалтерия баланси

2-шакл — Молиявий фаолият тўғрисида ҳисобот.

2а-шакл — Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома.

3-шакл — Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот.

4-шакл — Пул маблағлар ҳаракати тўғрисида ҳисобот.

5-шакл — Корхонанинг хусусий капитали тўғрисида ҳисобот.

Б) Ярим йиллик молиявий ҳисобот бўйича:

1-шакл — Бухгалтерия баланси.

2-шакл — Молиявий фаолият тўғрисида ҳисобот.

2а-шакл — Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома.

4-шакл — Пул маблағлар тўғрисида ҳисобот.

В) Чорак молиявий ҳисобот бўйича:

1-шакл — Бухгалтерия баланси

2-шакл — Молиявий фаолият тўғрисида ҳисобот.

2а-шакл — Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома.

Тасдиқлаган молиявий ҳисоботларда уларда келтириладиган маълумотлар таркиби, мазмуни ўзгартирилди ва молиявий таҳлилни чуқурлаштириш учун имкониятлар кенгайтирилди. Молиявий фаолият тўғрисидаги ҳисоботда сотилган маҳсулотлардан олинган умумий тушумдан ва корхона умумий фойдасидан ташқари сотилган маҳсулотлардан олинган соф тушум, корхона молиявий ҳолатининг ҳар хил шакллари, валюта бўйича курс фарқлари, фавқулотли фойда ва зарарлар, бюджетга тўловлар ва корхонанинг соф фойдаси тўғрисида маълумотлар келтирилган. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотномада республикадаги ва республикадан ташқаридаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлар, республикадаги ва республикадан ташқаридаги муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотлар мавжуд. «Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот»да корхонага тегишли манбалардан тушаётган пул маблағлар, сармояга сарф қилинаётган фойда, корхонанинг сармоявий ва молиявий фаолияти, валюта маблағлари ҳаракати тўғрисида кўрсаткичлар келтирилган. «Корхонанинг хусусий капитали тўғрисидаги ҳисобот»да корхонанинг хусусий капитали қолдиқлари, қимматли қоғозлар, акциядорлик капитали, асосий воситаларга қайтадан нарх қўйиш, акцияларга олинган дивидендлар, оддий ва имтиёзли акциялар чиқариш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган ва ҳоказо.

Кўриниб турибдики, янги тасдиқланган молиявий ҳисоботларда молиявий ҳолатни ҳар томонлама ифодалаш учун имкониятлар мавжуд этилган. Молиявий таҳлилни ўтказишда, албатта, юқорида кўрсатилган молиявий манбалар билан чегараланмаслик лозим. Зарурият бўлса, бошқа бухгалтерия ҳисоботи ва ҳисоби маълумотларидан фойдаланиш ҳам керак.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон бозор иқтисодиётига кириб бораётган экан, хорижий фирмалар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун мамлакат иқтисодиёти уларга очиқ бўлиши лозим. Бунинг шартларидан бири республикада бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботини ташкил қилишни халқаро андозаларга ўтказишдир. Бу борада республика мустақиллиги даврида кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Улар қуйидагилардан иборат:

1996 йил 30 август бозор муносабатларига мосланган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 мартда қабул қилинган қарорига биноан корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобининг счетлар режаси тасдиқланди ва фойдаланишга киритилди. Бу счетлар режасининг қайтадан кўриб чиқилган варианты эса 2001 йил 1 январдан амалиётга киритилди.

Янги счетлар режаси бухгалтерия ҳисобининг услуги республика бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаларига асосланган бўлиб, у бухгалтерия ҳисоби халқаро андозаларининг жаҳон тамойилларига мосланган.

Республикада бухгалтерия ҳисобининг миллий андозалари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Бу андозалар таркибидаги молиявий таҳлилга бевосита тааллуқли бўлган андозалар қуйидагилардир:

- 1-Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот.
- 2-Асосий фаолиятдан даромадлар.
- 3-Молиявий якунлар тўғрисида ҳисобот.
- 8-Бирлаштирилган молиявий ҳисоботлар ва шўъба хўжалик жамиятларининг инвестициялари ҳисоби.
- 9-Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот.
- 10-Давлат субсидияларини ҳисоби ва давлат ёрдамини ёритиш
- 12-Молиявий инвестициялар ҳисоби.
- 13-Ҳар бир акцияга тўғри келувчи фойданинг ҳисоб-китоби.
- 14-Қўшма фаолиятдаги қатнашув салмоғининг молиявий ҳисоботда ифодаланиши.
- 15-Бухгалтерия баланси.

Бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришга бағишланган бу тадбирлар молиявий таҳлилнинг маълумотлар базасини бойитади, бу маълумотлардан фойдаланишни, молиявий таҳлил ўтказишни енгиллаштиради.

Республикада молиявий ҳисоб ва ҳисобот бўйича бир қанча ишлар қилинган, лекин қилинган ишлар ҳали халқаро андозаларга жавоб бермайди. Бошқарма ҳисоби ва ҳисоботи бўйича эса ҳали ҳеч нарса қилингани йўқ десак ҳам бўлади. Қабул қилинган счетлар режаси, миллий счетлар тизимига мосланган эмас. Республикада қабул қилинган баланс-неттога такомиллаштирилган, баланс тузилишига ўтишимизга қарамасдан, балансимизнинг актив томонида кўрсатиладиган маълумотлар корхона мол-мулкларининг ҳақиқий ҳолатини ифодаламайди. Чунки балансда асосий ва айланма маблағлар сотиб олинган нархларда, яъни инфляция натижалари эътиборга олинмасдан, уларнинг қиймати индексация қилинмасдан кўрсатилади.

Ундан ташқари ишлаб чиқариш захиралари таркибида кўпдан туриб қолган, кераги бўлмаган хом ашё ва материаллар, консервация қилинган, тугалланмаган ишлаб чиқариш, истеъмолчи талабларига жавоб бермайдиган, корхона омборида тўпланиб қолган тайёр маҳсулотлар ва бошқа корхоналарнинг мол-мулкни ифодалашга тааллуқли бўлмаган нарсалар кўрсатилиши мумкин. Бу камчиликларни бартараф этиш келгусида баланс тизилмасини янада такомиллаштириш ҳамда молиявий таҳлилни самарали ўтказиш имкониятини беради.

1.3. Бухгалтерия баланси — молиявий таҳлилнинг асосий манбаи

«Баланс» сўзи his-икки марта ва lanx-торози паллалари сўзларидан келиб чиқиб, мазмунан баробарликни, тенг қийматликни ифодалайди. Баланс усули халқ хўжалигининг ҳар хил тармоқ ва соҳаларида кенг ва ҳар хил мақсадда фойдаланилади.

Бухгалтерия ҳисобида баланс икки мақсадда фойдаланилади:

- корхона маблағларини ва уларни қопловчи манбаларни ҳамда бухгалтерия счетларининг дебет ва кредитда ифодаланган кўрсаткичлари тенглигини кўрсатиш;
- бухгалтерия ҳисоботи шаклида корхона маблағларини аниқ бир вақтда пул сифатида кўрсатиш.

Баланс бухгалтерия ҳисоботини энг асосий шакли бўлиб, қолган бухгалтерия молиявий ҳисоботлар баланс кўрсаткичларини бойитади ва молиявий ҳолатнинг алоҳида йўналишларини ифодалайди.

Баланс бухгалтерия маълумотларига асосланади. Бухгалтерия маълумотлари дебетлик, кредитлик айланмаларда, актив ва пассив счетларда ўз ифодасини топади.

Дебетлик айланма — бу бухгалтерия счетларининг дебетида бошланғич қолдиқсиз ёзилган маълумотлар.

Кредитлик айланма — бу бухгалтерия счетларининг кредитига бошланғич қолдиқсиз ёзилган маълумотлар.

Актив счетлар — бу счетларда корхона хўжалик молиявий фаолиятининг ҳар хил йўналишлари кўрсатилади. Бу счетларнинг қолдиғи фақат дебетлик бўлиши мумкин. Чунки корхона фақат мавжуд маблағлардан фойдаланиши мумкин.

Пассив счетлар — бу счетларда корхона маблағларининг келиб чиқиш ва қопланиш манбалари кўрсатилади. Бу счетларнинг қолдиғи фақат кредитлик бўлиши, яъни корхона фақат тегишли манбалар билан қопланган маблағлардан фойдаланиши мумкин.

Амалиётда актив-пассив счетлар ҳам бўлиши мумкин. Бу счетларда корхонанинг ҳам маблағлари, ҳам уларни қопловчи манбалар кўрсатилади. Масалан: бу корхонанинг ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар билан ҳисоб-китоб счетларидир. Бу шахслар корхона билан алоқада бўлганларида ҳам дебиторлик ҳам кредиторлик вазифаларини бажариши мумкин.

Баланс тузишда фойдаланилаётган маълумотлар умумлаштирилган ва деталлаштирилган бўлиши ҳам мумкин. Бу маълумотлар бухгалтериянинг синтетик ва аналитик счетларида ўз ифодасини топади.

Синтетик счетларда корхона фаолиятининг умумий кўрсаткичлари ҳисобга олинади. Масалан, «Материаллар» синтетик сче-тида бутун моддий ресурслардан фойдаланиш натижалари кўрсатилади.

Аналитик счетларда синтетик счетларнинг маълумотлари деталлаштирилади. Масалан, «Материаллар» синтетик сче-тининг маълумотлари алоҳида материал турлари бўйича тузилган аналитик счетларда деталлаштирилади.

Синтетик ва аналитик счетлардан ташқари яна субсчетлар бўлиши мумкин. Улардан ҳам синтетик счетларнинг маълумотларини деталлаштириш учун фойдаланилади. Лекин субсче-тлар аналитик счетлардан фарқ қилади.

Субсчетлар расмий равишда счетлар режасида келтирилади, аналитик счетлар эса счетлар режасида келтирилмасдан корхо-

на томонидан ҳисобга киритилиб, уларда бухгалтериянинг бирламчи маълумотлари ҳисобга олинади.

Баланс ва бухгалтерия счетлари тўғрисида гап борар экан, шунинг эътиборга олиш керакки, баланс моддаларининг номлари бухгалтерия счетларининг номларига тўғри келмайди. Лекин бухгалтерия счетларидаги ўзгаришлар баланс моддаларининг ўзгаришида ўз аксини топади. Бухгалтерия счетларидаги ўзгаришлар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

Биринчи гуруҳ ўзгаришлар корхона маблағлари ва уларнинг манбаларини кўпайтиради, демак, баланс валютаси кўпаяди.

Иккинчи гуруҳ ўзгаришлар корхона маблағлари уларнинг манбаларини камайтиради, натижада баланс валютаси ҳам камаяди.

Учинчи гуруҳ ўзгаришлар баланс валютасини ўзгартирмасдан, баланс бир хил маблағ моддаларини камайтириб, бошқа моддаларини кўпайтириши мумкин. Масалан, корхона омборидан тайёр маҳсулот истеъмолчиларга жўнатилди ва корхона ҳисоб-китоб счетида наад пул олиниб кассага топширилди.

Пировардида тўртинчи ўзгаришлар ҳам баланс валютасини ўзгартирмайди, лекин корхона маблағларининг бир хил манбаларини камайтиради, бошқа манбаларининг қолдиқларини кўпайтиради. Масалан, банкдан кредит олиб, таъминловчилар билан сотиб олинган хом ашё бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

Маълумки, тузиладиган балансларнинг шакллари жуда кўп. Улар қуйидаги нуқтаи назардан тузилиши мумкин:

- тузиш вақти;
- манбалар;
- маълумотлар ҳажми;
- фаолиятни ифодалаш;
- мулк шакллари;
- объектни ифодалаш;
- тозаланганлик.

Тузиш вақти нуқтаи назардан баланс: кириш, жорий, тугатиш-тарқатиш, бўлиш, бирлаштириш баланслари бўлиши мумкин.

Кириш баланси корхонанинг пайдо бўлиб, фаолият бошлашида тузилади ҳамда корхона ўз фаолиятини қанча маблағлар билан ва қандай маблағлардан фойдаланиб бошлаётганини кўрсатади.

Жорий баланслар — корхоналар фаолиятининг бутун мобайнида тузилади, улар йиллик ва чорақли бўлиши мумкин.

Тугатиш баланси корхона тугатилиши муносабати билан тузилади, бўлиш ва бирлаштириш баланслари эса корхоналар бўлинаётганда, бирлаштирилаётганда тузилади.

Баланс тузиш манбалари нуқтаи назардан баланслар уч хил йўл билан тузилади:

- инвентар баланслар – илгари фаолият кечирган корхона асосида унинг мол-мулкани инвертизация қилиб, янги корхона барпо этишда, корхонанинг мулк ва ҳўжалик юритиш шакллари ўзгартирилганда тузилади;

- китоб баланслар – бухгалтерия китобларида акс этилган маълумотлар бўйича тузилади;


- бош баланслар – корхоналарнинг мол-мулкларини инвентаризация қилиш ва бухгалтерия китобларида акс эттирилган маълумотларга асосланиб тузилади.

Фойдаланилган маълумотларга нисбатан баланс ёлғиз ва йиғма бўлиши мумкин. Ёлғиз баланс алоҳида корхоналар учун тузилади, йиғма баланслар эса бир қанча корхоналар балансларини умумлаштириш асосида ҳамма корхоналар учун ягона баланс сифатида тузилади. Корхоналар фаолияти назарда тутилса баланслар корхонанинг асосий фаолияти бўйича ва ноасосий, яъни корхонанинг қўшимча фаолияти бўйича баланслар тузилиши мумкин. Асосий фаолият бу корхонанинг низомида кўрсатилган фаолият шаклидир.

Бозор муносабатлари даврида мулк ҳар хил шаклда бўлган корхоналар барпо этилади. Давлат корхоналари билан бирга хусусий, ширкат, акциядорлар, қўшма корхоналар фаолият олиб боради. Демак, мулк шакллари нуқтаи назардан ҳам баланслар тузилиши мумкин. Вақикатни акс этдириш нуқтаи назаридан эса баланслар мустақил ва бўлак баланслар бўлиши мумкин. Мустақил баланслар юридик шахс сифатида фаолият кечириётган корхоналар бўйича тузилади. Бўлак баланслар эса, бу корхоналар таркибидagi алоҳида бўлак корхоналарнинг ишлаб чиқариши бўйича тузилади.

Бухгалтерия балансида ўз ифодасини топган корхона маблағлари ҳар хил бўлиши мумкин. Ўз навбатида бу маблағларнинг манбалари ҳам ҳар хил бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Авваламбор, корхона маблағлари иммобилизация шаклида, яъни узоқ муддатли активлар шаклида ва ҳаракатчан айланма активлар шаклида бўлиши ҳамда улар ўз навбатида ҳар хил турларга бўлиниши мумкин. Булар қуйидаги кўринишга эга:




Узоқ муддатли активлар бир қанча ишлаб чиқариш цикларида фойдаланиладиган маблағлар бўлиб, улар, демак, дарҳол нақд пулга айланмайдиган маблағлардир.

Ҳаракатчан маблағлар, яъни айланма активлар эса бир ишлаб чиқариш циклида фойдаланади ва улар, демак, дарҳол нақд пулга айланиши мумкин.

Корхона маблағларининг манбалари корхонага тегишли манбалар ва қарз манбалари, яъни мажбуриятлар шаклида бўлиши мумкин. Улар ҳам ўз навбатида ҳар хил манба турларига бўлинади. Буларни қуйидаги 2-чизма тасвирида кўришимиз мумкин. Корхоналарнинг маблағларига бўлган эҳтиёжлари мулк ва хўжалик юритиш шаклларида қатъий назар, авваламбор, уларга тегишли манбалар ҳисобидан қопланиши лозим ва қолган қисми ташқаридан жалб этилган қарз-мажбуриятлар ҳисобидан қопланиши мумкин.

Кўриниб турибдики, қарз манбалари узоқ ва қисқа муддатли, банклардан олинган кредит шаклида ёки бошқа ташкилотлардан, корхоналардан олинган қарзлар ҳамда уларга кредиторлик қарзлари шаклида бўлиши мумкин.



Бухгалтерия назариясининг ривожланиши, иқтисодий таҳлил усулларини такомиллаштирилиши халқ хўжалигининг ривожланиш босқичларида ҳисоб ва таҳлил олдида янги вазифалар қўйилиши муносабати билан корхона бухгалтерия балансининг тузилиши такомиллашиб бормоқда.

С. К. Татурнинг¹ маълумотларига қараганда 30-йилларнинг охирида корхона балансининг тузилиши қуйидагича бўлган:

Актив

1. Асосий ва мавҳум умумий маблағлар.
2. Меъёрлаштирилган маблағлар (корхонага тегишли ва кредитлаштирилган).
3. Капитал таъмирлашдаги маблағлар.
4. Ҳисоб-китобдаги маблағлар ва бошқа активлар.

¹ С. К. Татур. Анализ хозяйственной деятельности промышленных предприятий. М., 1940 г.

Пассив

1. Корхонага тегишли маблағлар ва уларга тенглаштирилган маблағлар.

2. Қисқа муддатли банк кредитлари.

3. Капитал таъмирлаш учун харажат манбалари.

4. Бошқа пассивлар.

Баланс активининг биринчи бўлимида асосий воситалар, капитал қўйилмаларни молиялаштириш, мавҳум умумий маблағлар, корхонанинг ички ҳисоб-китоблари ва фондларга ажратмалар кўрсатиларди.

Активнинг иккинчи бўлимида материаллар, хом ашё, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотларнинг омбордаги қолдиғи ва таъминловчилар ифодаланар эди.

Учинчи бўлимда тугалланган ва тугалланмаган капитал таъмирлаш ҳамда пудратчилар билан ҳисоб-китоб кўрсатиларди.

Активнинг тўртинчи бўлимида эса, товарларнинг қиймати, пул маблағлари ва ҳисоб-китобдаги маблағлар ўз аксини топарди.

Баланс пассивининг биринчи бўлимида корхона фондларини молиялаштиришга кетган маблағлар, узоқ муддатта олинган кредитлар, кредиторлик қарзлари ва корхона фойдаси кўрсатилар эди.

Иккинчи бўлимида корхонанинг хом ашё материалларига, тугалланмаган ишлаб чиқаришга ва тайёр маҳсулотга бўлган эҳтиёжларини қоплаш учун олинган банк кредитлари кўрсатиларди.

Учинчи бўлимда капитал таъмирлашни молиялаштиришга кетган маблағлар, амортизация фонди, пудратчилар билан ҳисоб-китоблар капитал таъмирлашни бажариш учун олинган банк ссудалари кўрсатилган.

Пассивнинг тўртинчи бўлимида кредиторлар, махсус фондлар, захиралар ва мақсадли молиялаштиришга кетган маблағлар кўрсатилар эди.

Кўриниб турибдики, бу даврда тўрт бўлимли корхона баланси тузиларди. Кейинги пайтларда беш бўлимли баланс тузилган ва кўп йиллар фойдаланилган. Бу баланс қуйдаги шаклда бўлган:

Актив

1. Асосий воситалар ва айланмадан ташқари активлар.

2. Меъёрланган оборот маблағлар.

3. Пул маблағлар, ҳисоб-китоблар ва бошқа активлар.
4. Капитал қурилиши маблағлари ва харажатлар.
5. Асосий подани шакллантиришга кетган харажатлар.

Пассив

1. Корхонага тегишли маблағлар манбалари ва уларга тенглаштирилган маблағлар.

2. Меъёрланган айланма маблағлари учун олинган кредитлар.

3. Банклардан олинган ҳар хил кредитлар, ҳисоб-китоблар ва бошқа пассивлар.

4. Капитал қурилиш маблағларининг манбалари.

5. Асосий подани шакллантиришга кетган харажатларни молиялаштириш.

Шуни таъкидлаш керакки, янги баланс тизимида фақат бўлимларнинг сони, уларнинг номлари ўзгариши билан бирга баланс бўлимларининг мазмуни, таркиби ҳам ўзгарди.

Баланс активининг биринчи бўлимида асосий ва мавҳум умумий воситалардан ташқари, яна айланма маблағларини тармоқ миқёсида қайта тақсимлаш, корхона фойдаси, товар-моддий ресурсларини арзонлаштириш ва корхона зарарлари кўрсатилган.

Иккинчи бўлимда хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, сотиб олинган ярим фабрикатлар, ёқилғи, таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар, паст қийматли ва тез эскирадиган мол, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ва товарлар акс эттирилган.

Учинчи бўлимда пул маблағлари, фойдаланилган, узоқ муддатга олинган банк кредитлари, жўнатишган товарлар, дебиторлик қарзлар ишчи ва хизматчилар билан ҳисоб-китоблар ифодаланган.

Баланс пассивининг биринчи бўлимида корхонанинг низом фонди, асосий воситаларнинг эскириш суммаси, меъёрланган айланма маблағларини кўпайтириш мақсадида бюджетдан олинган маблағлар, шу мақсадда банклардан олинган ссудалар, давлат дотацияси, буюртмачилардан олинган аванслар кўрсатилади.

Иккинчи бўлимда эса корхона маблағларининг айланмаси учун олинган ссудалар, моддий ресурслар учун олинган ссудалар, тайёр маҳсулот ва товарлар ифодаланган.

Учинчи бўлимда ҳисоб-китоб ҳужжатлари устидан олинган ссудалар, шартномалар, айланма маблағларни вақтинча тўлдириб туриш учун олинган аванслар, таъминотчилар билан ҳисоб-китоблар учун олинган ссудалар, узоқ муддатга олинган кредитлар, кредиторлик қарзлар, махсус фондлар, амортизация фонди ва бошқа активлар кўрсатилган.

Беш бўлимли балансдан кейин уч бўлимли балансга ўтилди бу балансдан 1993 йилгача фойдаланилди. Бу баланс қуйидаги шаклда тузилган эди:

Актив

1. Асосий воситалар ва қўйилмалар.
2. Захиралар ва харажатлар.
3. Пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва бошқа активлар.

Пассив

1. Ўз маблағлари манбалари.
2. Кредитлар ва бошқа қарзга олинган маблағлар.
3. Ҳисоб-китоблар ва бошқа пассивлар.

Маълумки, 1993 йил 1 январдан илгариги тузиладиган баланс-брутто бўлиб, 1993 йилдан бошлаб баланс-неттога ўтилди. Бу баланс ҳам уч бўлимли бўлиб, қуйидаги шаклда тузилар эди:

Актив

1. Асосий воситалар ва бошқа айланмадан ташқари активлар.
2. Захиралар ва харажатлар.
3. Пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва бошқа активлар.

Пассив

1. Ўз маблағлари манбалари.
2. Узоқ муддатли пассивлар.
3. Ҳисоб-китоблар ва бошқа пассивлар.

Пировардида 1997 йил 1 январдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1997 йил 15 январда қабул қилинган буйруғига биноан яна баланснинг янги шакли қабул қилинди. Энди илгари тузилган уч бўлимли балансдан икки бўлимли балансга ўтилди. Бу баланс қуйидаги шаклда тузилади:

Актив

1. Узоқ муддатли активлар.
2. Айланма активлари.

Пассив

1. Ўзлик маблағларнинг манбалари.
2. Мажбуриятлар.

1993 йилгача, 1993 йилдан 1997 йилгача ва 1997 йилдан тузилган корхона балансларининг тузилиш шакллари, баланс бўлимларининг ҳам актив, ҳам пассив бўйича таркиби китобнинг охирида келтирилган иловаларда берилган.

Шундай қилиб, корхона баланснинг тузилиш шакли доимо такомиллаштирилган. Бу такомиллаштириш қуйидаги ўзгаришларни ўз ичига олади:

Биринчидан, баланснинг ҳам актив, ҳам пассиви бўйича бўлимлари сони ўзгариб, корхона маблағлари ва уларнинг манбалари концентрацияланиб борди.

Иккинчидан, баланс бўлимларининг номлари ўзгариб, янги номларда маблағлар ва уларнинг манбалари мазмуни тўлиқроқ акс эттирила бошланди.

Учинчидан, корхона балансларининг ўзгаришида алоҳида ишлаб чиқариш тармоқларининг маблағлари ва уларни қопловчи манбаларининг хусусиятлари эътиборга олинган.

Тўртинчидан, халқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтказилиши муносабати билан корхона баланси бозор иқтисодиётининг талабларига жавоб берадиган йўналишда такомиллаштирилмоқда.

Бешинчидан, молиявий таҳлил ўтказишни енгиллаштириш мақсадида баланс-бруттодан, баланс-неттога ўтилди.

Олтинчидан, республика жаҳон бозор иқтисодиётига кириб борар экан, мамлакат ҳисоб ва ҳисоботни ташкил қилиш халқаро андозаларга ўтказилишти.

Юқорида айтилганидек, корхона баланси икки шаклда бўлиши мумкин: баланс- брутто, баланс-нетто.

«Брутто» атамаси Италия тилининг brutto сўзидан олинган бўлиб, у дағал, тоза эмас дегани, netto атамасининг маъноси тоза демакдир. Собиқ СССРда ҳам баланс-брутто, баланс-нетто кенг фойдаланилган. Баланс-брутто 1938 йилгача бўлган, 1938-1952 йилларда баланс-неттога ўтилган, 1952-1992 йилларда баланс-бруттога қайтилган, 1993 йилдан бошлаб, юқорида айтилганидек, яна баланс-неттога ўтилди.

Баланс-брутто, баланс-неттода корхона маблағлари ҳар хил ифодаланади. Баланс- бруттода тартибга солувчи моддалари бўлиб, корхона маблағларини, уларнинг манбалари ҳақиқий ҳажмларини аниқлашда тўсқинлик қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, молиявий таҳлилни ўтказиш учун баланс-нетто маълумотларидан фойдаланиш лозим. Демак, агарда илгари тузилган баланс-брутто бўйича молиявий таҳлил ўтказиладиган бўлса, таҳлил бошланмасдан олдин баланс-бруттонини баланс-неттога айлантириш керак. Шу сабабли ўз вақтида бухгалтерия ҳисоби назарияси соҳасида кўзга кўринган иқтисодчи олимлардан С. Н. Шенков, В. П. Палий, И. В. Мачнев ва бошқалар амалиётда баланс-бруттодан баланс-неттога ўтишни тавсия этишган эди.

Маълумки, молиявий таҳлил ҳар хил давр учун ўтказилиши мумкин, бир йил, уч йил, беш йил ва ҳ.к. Алоҳида вазиятларда молиявий таҳлил янада узоқроқ давр — 10-15 йил учун ҳам ўтказишга тўғри келади. Демак, ҳозирги даврда кўзда тутсак, молиявий таҳлил пайтида 1993 йилдан олдин тузилган баланслар бўйича, яъни баланс-брутто бўйича ўтказишга тўғри келади. Шундай вазият бўлса, бу балансларни баланс-неттога ўтказишга мажбур бўламиз.

Баланс-бруттонини баланс-неттога айлантириш услуги иқтисодий адабиётимизда жуда кам ёритилганлиги сабабли, шу услубни ўз китобимизда ёритишни лозим топдик. Баланс-бруттонини баланс-неттога айлантириш учун қуйидаги ҳисоб-китобларни бажариш керак:

1. Илгари асосий воситалар балансида бирламчи қийматда кўрсатилар эди. Асосий воситалар ва номоддий активлар вақт ўтиши билан қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархига ўтказа боради. Чунки улар вақт ўтиши билан эскиради, якунида балансида кўрсатилаётган бирламчи қиймат асосий

воситалар ва номоддий активларга сарф қилинган корхона молиявий ресурсларининг аниқ ҳажмини акс эттира олмайди. Бу ҳаққоний ҳажмни аниқлаш учун асосий воситаларнинг ва номоддий активларнинг бирламчи қийматидан уларнинг эскириш суммасини олиб ташлаш лозим. Натижада уларнинг қолдиқ қиймати аниқланади, яъни:

Асосий воситаларнинг бирламчи қиймати (010)	—	Асосий воситаларнинг эскириш қиймати (410)
---	---	--

Бу ўзгаришга биноан корхона балансининг актив ва пассив томонлари ҳам ўзгартирилиши лозим. Яъни:

Актив бўйича

Асосий воситалар ва айланмадан ташқари активларнинг бирламчи қиймати (090)	—	Асосий воситаларнинг эскириш суммаси (410)
--	---	--

Пассив бўйича

Ўзлик маблағларининг манбалари	—	Асосий воситалар ва номоддий (520) активларнинг эскириш суммаси (410)
--------------------------------	---	---

2. Корхона ишлаб чиқариш захиралари таркибида кам қийматли ва тез эскирадиган буюмлар ҳисобга олинади. Улардан ҳам асосий воситалар сингари бир қанча ишлаб чиқариш цикларида фойдаланиш мумкин ва уларнинг эскириши муносабати билан эскириш суммаси аниқланади. Лекин улар ҳам эски балансда бирламчи қийматда кўрсатилар эди¹.

Кам қийматли ва тез эскирадиган буюмлар бўйича ҳам қолдиқ қиймат аниқланиши лозим, яъни:

Ишлаб чиқариш захираларининг бирламчи қиймати (100)	—	Кам қийматли ва тез эскирадган буюмларнинг эскириш суммаси (420)
---	---	--

Бу ўзгаришга биноан корхона балансининг актив ва пассив томонлари ҳам ўзгартилиши лозим, яъни:

¹ Ҳисоб-китоблар пайтида корхона балансини тасаввур қилиш мақсадида қавс ичида келтирилган рақамлар билан 1993 йилдан олдин тузилган баланс бўлими ёки бўлим моддаларининг код номерлари кўрсатилган.

Актив бўйича:

Захиралар ва харажатлар (170) — Кам қийматли ва тез эскирадган
буюмларнинг эскириш суммаси (420)

Пассив бўйича:

Ўзлик маблағларининг — Кам қийматли ва тез эскирадган
манбалари (520) буюмларнинг эскириш суммаси (420)

3. Корхоналар материал ва хом ашё билан бирга ташқаридан товарлар ҳам сотиб олиб, уларни қайта ишлаши мумкин. Бу сотиб олинган товарлар балансда чакана нархда, яъни савдо устамасини ҳисобга олиб кўрсатилади. Олинган товарлар дарҳол қайта ишланмайди, уларнинг қолдиғи омборда қолиши мумкин. Молиявий таҳлил пайтида уларнинг қолдиқ таннархи, яъни устама суммасини чиқариб ташлаш билан ҳисобга олиниши лозим, хусусан:

Товарлар (150) — Қайта ишланмаган товарлар бўйича
савдо устамаси (490)

Бу ўзгаришга кўра корхона балансининг актив ва пассив томонлари ҳам ўзгартирилиши лозим, яъни:

Актив бўйича:

Захиралар ва харажатлар (170) — Қайта ишланмаган товарлар бўйича савдо
устамаси (490)

Пассив бўйича:

Ўзлик маблағларнинг — Қайта ишланмаган товарлар
манбалари (520) бўйича савдо устамаси (490)

4. 1993 йилдан олдинги балансларда пассив томоннинг биринчи бўлими бўлмиш «Ўз маблағларнинг манбалари» таркибида бир хил манбалар такрорий ҳисобга олинган. Масалан, капитал қўйилмаларга ажратилган маблағлар банкка қарз сифатида, капитал қўйилмаларни молиялаштириш ва ҳоказо. Бу такрорий ҳисоб-китобларни бартараф этиш учун капитал қўйилмаларни молиялаштириш ва махсус фондлардан, фойдаланилган қарзлар суммасини олиб ташлаш, корхона ўз маблағлари манбаларининг ҳақиқий ҳажмини аниқлаши лозим, яъни:

Капитал қўйилмаларни
молиялаштириш, махсус фондлар
ва мақсадли молиялаштириш
(430+450)

Қарзга олинган маблағлардан
фойдаланиш (270)

Бу ўзгаришга биноан корхона балансининг актив ва пассив
томонлари ҳам ўзгартирилиши лозим, яъни:

Актив бўйича

Пул маблағлар ва ҳисоб-
китобдаги маблағлар (370)

– Қарзга олинган маблағлардан
фойдаланиш (270)

Пассив бўйича

Ўзлик маблағлари манбалари
(520)

– Қарзга олинган маблағлардан
фойдаланиш (270)

5. Молиявий таҳлилда баланс бўйича фойда билан бирга
корхонанинг соф фойдасини ҳам эътиборга олиш керак. Эски
балансда эса фақат ялпи фойда кўрсатилади эди. Демак,
пировардида баланс-бруттони баланс-неттога айлантириш учун
корхонанинг балансида кўрсатилган ялпи фойдасидан бюджетга
ўтказилган солиқ ва тўловларни, яъни фойдаланилган фойдани
олиб ташлаш лозим, жумладан:

Фойда (510)

–

Фойдаланилган фойда (050)

Бу ўзгаришга биноан корхона балансининг актив ва пассив
томонлари ҳам ўзгартирилиши лозим, яъни:

Актив бўйича

Асосий воситалар ва айланмадан
ташқари активлар (090)

– Фойдаланилган фойда (050)

Пассив бўйича

Ўзлик маблағлари манбалари (520) –

Фойдаланилган фойда (050)

Шундай қилиб баланс-бруттони баланс-неттога айлантириш
учун корхона балансида қуйдаги ўзгаришлар бўлади:

Актив бўйича

I. Бўлим: 090-(410+050)

II. Бўлим: 170-(420+490)

III. Бўлим: 370-270

Пассив бўйича

I. Бўлим: 520-(410+420+270+490+050)

Якунида баланс валютаси ҳам қўйидагича ўзгаради:

Актив бўйича: 370-(050+270+410+420+490)

Пассив бўйича: 800-(050+270+410+420+490)

Юқорида кўрилган ҳисоб-китоблар бажарилса, илгари тузилган баланс-брутто баланс-неттога айлантирилади ва шундан кейингина молиявий таҳлилни бошлаш мумкин. Баланс-бруттони баланс-неттога айлантирилиши зарурлигини ва баланснинг ўзгариш йўналишларини тушуниш учун фаолият кўрсатаётган бир корхонанинг амалиётидан олинган маълумотларга тўхталамиз.

1-жадвал

Корхона баланси (1992 йил, минг сўм)

№	Баланс бўлимлари	Баланс-брутто		Баланс-нетто	
		Йил бошига	Йил охирига	Йил бошига	Йил охирига
Актив					
1	Асосий воситалар ва айланмадан ташқари активлар (090)	486,6	10045,7	341,8	7256,8
2	Захиралар ва харажатлар (170)	97,5	2254,5	90,7	2506,5
3	Пул маблағлар, ҳисоб-китоблар ва бошқа активлар (370)	79,1	3071,4	79,1	3071,4
	Баланс 390	663,2	15671,6	511,6	12834,7
Пассив					
1	Ўзлик маблағлари манбалари (520)	548,1	11510,2	396,5	8673,3
2	Кредитлар ва бошқа қарзга олинган маблағлар (660)	-	1360,5	-	1360,5
3	Ҳисоб-китоблар ва бошқа пассивлар (780)	115,1	2800,9	115,1	2800,9
	Баланс 800	663,2	15671,6	511,6	12834,7

Кўриниб турибдики, баланс-неттони баланс-бруттодан анча фарқи бор. Асосий воситалар ва оборотдан ташқари активлар бўйича қолдиқ қиймати бирламчи қийматга нисбатан йил бошида 70,2 фоиз, йил охирида 72,2 фоизни ташкил этди. Захиралар ва харажатлар бўйича бу кўрсаткич 93 ва 98 фоизни ташкил этди.

Корхона маблағларининг манбаларида ҳам шундай ўзгаришлар мавжуд. Корхонанинг ўзига тегишли маблағларининг ҳажми 1992 йилнинг бошида 548,1 минг сўм эмас, 396,5 минг сўм бўлган, йил охирида эса 11510,2 минг сўм эмас, 8673,3 минг сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткичларни эътиборга олмасдан, молиявий таҳлилни ўтказиш мумкин эмас. Яъни хулоса чиқариш мумкинки, агарда молиявий таҳлил 1993 йилдан олдинги йиллар бўйича ўтказилса, у пайтда тузилган баланс-бруттолар баланс-неттога айлантирилиши керак¹

¹ 1992 йилнинг охирида йилнинг бошига нисбатан корхона маблағлари ва уларнинг манбаларини ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши, асосан, рўй берган инфляция ҳамда моддий ресурсларни қайта ҳисоблаш якунидир.

II БОБ. МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛ ТАЖРИБАСИДАН. КОРХОНА МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ УМУМИЙ БАҲОЛАШ

2.1. Хорижий мамлакатлар молиявий таҳлили тажрибасидан

• Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларига ўга бориб, кўп укладли бозор иқтисодиётини қурмоқда. Республика ташқи иқтисодий алоқалари ривожланаяпти, республикага хорижий мамлакатларнинг сармоялари жалб этилмоқда. Ўзбекистон жаҳон бозор иқтисодиётига кириб бормоқда.

Бу ҳолат хорижий мамлакатларда бозор муносабатларининг шаклланиши, бозор иқтисодиётини барпо этиш тажрибасини ва бозор иқтисодиёти самарадорлигини кўтариш йўлларини ўрганишни талаб этади. Шу жумладан, фирма ва корхоналар томонидан бошқарув тизими яхши ўрганилиши керак. Бу борада фирма ва корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга.

Хорижий мамлакатларнинг бу соҳадаги тажрибасини ўқиш, ўрганиш тўғрисида гап борар экан, республикада бу тажрибадан механик равишда фойдаланишга интилиш мавжуд. Шубҳа йўқки, хорижий мамлакатларда шаклланган молиявий таҳлил усуллари ҳар томонлама ўрганилиб, ундан кенг фойдаланилади. Лекин шу билан мамлакатимизда шаклланган усуллارни инкор қилмасдан, улардан ҳам кенг фойдаланиш лозим. Бунинг учун хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасини яхши ўрганишимиз ва билишимиз керак.

Маълумки, ўтган даврда — собиқ шўро пайтида корхоналарнинг хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолиятини, уларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш муаммолари марказлаштирилган шаклда, марказда чоп этиладиган дарсликларда, ўқув қўлланмаларда, йўриқномаларда, иттифоқ миқёсида чиқариладиган «Бухгалтерия ҳисоби», «СССР молиялари», «Статистика ахборотлари», «Пул ва кредит» журналларида ёритиларди ҳамда бу манбалар иттифоқдош республикаларга тарқатилар эди.

Собиқ иттифоқ республикалари мустақил давлатларга айлантилгандан кейин, ҳар бир давлат ўз юкини ўзи кўтара

бошлади, бозор муносабатларига ўтиш муаммоларини ҳам ўзлари еча бошлади. Бундан ташқари, илгари шаклланган иқтисодий, ижтимоий алоқалар бузилиб кетди ва республикалараро муносабатлар мураккаблашиб, марказда, Россия Федерациясида чоп этилаётган иқтисодий адабиёт, журналларни республикаларга тарқатилиши қийинлашиб қолди. Демак хорижий мамлакатларнинг молиявий таҳлил борасидаги тажрибаларини республикамизга етиб келиши муаммога айланди.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ аўмитаси ташаббускорлиги билан бошланган ишни олқишлаб, қўллаб-қувватлаш лозим. Қўмита ўзининг ҳафталик «Солиқ ва божхона хабарномалари» рўзномасида «Ёш ҳисобчи мактаби» ва «Бош ҳисобчи академияси» рукунларини ташкил этиб, хорижий мамлакатларнинг бозор муносабатлари даврида ҳисоб ва ҳисоботни ташкил қилиш, молиявий таҳлилни ўтказиш борасидаги тажрибалари ёритила бошланди. Шулар аатори республикада қилинаётган ишлар ҳам ёритиляпти.

Республика бозор муносабатларига ўтар экан, республикада корхоналарнинг молиявий фаолиятини таҳлил қилиш услуби бозор муносабатларига мосланиб барпо этилиши лозим. Бунинг учун албатта, хорижий мамлакатларнинг, айниқса, Россия Федерациясининг тажрибасини синчиклаб ўрганиб, ундан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шу мақсадда бизга етиб келган иқтисодий манбалардан фойдаланиб, молиявий таҳлил бўйича хорижий мамлакатларнинг тажрибаси, ундан фойдаланиш имкониятлари тўғрисида қисқа тўхталмоқчимиз.

1995 йил феврал ойида «Солиқ ва божхона хабарномалари» рўзномасида Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг доценти, иқтисод фанлари номзоди А.Х. Шоалимовнинг «Молиявий ҳолатнинг таҳлили» номли мақоласи чоп этилди. Бу мақолада муаллиф молиявий таҳлилнинг мақсади, субъект ва объектлари, маълумот манбалари тўғрисида ўз фикрларини берган.

Муаллиф ўз мақоласида хорижий мамлакатларнинг тажрибасига асосланиб молиявий таҳлилни асосий йўналишларини ёритган. Булар қуйидагилардан иборат:

- ички ва ташқи таҳлил;
- бошқарувлик таҳлили — умуман фирма фаолияти бўйича;
- тадқиқотлик таҳлили — меҳнат унумдорлиги ва моддий харажатлар таҳлили;

– функционал таҳлил – фирма бўлимчаларини таҳлил қилиш.
1995 йил «Солиқ ва божхона хабарномалари» рўзномасининг 22-сонида Тошкент Молия институтининг доценти, Ўзбекистон Республикаси ҳисобчилар ва аудиторлар Ассоциациясининг бошқарма аъзоси, иқтисод фанлари номзоди М. Тўлахўжаеванинг мақоласи чоп этилган. «Молиявий ҳисобот ва молиявий коэффицентларнинг таҳлили» номли мақолада «Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ислоҳоти» лойиҳаси материалларидан фойдаланиб, хорижий мамлакатларнинг молиявий таҳлил борасидаги тажрибаси ёритилган.

Мақолада баён этилганидек, молиявий таҳлил қуйидаги беш йўналишда ўтказилади:

– абсолют кўрсаткичларнинг таҳлили, яъни корхоналарнинг маблағлари ва уларнинг манбалари ҳажм кўрсаткичлари;

– горизонтал таҳлил – корхоналар ҳисоботида ифодаланган моддаларнинг бир давр давомида абсолют ва нисбий ўзгаришлари таҳлили;

– вертикал таҳлил – корхоналар маблағларини таркибий ўзгаришлари таҳлили;

– тренд таҳлили – корхоналарнинг молиявий ҳолатини ифодаловчи алоҳида кўрсаткичларнинг ўзгариш йўналишлари таҳлили;

– молиявий коэффицентларнинг таҳлили, бунда молиявий коэффицентлар сифатида ликвидлик, рентабеллик, ишчанлик, бозорга оид активлик, корхона капиталининг таркибий кўрсаткичларидан фойдаланилган. Юқорида ифодаланган таҳлил йўналишларида молиявий таҳлил жараёнининг мантиқийлиги кўрсатилмаган.

Молиявий коэффицентлар ўз навбатида икки гуруҳга бўлинади:

– тақсимланиш коэффицентлари;

– мувофиқлаштириш коэффицентлари.

Мақолада фойдаланилган кўрсаткичларнинг мазмунига қаралганда биринчи гуруҳ коэффицентлари тақсимланиш коэффицентлари эмас, таркибий коэффицентлар, иккинчи гуруҳ молиявий коэффицентларни мувофиқлаштириш коэффицентлари эмас, нисбат коэффицентлари, деб аталса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Чунки тақсимланиш коэффицентлари тўғрисида гап борар экан, корхона мол-мулки таркибида, асосий ва айланма

маблағларнинг салмоғлари, умумий айланма маблағларнинг таркибида моддий ва пул айланма маблағларни салмоқлари, корхона маблағларининг манбалари таркибида ўзлик маблағларнинг манбалари, мажбуриятларининг салмоқлари ва бошқа таркибий курсаткичлар таҳлил этилади. Мувофиқлаштириш коэффициентлари тўғрисида гап борар экан, бу ерда молиявий мустаҳкамлик, баланс ликвидлиги ва корхоналар рентабеллиги кўрсаткичлари таҳлил этилади. Демак, бу ерда корхоналар молиявий ҳолатининг ҳар хил шакллари, йўналишлари таҳлил қилинади. Лекин бу кўрсаткичлар нисбий кўрсаткичлар сифатида аниқланади.

Масалан, молиявий мустаҳкамлик коэффициенти — бу корхона моддий маблағлари билан уларни қопловчи манбалар ўртасидаги ўзаро нисбат, баланс ликвидлик коэффициенти — корхона айланма маблағлари билан корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятлари ўртасидаги нисбат ва ҳоказо.

Хорижий мамлакатларнинг тажрибасига асосан молиявий коэффициентлар молиявий таҳлилда кенг фойдаланилади. Бир хил мамлакатларда молиявий коэффициентлар 80 тагача бўлиши мумкин.

М.Тўлахўжаеванинг мақоласида молиявий коэффициентларнинг қуйидаги классификацияси тавсия этилган:

1. Ликвидлик коэффициентлари:

- жорий ликвидлик;
- муҳлатли ликвидлик;
- абсолют ликвидлик;
- пок айланма маблағлар.

2. Ишчан активлик коэффициентлар:

- активлар айланиши;
- дебиторлик қарзларнинг айланиши;
- кредиторлик қарзларнинг айланиши;
- моддий ишлаб чиқариш захираларининг айланиши;
- операция даврининг узунлиги.

3. Рентабеллик коэффициентлари:

- активлар рентабеллиги;
- реализация рентабеллиги;
- корхонага тегишли маблағлар рентабеллиги.

4. Капиталнинг таркибий коэффициентлари:

- молиявий боғлиқлик коэффициенти;
- мулк коэффициенти;

- кредиторни муҳофаза қилиш коэффиценти;
- битта акциянинг фойдалилик коэффиценти.

5. Бозорга оид активлик коэффицентлар:

- баҳо-фойда нисбати;
- акциянинг даромадлиги;
- акциянинг балансдаги қиймати;
- тўланган дивидендларнинг салмоғи.

Тавсия қилинаётган молиявий коэффицентлар таснифи (классификацияси) катта аҳамиятга эга, лекин:

Биринчидан, келтирилган молиявий коэффицентларда корхоналар молиявий ҳолатининг ҳамма йўналишлари ифодаланган эмас.

Иккинчидан, маълумки молиявий коэффицентлар ҳамма вақт нисбий кўрсаткичлар шаклида ифодаланади. Муаллиф эса молиявий коэффицентлар таркибига абсолюто кўрсаткичларни ҳам қўшиб юборган, масалан, «пок айланма маблағлар», «операция даврининг узунлиги» ва ҳоказо.

Келтирилган таснифда молиявий коэффицентларнинг кетма-кет ифодаланиши амалга оширилмаган. Масалан, корхоналар молиявий ҳолатини умумий таҳлилидан, бу ҳолатнинг алоҳида йўналишларини таҳлил қилиш, ёки аксинча.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодчилар уюшмасининг «Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш харажатларининг таркиби» номли ўқув материалларида юқорида келтирилган молиявий коэффицентлар таснифи тўлиқ қайтарилган.

1996 йили Тошкентда ўтказилган «Рақобатлилик таҳлили» мавзусидаги халқаро илмий семинарда молиявий коэффицентлар – «Молиявий коэффицентлар»га ва «Нисбий кўрсаткичлар»га бўлинган. Бу таснифга эътибор берсак, но нисбий молиявий кўрсаткичлар ҳам бўлиши мумкин деган хулосага келинади.

1996 йили Жаҳон банки, Ўзбекистон Республикаси Давлат мол-мулк қўмитаси ва Тошкент Давлат иқтисодиёт университети томонидан ўтказилган «Корхоналарни хусусийлаштириш ва қайта қуриш» мавзусидаги халқаро илмий семинарда ҳам корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш учун фойдаланилган кўрсаткичлар тизими муҳокама қилинди. Бу семинарда молиявий таҳлил учун қуйидаги кўрсаткичлар тизими тавсия этилди:

1. Фирмаларнинг раҳбарияти учун:

- ялпи фойда;

- соф фойда;
- операцион харажатлар;
- доимий, ўзгармас харажатларни қоплаш учун ажратилган маблағларни корхона фойдасидаги салмоғи;
- операцион рычаг.

2. Фирмаларнинг эгалари учун:

- корхонага тегишли капиталнинг фойда меъёри;
- оддий акциялар фойда меъёри;
- битта акцияга тўғри келадиган фойда;
- битта акцияга тушган нақд пуллар;
- битта акциянинг нархининг ўсиши;
- акционерларнинг умумий фойдаси.

3. Фирмаларнинг инвесторлари учун:

- қоплаш коэффициенти;
- «танқидий» баҳолаш коэффициенти;
- корхона мулкнинг тўсатдан сотиладиган қиймати.

Юқорида кўрилган молиявий таҳлил кўрсаткичлари узоқ хорижий мамлакатлар – АҚШ, Буюк Британия ва Германияга тааллуқлидир.

Собиқ иттифоқ тарқатилиши билан Россия Федерацияси ҳам биз учун хорижий мамлакатга айланиб қолди. Россия Федерацияси эса молиявий таҳлил бўйича бой тажрибага эга. В.В. Петров ва В.В. Кавалевларнинг 1993 йили чоп этилган «Балансни қандай ўқиш керак» номли монографиясида бухгалтерия ҳисоботи, бухгалтерия ҳисоботини таҳлил қилиш усули ёритилиб, молиявий таҳлил қуйидаги икки босқичда ўтказилиши тавсия этилган:

Биринчи босқичда молиявий таҳлил қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

1. Корхоналарнинг иқтисодий ва молиявий ҳолатининг дастлабки таҳлили, корхоналарнинг умумий молия-хўжалик фаолиятини баҳолаб, балансдаги «касал» моддаларни аниқлаш.

2. Корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш. Бунинг учун корхона баланси ҳам вертикал, ҳам горизонтал таҳлил қилиниб, корхона мол-мулкнинг ҳолати, корхона балансининг ликвидлиги, корхонанинг молиявий мустаҳкамлиги таҳлил этилади. Бу ва бундан кейинги кўрилган манбалар Россия Федерациясида рус тилида чоп этилган.

3. Корхоналарнинг молия-хўжалик якунларини таҳлил қилиш, баҳолаш. Бунинг учун корхоналарнинг бозорга оид ак-

тивлиги, рентабеллиги, бозор ва инвестиция активлиги таҳлил этилади.

Иккинчи босқичда молиявий таҳлил қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

1. Корхона мол-мулки таҳлили. Бунинг учун баланс валютаси, асосий воситаларнинг актив қисми салмоғи, асосий воситаларнинг эскириши, тикланиш ва сафдан чиқиш коэффициентлари таҳлил этилади.

2. Корхона балансининг ликвидлигини баҳолаш. Бунинг учун корхонага тегишли айланма маблағлар ҳажмини қоплаш коэффициенти, балансининг тез ва абсолют ликвидлиги, айланма маблағларнинг бутун корхона активларидаги салмоғи ҳамда жорий активларда ишлаб чиқариш захираларининг салмоғи таҳлил этилади.

3. Корхонанинг молиявий мустаҳкамлигини баҳолаш. Бунинг учун корхона капиталини жамлаш, молиявий эрксизлик коэффициенти, узоқ муддатга олинган қарзларнинг таркиби, корхонага тегишли ва қарзга олинган маблағлар ўртасидаги нисбат кўрсаткичлари таҳлил этилади.

4. Ишчанлик активлигини баҳолаш. Бунинг учун реализация тушуми, баланс бўйича фойда, меҳнат унумдорлиги, фондлар қайтими, ишлаб чиқариш захираларини, ҳисоб-китобдаги маблағларнинг айланиши, операция даврининг узунлиги, корхонага тегишли капитал ва асосий капитални иқтисодий ўсишининг мустаҳкамлик коэффициенти таҳлил этилади.

5. Корхона рентабеллигини баҳолаш. Бунинг учун соф фойда, маҳсулот рентабеллиги, асосий капитал, корхонага тегишли капитал рентабеллиги, корхона маблағларини қоплаш кўрсаткичларидан фойдаланилади.

6. Корхонанинг бозорга оид активлигини баҳолаш. Бунинг учун акцияга даромад, акциялар қиймати, акция рентабеллиги, дивиденд даромади, акциянинг котировка коэффициенти аниқланади.

Кўрииб турибдики, В.В. Петров ва В.В. Ковалев томонидан тавсия этилган кўрсаткичлар корхоналарнинг молиявий ҳолатини ҳар томонлама таҳлил этиш имкониятини беради, лекин шу билан бирга тавсия этилган кўрсаткичлар таркибида корхоналар молиявий ҳолатини баҳолашга, таҳлил қилишга бевосита тааллуқли бўлмаган кўрсаткичлар фойдаланилган.

Э.А. Маркарян ва Г.П. Герасименколарнинг «Молиявий таҳлил» китобида уч шаклдаги таҳлил кўрилган. Бу молиявий

якунларнинг таҳлили, молиявий ҳолатнинг таҳлили, ишчан активлик таҳлили. К. Холдервикнинг «Корхоналар молия-иқтисодий фаолиятини таҳлил қилиш» номли монографиясида молиявий таҳлилни қуйидаги босқичлар орқали ўтказишни тавсия қилган:

- молиявий ҳисобот;
- ишчан активлик;
- иқтисодий аспектлар;
- молиявий аспектлар;
- иқтисодий ва молиявий таҳлил қилиш андозаси;
- иқтисодий ва молиявий таҳлил.

Н.А. Русак, В.А. Русакларнинг «Молиявий таҳлил асослари» китобида молиявий таҳлил қуйидаги йўналишларда олиб борилган:

- корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили;
- фойдани шаклланиши таҳлили;
- фойдани тақсимлаш таҳлили;
- маҳсулотни реализация қилиш ва шартномаларнинг бажарилиш таҳлили;
- маҳсулот таннарни таҳлили.

В.Г. Артеменко ва М.В. Белландирларнинг «Молиявий таҳлил» китобида корхоналарнинг молиявий ҳолати қуйидаги босқичларда ўтказилган:

1. Корхоналарнинг молиявий фаолиятини умумий баҳолаш-бухгалтерия баланси валютасини таҳлили, балансни горизонтал ва вертикал таҳлили.

2. Молиявий мустаҳкамлик таҳлили — молиявий мустаҳкамликни абсолют кўрсаткичлари, молиявий мустаҳкамлик коэффициентлари.

3. Ликвидлик таҳлили — баланс ликвидлиги, ликвидлик кўрсаткичлари.

4. Айланма капитални таҳлили — айланма маблағларнинг айланиши, жорий активларнинг молиялаштириш манбалари, пул маблағлари ҳаракатининг таҳлили, дебиторлик қарзлар таҳлили, товар-моддий ресурсларнинг айланишини таҳлил қилиш.

5. Корхоналарнинг молиявий натижалари таҳлили — молиявий натижаларни шаклланиши, ялпи фойда таҳлили, фойдага таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш.

6. Рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили — рентабеллик кўрсаткичларини иқтисодий ифодалаш, рентабеллик кўрсаткичларига таъсир кўрсатувчи омилларнинг таҳлили.

7. Банкротлик имкониятини баҳолаш — банкротлик ҳолатининг пайдо бўлиш сабаблари, корхоналарнинг ўз қарзларини тўлашга қодир эмаслиги кўрсаткичларини ва банкрот бўлиш имкониятларининг истиқболини аниқлаш.

8. Тадбиркорлик хавфи таҳлили — хавф, таваккалчиликни таҳлил қилишнинг умумий тамойиллари, таваккалчиликни таҳлил қилиш усуллари, хавфни, таваккалчиликни камайтириш усуллари.

9. Инфляция ва уни молия тавсифига эга бўлган қарорларни қабул қилишга таъсири — инфляциянинг корхоналар молиявий ҳолатига таъсири, инфляция таъсирини бартараф қилиш усуллари, инфляция пайтида молиявий қарорларни қабул қилиш.

Россия Федерацияси корхоналарининг иқтисодий фаолиятини ҳам назарий, ҳам амалий нуқтаи назардан таҳлил қилиш муаммолари бўйича машҳур иқтисодчи олимлардан А.Д. Шеремет ва Е.В. Нечашевларнинг 1999 йилда chop этилган «Молиявий таҳлил усули» номли ўқув қўлланмасида корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили қуйидаги йўналишларда ўтказилади.

Ўқув қўлланманинг бошланиш қисмида молиявий таҳлилнинг мақсади, мазмуни, молиявий ва бошқарувлик таҳлил шакллари ўртасидаги алоқа, молиявий кўрсаткичларни шаклланиши, молиявий таҳлилнинг маълумотлар базаси ёритилган.

Бевосита молиявий таҳлилни қуйидаги йўналишларда ўтказиш тавсия этилган:

1. Молиявий якунлар таҳлили — фойда, рентабеллик таҳлили, маҳсулотлар таннари, корхона харажатлари таҳлили.

2. Корхона капитали рентабеллик кўрсаткичининг таҳлили — рентабеллик даражаси омилларининг таҳлили, асосий воситалардан, номоддий активлардан, айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари.

3. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили — корхона актив ва пассивлари таҳлили, молиявий мустаҳкамлик, баланс ликвидлиги таҳлили.

4. Корхоналарнинг хўжалик фаолиятини мажмуа равишда баҳолаш ва рейтинг баҳолаш муаммолари ёритилган.

А.Д. Шеремет ва Е.Р. Нечашевларнинг бу китобда молиявий таҳлил билан боғлиқ бўлган янги муаммолар кўрилган ва

муаллифлар бозор муносабатларининг талабларини тўлиқроқ эътиборга олишган. Лекин бу нашрда:

- молиявий таҳлил босқичлари мантиқий равишда кетма-кет ёритилмаган;

- молиявий ҳолат ва корхоналарнинг самарадорлик кўрсаткичлари аралаштириб юборилган;

- молиявий таҳлилнинг ҳамда молиявий ҳолатнинг асосий кўрсаткичларига камроқ эътибор берилган;

- фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари ўзаро боғланган равишда кўрилмаган.

Собиқ иттифоқ республикалараро иқтисодий, ижтимоий алоқаларни янгичасига ташкил қилиш, бозор муносабатларини шаклланиши даврида бизга етиб келган хорижий мамлакатларнинг тажрибасидан ўрганиб чиқиб, таҳлилни ўтказиш борасидаги иқтисодий адабиётларини ўрганиб чиқиб, уни умумлаштириб қуйидаги хулосаларга келдик:

- хорижий мамлакатларда бу борада бозор муносабатларининг талабларига жавоб бера бориб, кенг равишда илмий тадқиқот ишлари бажарилмоқда;

- шаклланаётган молиявий таҳлил усулларида корхоналарнинг бозор муносабатлари давридаги молиявий ҳолатини ҳар томонлама таҳлил қилиш учун керакли кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқарилмоқда;

- бизнинг республикаимиз шароитларига мослаб шаклланаётган молиявий таҳлил усулини батафсил ишлаб чиқишда хорижий мамлакатларнинг тажрибасидан, албатта, фойдаланиш имкониятлари мавжуд;

- лекин хорижий мамлакатларда фойдаланилаётган тажрибадан механик равишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки хорижий мамлакатлар тажрибасида хали охиргача ечилмаган муаммолар, камчиликлар бор;

- кўпчилик хорижий мамлакатларда бозор иқтисодиёти тўлиқ шаклланган, бизнинг республикаимизда эса бозор муносабатлари энди шаклланмоқда. Бу ҳолат молиявий таҳлил процессида эътиборга олиниши керак;

- ундан ташқари республикаимизда собиқ иттифоқ давридан тартиб, ҳозирги даврда ҳам корхоналарнинг молиявий фаолиятини таҳлил қилиш борасида бир қанча илмий-тадқиқот ишлари, олимларимизнинг қўлга киритган ютуқлари кам эмас. Уларни инкор қилиш ва воз кечиш, албатта, нотўғри бўлади.

Демак, келгусида молиявий таҳлил усулларини такомиллаштиришда ҳам ўзимизда мавжуд тажрибадан, ҳам хорижий мамлакатларнинг тажрибаларидан фойдаланиш лозим.

2.2. Мустақил Ўзбекистон республикасида молиявий таҳлил қилиш услубини ишлаб чиқиши

Корхоналарнинг умумий иқтисодий, ҳўжалик фаолиятини, жумладан, молиявий фаолиятини таҳлил қилиш муаммолари одатда икки йўналишда олиб борилади:

Биринчидан, илмий-тадқиқот ишлар олиб борилиб, мақолалар қўлланмалар, монографиялар чоп этилади.

Иккинчидан, молия вазирлиги ва корхоналарнинг молиявий фаолиятдан манфаатдор бўлган бошқа орган, ташкилотлар томонидан молиявий таҳлилнинг меъёрий асослари, услубий кўрсатмалари барпо этилади.

Бу одат ҳозирги пайтда ҳам республикада давом этаяпти. Илмий-тадқиқот ишлари бажарилаяпти, меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилаяпти. Бу ишлар бозор муносабатларига мосланган равишда республикада бошланган бўлсада, лекин бажарилган ишлардан молия таҳлил услубини ҳали батафсил шаклланган деб бўлмайди.

Тошкент Молия институти таҳлил кафедрасининг мудир иқтисод фанлари номзоди, доцент Акрамжон Ибраҳимовнинг ўзбек тилида чоп этилган «Молиявий таҳлил» номли рисоласида молиявий таҳлилни ўтказиш учун қуйидаги кўрсаткичлар таснифи тавсия этилган:

1. Корхонанинг молиявий фаолияти таҳлили:

- баланс таҳлили;
- мол-мулк таркиби таҳлили;
- корхона маблағларининг манбалари таҳлили;
- молиявий мустаҳкамлик таҳлили;
- қарзларни қайтиб бериш қадрининг таҳлили;
- корхона маблағлари ҳаракати таҳлили.

2. Корхона молиявий фаолияти якунлари таҳлили:

- балансдаги фойданинг таркибий ва динамик таҳлили;
- маҳсулот реализациясидан олинган фойда ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлили;
- корхонанинг бошқа даромадлари ва харажатлари таҳлили;
- корхонанинг ялпи ва соф фойдаси таҳлили;

- корхона рентабеллиги ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлили;

- корхона фойдасининг тақсимланиши таҳлили.

Кўриниб турибдики, юқорида келтирилган кўрсаткичлар таснифида корхоналар молиявий ҳолатининг ҳамма йўналишлари шакллари ифодаланган эмас. Масалан, баланс ликвидлиги ва ҳоказо.

1995 йили Молия вазирлиги томонидан ҳар ойда чоп этиладиган «Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари» тўпламида А.Н. Ли ва С.И. Шевченколarning «Корхоналар молиявий таҳлилининг асосий тамойиллари» номли мақоласида молиявий таҳлил учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилган:

1. Молиявий ҳолатни умумий баҳолаш

2. Молиявий барқарорликни (мустаҳкамликни) таҳлил этиш коэффициентлари, ликвидлик коэффициентлари, корхона капиталининг таркибий коэффициентлари, молиявий мустаҳкамликни баҳолаш критерияси.

3. Корхоналар фаолияти самарадорлигининг таҳлили-корхоналарнинг ҳақиқий самарадорлиги, рентабеллик коэффициентлари, бозорга оид активлик коэффициентлари, корхоналарнинг потенциал кўрсаткичлари, ишчанлик-активлик коэффициентлари ҳамда корхона харажатларига, фойдасига таъсир этувчи омиллар таҳлили.

Муаллифлар тавсияларида молиявий ҳолатнинг мустаҳкамлигини барқарорлик билан, молиявий мустаҳкамликни баланс ликвидлиги билан аралаштирган ва корхоналарнинг молиявий фаолиятини ҳамма шакллари эмас, бир қисм шакллари, йўналишлари ифодаланган.

Молиявий таҳлил муаммолари бўйича республикада кўзга кўринган иқтисод олимлардан, Самарқанд кооператив институти профессори, иқтисод фанлари доктори И.Т. Абдукаримовнинг ҳам рус, ҳам ўзбек тилида чоп этилган «Молиявий ҳисоботни қандай ўқиш ва таҳлил қилиш керак» номли монографиясида молиявий таҳлил қуйидаги икки босқичда амалга оширилади:

1. Молиявий ҳисобот, унинг тавсифи. Бу босқичда молиявий ҳисоботнинг моҳияти, мазмуни, таркиби кўрилади, бухгалтерия баланси молиявий таҳлилнинг асосий манбаи сифатида ифодаланади, бухгалтерия балансининг бошқа молиявий ҳисобот шакллари билан алоқаси ёритилган ва бухгалтерия балансини

ҳақиқийлигини ва балансни таҳлил қилишга тайёрлаш муаммолари ёритилган.

2. Молиявий ҳисоботга асосланиб, корхоналарнинг молиявий фаолиятини таҳлил қилиш ёритилган. Бу босқичда бозор муносабатлари даврида молиявий таҳлилнинг тутган ўрни, корхона баланснинг таркибини таҳлил қилиш, корхона маблағларининг ҳолати ва фойдаланиш даражаси таҳлили, корхона маблағларининг манбалари таҳлили, қарзларни қайтиб бериш қадри, молиявий мустаҳкамлик, дебиторлик, кредиторлик қарзларни таҳлил қилиш, шахмат балансини тузиш муаммолари, корхоналар фаолияти молиявий якунларини таҳлил қилиш масалалари кўрилган.

Муаллиф тавсияларида бозор муносабатлари талаблари кенгроқ эътиборга олинган ва молиявий таҳлил кетма-кет ўтказилиши ифодаланган.

Ўзбекистон Республикаси ёш иқтисодчи олимларидан иқтисод фанлари номзодлари М.К. Пардаев, Б.И. Исроиловлар 1999 йили «Молиявий таҳлил» номли услубий кўргазмалар ва тавсиялар албомини чоп этдилар. Бу қўланма уч қисмдан иборат.

Биринчи қисм, «Молиявий таҳлилнинг назарий асоси»да молиявий таҳлилнинг мазмуни, таркиби, шакллари ва мақсади кўрилган.

Иккинчи қисм, «Корхона молиявий ҳолатининг таҳлили»да корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш ва таҳлил қилиш, корхона маблағларининг алоҳида турлари таҳлили, корхоналарнинг ўзлик ва ташқаридан олинган маблағлар таҳлили, корхона барқарорлиги, ликвидлилигини, молиявий мустаҳкамлигини, банкротликни ва бозор фаолиятининг таҳлил қилиш кўрсаткичлари кўрилган.

Учинчи қисм, «Молиявий натижалар таҳлили»да молиявий якунлар таҳлили, корхонада фойда таҳлили, рентабелликни, савдо, акциядорлик жамиятларида фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари таҳлил этилган.

Қўланмада берилган таҳлил босқичлари бўйича молиявий таҳлилда фойдаланадиган кўрсаткичларнинг ва уларга таъсир кўрсатувчи омилларнинг таснифи, кўрсаткичларни аниқлаш усуллари, олинган натижаларни чизма жадвалларда ифодаланиши яққол кўрсатиб берилган.

Республикада молиявий таҳлил усулини шаклланишида керакли услубий-меъёрий материалларни тайёрлаш ҳам ўз

ўрнини топган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан керакли материаллар ишлаб чиқарилмоқда. Юқорида айтилганидек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўз буйруғи билан 1997 йил 15 январда янги молиявий ҳисобот тизимини тасдиқлади, 1998 йил 26 июлда қабул қилинган буйруғига биноан корхона балансига илова бўлмиш «Молия-иқтисодий ҳолати тўғрисида маълумотнома»ни (26-шакл) тўлғазиш буюртномаси тасдиқланди.

1997 йил 17 апрелда корхоналарни банкрот ва санация масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат комиссияси томонидан «Корхонанинг молиявий таҳлили бўйича услубий тавсиялар» қабул қилиниб, унда қуйидаги молиявий таҳлил шакллари ўтказилиши кўзда тутилган:

1. Молиявий ҳолатнинг таҳлили — баланс валютаси динамикасини, баланс пасивлари таркибини, асосий воситалар ва айланмадан ташқари активларни ва молиявий натижаларнинг таҳлили.

2. Молиявий мустаҳкамликнинг таҳлили — захира ва харажатларни шакллантириш манбалари билан таъминланганлиги, молиявий мустақиллик коэффициентлари, ўзлик ва қарзга олинган маблағларнинг ўртасидаги нисбат, захира ва харажатларни ўзлик манбалари билан таъминланганлиги, қарзларни қайтиб беришга қодирлик коэффициенти.

3. Корхоналарнинг иқтисодий ҳолати таҳлили — қарзларни қайтариб бериш қобилиятини тиклаш коэффициенти, фаолиятни маневрлаш коэффициенти, корхонанинг ишлаб чиқариш мол-мулкини реал қиймати коэффициенти.

4. Корхона рентабеллиги таҳлили — маҳсулотларни реализация қилишнинг реал коэффициенти, асосий воситаларнинг рентабеллик коэффициенти, перманент капиталининг рентабеллик коэффициенти, капиталнинг умумий айланишининг рентабеллик коэффициенти.

Бу услубий кўрсатмаларда корхоналар молиявий фаолиятининг шакллари, йўналишлари тўлиқ равишда ўз ифодасини топмаган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мол-мулк қўмитаси томонидан 1996 йили тасдиқланган «Корхона молиявий ҳолатининг таҳлилий услуби»да молиявий ҳолат қуйидаги йўналишларда таҳлил қилиниши тавсия этилган:

1. Молиявий ҳолатни умумий баҳолаш, баланс валютасининг динамикаси, корхона маблағлари ва уларнинг манбалари кўрсаткичлари.

2. Корхонанинг молиявий мустаҳкамлиги таҳлили — молиявий мустаҳкамликнинг абсолют, меъёрий, номеъёрий ва инқироз шаклдаги кўрсаткичлари, корхонанинг ўзлик ва қарзга олинган маблағлари ўртасидаги нисбат, ташқаридан олинган қарзларни узоқ муддатлик коэффиценти, ўзлик маблағларнинг маневрлик коэффиценти, асосий воситалар ва моддий айланма маблағлар қийматининг реаллик коэффиценти.

3. Корхона томонидан олинган қарзларни қайтариш қадри (ликвидлик) кўрсаткичлари — баланс ликвидлигининг абсолют, ўтиш ва умумий коэффицентлари, соф фойда коэффиценти.

Бу ерда ҳам тавсия этилган молиявий ҳолатни ифодаловчи кўрсаткичлар тўлиқ эмас.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мол-мулк қўмитаси қошида ташкил этилган корхоналарнинг иқтисодий ночорлик масалалари бўйича қўмитанинг 1997 йилда тасдиқланган «Қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг услубий тавсиялари»да қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилган:

1. Молиявий ҳолатнинг таҳлили — баланснинг актив ва пассив томонидаги маълумотлар таҳлили.

2. Молиявий мустаҳкамликнинг таҳлили — молиявий мустаҳкамликнинг абсолют, меъёрий, номеъёрий ва инқироз даражадаги кўрсаткичлари.

3. Молиявий коэффицентлар таҳлили — қарзларни қайтариш қадри, ўзлик ва қарзга олинган маблағлар ўртасидаги нисбат, молиявий мустақиллик коэффиценти, ўзлик айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффицентлари.

4. Молиявий якунлар таҳлили — маҳсулот ва корхона активлари рентабеллиги.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлар ва топшириш концептуал асослари тасдиқланди, республикада молиявий таҳлилга тааллуқли бўлган миллий андозалардан «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот», «Асосий хўжалик фаолиятидан даромадлар», «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» ва бошқа меъёрий материаллар қабул қилинди. 1999 йил 27 июлда Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги қошидаги корхоналарнинг иқтисодий ҳолатсизлиги масалалари бўйича Қўмита томонидан «Корхоналар-

нинг иқтисодий ноҳолатсизлигини аниқлаш критериялари тизими» тасдиқланди.

Юқорида кўрилган меъёрий услубий кўрсатмалар бозор муносабатларининг талабларига жавобан ишлаб чиқилди. Улар корхоналарни молиявий фаолиятини таҳлил қилиш услубларини шаклланишида, албатта, катта аҳамиятга эга. Лекин республика миқёсида бу ишларни мувофиқлаштирилмаганлиги сабабли молиявий таҳлил муаммоларини ишлаб чиқишда, тадқиқот ишларни олиб боришда ёчилмаган масалалар, ўзаро келишмовчиликлар ҳали кам эмас. Бу муаммоларни мувофиқлаштириш, аниқ назорат ўтказиш Республика Молия вазирлиги томонидан амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Чунки бу борада Молия вазирлиги томонидан бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вазирлик томонидан ҳар ойда «Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари» номи билан материаллар тўплами чоп этилаётир. 1995 йил бу тўпламга 3-илова сифатида «Молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг асосий шакллари ва кўрсаткичлари бўйича эсдалик» чиқарилди. Бу эсдаликда молиявий ҳисоб ва ҳисобот мазмуни билан бирга молиявий таҳлилда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилган:

1. *Ликвидлик коэффицентлари:*

- жорий ликвидлик;
- шошилинч ликвидлик;
- абсолют ликвидлик;
- соф айланма маблағлар.

2. *Ишчанлик-активлик коэффицентлари:*

- активларнинг айланиб туриши;
- дебиторлик қарзларнинг айланиб туриши;
- кредиторлик қарзларни айланиб туриши;
- моддий ишлаб чиқариш захираларини айланиб туриши;
- операцион цикли муддати.

3. *Рентабеллик коэффицентлари:*

- активлар рентабеллиги;
- реализация рентабеллиги;
- ўзлик капитали рентабеллиги;
- бир акциянинг фойдалилиги.

4. *Капиталнинг таркибий коэффицентлари:*

- молиявий номустақиллик коэффиценти;
- мулк коэффиценти;

– кредиторларни ҳимоялаш коэффиенти;

5. *Бозор-активлик коэффицентлари:*

– нарх-фойда нисбати;

– акциянинг даромадлилиги;

– акциянинг балансдаги нархи;

– тўланган дивидендларнинг салмоғи.

1996 йил «Ўзбекистон Республикаси молиявий Қонунлари» тўпламининг 5-илоvasида давлат тасарруфидан чиқарилган бошқа мулк шаклларига айлантирилган корхоналар инвестиция лойиҳалари ва кредит ресурсларни олиш учун бизнес-режалар тузиш тўғрисидаги тавсиялар чоп этилган. Бу тавсияларда корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш мақсадида куйидаги молиявий коэффицентлар тасдиқланган:

– жорий ликвидлик коэффиенти;

– молиявий номустақиллик коэффиенти;

– мулк мустақиллик коэффиенти;

– молиявий мустаҳкамлик коэффиенти;

– маневрлик коэффиенти;

– асосий фондларни тиклаш коэффиенти;

– активлар рентабеллиги;

– реализация рентабеллиги;

– ўзлик капитал рентабеллиги;

– маҳсулот рентабеллиги;

– моддий ишлаб чиқариш захираларини бириктириш коэффиенти;

– бир акция фойдалилиги;

– активларнинг айланиб туриш коэффиенти;

– дебиторлик қарзларни айланиб туриши;

– кредиторлик қарзларни айланиб туриши;

– ўзлик капитални айланиб туриши.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги материалларидан кўриниб турибдики, ишлаб чиқарилган тавсияларда бозор муносабатларининг талаблари эътиборга олинган. Демак, республикада корхоналарни молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг ҳам назарий, ҳам амалий-услубий муаммолари бўйича бирқанча илмий тадқиқот ва меъёрий материалларни тайёрлаш бўйича зарурий ишлар амалга ошириляпти. Лекин республикада шаклланаётган молия таҳлили услуби ҳали тўлиқ бозор муносабатларининг талабларига жавоб бермайди.

Юқорида таҳлил қилинган, умумлаштирилган, республикада мавжуд иқтисодий адабиёт ва ишлаб чиқилган меъёрий материаллар бизни қуйидаги хулосаларга олиб келди:

- корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш бўйича бажарилган ишларда ҳар хил йўналишлар тавсия этилган;

- молиявий таҳлилни ўтказиш учун орган ва ташкилотлар ҳар хил шаклда бўлган кўрсаткичларни тавсия этганлар;

- кўп қилинган тавсияларда корхоналар молиявий фаолиятини ифодаловчи молиявий кўрсаткичлар билан бирга молиявий ҳолатга алоқаси бўлмаган кўрсаткичлар ҳам фойдаланилган;

- тавсия этилган кўрсаткичлар тизимида, таҳлил этиш босқичларида ҳамма вақт ҳам асосланган бирин-кетинлик талаблари эътиборга олинмаган;

- корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили ва корхоналарнинг иқтисодий ноҳолатсиз ёки иқтисодий ҳолатнинг қониқарсизлиги алоҳида кўрилмаган, ёритилмаган.

Бу хулосалар шуни тасдиқлайдики, республикада молиявий таҳлил муаммолари ҳам назарий, ҳам амалий нуқтаи назардан яна тадқиқот этилиши мақсадга мувофиқдир.

Бизнинг фикримизча бу борада керакли ишларни давом эттиришда, бажаришда қуйидаги тамойилларга эътибор бериш лозим:

1. Молиявий таҳлилда ҳисоб ва ҳисобот тизимини бозор муносабатларига мослаб такомиллаштиришни, уларни халқаро андозаларга ўтказишни эътиборга олиш, чунки бу ишлар молиявий таҳлил ахборот манбаларини бойитади ва фойдаланилаётган кўрсаткичлар таркибини ўзгартиради.

2. Ўтказилаётган молиявий таҳлил республикада амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатга бўйсундирган, республикада ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шаклланишига ёрдам бериши керак.

3. Республикада бозор муносабатлари тобора шаклланиб борар экан, молиявий таҳлил усули ҳам тобора такомиллашиб бориши лозим.

4. Республикада бозор муносабатлари шаклланиб борар экан, корхоналараро рақобат муносабатлари ҳам ривожланиб боради. Демак молиявий таҳлилда таҳлил қилинаётган корхонанинг молиявий фаолияти бошқа корхоналар, айниқса, рақобатдаги корхоналар молиявий ҳолати билан ҳамма вақт таққосланиб турилиши лозим.

5. Албатта, молиявий таҳлилнинг мақсади корхоналарнинг молиявий фаолиятини яхшилашдан иборат экан, молиявий таҳлил ҳамма вақт, демак, керакли тавсия ва таклифлар билан якунланиши мақсадга мувофиқ.

6. Бозор муносабатлари шаклланиши даврида корхона ва умуман халқ хўжалигининг бошқарув тизими янгидан барпо этилиши лозим. Молиявий таҳлил корхоналарда бошқарув тизимини такомиллаштиришда асосий қуроллардан, омиллардан бирига айланиши керак.

Ўқув қўлланманинг келгуси бўлимларида хорижий мамлакатларнинг молиявий таҳлилин итказиш тажрибасидан фойдаланиб, республикада шаклланаётган молиявий таҳлил усулига асосланиб, бозор муносабатлари даврида молиявий таҳлил олдида қўйилган вазифаларни эътиборга олиб, корхоналар молиявий фаолиятини комплекс равишда таҳлил этиш усуллари қўрилган.

Шу мақсадда молиявий таҳлил қуйидаги босқичларда итказилиши тавсия этилган:

- корхоналарнинг молиявий фаолиятини умумий баҳолаш;
- корхоналарнинг молиявий мустақамлиги таҳлили;
- корхона балансининг ликвидлик таҳлили;
- айланма маблағларнинг айланиб туриши ва корхоналарнинг молиявий ҳолати;
- маҳсулотларнинг таннархи ва корхоналарнинг молиявий ҳолати;
- корхоналарнинг ишчанлик-активлик таҳлили;
- корхоналарнинг бозорга оид активлиги таҳлили;
- корхоналар фойдаси таҳлили;
- корхоналар рентабеллиги таҳлили;
- корхоналарнинг иқтисодий ноҳолатсизлиги таҳлили.

2.3. Корхоналарнинг молиявий ҳолатини умумий баҳолаш

Корхоналарнинг молиявий фаолияти комплекс жараён бўлиб, у кўрсаткичлар тизими ёрдамида ифодаланади. Корхоналарнинг молиявий фаолияти таҳлили — бу корхоналарнинг молиявий ресурслари борлигини, ҳолатини, жойлашганлигини ва улардан фойдаланиш даражасини ифодалашдир.

Юқорида кўрсатилганидек, корхоналарни молиявий фаолиятини таҳлил қилишнинг биринчи босқичи бўлиб молиявий

ҳолатни умумий баҳолаш ҳисобланади. Бу босқичда корхоналар фаолиятини ҳажми, умумий самарадорлиги, корхоналарнинг узоқ муддатли ва айланма активлари, корхоналарнинг мажбуриятлари таҳлил этилади. Бунинг учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. Корхоналар фаолиятининг умумий абсолют кўрсаткичлари.
2. Корхоналар фаолиятининг умумий нисбий кўрсаткичлари.
3. Корхоналар маблағларининг динамик ва таркибий кўрсаткичлари.
4. Корхоналар мажбуриятларининг динамик ва таркибий кўрсаткичлари.
5. Корхоналар захиралари ва харажатларининг динамик ва таркибий кўрсаткичлари.

Таҳлил қилинаётган корхоналар ҳар хил бўлиши мумкин жумладан:

- ҳажми бўйича — майда, ўрта ва йирик корхоналар, бу ҳолат молиявий таҳлилнинг йўналишлари ва чуқурлигига таъсир кўрсатади;

- ҳар хил технологияга эга бўлиб, турли тармоқларга тегишли бўлади. Бу ҳолат корхоналарни асосий ва айланма маблағлар билан таъминланишига тасир кўрсатади;

- корхоналар ўзининг маблағларга бўлган эҳтиёжини ўзлик ва мажбуриятлар ҳисобидан ҳар хил даражада қоплаши мумкин.

Булар ҳаммаси корхоналарнинг умумий, иқтисодий, молиявий фаолиятига, албатта, таъсир кўрсатади. Шу сабабли молиявий ҳолатни таҳлил қилишда умумий баҳолаш ўтказилади.

Ҳар бир таҳлилчи, аудитор корхоналарнинг молиявий фаолиятини таҳлил қилишдан олдин унинг умумий фаолиятини кўриб чиқади. Бунинг учун умумий абсолют кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Корхона фаолиятининг умумий абсолют кўрсаткичлари
(минг сўм)

		1997	1999	Динамика (фоиз)
1.	Корхонанинг мол-мулки қиймати	27868	30550	109,6
	Шу жумладан:			
	Асосий фондлар	15833	17687	111,7
	Айланма фондлар	12035	12863	106,9
2.	Ишлаб чиқариш фондлар	3819	4034	105,6
3.	Ялпи маҳсулот	678968	611071	90,0
4.	Сотилган маҳсулот	428441	400431	93,5
5.	Солиқ тўланмасдан олдинги фойда	10953	10405	95,0

Жадвал маълумотларини таҳлили қуйидаги хулосаларга олиб келади:

– таҳлил қилинаётган корхона республика корхоналарининг йирик жамоаларидан бири бўлиб, мамлакат иқтисодиётида катта аҳамиятга эга;

– бозор муносабатларининг оғирлигига қарамасдан корхонанинг моддий ва меҳнат ресурслари ўсиб бормоқда;

– лекин корхонада ишлаб чиқарилган, сотилган маҳсулотнинг ҳажми камайди, олинadиган фойда қисқарди, демак, корхонада умуман молиявий ҳолат оғирлашди;

– таҳлил қилинаётган корхона йирик корхоналардан экан, унинг молиявий ҳолати бошқа корхоналарнинг фаолиятига салбий тасир кўрсатиши мумкин ва шу сабабли бу корхонанинг молиявий ҳолати ҳар томонлама таҳлил этилиши лозим.

Молиявий таҳлилда умумий нисбий кўрсаткичлар корхоналар фаолиятининг молиявий ҳолатини умуман ифодалашга ёрдам беради. Умумий нисбий кўрсаткичлар сифатида қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади.

1. Корхоналар мол-мулки қийматининг ҳар бир сўмига нисбатан ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ва ялпи фойда, яъни солиқлар тўланмасдан олдинги фойда.

2. Корхоналар ишлаб чиқариш фондларининг, яъни асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондларининг ҳар бир сўмига нисбатан ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ва ялпи фойда.

Корхона мол-мулкининг асосий қисмини ишлаб чиқариш фондлари ташкил этади ва улардан фойдаланиш даражаси корхоналарнинг молиявий ҳолатига бевосита таъсир кўрсатади.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар корхоналар мол-мулки, ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди.

3-жадвал

Корхоналар фаолиятининг умумий нисбий кўрсаткичлари
(МИНГ СЎМ)

		1997	1999	Динамика (фоиз)
1.	Корхона мол-мулкининг ўртача қиймати	27868	30550	109,6
2.	Ишлаб чиқариш фондларнинг ўртача қиймати	25867	28041	108,4
3.	Ялпи маҳсулот	678968	611071	90,0
4.	Ялпи фойда	10953	10405	95,0
5.	Мол-мулк қийматининг ҳар бир сўмига: ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот	24,3	20,0	82,3
	олинган ялпи фойда	39,0	34,0	87,2
6.	Ишлаб чиқариш фондларининг ҳар бир сўмига: ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот	26,2	21,8	83,2
	олинган ялпи фойда	42,0	37,0	88,1

1999 йили 1997 йилга нисбатан корхона фаолиятининг умумий самарадорлиги пасайган. Корхона мол-мулкининг ҳар бир сўмига нисбатан ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот 17,7 фоизга, олинган ялпи фойда 12,8 фоизга камайган. Шу даврда корхона ишлаб чиқариш фондларининг ҳар бир сўмига нисбатан ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот 16,8 фоизга, олинган ялпи фойда 11,9 фоизга камайган.

Демак, корхонада мол-мулкдан, ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлиги пасайган, лекин ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлиги пасайиши мол-мулкка нисбатан камроқ.

Корхоналар молиявий ҳолатини умумий баҳолашда уларнинг маблағлари динамикасини ва таркибий ўзгаришини таҳлил этиш катта аҳамиятга эга, чунки маблағларнинг динамик ва таркибий ўзгариши молиявий ҳолатни аниқловчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Корхоналар активларининг динамик ва таркибий ўзгариш кўрсаткичлари (минг сўм)

	1997				1999				Динамика, (фоиз) йил охирда
	сумма		таркиб		сумма		таркиб		
	йил бошида	йил охирида	йил бошида	йил охирида	йил бошида	йил охирида	йил бошида	йил охирида	
1. Узоқ муддатли активлар	13500	16800	54,6	56,1	15650	18315	59,1	57,5	109,0
2. Айланма активлар	11300	13150	45,6	43,9	108 5	13565	40,9	42,5	103,2
Баланс	24800	29950	100	100	26465	31880	100	100	106,4

Жадвалдан кўриниб турибдики, корхона маблағлари активларининг ҳам динамик, ҳам таркибий ўзгаришлари мавжуд. Узоқ муддатли активларнинг ҳажми 9 фоизга кўпайган ва узоқ муддатли активларнинг корхона мол-мулки таркибидаги салмоғи кўтарилган, айланма активлар фақат 3,2 фоизга кўпайган ва уларнинг салмоғи корхона мол-мулки таркибида пасайган.

Демак, корхонада ишлаб чиқариш моддий-техника базасини ривожлантиришга керакли эътибор ажратилаяпти. Бу келгусида корхонанинг молиявий фаолиятини яхшилашда катта аҳамиятга эга. Таҳлил даврида алоҳида айланма активларни динамик ва таркибий ўзгаришларини аниқлаш ҳам мақсадга мувофиқ, чунки моддий ва пул айланма активларнинг ўзгариши корхоналар молиявий ҳолатига ҳар хил таъсир кўрсатади.

Моддий айланма активлар ишлаб чиқариш учун шарт-шароит сифатида хизмат қилса, пул айланма активлари ,дебиторлик қарзлар ва нақд пуллар сифатида бўлиши мумкин. Дебитор қарзлар кўп бўлиши, ўсиб бориши, шунингдек, муддати ўтган дебиторлик қарзлар бўлиши керак эмас ва корхонанинг нақд пулларида самарали фойдаланиш лозим.

Маълумки, корхоналар ўзининг активларига, маблағларига бўлган эҳтиёжини ўзлик маблағлари манбалари, яъни шу корхонага тегишли манбалар ва корхона мажбуриятлари ҳисобидан, яъни ташқаридан жалб қилинган манбалар ҳисобидан қоплаши мумкин. Бу манбаларнинг динамик ва таркибий ўзгариши ҳам корхоналарнинг молиявий фаолиятига таъсир кўрсатади. Шу сабабли корхоналар молиявий ҳолатининг умумий баҳоланишида корхона активлари манбаларининг динамик ва таркибий ўзгаришлари таҳлил этилиши керак.

**Корхона маблағлари манбаларининг динамик ва таркибий
кўрсаткичлари (минг сўм)**

	1997				1999				Динамика, (фоиз) йил охирида
	сумма		таркиб		сумма		таркиб		
	Йил бошига	Йил охирига	Йил бошига	Йил охирига	Йил бошига	Йил охирига	Йил бошига	Йил охирига	
1. Ўзлик маблағларнинг манбалари	20500	23360	82,7	78,0	21172	26460	80,0	83,0	113,3
2. Мажбуриятлар	4300	6589	17,3	22,0	5293	5420	20,0	17,0	82,3
Баланс	24800	29950	100	100	26465	31880	100	100	106,4

Жадвалдан кўриниб турибдики, 1999 йили 1997 йилга нисбатан корхона манбаларининг умумий ҳажми 6,4 фоизга кўпайган. Шу даврда ўзлик маблағларнинг манбалари 13,3 фоизга кўпайган, корхона мажбуриятлари эса 17,7 фоизга камайган.

Ҳам назарий, ҳам амалий талабларга кўра корхонада фойдаланилаётган умумий манбалар таркибида ўзлик маблағларнинг устивор бўлиши, унинг ўсиб бориши корхона фаолиятида ижобий омил бўлиб ҳисобланади. Лекин бу манбалардан самарали фойдаланиш лозим.

Корхоналар активлари манбаларини таҳлил этар эканмиз, корхоналар мажбуриятларининг ҳар хил шаклларини ва уларнинг таркибини ўзгаришига ҳам алоҳида эътибор бериш керак. Чунки корхоналарнинг мажбуриятлари узоқ ва қисқа муддатли қарзлардан, банклардан олинган кредитлардан ва кредиторларга қарзлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳажми ва таркибий ўзгаришлари корхоналарнинг молиявий фаолиятига ҳар хил таъсир кўрсатади. Корхоналарнинг молиявий фаолиятини умумий баҳолаш провардида уларда фойдаланилаётган моддий айланма активлар – корхоналарнинг заҳиралари ва харажатлари таҳлил этилади.

Маълумки, корхона заҳиралари ва харажатларига қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқариш заҳиралари;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш;
- тайёр маҳсулот;
- олиб сотиладиган товарлар;
- келгуси давр сарфлари.

Заҳиралар ва харажатлар ёки моддий айланма активлар таркибига кирадиган айланма маблағлар турларининг ишлаб

чиқаришдаги тутган ўрни ҳар хил. Ишлаб чиқаришни давом эттириш учун ишлаб чиқариш заҳиралари ва туганланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари бўлиши лозим. Лекин уларнинг ҳажми ишлаб чиқариш талабларига мувофиқ оптимал бўлиши керак. Улар етишмаса ишлаб чиқариш тўхтаб қолади, ҳаддан ташқари кўп бўлса, айланма маблағларнинг айланиб туриши секинлашади, корхонанинг молиявий ҳолати ёмонлашади.

Ишлаб чиқилган тайёр маҳсулот омборларда йиғилиб қолмасдан ўз вақтида сотилиши, истеъмолчиларга юборилиши лозим. Олиб сотиладиган товарлар ҳам ўз вақтида сотилиб туриши даркор. Бу ҳолат корхоналарнинг заҳиралари ва харажатларини ёки моддий айланма активларининг динамик ва таркибий ўзгаришини таҳлил қилишни тақозо этади.

6-жадвал маълумотлари қуйидаги хулосаларга олиб келади:

- заҳира ва харажатлар таркибига кирувчи моддий айланма активларининг қолдиқлари таҳлил қилинаётган икки йил даврида турли хил йўналишда ўзгариб турди;

- ишлаб чиқариш заҳираларининг салмоғи 1997 йили икки марта камайди, 1999 йили кўнайди;

- демак, 1997 йили корхонада ишлаб чиқариш заҳираларининг қолдиғи йил бошида ҳаддан ташқари кўп бўлган;

- туганланмаган ишлаб чиқаришни қолдиғи ҳам ўзгариб турган, ҳам 1997 йили ҳам 1999 йили уларнинг салмоғи умумий заҳиралар ва харажатлар таркибида ошиб борган. Буни меъёрий ҳолат деб бўлмайди;

- юқорида айтилганидек, тайёр маҳсулотлар ўз вақтида сотилиб туриши керак. Кўриниб турибдики, тайёр маҳсулотларнинг заҳира ва харажатлар таркибидаги салмоғи 1999 йилнинг охирида қисқарган. Бу, албатта, молиявий ҳолатта ижобий таъсир кўрсатади. Лекин 1997-1999 йилларда тайёр маҳсулотларнинг ҳажми уч марта камайишга қарамасдан, корхона омборларида сотилмасдан турган тайёр маҳсулотларнинг ҳаддан ташқари кўплигини таъкидлаш лозим. Демак, ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларни сотишни тезлатиш корхона учун, албатта, муаммо бўлиб турибди.

Корхоналар молиявий фаолиятини умуман баҳолашни яқунлар эканмиз, шунга айтиш керакки, таҳлил қилинаётган корхоналарда молиявий ҳолат талабларга жавоб бермайди, молиявий ҳолат умуман ёмонлашяпти, унинг сабаблари келгуси молиявий таҳлилда ҳар томонлама кўрсатилиб берилиши керак.

Корхона захиралари ва харажатлари динамик ва таркибий крсаткичлари (МИНГ С.М)

	1997				1999				Динамика, (фонд) йил охирда
	сумма		таркиб		сумма		таркиб		
	Иш бошлган	Иш охирига	Иш бошлган	Иш охирига	Иш бошлган	Иш охирига	Иш бошлган	Иш охирига	
1. Ишлаб чиқариш захиралари	2720	3300	63,4	31,3	3709	3098	40,2	53,0	93,8
2. Тутанланмаган ишлаб чиқариш	736	2262	17,0	21,4	1459	1094	15,7	19,1	48,4
3. Тайёр махсулот	780	4415	18,2	41,9	3995	1481	43,2	25,8	33,5
4. Бошқалар	54	568	0,4	5,4	84	67	0,9	1,2	11,8
Жами:	4290	10545	100	100	9241	5740	100	100	54,4

III БОБ. КОРХОНАЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ МУСТАҲКАМЛИГИ ВА БАЛАНС ЛИКВИДЛИГИ ТАҲЛИЛИ

3.1. Корхоналарнинг молиявий мустаҳкамлигини таҳлили

Корхоналар молиявий ҳолатини умумий баҳолашдан кейингиси молиявий таҳлил босқичи бўлиб, корхоналарнинг молиявий мустаҳкамлиги таҳлили ҳисобланади. Молиявий мустаҳкамликни таҳлил қилишдан олдин молиявий мустаҳкамликнинг мазмуни тўғрисида келишиб олишимиз лозим.

Иқтисодий адабиётда молиявий мустаҳкамликка ва баланс ликвидлигига бир хил таъриф беришади ва аниқланаётган кўрсаткични ёки молиявий мустаҳкамлик ёки баланс ликвидлиги, яъни корхоналарнинг олинган қарзларни қайтариб бериш қобилиятига эгалик деб тушунилади. Молиявий мустаҳкамлик ва баланс ликвидлиги — бу ўз мазмунига эга бўлган икки хил молиявий кўрсаткичлар бўлиб, корхоналар молиявий фаолиятини ҳар хил нуқтаи назардан ифодалайди.

Молиявий мустаҳкамлик кўрсаткичи комплекс сифатидаги кўрсаткич бўлиб, у:

- корхоналарнинг мураккаб бозор муносабатлари даврида ишлаб чиқаришни сақлаиб қолиш имкониятини;
- корхона маблағларидан эркин равишда фойдаланиш имконияти борлигини;
- ишлаб чиқаришни тўхтатмасдан, маҳсулот сотиш имконияти борлигини;
- корхоналар фаолиятининг умумий мустаҳкамлигини;
- корхоналар фаолиятига тўғри бошқарувлик қилинаётганлигини;
- корхоналарда мавжуд молиявий ресурсларни бозор муносабатларининг талабларига жавоб беришлигини;
- корхоналарнинг захира ва харажатларга бўлган эҳтиёжларини қопловчи манбалар борлиги даражасини кўрсатади.

Демак, молиявий мустаҳкамлик корхоналар молиявий ресурсларининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш билан аниқланади. Молиявий мустаҳкамликка корхоналарнинг бутун хўжалик, ишлаб чиқариш фаолиятининг ҳамма йўналишлари

таъсир кўрсатади. Унга ҳам ички, ҳам ташқи омиллар, шарт-шароитлар таъсир этади.

Ички омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- корхонада ишлаб чиқаришнинг барқарорлиги;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;
- ишлаб чиқаришни бошқариш;
- корхона низом фондининг ҳажми;
- корхона харажат ва даромадларининг нисбати;
- ўзлик маблағларининг манбалари ва корхона мажбуриятларининг нисбати;
- корхона айланма маблағлари таркиби.

Корхоналар ўз фаолиятида бошқа корхона ва ташкилотлар билан иқтисодий алоқаларда бўлар экан, корхоналар молиявий мустаҳкамлигига ташқи омиллар ҳам таъсир этади, улар таркибида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- корхонанинг товарлар бозоридаги ҳолати;
- корхонанинг экспорт ва импорт алоқалари;
- корхонанинг бошқа корхоналар, таъминловчи ва истеъмолчи корхоналар билан алоқаларда ишга оид активлиги;
- банк органлари, дебитор ва кредиторлар билан алоқалар;
- республикада амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат, солиқ, нарх-наво ва молия, банк сиёсати, техника, технология сиёсати.

Шундай қилиб, молиявий мустаҳкамликка корхона ичидаги ва ундан ташқаридаги вазият, омиллар, шарт-шароитлар таъсир кўрсатар экан, лекин шу билан бирга молиявий мустаҳкамликнинг даражаси корхоналарнинг ҳозирги ва келгуси фаолиятига катта таъсир кўрсатади. Масалан, молиявий мустаҳкамликнинг даражасига биноан корхонада қуйидаги муаммолар ечилади:

- корхона ходимларига ўз вақтида иш ҳақи тўлаб туриш;
- таъминловчи ва истеъмолчи корхоналар билан иқтисодий алоқаларни керакли даражада олиб бориш;
- банклардан олинган кредитларни ўз вақтида қайтариб туриш;
- давлат бюджетига тегишли солиқ ва тўловларни ўз вақтида ўтказиб туриш;
- бошқа корхона ва ташкилотлардан олинган қарзларни ўз вақтида қайтариб туриш;
- корхона ходимларини моддий рағбатлантириб бориш;

– корхона жамоасининг ижтимоий ривожланишини таъминлаш;

– корхонани техникавий даражасини кўтариб туриш.

Демак, молиявий мустаҳкамлик бир қанча омиллар, шарт-шароитлар таъсирининг якуни бўлиб, у ўз навбатида корхона фаолиятининг кўп томонларига таъсирини кўрсатади. Молиявий мустаҳкамликни таҳлил қилишни бошламасдан олдин яна бир муаммони кўриб чиқишимиз керак.

Бу молиявий мустаҳкамликнинг мазмунини шундан иборатки, молиявий мустаҳкамликни ўлчаш, баҳолаш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизимини чегаралаб олиш лозим. В.Г. Артеменко, М.В. Беллендирларнинг¹ фикрича молиявий мустаҳкамлик корхона молиявий ресурсларини шаклланиш, тақсимланиш ва фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди.

Лекин маълумки, корхоналар молиявий ресурсларининг шаклланиш, тақсимланиш ва фойдаланиш самарадорлиги уларнинг умуман молиявий ҳолати бўлса, молиявий мустаҳкамлиги корхоналар фаолиятини фақат бир шаклини, йўналишини ифодалайди.

А.Д. Шеремет, Р.С. Сайфулинларнинг фикрича молиявий мустаҳкамлик ва тўлашга қодирлик бир мазмунга эга бўлиб, тўлашга қодирлик молиявий мустаҳкамликнинг ташқари кўринишини ифодалайди².

Худди шу фикрга А.Н. Ли ва С.И. Шевченколар ҳам эга. Улар ўз мақолаларида молиявий мустаҳкамлик коэффициентининг таҳлили тўғрисида тўхталиб, тўлашга қодирлик кўрсаткичини таҳлил этганлар³.

Вақиятда молиявий мустаҳкамлик ва тўлашга қодирлик ҳар хил мазмунга эга бўлиб, бу молиявий кўрсаткичлар турли усулда аниқланади. Ундан ташқари А.Н. Ли ва С.И. Шевченколар молиявий мустаҳкамликни молиявий барқарорлик деб қабул қилишган. Бу ҳам нотўғри. Молиявий барқарорлик бу – корхоналарнинг молиявий ҳолатини зарурий бир хил даражада туришини, пасаймаслигини ифодалайди.

¹ Артеменко В.Г., Беллендир М.В. Финансовый анализ. Москва, 1997 г. стр. 2.

² Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С. Методика финансового анализа. Москва, 1996 г. стр. 56.

³ Ли А.Н., Шевченко С.И. Основные принципы финансового анализа предприятия. Финансовое законодательство Республики Узбекистан, выпуск 1995 г. стр. 49.

Молиявий мустаҳкамлик тўғрисида гап борар экан, яна иккита нарсага эътибор бериш лозим. Бу молиявий мустаҳкамликнинг критерияси ва молиявий мустаҳкамликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими. А.Н. Ли ва С.И. Шевченколарнинг фикрича, молиявий мустаҳкамликнинг критерияси аниқланиши лозим ва бу критерия сифатида корхоналарнинг банкрот бўлиши эҳтимоллигининг паст даражаси тавсия этилади. Авваламбор молиявий мустаҳкамликнинг даражасига биноан корхоналарнинг банкрот бўлиш эҳтимоллиги аниқланмайди.

Бизнинг фикримизча, молиявий кўрсаткичларни, шу жумладан, молиявий мустаҳкамлик бўйича ҳам критериялар эмас, оптимал ёки меъёрий даражалари тасдиқланиши керак.

Иқтисодий адабиётда молиявий мустаҳкамлик даражасини ўлчаш учун ҳар хил кўрсаткич тизимлари тавсия этилади. А.Н. Ли ва С.И. Шевченколар молиявий мустаҳкамликни аниқлаш учун корхона капиталининг таркибий кўрсаткичлари, В.Г. Артеменко ва М.В. Беллендирлар эса молиявий мустаҳкамликни таҳлил этишда нисбий кўрсаткичлар билан бирга абсолют кўрсаткичлардан ҳам фойдаланишган.

Молиявий мустаҳкамлик, албатта, нисбий кўрсаткичлар, захиралар ва харажатлар ҳамда уларни қопловчи манбалар нисбати билан аниқланиши лозим. Захира ва харажатлар билан уларни қопловчи манбалар ўртасидаги фарқ — абсолют кўрсаткичлар молиявий мустаҳкамликни кўрсатмайди. Улардан фақат молиявий мустаҳкамликни аниқлаш учун ахборот базаси сифатида фойдаланилади. Шундай қилиб, иқтисодий адабиётда молиявий мустаҳкамликни таҳлил қилишда энг асосий муаммо, унинг иқтисодий мазмуни бўйича иқтисодчи олимлар ўртасида келишувчанлик ҳали йўқ. Молиявий мустаҳкамлик кўрсаткичларини ҳисоблаш услубияти бўйича ҳам иқтисодий адабиётда хатоликларга йўл қўйишган. Масалан А.Н. Ли ва С.И. Шевченколар томонидан молиявий мустаҳкамликнинг бир гуруҳ кўрсаткичлари қуйидагича аниқланади.

$$1. \text{Мулкий мустаҳкамлик (автономия) коэффициенти} = \frac{\text{Корхонанинг капитали}}{\text{Корхона активларининг ўртача қиймати}}$$

$$2. \text{Молиявий мустаҳкамлик коэффициенти} = \frac{\text{Корхона капитали} + \text{узоқ муддатли мажбуриятлар}}{\text{Корхона активларининг ўртача қиймати}}$$

$$3. \text{Банкротлик коэффициенти} = \frac{\text{Ички капитал}}{\text{Корхона активларининг ўртача қиймати}}$$

Маълумки, динамик кўрсаткичлар икки шаклда бўлиши мумкин. Бу лаҳзалик (моментлик) динамик кўрсаткичлар ва интерваллик динамик кўрсаткичлар.

Лаҳзалик динамик кўрсаткичлар — аниқ кунга келтирилган маълумотлар, яъни ҳар ой, ҳар чоракни биринчи кунига, йилни бошига, охирига келтирилган маълумотлар.

Интерваллик динамик кўрсаткичлар — ҳар бир даврга аниқланган ўртача миқдор маълумотлар, яъни ўртача бир ойга, бир чоракка, бир йилга.

Ҳодисаларни миқдорий ифодалаш қонуниятининг талабларидан бири шундан иборатки, лаҳзалик динамик кўрсаткичлар асосан лаҳзалик динамик кўрсаткичлари билан, интерваллик динамик кўрсаткичлар интерваллик кўрсаткичлари билан таққосланиши лозим. Кўришиб турибдики, юқорида келтирилган кўрсаткичларни аниқлаш услуби бу талабга жавоб бермайди.

Кўрсаткичларнинг махражида корхона активларининг ўртача қиймати келтирилган, яъни интерваллик динамик кўрсаткичлар. Бу кўрсаткичларнинг сувратида эса, ўзлик капиталнинг, узоқ муддатли мажбуриятларнинг, ишчи капиталнинг қолдиқ суммалари (даврнинг бошига ёки охирига), яъни лаҳзалик динамик кўрсаткичлари келтирилган. Демак, фойдаланилаётган кўрсаткичлар нотўғри ҳисобланган. Провардида, молиявий мустаҳкамлик таҳлилини бошламасдан аввал яна бир муаммони кўришга тўғри келади.

Бу — молиявий мустаҳкамликни таҳлил этишда фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизимидир. Бу борада ҳам муаллифларнинг тавсиялари турлича.

А. Н. Ли, С. И. Шевченколар қуйидаги кўрсаткичлар тизимини тавсия этганлар:

- жорий ликвидлик (қоплаш) коэффициенти;
- муҳлатли ликвидлик коэффициенти;
- абсолют ликвидлик коэффициенти;
- ҳаракатчан ликвидлик коэффициенти;
- ишчи капиталнинг фойдаланиш самарадорлиги;
- қарздорлик динамик омили;
- молиявий қарамлик коэффициенти;

- ўзлик-қарамлик коэффициенти;
- молиявий мустаҳкамлик коэффициенти;
- моневрганлик коэффициенти;
- банкротлик коэффициенти;
- асосий воситаларни янгилаш коэффициенти;
- қарзлар таъминланиш коэффициенти;
- кредиторларни мудофааланганлиги коэффициенти;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ўртасидаги нисбат
- айланма ва айланмадан ташқари маблағлар ўртасидаги

нисбат

Кўриниб турибдики, тавсия қилинган кўрсаткичлар тизимида молиявий мустаҳкамлик кенг равишда кўрилади, молия мустаҳкамлигига боғлиқ бўлмаган кўрсаткичлар ҳам тавсия этилади.

А.Д. Шеремет, Р.С. Сайфулин «Бозор мустаҳкамлигини баҳолаш» сарлавҳа остида молиявий мустаҳкамликни таҳлил қилиш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизимини тавсия этганлар:

- автономия коэффициенти;
- ўзлик маблағлари ва қарзга олинган маблағлар ўртасидаги нисбат коэффициенти;
- ҳаракатчан ва ноҳаракатчан маблағлар ўртасидаги нисбат коэффициенти;
- чаққон ҳаракат қилиш коэффициенти;
- ўзлик маблағлар билан таъминланиш коэффициенти;
- ишлаб чиқариш мол-мулкнинг коэффициенти;
- узоқ муддатга қарз олиш коэффициенти;
- қисқа муддатга олинган қарзлар коэффициенти;
- захиралар ва харажатларни шаклланиш манбаларини коэффициенти.

Бу муаллифлар ҳам молиявий мустаҳкамликни кенг равишда ифода этганлар. В.Г. Артеменко, М.В. Беллендир молиявий мустаҳкамликни таҳлил этиш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланишган:

- ўзлик маблағлар билан таъминланиш коэффициенти;
- моддий захираларни ўзлик маблағлар билан таъминланиш коэффициенти;
- ўзлик капиталнинг чаққон ҳаракат қилиш коэффициенти;
- доимий активлар индекси;
- узоқ муддатга қарз олиш коэффициенти;
- эскириш коэффициенти;

- капиталнинг реал қиймати коэффиценти;
- автономия коэффиценти;
- ўзлик ва қарзга олинган маблағлар ўртасидаги нисбат коэффиценти.

Бу тавсия қилинган кўрсаткичлар тизимида бевосита молиявий мустаҳкамликни ифодаловчи кўрсаткичлар кам бўлиб (битта-иккита), улар молиявий мустаҳкамлик даражасини таҳлил этиш имкониятини бермайди.

И.Т. Абдукаримов ўз монографиясида молиявий мустаҳкамликни таҳлил қилиш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланган:

- автономия коэффиценти;
- молиявий мустаҳкамлик коэффиценти;
- молиявий қарамлик коэффиценти;
- ўзлик капиталнинг чаққонлик коэффиценти;
- қарзга олинган маблағларни йириклашгириш коэффиценти;
- қарзга олинган ўзлик капиталлар ўртасидаги нисбат коэффиценти.

Фикримизча бу кўрсаткичлар тизими ҳам молиявий мустаҳкамликни ҳар томонлама таҳлил қилиш имкониятига эга эмас.

Юқорида келтирилган муаллифларнинг тавсияларини таҳлил қилиш бизни қуйидаги хулосаларга олиб келди:

Биринчидан, молиявий мустаҳкамликни мазмуни муаллифлар тамонидан ҳар хил ифодаланиляпти.

Иккинчидан, молиявий мустаҳкамлик молиявий ҳолатнинг бошқа йўналишлари, шакллари-молиявий барқарорлик, баланс ликвидлиги билан аралаштирилиб юборилмоқда.

Учинчидан, молиявий мустаҳкамликни таҳлил этиш учун ҳар хил тизимдаги кўрсаткичлар тавсия этилмоқда ва бу кўрсаткичлар таркибида молиявий мустаҳкамликка алоқаси бўлмаган кўрсаткичлар тавсия этилмоқда.

Тўртинчидан, тавсия этилган кўрсаткичлар муаллифлар тамонидан ҳар хил усулда аниқланади ва бу борада хатоликларга ҳам йўл қўйилмоқда.

Бешинчидан, қўрилган тавсияларда молиявий мустаҳкамлик кўрсаткичлари асосий ва кўшимча кўрсаткичларга бўлинмаяпти.

Маълумки, молиявий мустаҳкамлик корхоналарда фойдаланаётган ишлаб чиқариш захиралари ва харажатлари ёки мод-

дий айланма маблағлари билан уларни қопловчи манбалар ўртасидаги ўзаро нисбатни таърифлайди, баҳолайди.

Демак, молиявий мустаҳкамликнинг мазмуни захира ва харажатларни қопловчи манбалар ўртасидаги ўзаро нисбат ҳамда боғланиш билан боғлиқ ва молиявий мустаҳкамчиликни миқдорий таҳлил қилишга бағишланган, фойдаланаётган кўрсаткичлар ҳаммаси шу моддий айланма маблағлари ва уларни қопловчи манбалар ўртасидаги ўзаро нисбатни, ўзаро муносабатни, ўзаро боғланишни таърифлаш, баҳолаш лозим.

Молиявий мустаҳкамликни ҳар хил шакллари, ҳар томонлама таҳлил этиш учун икки гуруҳ кўрсаткичлардан фойдаланиш лозим, яъни:

1. Асосий кўрсаткичлар;
2. Қўшимча кўрсаткичлар.

Ўқув қўлланмани келгуси ёритишларида бутун аниқланадиган молиявий кўрсаткичлар асосан бухгалтерия баланси маълумотларига асосланади ва шу сабабли молиявий мустаҳкамликни бевосита таҳлилини бошлашдан олдин яна бир масалани ечиб олишимиз керак.

Юқорида таъкидлангандек, Ўзбекистон Республикасида 1997 йил 1 январдан корхона-бухгалтерия балансининг янги шаклига ўтилди. Уч бўлимли балансдан икки бўлимли балансга ўтдик ва балансининг бўлим, модда, мисра кодлари ҳам ўзгарди. Молиявий таҳлилда корхоналар молиявий ҳолати фақат 1997 йил ва ундан кейинги йилларда ўтказилмасдан, ундан олдин тузилган баланслар бўйича ҳам ўтказилиши лозим. Молиявий таҳлил асосан баланс маълумотларига қараб ўтказилар экан, 1997 йилдан олдинги ва 1997 йилдан кейин фойдаланаётган баланслар ўртасидаги алоқаларни, ўзгаришларни аниқлаб олишимиз керак.

Бунинг учун қуйидаги жадвал маълумотларини эътиборга олишимиз лозим.

Баланс бўлимлари

Баланс активи			Баланс пасиви		
Баланс бўлимлари	1993-1996 йй., сатр коди	1997 й. 1 январдан, сатр коди	Баланс бўлимлари	1993-1996 йй., сатр коди	1997 й. 1 январдан, сатр коди
1	080	110	1	480	390
2	180	} 300	2	520	} 540
3	330		3	770	
Баланс	360	310	Баланс	780	550

Кўриниб турибдики, уч бўлимли балансдан икки бўлимли балансга ўтдик, баланс бўлимларининг сатр кодлари ўзгарди. Баланс активининг биринчи бўлими 080 дан 110 га, иккинчи ва учинчи бўлимлари 180 ва 330 дан 300 га, баланс пасивининг биринчи бўлими 480 дан 390 гача, иккинчи ва учинчи бўлимлари 520 ва 770 дан 540 га ўзгартирилди ва баланс сатр коди актив томонда 360 дан 310 га ва пасив томонда 780 дан 550 га айлантирилди.

Уч бўлимли балансдан икки бўлимли балансга ўтиш муносабати билан молиявий таҳлилда аниқланадиган бир қанча кўрсаткичларни ҳисоб-китоби мураккаблашди. Илгари айланма активлар таркибига кирувчи захиралар ва харажатлар, яъни моддий айланма маблағлар (180), пул маблағлар ва ҳисоб-китобдаги маблағлар, хусусан пул айланма маблағлар (330), янги баланснинг актив томонида иккинчи бўлим сифатида, бир жойда 300 сатр коди билан, баланснинг пасив томонидаги мажбуриятлар таркибига кирувчи узоқ муддатли мажбуриятлар (520) ва қисқа муддатли мажбуриятлар (770) янги баланснинг пасив томонида иккинчи бўлим сифатида, бир жойда 540 сатр коди билан кўрсатилади.

Молиявий таҳлил пайғида моддий ва пул айланма маблағлари алоҳида, узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятлар алоҳида кўрсатилиши керак. Демак, уларни янги баланс маълумотларига қараб олдиндан ҳисоблаб билиш лозим. Бунинг учун эътиборга олишимиз керакки, эски балансдаги 180 сатр коди янги баланснинг 120, 130, 140, 150, 160 сатр кодларига баробар, 330 сатр коди янги баланснинг 170, 180, 190, 200, 210, 220, 230, 240, 250, 260, 270, 280, 290 сатр кодларининг суммасига баробар ва эски баланснинг пасивидаги 520 сатр коди янги баланснинг 400 ва 410 сатр кодларига баробар, 770 сатр коди янги

балансинг 420, 430, 440, 450, 460, 470, 480, 490, 500, 510, 520, 530 сатр кодларининг суммасига баробардир.

Демак, молиявий таҳлилни давом эттирарканмиз, унинг боскичларидан бири бўлган молиявий мустаҳкамлик таҳлилини икки вариантда ўтказишга, эски, 1997 йилдан олдинги йилларда тузилган баланс бўйича ва 1997 йилдан бошлаб тузилган, янги баланс бўйича олиб боришга тўғри келади. Бунда «эски» ва «янги» балансларга асосланилади.

Маълумки, Республикада 2002 йил 1 январдан янги баланс шаклига ўтиш мўлжалланилмоқда. Янги баланс шакли ва 2002 йил 1 январгача тузилган бухгалтерия баланси бўлимлари ва моддалари билан 2002 йилдан бошлаб тузиладиги бухгалтерия баланси бўлимлари ва моддалари ўртасидаги алоқа, ўзгаришлар ўқув қўлланманинг иловаларида келтирилган.

Энди бевосита молиявий мустаҳкамликни таҳлил қилиш, уни миқдорий ифодалаш тўғрисида сўз юритсак:

Асосий кўрсаткичлар.

Маълумки, молиявий мустаҳкамлик захира ва харажатлар, уларни қопловчи манбалар ўртасидаги нисбат билан аниқланади. Бу манбалар уч хил бўлиши мумкин.

1. Ўзлик манбалари.

Корхона моддий маблағларни қоплаш учун умумий ўзлик манбаларининг бир қисмидан фойдаланади. Қолган қисмидан узоқ муддатли активларни қоплаш учун фойдаланилади. Демак, корхона умумий ўзлик манбаларидан узоқ муддатли активларнинг қийматини айриб ташлаш лозим, яъни баланслар шакли бўйича:

- эски баланс шакли бўйича 480 — 080;
- янги баланс шакли бўйича 390 — 110.

Биринчи манбанинг симболи E^c.

2. Ўзлик манбалари ва корхонанинг узоқ муддатли мажбуриятлари. Демак, ўзлик манбаларига корхонанинг узоқ муддатли мажбуриятлари қўшилади, яъни баланс шакли бўйича:

- эски баланс шакли бўйича (480-080)+520;
- янги баланс шакли бўйича (390-110)+400+410.

Иккинчи манбанинг симболи Eⁱ.

3. Манбаларнинг ҳаммаси, яъни ўзлик манбалар ва корхонанинг узоқ-қисқа муддатли мажбуриятлари. Баланс шакли бўйича умумий манбаларнинг ҳажми қуйидагича аниқланади:

- эски баланс шакли бўйича (480-080)+520+770;

- янги балаһс шакли бўйича (390-110)+540;

Учинчи манбанинг символи E^z .

Юқорида кўрилган манбалар, яъни E^c , E^i , E^z билан захиралар ва харажатлар, моддий айланма маблағлар ўртасидаги нисбатта биноан молиявий мустаҳкамлик тўрт шаклда бўлиши мумкин:

1. Абсолют молиявий мустаҳкамлик;
2. Меъёрий молиявий мустаҳкамлик;
3. Номеъёрий молиявий мустаҳкамлик;
4. Инқирозга учраган молиявий ҳолат.

Абсолют молиявий мустаҳкамлик деб шундай вазият тушуниладики, корхонанинг моддий айланма маблағларга бўлган эҳтиёжи узлик маблағлар манбалари билан тўлиқ қопланади ва корхона яна узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятлардан фойдаланиш имкониятига эга. Демак, корхона ўз эҳтиёжини қоплаш билан бирга ортиқча манбаларга эга, ундан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бошқа эҳтиёжларга фойдаланиш мумкин. Хулоса: абсолют молиявий мустаҳкамлик молиявий мустаҳкамликнинг энг юқори даражаси ҳисобланади.

Меъёрий молиявий мустаҳкамлик шундай вазиятки, корхонанинг моддий айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини қоплаш учун ўзлик маблағлар манбалари етишмайди ва шу сабабли корхона узоқ-қисқа муддатли мажбуриятлардан фойдаланади. Демак, корхонанинг моддий айланма маблағларга бўлган эҳтиёжи манбалар билан қопланган, унинг қўп ортиқча маблағлари бўлмаслиги мумкин. Лекин корхона меъёрий равишда ўз фаолиятини давом этиши мумкин.

Номеъёрий молиявий мустаҳкамликда корхона оғир ахволга тушиб қолган ҳисобланади, корхонанинг моддий айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини ўзлик маблағлар манбалари ва узоқ муддатли мажбуриятлар қопламайди, қопланмаган қисми факат қисқа муддатга олинган мажбуриятлар ҳисобидан қопланади. Бу мажбуриятларни тез фурсатда қайтариш лозим. Агарда корхона ўз молиявий ҳолатини яхшилаш учун керакли тадбирларни амалга оширмаса, у молиявий инқирозга дучор бўлиш арафасида бўлади.

Инқирозга учраган молиявий ҳолатда корхонанинг захира ва харажатларга бўлган эҳтиёжи бутун мавжуд манбалардан фойдаланилса ҳам тўлиқ қопланмайди.

Юқорида кўрсатилган молиявий мустаҳкамликнинг шакллари ҳар хил молиявий вазиятларда бўлиши мумкин. Ҳар бир шакл уч вазиятга эга.

Энди шу вазиятларнинг шаклланишини кўриб чиқамиз. Бунинг учун вазиятлар мазмунини аниқлашни оддийлаштириш мақсадида корхоналар балансини 1997 йилдан олдин тузилган шаклидан фойдаланиб, шу балансни керакли бўлим, моддалари, сатр кодларидан фойдаланамиз ва фоизлар сифатида келтирамыз.

1. Абсолют молиявий мустаҳкамлик.

Бу молиявий мустаҳкамлик бўлиши учун корхонанинг моддий айланма маблағларига бўлган эҳтиёжи билан уни қопловчи манбалар ўртасидаги нисбат қуйидаги молиявий вазиятлар талабларига жавоб бериши лозим:

1. $(E^c : 180) \times 100 \geq 100\%$.

2. $(E^1 : 180) \times 100 \geq 100\%$.

3. $(E^2 : 180) \times 100 \geq 100\%$.

Келтирилган молиявий вазиятлар шуни кўрсатадики, корхоналар ўзининг моддий айланма маблағларга бўлган эҳтиёжларини ҳам ўзлик манбалар, ҳам корхона мажбуриятлари — узоқ ва қисқа муддатга олинган карзлар билан қоплаши мумкин.

Лекин юқорида ифодаланган учта манбалар билан корхонанинг моддий айланма маблағларига бўлган эҳтиёжи ўртасидаги нисбат ҳамма вазиятлар бўйича 100 фоизга баробар ёки ундан кўп бўлиши лозим. Демак, молиявий мустаҳкамлик абсолют даражада бўлиши учун корхона эҳтиёжи ўзлик манбалар билан тўлиқ қопланиши керак. Корхона шу вазиятда ҳам ташқи мажбурият манбаларидан фойдаланиши мумкин.

Кўриниб турибдики, корхона ўзининг моддий айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қоплаш билан ортиқча манбаларга эга бўлиб, ундан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бошқа мақсадларда фойдаланиши мумкин.

Абсолют молиявий мустаҳкамлик — молиявий мустаҳкамликни энг юкори даражаси бўлиб, бозор муносабатларига ўтилаётган мураккаб, оғир шарт-шароитларда ҳам мавжуд.

2. Меъёрий молиявий мустаҳкамлик.

Бу молиявий мустаҳкамлик бўлиши учун корхонанинг моддий айланма маблағларга бўлган эҳтиёжи билан уни қопловчи манбалар ўртасидаги нисбат қуйидаги молиявий вазиятлар талабларига жавоб бериши лозим:

1. $(E^c : 180) \cdot 100 < 100\%$.

2. $(E^1 : 180) \cdot 100 \geq 100\%$.

3. $(E^2 : 180) \cdot 100 \geq 100\%$.

Келтирилган молиявий вазиятлар шуни кўрсатадики, корхонада мавжуд ўзлик манбалар корхонанинг моддий айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини қопламайди ва бу эҳтиёжнинг қопланмаган қисми корхона мажбуриятлари — узоқ-қисқа муддатга олинган қарзлар ҳисобидан қопланади.

Маълумки, корхоналар қабул қилинган қонун — меъёрий материалларга биноан ўзларининг маблағларга бўлган эҳтиёжини бир қисмини узоқ ва қисқа муддатга олинган қарзлар ҳисобидан қоплаши мумкин.

Демак, агарда, корхоналар меъёрий молиявий мустаҳкамликка эга бўлса, у кўп қўшимча манбаларга эга бўлмаслиги мумкин. Лекин бу корхона, ўз фаолиятини бемалол давом этиш имкониятига мавжуд. Бу молиявий мустаҳкамлик шакли амалиётда абсолют молиявий мустаҳкамликка нисбатан кўпроқ учраб туради.

3. Номеъёрий молиявий мустаҳкамлик.

Корхоналарда бу шаклдаги молиявий мустаҳкамлик бўлиши учун корхонанинг моддий айланма маблағларига бўлган эҳтиёжи билан уни қопловчи манбалар ўртасидаги нисбат қўйидаги молиявий вазиятлар талабларига жавоб бериши лозим:

1. $(E^c : 180) \cdot 100 < 100\%$
2. $(E^i : 180) \cdot 100 < 100\%$
3. $(E^z : 180) \cdot 100 \geq 100\%$

Қўриниб турибдики, корхонанинг моддий айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини қоплаш учун корхонанинг ўзлик манбалари ҳамда узоқ муддатга олинган қарзлар етишмайди ва корхона ўз эҳтиёжини қисқа муддатга олинган қарзлар ҳисобидан қоплайди. Маълумки, қисқа муддатли қарзлар бир йил муддатча олинади, демак, улар якин фурсатда қайтарилиши лозим.

Номеъёрий молиявий мустаҳкамликка учраган корхоналарни реонимацияга тушиб қолган касаллар билан таққослаш мумкин. Бу корхоналарда молиявий ҳолатни яхшилаш учун керакли тадбирлар амалга оширилмаса, уларнинг фаолияти тўхтаб қолиши турган гап.

Ҳаёт шуни тасдиқлаётганики, мураккаб бозор муносабатлари даврида номеъёрий молиявий мустаҳкамликка эга бўлган корхоналар кўпроқ учраб турибди.

4. Инқирозга учраган молиявий ҳолат.

1. $(E^c : 180) \cdot 100 < 100\%$.
2. $(E^i : 180) \cdot 100 < 100\%$.
3. $(E^z : 180) \cdot 100 < 100\%$.

Инқирозга учраган молиявий ҳолат шуни кўрсатадики, на ўзлик манбалар, на узоқ ва қисқа муддатга олинган қарзлар корхонани моддий айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини қопламайди. Демак, корхона ўз фаолиятини мўътадил равишда давом этолмайди. Корхона ўз мажбуриятларидан қутилиш имкониятига эга эмас. Бу шароитда корхонага кредит берган банклар, корхонанинг таъминловчилари, кредиторлари унинг устидан хўжалик судига аризалар топшириб, корхонани банкрот деб эълон қилиш илтимосини ҳавола этиши мумкин.

Аризалар хўжалик суди органларида кўриб, натижалари икки хил шаклда баён қилиниши мумкин.

1. Инқирозга учраган молиявий ҳолатли корхона, агар ўзига маблағлар билан ёрдам берувчи корхона ва ташкилотларни, яъни ҳомийларни топса ёки керакли органларнинг қарорларига биноан бу корхонани ишлаб чиқариш, молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида ташқаридан бошқарувчи тайинланган тақдирда, хўжалик суди органлари бу корхонани саноатда бўлса 1,5, қишлоқ хўжалиқда бўлса, 2 йил муддатгача санацияга ўтказиши мумкин.

Бу муҳлат тамом бўлиши билан хўжалик суди органлари масалага яна қайтиб, корхонанинг молиявий ҳолати яхшилланган бўлса, уни рўйхатдан ўчиради, бироқ корхонанинг молиявий ҳолати яхшилланган бўлмаса, уни банкрот деб эълон қилади, мол-мулки аукционда сотилиб, корхона қарзлари эгаларига қайтариб берилади.

2. Инқирозга учраган молиявий ҳолатли корхона керакли ҳомийларни топа олмаса, унга ташқаридан бошқарувчи тайинланмаса, корхона хўжалик суди органларининг қарорига биноан банкрот деб эълон қилинади ва мол-мулки аукционда сотилади.

Республикада банкрот деб эълон қилинган корхона ва ташкилотлар кам эмас. 1999 йили бундай корхона ва ташкилотларни сони 969 ни ташкил этган. Шундай қилиб, молиявий мустаҳкамликни шаклланиши молиявий вазиятлари умуман қуйидагича бўлади:

1. Абсолют молиявий мустаҳкамлик:

1. $(E^c : 180) \cdot 100 \geq 100\%$.

2. $(E^1 : 180) \cdot 100 \geq 100\%$.

3. $(E^2 : 180) \cdot 100 \geq 100\%$.

2. Меъёрий молиявий мустаҳкамлик:

1. $(E^c : 180) \cdot 100 < 100\%$.

2. $(E^1 : 180) \cdot 100 \geq 100\%$.

$$3. (E^z : 180) \cdot 100 \geq 100\%.$$

3. *Номенёрий молиявий мустаҳкамлик:*

$$1. (E^c : 180) \cdot 100 < 100\%.$$

$$2. (E^l : 180) \cdot 100 < 100\%.$$

$$3. (E^z : 180) \cdot 100 \geq 100\%.$$

4. *Инқирозга учраган молиявий ҳолат:*

$$1. (E^c : 180) \cdot 100 < 100\%.$$

$$2. (E^l : 180) \cdot 100 < 100\%.$$

$$3. (E^z : 180) \cdot 100 < 100\%.$$

Юқорида кўрилган молиявий мустаҳкамликнинг шаклланиш молиявий вазиятлари бизнинг мамлакатда мавжуд иқтисодий адабиётда умуман қабул қилинган тавсияларга асосланган. Лекин корхонанинг захира ва харажатларга ёки моддий айланма маблағларга бўлган эҳтиёжи ва уларни қопловчи манбалар, яъни E^c , E^l , E^z ўртасидаги нисбат тўғрисида гап борар экан, қабул қилинган меёнрий ҳужжатларга биноан ва фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг амалиётига асосланиб, шу нарса аниқланганки, корхоналарнинг моддий маблағларга бўлган ихтиёжининг 50 фоизгача қисми корхонанинг ўзлик маблағлар манбалари билан, қолган қисми эса узоқ ва қисқа муддатга олинган қарзлар ҳисобидан қопланиши мумкин, яъни

$$(E^c : 180) > 50\%.$$

Бу ҳолатни эътиборга олсак, юқорида келтирилган молиявий мустаҳкамликнинг шаклланиш вазиятларини бироз оддийлаштириш имкониятлари пайдо бўлади. Молиявий мустаҳкамликнинг тўрт шакли қуйидагича бўлиши мумкин:

1. *Абсолют молиявий мустаҳкамлик.*

$$(E^c : 180) \cdot 100 > 100\%$$

Кўриниб турибдики, корхона ўзининг моддий айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини ўзининг ўзлик маблағлар манбалари билан 100 фоиз ва ундан ошиқ, яъни тўлиқ қоплайди. Демак, корхонада ташқари мажбуриятлардан, яъни узоқ ва қисқа муддатга олинган қарзлардан фойдаланиш зарурияти йўқ. Қолган яна икки молиявий вазиятларни ҳисоб-қитоб қилишни ҳожати йўқ. Корхонада абсолют молиявий мустаҳкамлик мавжуд.

1. *Меёнрий молиявий мустаҳкамлик:*

$$1. (E^c : 180) > 50\% \text{ лекин } < 100\%;$$

$$2. (E^l : 180) \cdot 100 \geq 100\%.$$

Демак, корхонанинг моддий маблағларга бўлган эҳтиёжини 50 фоиздан ошиғи, лекин 100 фоиздан кам қисми корхонанинг ўзлик маблағлар манбалари билан қопланаётги. Қолган қисми эса узоқ муддатли қарзлар ҳисобидан қопланади. Учинчи молиявий вазиятни ҳисоблашни ҳожати йўқ. Корхона бемалол ўз фаолиятини давом этиши мумкин.

3. *Номеърий молиявий мустаҳкамлик:*

1. $(E^c : 180) \cdot 100 > 50\%$.

2. $(E^c : 180) \cdot 100 > 50\%$, лекин $< 100\%$.

3. $(E^z : 180) \cdot 100 \geq 100\%$.

4. *Инқирозга учраган молиявий ҳолат:*

1. $(E^c : 180) \cdot 100 < 50\%$.

2. $(E^c : 180) \cdot 100 < 100\%$.

3. $(E^z : 180) \cdot 100 < 100\%$.

Бизнинг тавсияларимизда ҳисоб-китобни оддийлаштиришдан, қисқартиришдан ташқари молиявий мустаҳкамликни ҳар бир шаклида молиявий вазиятларни келиб чиқиш сабаблари — корхонанинг ҳар хил манбалардан фойдаланишга мажбур бўлишлиги кўрсатиб берилган.

Энди юқорида кўрилган молиявий мустаҳкамликнинг шакларини корхонамиз маълумотларига асосланиб аниқлаймиз.

8-жадвал

Молиявий мустаҳкамлик кўрсаткичлари (минг сўм)

	1996 йил		1998 йил	
	Йил бошида	Йил охирида	Йил бошида	Йил охирида
Маълумотлар базаси				
Актив				
1. Асосий воситалар ва айланмадан ташқари активлар (080)	223.0	252	285	350
2. Захиралар ва харажатлар (180)	428	527	500	550
3. Пул маблағлар ва ҳисоб-китобдаги маблағлар (330)	221	250	349	342
Пассив				
1. Ўзлик маблағларнинг манбалари (480)	353	459	500	600
2. Узоқ муддатли пассивлар (520)	-	27	24	50
3. Ҳисоб-китоблар ва бошқа пассивлар (770)	519	543	600	592
Захира ва харажатларни қопловчи манбалар:				

	1996 йил		1998 йил	
	Йил бошида	Йил охирида	Йил бошида	Йил охирида
1. Ўзлик маблағларнинг манбалари (480-680) → E ^c	130	207	225	250
2. Ўзлик маблағларнинг манбалари ва узоқ муддатли пассивлар (480-080) + 520 → E ^t	130	234	249	300
3. Умумий манбалар — ўзлик маблағларнинг манбалари, узоқ муддатли пассивлар, ҳисоб-китоб ва бошқа пассивлар (480-080) + 520 + 770 → E ^z	649	777	849	892
Молиявий мустаҳкамлик кўрсаткичлари (фоиз):				
1. Молиявий вазият (E ^c :180) · 100	30,3	39,3	45,0	46,0
2. Молиявий вазият (E ^t :180) · 100	30,3	44,4	50,0	54,5
3. Молиявий вазият (E ^z :180) · 100	151,6	147,7	170,0	162,2

Жадвалдан кўришиб турибдики, корхонада молиявий мустаҳкамлик паст даражада ўзлик маблағларнинг манбалари корхона эҳтиёжининг 50 фоизини ҳам қопламайди. Узоқ муддатли қарзлардан фойдаланса ҳам, бу эҳтиёж 100 фоиздан камга қопланган. Демак, бу эҳтиёжни 100 фоиздан кўпга қопланиши асосан қисқа муддатта олинган қарзлар ҳисобидан бўляпти. Корхонада номеъёрий молиявий мустаҳкамлик мавжуд. Агарда тез фурсатда корхона ўзининг молиявий ҳолатини яхшилаш учун керакли тадбирларни амалга оширмаса, молиявий инқирозга учраши мумкин.

Юқорида кўрилган молиявий мустаҳкамлик кўрсаткичи, унинг тўрт турдаги шакллари **асосий кўрсаткич бўлиб**, иқтисодий адабиётда молиявий мустаҳкамликни таҳлил этиш учун бир қанча бошқа кўрсаткичлар ҳам тавсия этилган. Фикримизча уларни **кўшимча кўрсаткичлар** сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

А.Д. Шеремет, Р.С. Сайфуллин¹ шундай кўрсаткичлар сифатида қуйидаги коэффициентларни тавсия этадилар:

- ўзлик манбалар коэффициенти;
- ўзлик ва мажбуриятлар нисбати;
- ҳаракатчан ва ҳаракатсиз маблағлар нисбати;
- чаққонлик коэффициенти;

¹ Шеремет А.Д., Сайфуллин Р.С. «Методика финансового анализа». М., 1996.

- ўзлик маблағларнинг манбалари билан таъминланганлик;
коэффициенти;
- ишлаб чиқаришга белгиланган мол-мулк коэффициенти;
- қарзларни узоқ муддатга олиш коэффициенти;
- қисқа муддатли қарзлар коэффициенти;
- захира ва харажатларни шаклланишида мустақил манбалар
коэффициенти;
- кредиторлик қарзлар коэффициенти.

В.В. Ковалёв¹ қуйидаги молиявий коэффициентларни тавсия этган:

- ўзлик капиталнинг жамланганлик коэффициенти;
- узоқ муддатли мажбуриятларнинг таркибий коэффициенти;
- ўзлик капиталнинг чаққонлик коэффициенти;
- қарзларни узоқ муддатга олиш коэффициенти.

В.Г. Артеменко, М.В. Беллендер² қуйидаги молиявий кўрсаткичлардан фойдаланганлар:

- ўзлик маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти;
- моддий захираларни ўзлик маблағлар билан таъминлан-
ганлик коэффициенти;
- ўзлик капиталнинг чаққонлик коэффициенти;
- доимий активларнинг динамикаси;
- мол-мулкнинг реал қиймати коэффициенти;
- эскириш коэффициенти;
- автоматик-мустақиллик коэффициенти;
- ўзлик ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициенти.

И.Т. Абдукаримов³ қуйидаги молиявий кўрсаткичларни тавсия қилади:

- автономлик коэффициенти;
- молиявий қарамлик коэффициенти;
- ўзлик капиталнинг чакконлик коэффициенти;
- қарзга олинган капиталнинг жамланганлик коэффициенти
мажбуриятлар ва ўзлик капиталлар нисбати.

Юқорида келтирилган тавсияларни таҳлил этиб қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

¹ Ковалёв В.В. «Финансовый анализ». М., 1997.

² Артёменко В.Г., Беллендер М.В., «Финансовый анализ». М., 1997.

³ Абдукаримов И.Т. «Как читать и анализировать финансовую отчётность». Ташкент, 1998.

Биринчидан, муаллифларнинг тавсияларида ҳар хил тизимдаги кўрсаткичлар тавсия этилиб, уларнинг таркибида фақат 2-3 та кўрсаткичлар қайтарилади.

Иккинчидан, тавсия этилган кўрсаткичлар таркибида молиявий мустаҳкамликка ҳеч қандай алоқаси бўлмаган кўрсаткичлар фойдаланилган (эскириш, кредиторлик ва ҳоказо).

Учинчидан, тавсия этилган кўрсаткичлар таркибида бир мазмунли, бир бирини кайтарадиган кўрсаткичлар ҳам мавжуд (ўзлик маблағларнинг автономлиги, ўзлик маблағлар ва мажбуриятлар нисбати, молиялаштириш, қарзга олиш коэффициентлари).

Тўртинчидан, тавсияларда шундай кўрсаткичлар борки, улар бўйича меъёрий даражаларни тасдиқлаб бўлмайди. Масалан, қарзга олиш коэффициенти, олинган қарзларнинг таркиби ва ҳоказо.

Бешинчидан, молиявий мустаҳкамликни таҳлил қилиш учун фойдаланадиган қўшимча кўрсаткичлар таркиби чегараланмаган. Қўшимча кўрсаткичлар молиявий мустаҳкамликка алоқадор бўлиб, уларнинг таркиби чегараланиши лозим. Улар молиявий мустаҳкамликни алоҳида томонларини ифодалаб, шулар бўйича меъёрий даражаларни аниқлаш имконияти бўлиши керак.

Бизнинг фикримизча, шундай кўрсаткичлар сифатида қуйидаги молиявий коэффициентлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- айланма маблағларни ўзлик манбалар билан таъминланганлик коэффициенти;
- мажбурият ва ўзлик манбаларнинг нисбат коэффициенти;
- молиявий қарамлик коэффициенти;
- ўзлик капиталнинг чаққонлик коэффициенти;
- молиялаштириш коэффициенти;
- капитални қарзга олиш коэффициенти.

Бу қўшимча молиявий мустаҳкамлик кўрсаткичларни аниқлаш услуби қуйидагича (1997 йилдан олдинги баланс шакли бўйича):

1. Айланма маблағларни ўз манбалари билан таъминланганлик коэффициенти:

Ўз маблағларнинг
манбалари (480)

Асосий воситалар ва айланмадан
ташқари активлар (080)

Ўз маблағларнинг
манбалари (480)

+

Пул маблағлар, ҳисоб-китоблар ва
бошқа активлар (330)

2. Мажбурият ва ўзлик активлар манбаларнинг нисбат
коэффициенти:

Узоқ муддатли
пассивлар (520)

+

Пул маблағлар, ҳисоб-китоблар
ва бошқа пассивлар (770)

Ўзлик маблағларнинг манбалари (480)

3. Молиявий қарамлик коэффициенти:

Баланс валютаси
(360)

Ўзлик маблағларнинг манбалари (480)

4. Ўзлик капиталнинг чаққонлик коэффициенти:

Ўз маблағларнинг
манбалари (480)

-

Асосий воситалар ва айланмадан
ташқари активлар (080)

Ўзлик маблағларнинг манбалари (480)

5. Молиялашгириш коэффициенти:

Ўзлик маблағларнинг манбалари (480)

Узоқ муддатли
пассивлар (520)

+

Пул маблағлар, ҳисоб-китоблар
ва бошқа пассивлар (770)

6. Капитални қарзга олиш коэффициенти:

Узоқ муддатли пассивлар (520) + Пул маблағлар, ҳисоб-китоблар
ва бошқа пассивлар (770)

Баланс валютаси (360)

Бу коэффициентлардан ҳар бири ўз мазмунига эга, молиявий мустаҳкамликни алоҳида томонларини ифодалайди ва улар амалиётда кенг фойдаланилади. Уларни молиявий мустаҳкамликни таҳлил қилишдаги аҳамиятини кўзда тутиб, иқтисодий адабиётда, молиявий таҳлилда фойдаланиш учун бу коэффициентларнинг меъёрий, оптимал даражалари шаклланган. Улар қуйидагилардан иборат:

- | | |
|--|-------------------------------------|
| 1. Айланма маблағларни ўз манбалари билан таъминланганлик коэффициенти | ≥ 1,0 ёки 100 фоиз, ёки ундан юқори |
| 2. Мажбурият ва ўз манбалар нисбат коэффициенти | ≥ 1,0 ёки 100 фоиз, ёки ундан юқори |
| 3. Молиявий қарамлик коэффициенти | ≥ 2,0 ёки 200 фоиз, ёки ундан юқори |
| 4. Ўзлик капиталнинг чаққонлик коэффициенти | ≥ 0,5 ёки 50 фоиз, ёки ундан юқори |
| 5. Молиялаштириш коэффициенти | ≥ 1,0 ёки 100 фоиз, ёки ундан юқори |
| 6. Капитални қарзга олиш коэффициенти | ≥ 0,5 ёки 50 фоиз, ёки ундан юқори |

Энди қўшимча молиявий мустаҳкамлик кўрсаткичларини корхонамиз мисолида аниқлаймиз.

9-жадвал

Қўшимча молиявий мустаҳкамлик кўрсаткичлари
(МИНГ СЎМ)

	1996 йил		1998 йил	
	Йил бошида	Йил охирида	Йил бошида	Йил охирида
Маълумот базаси				
1. Асосий воситалар ва айланмадан ташқари активлар (080)	223	252	275	350
2. Захиралар ва харажатлар (180)	428	527	500	550
3. Пул маблағлар, ҳисоб-китоблар ва бошқа активлар (330)	221	250	349	342
4. Ўзлик маблағларнинг манбалари (480)	353	459	500	600
5. Узоқ муддли пасивлар (520)	-	27	24	30
6. Ҳисоб-китоблар ва бошқа пасивлар (770)	519	543	600	592
7. Баланс валютаси (360)	872	1029	1124	1242
Кўрсаткичлар:				

	1996 йил		1998 йил	
	Йил бошида	Йил охирида	Йил бошида	Йил охирида
Маълумот базаси				
Айланма маблағларнинг ўз манбалари билан таъминланганлик коэффициенти $\frac{480 - 080}{180 + 330}$	20,0	26,6	26,5	28,0
2. Мажбурият ва ўзлик маблағлар нисбат коэффициенти $\frac{520 + 770}{480}$	145,0	124,2	124,8	107,0
3. Молиявий қарамлик коэффициенти $\frac{360}{480}$	247,0	224,2	224,8	207,0
4. Ўзлик капиталнинг чаққонлик коэффициенти $\frac{480 - 080}{480}$	36,8	45,1	45,0	41,7
5. Молиялаштириш коэффициенти $\frac{480}{520 + 770}$	68,0	80,5	83,3	93,5
6. Капитални қарзга олиш коэффициенти $\frac{520 + 770}{360}$	59,5	55,4	53,4	51,7

Кўриниб турибдики, айланма маблағларнинг ўз манбалари билан таъминланиши жуда паст даражада — 20-28 фоизни ташкил этапти, ваҳоланки меъёрий бўйича 100 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Қарзга олинган маблағлар билан ўз маблағларининг манбалари ўртасидаги нисбат эса тегишли талабларга жавоб берадиган даражада. Бу кўрсаткич меъёр бўйича 100 фоиздан кам бўлиши керак эмас, корхонада бу кўрсаткич 107-145 фоизни ташкил этган.

Молиявий қарамлик коэффициенти ҳам талабларга жавоб берадиган даражада. Меъёрий бўйича бу кўрсаткич 200 фоиздан кам бўлмаслиги керак, корхонада бу кўрсаткич 207-248 фоизни ташкил этган. Шу билан бирга корхона капиталининг чаққонлик ва молиялаштириш коэффициентлари талабларга жавоб бермайдиган даражада бўлган, яъни 50 ва 100 фоиздан кам бўлган.

Корхона узоқ ва қисқа муддатли қарзлардан керакли даражада фойдаланаяпти, чунки корхонага тегишли манбалар юқорида қайд этилгандек этишмайди.

Жадвал машғулоти яна шу ҳолатни тасдиқлаяптики, молиявий мустақамликни таҳлил этишганда асосий кўрсаткич билан чегараланмасдан, қўшимча кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш лозим экан.

3.2. Корхона баланси ликвидлиги таҳлили

Маълумки, баланс активидаги маблағлар нақт пулга айланса, баланс пассивидаги мажбуриятларни қайтариш мумкин. Баланс ликвидлиги — баланснинг актив томонидаги бир даврга бориб нақт пулга айланадиган маблағлар билан шу даврда қайтариладиган мажбуриятларни солиштириш демакдир.

Демак, баланс ликвидлиги корхонанинг бошқа корхона ва ташкилотлар билан иқтисодий алоқалар даражасини кўрсатади. Кўриниб турибдики, баланс ликвидлиги молиявий мустақамлик сингари, корхоналар молиявий ҳолатини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Баланс ликвидлиги таҳлили бошламасдан олдин қуйидаги саволларга жавоб беришимиз зарур.

1. Баланс ликвидлигини, корхонанинг бутун мажбуриятларини, узоқ ва қисқа муддатга олинган қарзлар бўйича аниқлаш керакми, ёки фақат қисқа муддатга олинган қарзлар бўйича аниқлаш керакми?

2. Баланс ликвидлиги ва, корхонанинг қарзларни тўлашга қодирлиги бир мазмунга эгами, ёки ҳар хил мазмунга эгами?

3. Баланс ликвидлигини ифодаловчи кўрсаткичларни чегаралаш керакми ва бу чегараланган кўрсаткичлар нима билан аниқланади?

Хорижий мамалакатларда баланс ликвидлиги таҳлил этилганда корхонанинг бутун мажбуриятлари ва ҳам узоқ, ҳам қисқа муддатга олинган қарзлар бўйича ҳисоб-китоб олиб борилади. Бизнинг иқтисодий адабиётимизда, услубий кўрсатмаларда баланс ликвидлигини таҳлил қилишда фақат қисқа муддатга олинган қарзлар эътиборга олинади.

Ташқаридан олинган қарзларнинг ҳаммасини — узоқ ва қисқа муддатга олинган қарзларни қайтариб бериш керак бўлгандан кейин, баланс ликвидлиги бизни шароитимизда ҳам таҳлил этилганда қисқа муддатга олинган қарзлар билан че-

гаранмасдан, узоқ муддатга олинган қарзлар эътиборга олинса корхоналар балансининг ликвидлиги тўлиқроқ баҳоланар эди. Бу ҳолат бизнинг иқтисодий адабиётда ўз ўрнини топган, лекин баланс ликвидлигини умуман корхона миқёсида аниқлаганда эмас, корхона активларини турлари бўйича баланс ликвидлиги таҳлил этилганда амалга оширилади.

Баланс ликвидлиги ва қарзларни қайтариб бериш қодирлиги тўғрисида гап борганда, бир гуруҳ иқтисодчилар уларни бир биридан ажратишади, фарқлашади. Масалан, қарзларни қайтариб бериш қодирлиги, (платёжеспособность) умуман корхона мажбуриятларига — узоқ ва қисқа муддатга олинган қарзларга нисбатан, баланс ликвидлиги эса фақат қисқа муддатга олинган қарзларга нисбатан аниқланади.

Бундай чегаралишга асос бор. Чунки узоқ ва қисқа муддатга олинган қарзлар эътиборга олинса, корхонанинг умуман потенциал қарзларни қайтариб бериш қодирлиги кўрсатилади. Баланс ликвидлиги қисқа муддатга олинган қарзлар бўйича аниқланар экан, корхоналар иқтисодий жиҳатдан ночор ҳолатга тушиб қолганда, уларни банкрот деб эълон қилиш пайтида фойдаланилади.

Бизнинг фикримизча, баланс ликвидлиги ва қарзларни қайтариб бериш қодирлиги бир хил мазмунга эга. Иккала кўрсаткичларда ҳам ташқаридан олинган мажбуриятларни қайтариш тўғрисида гап кетяпти. Бозор муносабатлари даврида қисқа муддатга олинган қарзлар кенгроқ фойдаланганлиги учун амалиётда баланс ликвидлиги номли кўрсаткичга, яъни қисқа муддатга олинган қарзларга нисбатан аниқланаётган кўрсаткичга кўпроқ эътибор берилмоқда.

Шундай қилиб, баланс ликвидлиги кенгайтирилган ва қисқа мазмунда аниқланиши лозим. Кенгайтирилган мазмунда олинadиган бўлса, баланс ликвидлиги корхонада ҳам узоқ, ҳам қисқа муддатга олинган бутун қарзларни қайтариб беришга қодирлигини кўрсатса, қисқартирилган мазмунда олинadиган бўлса, баланс ликвидлиги корхонада фақат қисқа муддатга олинган қарзларни қайтариб бериш қодирлигини кўрсатиб бериши керак.

Провардида, учинчи муаммо — баланс ликвидлигини таҳлил этиш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизими тўғрисида.

Иқтисодий адабиётда баланс ликвидлигини таҳлил қилиш учун тавсия қилинган кўрсаткичлар кенг ва ҳар хил бўлиб, улар бир тизимга солинмаган, туркумлашмаган, тавсифланмаган.

Баланснинг ликвидлик хусусияти бозор муносабатларининг асосий талабларидан биридир. Корхона ликвидлик хусусиятига эга бўлса, бу корхона халқ хўжалик мажмуасида фаолият кечириши мумкин. Агарда корхона баланси бу хусусиятга эга бўлмаса, у бошқа корхона ва ташкилотлар билан меъёрий равишда иқтисодий алоқаларни олиб боролмайди ва фаолият кечириши оғирлашиб кетади. Демак, баланс ликвидлиги катта аҳамиятга эга бўлиб, уни таҳлил қилиб туриш объектив заруриятга айланади.

Баланс ликвидлиги уч шаклда ифодаланади.

1. Баланс ликвидлик кўрсаткичлари корхонанинг айланма маблағ элементларини нақт пулга айланиш жараёнини кўрсатади.

2. Баланс ликвидлиги корхоналарнинг олинган қарзларини қайтариб бериш қодирлик даражасини кўрсатади.

3. Баланс ликвидлиги корхона активлари, айланма маблағлари билан корхонанинг умумий мажбуриятлари, қисқа муддатга олинган қарзлар ўртасидаги нисбат асосида аниқланади.

Баланс ликвидлигининг керакли даражада бўлиши — бу корхона фаолиятини давом этиши, бошқа корхона ва ташкилотлар — таъминотчи, кредитор, банк органлари ва давлат бюджети билан меъёрий иқтисодий алоқаларни давом эттириш кафолатидир. Бозор муносабатлари мураккаб бўлиб, бу вазиятда корхона баланси ликвидлик хусусиятига эга ва эга бўлмаслиги мумкин. Баланснинг ликвидлиги тасодифан, вақтинча, узоқ муддатли ва доимий бўлиши мумкин. Лекин амалиёт талаби — корхоналар баланси ликвидликка эга бўлишидир.

Баланс ликвидлигини таҳлил қилиш корхоналар фаолиятида учрайдиган кўп муаммоларни мавжуд эканлигини ва уларни тез фурсатда ечиш зарурлигини кўрсатиб беради. Бундай муаммолар таркибида қуйидагилар бўлиши мумкин:

- корхона маблағларини нотўғри жойланиши ва уни бартараф этиш йўллари топиш;

- корхона активларини реализация қилишни тезлаштириш имкониятларини топиш;

- корхонада ортиқча маблағлар пайдо бўлган замоноқ банк ва таъминловчилар билан ҳисоб-китобларни тезлаштириш;

– сотилмаган товарлар ва дебиторлик қарзларнинг қолдиғи ошиб борса, уларни камайтириш йўллари топиб, амалга ошириш;

– корхоналарни банкротликка учрашдан сақлаб қолиш.

Корхона баланси ликвидлик даражасининг ўзгариши қуйидаги омиллар таъсири остида бўлиши мумкин:

Биринчидан, корхона айланма маблағларининг кўпайиши ёки камайиши.

Иккинчидан, корхона мажбуриятларини, олинган қарзларни камайиши ёки кўпайиши.

Учинчидан, умумий айланма маблағлар таркибида моддий айланма маблағлар билан пул айланма маблағлар ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши.

Тўртинчидан, пул айланма маблағлар таркибида нақт пуллар билан дебиторлик қарзлар ўртасидаги нисбатни ўзгариши.

Корхоналарда фойдаланаётган айланма маблағларни алоҳида элементларини ҳар хил муддатда нақд пул маблағларига айланиши ва корхона мажбуриятларини ҳар хил муддат ўтиши билан қайтарилиши муносабатига кўра корхоналар баланси ликвидлиги икки шаклда аниқланади:

1. Умуман маблағлар ва корхона мажбуриятлари бўйича, уларни асосий кўрсаткичлар дейиш мумкин.

2. Корхона маблағларини алоҳида элементлари ва мажбуриятларни қайтиб бериш муҳлатига қараб, уларни қўшимча кўрсаткичлар деб аташ мумкин.

Иқтисодий адабиётда корхоналар баланслари ликвидлигини таҳлил этиш учун ҳар хил тизимдаги кўрсаткичлар тавсия этилган. А.Д. Шеремет ва Р.С. Сайфулин¹ ўз монографиясининг «Баланснинг ликвидлиги таҳлили» бўлимида қўшимча кўрсаткичлардан, «Молиявий коэффициентлар таҳлили» бўлимида асосий кўрсаткичлардан фойдаланганлар.

В.Г. Артёменко ва М.В. Беллендир² ҳам баланс ликвидлигини таҳлил қилишда асосий ва қўшимча кўрсаткичлардан фойдаланишган.

И.Т. Абдукаримов³ баланс ликвидлигини таҳлил этиш учун қуйидаги кўрсаткичларни тавсия этган:

¹ Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С. Методика финансового анализа. М., 1996 г.

² Артёменко В.Г., Беллендер М.В. Финансовый анализ М., 1997 г.

³ Абдукаримов И.Т. Как читать и анализировать финансовую отчетность. Т., 1998 г.

- қоплаш коэффиценти;
- тез фурсатда ликвидлик коэффиценти;
- абсолют ликвидлик коэффиценти;
- пок айланма маблағлар;
- фойдаланиладиган капиталнинг чаққонлик коэффиценти;
- умумий капиталнинг чаққонлик коэффиценти.

А.Н. Ли ва С.И. Шевченко¹ баланс ликвидлигини таҳлил этиш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланишган:

- жорий ликвидлик (қоплаш) коэффиценти;
- абсолют ликвидлик коэффиценти;
- ҳаракатчан ликвидлик;
- ишчи капиталнинг самародлиги;
- қарзларнинг динамиклик омили.

А.Т. Иброҳимов² баланс ликвидлигини таҳлил этиш учун қуйидаги кўрсаткичларни тавсия этади:

- ликвидлик даражаси;
- қоплашнинг ўтиш коэффиценти;
- ликвидликнинг умумий коэффиценти;
- тоза тушум коэффиценти.

Кўриниб турибдики, муаллифлар ҳар хил тизимдаги кўрсаткичлардан фойдаланишган. Бир хил кўрсаткичларга ҳар хил номлар беришган ва тавсиялар таркибида баланс ликвидлигига алоқаси бўлмаган кўрсаткичлардан фойдаланишган. Масалан, тоза тушум коэффиценти, ишчи капиталнинг самарадорлиги, пок айланма маблағлар ва ҳоказо.

Демак, баланс ликвидлигини бошламасдан олдин ликвидлик кўрсаткичлар тизимини аниқлаб, тамойилларини ёришиб олишимиз лозим. Фикримизча бу тамойиллар қуйидагилардан иборат:

- танлаган кўрсаткичлар баланс ликвидлигига тааллуқли бўлиб, унинг шаклланишларини ифодалаши лозим;
- ликвидлик кўрсаткичлари бевосита ликвидлик даражасини ўлчаши ёки ликвидликка тасир кўрсатувчи омиллар таъсирини аниқлаши керак;

¹ Ли А. Н., Шевченко С. И. Основные принципы финансового анализа предприятия. В книге «Финансовое законодательство Республики Узбекистан», выпуск М7, 1995 г.

² А. Т. Иброҳимов. Молиявий таҳлил. Т., 1995 й.

– ликвидлик кўрсаткичлари корхона активларини нақт пулга айланиш жараёнини ифодалаши лозим;

– баланс ликвидлигини аниқлаш учун асосий ва қўшимча кўрсаткичларда фойдаланиш лозим. Асосий кўрсаткичлар корхонанинг умуман активлари ва мажбуриятлари ўртасидаги нисбатни, қўшимча кўрсаткичлар корхона активлари ва мажбуриятларининг алоҳида элементлари ўртасидаги нисбатни ифодалаши керак;

– баланс ликвидлигига таъсир қилувчи омилларни, шарт-шароитларнинг таъсирини ўлчайдиган омилли кўрсаткичларни аниқлаш.

Юқорида кўрсатилган тамойилларга асосланиб, баланс ликвидлик кўрсаткичлар тизимини шакллаймиз ва баланс ликвидлигини таҳлил этамиз.

Баланс ликвидлиги кўрсаткичлари қуйидаги гуруҳлардан иборат бўлиши лозим:

- асосий кўрсаткичлар;
- қўшимча кўрсаткичлар;
- омилли кўрсаткичлар.

Асосий кўрсаткичлар сифатида қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланади, таҳлил этилади:

1. Умумий ликвидлик коэффиценти.
2. Жорий ликвидлик коэффиценти.
3. Хусусий ёки ўтув ликвидлик коэффиценти.
4. Абсолют ликвидлик коэффиценти.

Умумий ликвидлик коэффиценти корхонанинг ўзи бутун активларидан фойдаланиб, мажбуриятларини, ташқаридан узоқ ва қисқа муддатга олинган қарзларни қайтиб беришга қодирлигини ифодалайди. Демак, бу коэффицент корхонанинг бутун имкониятларини, салоҳиятини кўрсатади ҳамда бу корхона билан алоқадор бўлган барча корхона, орган ва ташкилотлар учун катта аҳамиятга эга.

$$\text{Умумий ликвидлик коэффиценти} = \frac{\text{Корхона активлари}}{\text{Корхона мажбуриятлари}}$$

Корхона активлари узоқ муддатли активлардан ва айланма активлардан, корхона мажбуриятлари эса узоқ ва қисқа муддатга олинган қарзлардан иборат. Бу ва бошқа баланс ликвидлиги коэффицентларини 1997 йилгача, яъни эски ва 1997 йилдан

бошлаб тузилаётган, янги баланс маълумотлари бўйича аниқлаймиз.

$$\text{Эски баланс бўйича} = \frac{(080 + 180 + 330)}{520 + 770} \times 100$$

$$\text{Янги баланс бўйича} = \frac{(110 + 300)}{540} \times 100$$

Демак, умумий ликвидлик коэффиценти корхоналарни бутун олинган қарзларни — ҳам узоқ, ҳам қисқа муддатга олинган қарзларни ўзининг бутун активлари ҳисобидан қайтаришига қодирлигини кўрсатади. Баланс ликвидлигини бошқа асосий кўрсаткичлари фақат қисқа муддатга олинган қарзлар бўйича аниқланади. Улардан биринчиси жорий ликвидлик коэффиценти. Бу коэффицентни адабиётда қоплаш ликвидлик коэффиценти деб ҳам аташади.

Жорий ликвидлик коэффицентининг мазмуни қуйидагилар билан ифодаланади:

- қисқа муддатга олинган қарзлар — банк кредитлари, кредиторлик қарзлар, корхонанинг жорий активлари билан қандай таъминланган?

- корхонанинг жорий мажбуриятларининг ҳар бир сўмига нисбатан корхонанинг қанча жорий активлари тўғри келяпти?

- корхонанинг жорий мажбуриятлари унинг умумий айланма маблағлари билан қандай қопланаёпти?

- агарда жорий ликвидлик коэффиценти ҳаддан ташқари юқори бўлса, демак, корхонада моддий айланма маблағлар, дебиторлик қарзлар талабдан ташқари кўпайиб кетган. Бу демак, айланма маблағларни айланишини сусайтиради, корхонанинг молиявий ҳолати ёмонлашади;

- агарда жорий ликвидлик коэффиценти пасайиб бораверса, тавакаллик (риск) кучайиб, корхонада жорий мажбуриятлардан қутилиш имкониятлари камайиб боради;

- жорий ликвидлик коэффицентига корхонада мавжуд ишлаб чиқариш циклининг узунлиги таъсир кўрсатади.

Жорий ликвидлик коэффиценти ҳам умумий ликвидлик коэффицентига ўхшаб, корхона мажбуриятларидан фойдаланишдаги унинг имкониятлари ва салоҳиятини кўрсатади. Умумий ликвидликда бу салоҳият корхонанинг ҳамма мажбуриятларига нисбатан олинса, жорий ликвидликда фақат қисқа муддатга олинган қарзларга нисбатан олинади.

Нима учун жорий ликвидлик коэффиценти корхона салоҳиятини кўрсатади, дейилганда шунинг эътиборига олиш керакки, корхона ўз жорий мажбуриятларидан қутилиш учун моддий айланма маблағларини тайёр маҳсулотга айлантириб, уни сотиши керак, дебиторлик қарзларни олдин ундириш зарур.

Жорий ликвидлик коэффиценти корхона акцияларининг эгалари ва бу корхона билан алоқадаги корхоналар ва ташкилотлар учун катта аҳамиятга эга.

Жорий ликвидлик коэффиценти корхонадаги бутун айланма маблағларни, яъни моддий айланма маблағларни ва пул айланма маблағларни қисқа муддатга олинган қарзларга бўлиш йўли билан аниқланади, яъни

$$\text{Жорий ликвидлик коэффиценти} = \frac{\text{Захиралар ва харажатлар} + \text{Пул маблағлар, ҳисоб-китоблар ва бошқа активлар}}{\text{Ҳисоб-китоб ва бошқа пасивлар}}$$

Ҳисоб-китоб ва бошқа пасивлар 1997 йилдан олдин тузилган балансининг актив томонидаги учинчи бўлими бўлиб, корхона пул айланма маблағларни кўрсатади.

Бу коэффицентни баланслар бўйича аниқласак:

$$\text{Эски баланс бўйича} = \frac{180 + 330}{770} \times 100;$$

$$\text{Янги баланс бўйича} = \frac{300}{540 - (400 + 410)} \times 100.$$

Юқорида айтилгандек, корхоналарнинг ўз мажбуриятларидан қутилиш имкониятларига эга бўлиши учун унинг айланма маблағлари тез фурсатда нақт пулга айланиб туриши керак.

Жорий ликвидлик коэффиценти бутун айланма маблағларига асосланиб аниқланар экан, захира ва харажатларни тайёр маҳсулотга айлантириб, сотиш керак, дебиторлик қарзларни олдин ундириш лозим. Бу коэффицент корхоналарни қисқа муддатга олинган қарзлардан қутилишдаги салоҳиятини, имкониятларини кўрсатади.

Демак, корхона балансини амалий ликвидлигини аниқлаш учун бошқа ликвидлик коэффицентларини ҳам аниқлаш лозим.

Хусусий, тезлик ёки ўтив ликвидлик коэффиценти пул айланма маблағлари билан қисқа муддатга олинган қарзлар ўртасидаги нисбат асосида аниқланади ва қисқа муддатга олинган қарзларни пул айланма маблағлари билан қопланиш даражасини кўрсатади, яъни:

$$\text{Хусусий ликвидлик коэффиценти} = \frac{\text{Пул айланма маблағлари}}{\text{Қисқа муддатли мажбуриятлар}}$$

Бу коэффицентни баланслар бўйича аниқласак:

$$\text{Эски баланс бўйича} = \frac{330}{770} \times 100;$$

$$\text{Янги баланс бўйича} = \frac{170 + \dots + 290}{540 - (400 + 140)} \times 100.$$

Юқорида қайд этилгандек, янги баланс тизилмасида пул айланма маблағлар алоҳида кўрсатилмайди, уни баланснинг актив томонидаги иккинчи бўлим моддаларидан йиғиштириб олиш мумкин, яъни 170 дан 290 сатр кодгача йиғиндиси олинади. Янги балансда қисқа муддатга олинган қарзлар ҳам алоҳида кўрсатилмайди. Уни аниқлаш учун баланснинг пасив томонидаги иккинчи бўлим жамида кўрсатилган маълумотлар асосида, яъни умумий корхона мажбуриятларидан узоқ муддатга олинган қарзларни айрилиб ташлаш йўли билан аниқлаш мумкин, яъни, $540 - (400 + 140)$.

Амалиётда хусусий ликвидлик коэффицентнинг юқори бўлиши ҳамма вақт ҳам корхона балансининг юқори ликвидлигини ифодаламайди, чунки бу вазият кўп дебиторлик қарзлар ҳисобидан бўлиши мумкин. Демак, бу коэффицент ҳам корхона салоҳиятини, қарзларини қайтиб беришдаги имкониятларини кўрсатади. Бу коэффицент шунга қарамасдан банк ва бошқа ташкилотлар учун катта аҳамиятга эга. Корхоналар баланси ликвидлигини таҳлил қилишда энг асосий кўрсаткич сифатида абсолют ликвидлик коэффиценти аниқланади.

Абсолют ликвидлик коэффиценти корхонанинг нақт пул маблағлари билан қисқа муддатли мажбуриятлар ўртасидаги нисбат билан аниқланади ва қисқа муддатли корхона мажбуриятларни корхонанинг нақд пул маблағлари билан қопланиш даражасини ифодалайди. Бу кўрсаткич корхона нақт пул маблағларини (кассадаги, ҳисоб-китоб ва валюта счётлардаги)

қисқа муддатта олинган қарзларга бўлиш йўли билан аниқланди, яъни

$$\text{Абсолют ликвидлик коэффициенти} = \frac{\text{Нақд пул айланма маблағлари}}{\text{Қисқа муддатли мажбуриятлар}}$$

Бу коэффициентни баланслар бўйича аниқласак:

$$\text{Эски баланс бўйича} \frac{280 + 290 + 300}{770} \times 100;$$

$$\text{Янги баланс бўйича} = \frac{170 + 180 + 190}{540 - (400 + 410)} \times 100.$$

Бозор муносабатлари даврида қимматли қоғозлар (акция ва хоказо) кенг фойдаланилади. Корхоналар ўз пул маблағларидан бир қисмини ажратиб, унга қимматли қоғозлар сотиб олиб, қўшимча даромадлар олиши мумкин. Қимматли қоғозлар наъд пул маблағларининг бир шакли десак ҳам бўлади, чунки улар тез фурсатда сотилиб, наъд пулга айлантирилиши ёки наъд пул сифадида мажбуриятлардан қутилиш учун бошқа корхона ва ташкилотларга ўтказилиши мумкин.

Шу сабабли Э.А. Маркарьян ва Г.П. Герасименколар¹ абсолют ликвидлик коэффициентни такомиллантирилган услубият билан аниқлашни тавсия этганлар, яъни бу коэффициент аниқланганда нақд пул маблағлари билан бирга қимматли қоғозларни сотиб олиш учун сарфланган маблағларни ҳам эътиборда тутишни таъкидлаганлар. Фикримизча, бу тавсияда асос бор, чунки қимматли қоғозларга сарфланган маблағлар қисқа муддатли мажбуриятлардан қутилиш учун тез фурсатда фойдаланиш мумкин.

Такомиллантирилган услуб бўйича абсолют ликвидлик коэффициенти қуйидагича аниқланади.

$$\text{Эски баланс бўйича} = \frac{(280 + 290 + 300) + 270}{770} \times 100;$$

$$\text{Янги баланс бўйича} = \frac{(170 + 180 + 190) + 200}{540 - (400 + 410)} \times 100.$$

Маълумки, абсолют ликвидлик коэффициенти асосий кўрсаткичлардан муҳими бўлиб, у корхонани қисқа муддатли

¹ Маркарьян Э. А., Герасименко Г. П. Финансовый анализ. М., 1997 г.

мажбуриятлардан қутулиш учун реал имкониятларга эгаллигини ифодалайди ва бу коэффициент корхоналарни банкрот деб эълон қилинаётганда эътиборга олинадиган кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Шундай қилиб, корхона активларини нақт пулга айланиш нуқтаи назардан, корхона томонидан ўз мажбуриятларидан қутулиш имкониятларини назарда тутганда баланс ликвидлигини таҳлил этиш учун юқорида кўрсатилган коэффициентлардан фойдаланиш мумкин. Амалиёт шуни тасдиқладики, корхоналар балансини ликвидлик хусусиятга эга эканлигини тасдиқлаш учун уларнинг даражаси зарурий, тасдиқланган меъёрий даражада бўлиши лозим.

Бу даражалар қабул қилинган меъёрий материалларга биноан қуйидагича бўлиши керак:

- | | |
|-----------------------------------|-----------------------------------|
| 1. Умумий ликвидлик коэффициенти | ≥2,0 ёки 200 фоиз;
ундан юқори |
| 2. Жорий ликвидлик коэффициенти | ≥2,0 ёки 200 фоиз;
ундан юқори |
| 3. Хусусий ликвидлик коэффициенти | ≥1,0 ёки 100 фоиз;
ундан юқори |
| 4. Абсолют ликвидлик коэффициенти | ≥0,2 ёки 20 фоиз;
ундан юқори. |

Иқтисодий адабиётда бу коэффициентларнинг оптимал даражаси тўғрисида бошқа тавсиялар ҳам бор. Масалан, хусусий ликвидлик коэффициенти учун 0,8 ёки 80 фоиз, абсолют ликвидлик коэффициенти учун 0,1 ёки 10 фоиз тавсия этилган, лекин кўпчилик муаллифлар ва меъёрий материалларда юқорида келтирилган оптимал кўрсаткичлар тавсия этилган.

Энди юқорида келтирилган асосий коэффициентларни эски баланс маълумотлари бўйича корхонамиз мисолида кўрамиз.

Баланс ликвидлигининг асосий кўрсаткичлари
(минг сўм)

	1996 йил		1998 йил	
	Йил Бошида	Йил охирида	Йил Бошида	Йил охирида
Маълумотлар базаси				
1. Асосий воситалар ва айланмадан ташқари активлар (080)	223	252	275	350
2. Захиралар ва харажатлар (180)	428	527	500	550
3. Пул маблағлари, ҳисоб-китоб ва бошқа активлар (330)	221	250	349	342
4. Касса (280)	0,2	0,4	-	0,1
5. Ҳисоб-китоб счёти (290)	46	23	110	56
6. Валюта счёти (300)	5	31	10	68
7. Баланс валютаси (360)	872	1029	1124	1242
8. Узок муддатли пасивлар (520)	27	27	24	50
9. Ҳисоб-китоблар ва бошқа пасивлар (770)	519	543	600	592
Ликвидлик коэффицентлари, фоиз				
Умумий	168	180	180	194
Жорий	125	136	142	151
Хусусий	43	46	58	58
Абсолют	9,8	10,2	20,0	21,0

Кўришиб турибдики, баланс ликвидлиги корхонада 1996-1998 йилларда ўзгариб борган. Таҳлил қилинаётган даврда, умумий, жорий ва хусусий ликвидлик коэффицентлари талабларга жавоб бермади, уларнинг даражаси тасдиқланган меъёрий кўрсаткичлардан паст бўлди.

Фақат абсолют ликвидлик 1996 йили ҳаддан ташқари паст бўлиб, 1998 йилда меъёрий даражасига кўтарилди, яъни йил бошида 20 фоиз бўлиб, йил охирида 20 фоиздан ошди.

Демак, корхонада баланс ликвидлиги шундай даражадаки, у банк ва бюджет манфаатларига жавоб беради, лекин корхонанинг салоҳияти, имкониятлари яхши эмас, улар таъминотчилар ва корхона эгаларининг манфаатларига жавоб бермайди.

Баланс ликвидлиги мураккаб муаммо бўлиб, унга бир қанча омиллар, шарт-шароитлар таъсир кўрсатади. Шу сабабли баланс ликвидлигини таҳлил қилишда асосий кўрсаткичлар билан бирга қўшимча кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади.

Ўз навбатида қўшимча кўрсаткичлар икки гуруҳ кўрсаткичлардан иборатдир.

Биринчи гуруҳ кўрсаткичлар — корхона активларининг алоҳида элементлари ликвидлигини аниқлашга ёрдам беради.

Иккинчи гуруҳ кўрсаткичлар — баланс ликвидлигига корхона молиявий ресурсларининг таркибий ўзгаришлари таъсирини таҳлил этиш учун ёрдам беради.

Биринчи гуруҳ кўрсаткичлардан фойдаланиш учун корхона активларини нақт пулга айланиш ва корхона пассивларини қайтариш муҳлатларини эътиборга олиш билан алоҳида гуруҳларга туркумлаштирилади.

Масалан, корхона активлари — маблағлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Энг тез фурсатда пулга айланадиган активлар — А1:

- ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлар;
- валюта счётидаги маблағлар;
- кассадаги пул маблағлар;
- қисқа муддатли қўйилмалар;
- сотиб олиган хусусий акциялар.

Бу маблағлар корхона активлари бир ой ўтмасдан корхона мажбуриятларидан қутилиш учун сафарбар қилиниши мумкин.

2. Тез фурсатда пулга айланадиган активлар — А2:

- харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар;
- бўнак (аванс) тўловчилари;
- бюджет билан ҳисоблашишлар;
- ходимлар билан ҳисоблашишлар;
- шўъба корхоналари билан ҳисоблашишлар;
- уюшма корхоналари билан ҳисоблашишлар;
- таъминотчилар билан ҳисоблашишлар;
- бошқа дебиторлар.

Бу маблағлар корхона активлари ва дебиторлик қарзларини ўз таркибига олиб, улар бир йил мобайнида ундирилиб, пул маблағларига айлантририлиши ҳамда ундан кейин қарзлардан қутилиш учун фойдаланиш мумкин.

3. Аста-секин пулга айланадиган активлар — А3:

- ишлаб чиқариш захиралари;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш;
- тайёр маҳсулот қолдиғи;
- олиб сотиладиган товарлар;
- келгуси давр сарфлари.

Бу маблағлар корхона активлари, унинг моддий айланма маблағлари бўлиб, уларни пул маблағларига айлантирилиши учун, олатда бир йилгача вақт керак бўлади.

4. *Қийинчиликлар билан пулга айлантириладиган активлар — А4:*

- асосий воситалар;
- номоддий активлар;
- капитал ўйилмалар;
- шуъба корхоналардаги акциялар;
- шуъба корхоналарига берилган қарзлар;
- уюшма корхоналарига берилган қарзлар;
- узоқ муддатли инвестициялар;
- бошқа активлар.

Бу гуруҳга киритилган маблағлар корхона фаолиятида фойдаланиб, бир қанча ишлаб чиқариш цикллари, кўп йиллар мобайнида ишлатилиб, аста-секин пул маблағларига айлантирилади.

Юқорида қўрилган маблағлар гуруҳларини 1997 йилдан бошлаб тузилаётган баланс билан боғласак, улар қуйидаги баланс сатр кодларида кўрсатилади:

1.А 1 - 170, 180, 190, 200, 210.

2.А 2 - 220, 230, 240, 250, 260, 270, 280, 290.

3.А 3 - 120, 130, 140, 150, 160.

4.А 4 - 010, 020, 030, 040, 050, 060, 070, 080, 090, 100.

Корхонанинг бу актив гуруҳлари билан солиштириш учун корхона пасивлари — маблағларнинг манбалари ҳам тўрт гуруҳга туркумлаштирилади. Бу гуруҳлар қуйидагилардан иборат:

1. *Энг аввал қайтариладиган мажбуриятлар — II 1:*

- мол етказиб берувчилар;
- бюджет бўйича қарзлар;
- меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар;
- ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар;
- мулкӣ ва шахсий суғурталар бўйича қарзлар;
- бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар;
- шуъба корхоналарига қарзлар;
- уюшма корхоналарига қарзлар;
- бошқа кредиторлар.

Бу мажбуриятларга, демак, кредиторлик қарзлар киритилади, улар тез фурсатда қайтариб берилиши лозим

2. *Қисқа муддатли пасивлар — II 2:*

- қисқа муддатли қарзлар;
- қисқа муддатли кредитлар;
- харидор ва буюртмачилардан олинган бўнақлар (аванслар).

3. *Узоқ муддатли пассивлар* — II 3:

- узоқ муддатли қарзлар;
- узоқ муддатли кредитлар.

4. *Доимий пассивлар* — II 4:

- низом капитали;
- қўшилган капитал;
- захира капитали;
- тақсимланмаган фойда;
- мақсадли тушум ва фондлар;
- келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун захиралар;
- келгуси давр даромадлари.

Бу гуруҳга киритилган пассивлар — маблағлар манбалари корхонанинг фаолиятини, нигизини ташкил этиб, улар доимо бўлиши зарур. Уларнинг таркиби доимо ўсиб бориб, такомиллашиб туриши лозим. Иккинчидан, улар ҳам корхонанинг мажбуриятларидан қутилиш манбалари сифатида хизмат қилиши мумкин.

Юқорида кўрилган пассивларни 1997 йилдан бошлаб тузилаётган баланс билан боғласак, улар қуйидаги баланс сатр кодларида кўрсатилади:

1.П 1 — 450, 460, 470, 480, 490, 500, 510, 520, 530.

2.П 2 — 420, 430, 440.

3.П 3 — 400, 410.

4.П 4 — 320, 330, 340, 350, 360, 370, 380.

Шундай қилиб, корхона активлари — корхонанинг ўзлик маблағлари ҳамда мажбуриятлари — пассивлари тўрт гуруҳга бўлиниб, улар ўртасидаги нисбат корхона балансининг алоҳида элементлари ликвидлигини ифодалайди. Кўриниб турибдики, корхона активларининг алоҳида элементлари бўйича ликвидлигини таҳлил этишда:

– ликвидлик ҳам узоқ муддатли активлар — асосий воситалар ва айланмадан ташқари активлар, моддий ва пул айланма маблағлари бўйича аниқланади;

– корхона активлари ликвидлигини аниқлашда ҳам корхона ўзлик манбалари, ҳам мажбуриятлари эътиборга олинади;

- корхонанинг бутун активлари ликвидлигини аниқлар эканмиз, корхонанинг ҳам узоқ муддатга, ҳам қисқа муддатга олинган қарзлари, яъни корхонанинг узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятлари эътиборга олинади.

Юқорида келтирилган корхона активлари ва пасивлари ўртасидаги нисбатига биноан баланс ликвидлик хусусиятига эга бўлиши учун у зарурий даражада бўлиши керак.

Иқтисодчиларнинг тавсияларига кўра бу нисбат қуйидагича бўлиши лозим:

- | | | |
|--|-----|--|
| 1. $A_1 - 170 + 180 + 190 + 200 + 210$ | $>$ | $P_1 - 450 + 460 + 470 + 480 + 490 + 500 + 510 + 520 + 530;$ |
| 2. $A_2 - 220 + 330 + 240 + 250 + 250 + 260 + 270 + 280 + 290 + 300$ | $>$ | $P_2 - 420 + 430 + 440;$ |
| 3. $A_3 - 120 + 130 + 140 + 150 + 160$ | $>$ | $P_3 - 400 + 410;$ |
| 4. $A_4 - 010 + 020 + 030 + 040 + 050 + 060 + 070 + 080 + 090 + 100$ | $<$ | $P_4 - 320 + 330 + 340 + 350 + 360 + 370 + 380$ |

ёки: $A_1 > P_1$
 $A_2 > P_2$
 $A_3 > P_3$
 $A_4 < P_4$

Демак, биринчи учта гуруҳлар бўйича актив элементлар ва уларга мос пасив элементларига баробар ёки ундан ортиқ бўлиши лозим. Биринчи иккита гуруҳлар ўртасидаги нисбат корхонанинг ҳозирги пайтдаги қарзлардан қутилишга қодирлик даражасини ифодалайди, қолган иккита гуруҳлар ўртасидаги нисбат корхонанинг келгусида ўз мажбуриятларидан қутулиш салоҳияти борлигини кўрсатади.

Бу ликвидлик кўрсаткичларни корхонамиз маълумотлари бўйича таҳлил этганимизда қуйидаги натижалар аниқланди:

11-жадвал

Балансинг алоҳида элементлари бўйича ликвидлик кўрсаткичлари

1996 йил		1998 йил	
Йил бошида	Йил охирида	Йил бошида	Йил охирида
$A_1 < P_1$	$A_1 < P_1$	$A_1 < P_1$	$A_1 < P_1$
$A_2 > P_2$	$A_2 > P_2$	$A_2 > P_2$	$A_2 > P_2$
$A_3 > P_3$	$A_3 > P_3$	$A_3 > P_3$	$A_3 > P_3$
$A_4 > P_4$	$A_4 > P_4$	$A_4 > P_4$	$A_4 > P_4$

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, энг асосий активлар ва пасивлар гуруҳи — энг тез фурсатда пулга айланадиган активлар ва энг аввал қайтариладиган мажбуриятлар ўртасидаги нисбат талабларга жавоб бермайди — мавжуд активлар бу мажбуриятлардан қутилиш имкониятига эга эмас. Тўртинчи актив ва пасив гуруҳ ўртасидаги нисбат ҳам талабларга жавоб бермайди.

Демак, юқорида корхона баланси бўйича қайд қилинганидек, бу кўрсаткичлар бўйича ҳам корхона балансининг ликвидлиги умуман талабларга жавоб бермайди ва баланс ликвидлиги оғир аҳволга тушиб қолган. Бунда баланс ликвидлиги даражасини кўтариш учун керакли тадбирларни амалга ошириш объектив заруриятдир.

Аниқланган кўрсаткичлар яна шу нарсани тасдиқлаяптики, корхоналар балансининг асосий ликвидлик кўрсаткичларига қўшимча баланс актив ва пасив элементларининг алоҳида элементлари бўйича ликвидлик кўрсаткичлари ҳам таҳлил этилиши лозим.

Корхона балансининг ликвидлик даражасига ҳар хил омиллар, корхона активларининг, пасивларининг таркибий ўзгариб туришлари таъсир кўрсатади. Бу омилларнинг таъсирини билиш учун баланс ликвидлигини таҳлил қилишда яна бир гуруҳ кўрсаткичлардан фойдаланилади. Улар қуйидагилар:

1. *Умумий капиталнинг чаққонлик коэффиценти*. Бу коэффицент корхонанинг умумий айланма активларини унинг мол-мулки қимматига бўлиш йўли билан аниқланиб, у корхонанинг умуман маблағлар билан таъминланганлигини ва ўз мажбуриятларидан қутилиш салоҳиятини кўрсатади. Бу кўрсаткичга корхонанинг мол-мулкини таркиби — ўзлик манбалар ва корхона мажбуриятлари ўртасидаги ўзаро нисбат таъсир кўрсатади.

$$\text{Умумий капиталнинг чаққонлик коэффиценти} = \frac{\text{Захира ва харажатлар} + \text{Пул маблағлар ҳисоб-китобдаги маблағлар}}{\text{Баланс валютаси}}$$

$$\text{Эски баланс бўйича} = \frac{180 + 330}{360} \times 100;$$

$$\text{Янги баланс бўйича} = \frac{300}{310} \times 100.$$

2. *Ишлаб турган капиталнинг чаққонлик коэффиценти.* Бу коэффицент корхонанинг захиралари ва харажатларини, корхонанинг захира ва харажатларга бўлган эҳтиёжини қопловчи ўзлик маблағлар манбаларига бўлиш билан аниқланиб, корхонанинг моддий айланма маблағлари билан уни қопловчи ўзлик манбаларнинг ўзаро нисбатини ифодалайди.

$$\text{Ишлаб турган капиталнинг чаққонлик} = \frac{\text{Захира ва харажатлар}}{\frac{\text{Ўзлик маблағларнинг манбалари} - \text{Узоқ Муддатли активлар}}$$

$$\text{Эски баланс бўйича} = \frac{180}{480 - 080} \times 100.$$

$$\text{Янги баланс бўйича} = \frac{120 + 130 + 140 + 150 + 160}{390 - 110} \times 100.$$

Бу кўрсаткичга корхонанинг ўзлик маблағлари манбаларининг таркибий ўзгаришлари таъсир кўрсатади ва бу коэффицент корхонанинг ўзлик айланма маблағлари билан таъминланганлигини ифодалайди.

3. *Ўзлик айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти.* Бу коэффицент корхонанинг айланма маблағларига бўлган эҳтиёжини қоплашга ажратилган ўзлик манбаларини корхонанинг мол-мулк қийматига бўлиш йўли билан аниқланади. Бу кўрсаткични керакли даражада бўлиши, уни ўсиб бориши корхона баланси ликвидлигини аниқловчи омиллардан ҳисобланади.

$$\text{Айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти} = \frac{\frac{\text{Ўзлик маблағлар}}{\text{Ўзлик маблағлар}} - \text{Баланс}}$$

$$\text{Эски баланс бўйича} = \frac{480 - 080}{360} \times 100;$$

$$\text{Янги баланс бўйича} = \frac{390 - 110}{310} \times 100.$$

Иқтисодий адабиётда бу коэффицентни аниқлаш учун қуйидаги йўл ҳам тавсия этилади:

$$\text{Эски баланс бўйича} = \frac{480 - 080}{180 + 330} \times 100;$$

$$\text{Янги баланс бўйича} = \frac{390 - 110}{300} \times 100.$$

Бизнинг фикримизча, бу коэффициент шу йўл билан аниқланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки корхонанинг маблағларга бўлган эҳтиёжини қоплаш учун ажратилган ўзлик манбаларни мол-мулкка эмас, бутун айланма маблағларга — айланма активларга бўлсак, ҳақиқатдан ҳам корхонанинг ўзлик маблағлари билан таъминланганлик даражаси келиб чиқади. Кўриниб турибдики, корхоналар баланси ликвидлигини, корхоналарнинг ўз мажбуриятларидан қутилиш қобилиятига эга эканлигини таҳлил қилишда асосий ва қўшимча кўрсаткичлардан фойдаланиш лозим экан.

Шундай қилиб, корхоналар баланси ликвидлигини таҳлил этиш молиявий таҳлилнинг энг асосий боскичларидан бири бўлиб, корхоналарнинг ҳаёт-момотини, уларни банкрот бўлиш ёки келгусида фаолият кечириш муаммоларини очишга ёрдам беради.

IV БОБ. АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРНИНГ АЙЛАНИШИ, МАҲСУЛОТЛАР ТАННАРХИ ВА КОРХОНАЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ

4.1. Айланма маблағларнинг айланиши ва корхоналарнинг молиявий ҳолати

Маълумки, корхоналарнинг фаолият кўрсатиши учун, улар керакли миқдорда ишлаб чиқаришнинг асосий ва айланма фондлари, меҳнат ва бошқа ресурслари билан таъминланиши лозим. Ишлаб чиқаришнинг асосий фондлари ўз таркибига бино, иншоот, ускуна, хўжалик жиҳозларини олиб, улар ишлаб чиқаришнинг техникавий базасини ташкил этади ва узоқ вақт, кўплаб ишлаб чиқариш циклларида хизмат қилади. Уларнинг қиймати амортизация ҳисоблаш орқали ишлаб чиқарилган маҳсулотларни таннарига ўтказилади.

Ишлаб чиқариш айланма фондлари ўз таркибига ишлаб чиқариш захираларини, пул маблағларини олиб, улар ишлаб чиқаришнинг бир циклида фойдаланилади ва қиймати ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннарига тўлиқ ўтказилади. Ишлаб чиқаришда ҳам асосий, ҳам айланма маблағларни борлиги, ҳолати, улардан фойдаланиш даражаси корхоналарнинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади.

Масалан, асосий воситалардан самарали фойдаланилса, меҳнат унумдорлиги ошади, таннарх камаяди, фойда кўпаяди, рентабеллик даражаси кўтарилади. Айланма маблағларидан самарали фойдаланилса, маҳсулот таннари камаяди, фойда кўпаяди, рентабеллик даражаси кўтарилади.

Лекин корхоналарни молиявий ҳолати таҳлил қилинганда, фақат бир муаммо — айланма маблағларни айланиши билан корхоналарни молиявий ҳолати ўртасидаги алоқа таҳлил этилади, чунки айланма маблағларни айланишини ўзгариши корхоналар молиявий ҳолатига бевосита ва миқдоран таъсир кўрсатади. Ундан ташқари амалиёт шуни кўрсатадики, айланма маблағларни айланиши сусайган вазиятда ҳам корхона молиявий ҳолатининг бошқа кўрсаткичлари ижобий ва аксинча, ай-

ланма маблағларни айланиши тезлашган бўлса, корхона молиявий ҳолатининг бошқа кўрсаткичлари ёмонлашган бўлиши мумкин.

Демак, айланма маблағларини айланишини ўзгаришига қандайдир катта аҳамиятга эга бўлган муҳим шарт-шароитлар, омиллар таъсир кўрсатар экан ва бу вазиятни молиявий таҳлил пайтида кўрамиз.

Айланма маблағларнинг айланиши тезлатилса, унинг бир қисми тежалади, қўшимча фойда барпо бўлади, ундан ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ва бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин. Аксинча, айланма маблағларнинг айланиши секинлаштирилса, корхонага айланма маблағлари етмай қолади ва корхонада фаолиятни давом эттириш учун ташқи манбалардан (банк кредити ва ҳоказо) фойдаланиб, корхона айланма маблағлари тўлдирилиши керак.

Шу сабабли корхоналарни айланма маблағларининг айланишини ўзгариши ва уни корхоналарнинг молиявий ҳолатига таъсири таҳлил этилади. Бу таҳлил икки йўналишда ўтказилади:

1. Умуман айланма маблағлари бўйича.
2. Айланма маблағларнинг алоҳида элементлари бўйича.

Умуман айланма маблағлар бўйича қуйидаги кўрсаткичлар таҳлил этилади:

1. Айланма маблағларни айланиш миқдори.
 2. Айланма маблағларни бир марта айланиши учун ўртача сарф қилинган календар кунлар.
 3. Айланма маблағларни биркитиш кўрсаткичи.
 4. Айланма маблағларни тежалган ёки тўлдирилган суммаси.
- Айланма маблағларнинг ўртача 70 фоизи ишлаб чиқаришда, 30 фоизи ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш жараёнида фойдаланилади. Демак, айланма маблағларни айланишига ишлаб чиқариш циклининг муҳлати ва маҳсулотни сотиш учун сарф қилинган вақт таъсир кўрсатади.

Айланма маблағларни айланиш миқдори сотилган маҳсулотлардан олинган тушумни айланма маблағларни ўртача қийматига бўлиш билан аниқланади. Лекин тушумдан қўшилган қийматга солинган солиқ билан тўланган акциз солиғи олиб ташланади, яъни:

Сотилган маҳсулотлардан олинган тушум
(қўшилган қийматга солинган ва акциз солиқларсиз)

Айланма маблағларнинг ўртача қиймати

Сотилган маҳсулотлардан олинган тушум «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»дан олинади, айланма маблағларни ўртача қиймати бухгалтерия маълумотларига асосланиб ҳисоб-китоб йўли билан аниқланади. Айланма маблағлар тўғрисидаги бухгалтерия маълумотлари икки шаклда бўлиши мумкин: интерваллик қаторлар ва моментлик (лаҳза) қаторлар.

Интерваллик қаторлар — айланма маблағлар тўғрисидаги маълумотлар аниқ даврларда берилади. Масалан, айланма маблағларни ўртача қиймати ойлар бўйича берилади: январ — 500 м.с., феврал — 550 м.с., март — 540 м.с.

Шундай маълумотлар берилган бўлса, айланма маблағларнинг чоракдаги ўртача қиймати оддий ўртача арифметик йўл билан аниқланади, яъни:

$$\frac{500 + 550 + 540}{3} = \frac{1590}{3} = 530 \text{ м.с.}$$

Моментлик (лаҳзалик) қаторларда айланма маблағлар тўғрисидаги маълумотлар бу аниқ даврларнинг бошланишига келтирилиши мумкин. Масалан, 1 январга — 500 м.с., 1 февралга — 550 м.с., 1 мартга — 560 м.с. ва 1 апрелга — 580 м.с.

Шундай маълумотлар берилган бўлса, айланма маблағларнинг биринчи чоракдаги ўртача қиймати хронологик йўл билан аниқланади, яъни:

$$\frac{\frac{500}{2} + 550 + 560 + \frac{580}{2}}{4 - 1} = \frac{1650}{3} = 550 \text{ м.с.}$$

Корхоналар фаолиятида маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни сотишга сарф қилинган вақтни ўзгариб туриши билан айланма маблағларни ҳар бир айланишига турлича вақт сарф қилиниши мумкин. Айланма маблағларнинг умуман айланиш йўналишини ифодалаш учун юқорида кўрсатилган иккинчи кўрсаткич аниқланади, яъни айланма маблағларни бир марта айланиши учун сарф қилинган ўртача вақт. Бунинг учун таҳлил қилинаётган календар кунларни сони биринчи кўрсаткичга, яъни айланма маблағларни айланиш миқдорига бўлинади, яъни:

$$\frac{\text{Таҳлил қиладиган календар кунлар сони}}{\text{Айланма маблағларнинг айланиш миқдори}}$$

Охирги пайтда айланма маблағларни айланишини таҳлил қилишда янги кўрсаткичдан фойдаланилган. Бу айланма маблағларни биркитиш кўрсаткичи. Айланма маблағларни биркитиш кўрсаткичи юқорида кўрилган биринчи кўрсаткични — айланма маблағларнинг айланиш миқдорини акси бўлиб, бу кўрсаткич айланма маблағларни ўртача қийматини сотилган маҳсулотлардан олинган тушумга бўлиш йўли билан аниқланади, яъни:

Таҳлил қилаётган календар кунлар соми

Айланма маблағларнинг айланиш миқдори

Айланма маблағларни биркитиш кўрсаткичи сотилган маҳсулотларнинг ҳар бир сумига нисбатан сарф қилинган айланма маблағларни ифодалайди. Айланма маблағларни айланиши тезлаштирилса бу сарф камаяди, айланма маблағларни айланиши сусайтирилса, бу сарф ошиб боради.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар айланма маблағларни айланишини ифодалаб, бу айланишни ўзгаришини корхоналарнинг молиявий ҳолатига таъсирини ҳали кўрсатмайди, бу кўрсаткичлар керакли, қўшимча кўрсаткичлар бўлиб, улар ёрдамида энг асосий — тўртинчи кўрсаткич аниқланади — яъни айланма маблағларни тежалган ёки тўлдирилган суммаси. Бу кўрсаткич айланма маблағларни айланишини тезлаштириш натижасида айланма маблағларни тежалиш суммасини ёки айланма маблағларни айланишини сусайтириш натижасида айланма маблағларни тўлдириш суммасини ифодалайди. Бу кўрсаткич корхона бухгалтериясида мавжуд айланма маблағлари тўғрисидаги маълумотларга қараб икки йўл билан аниқланади. Агарда корхонада юқорида кўрсатилган кўрсаткичлардан иккинчиси тўғрисида маълумотлар бўлса, яъни айланма маблағларни бир марта айланиши учун сарф қилинган ўртача календар кунлар кўрсаткичи бўлса қуйидаги йўл билан ҳисобланади:

$$(\dot{Y}KK_1 - \dot{Y}KK_0) \times \frac{MT}{B}$$

Бу ерда:

$\dot{Y}KK_1$ ва $\dot{Y}KK_0$ — жорий ва ўтган даврларда айланма маблағларни бир марта айланиши учун сарф қилинган ўртача календар кунлар; MT — сотилган маҳсулотлардан олинган тушум.

B — таҳлил қилинаётган вақт — календар кунлар.

Кўриниб турибдики, айланма маблағларни бир марта айланиши учун жорий ва ўтган даврларда сарф қилинган ўртача календар кунлар сонининг ўзгариши бир кунда сотилган маҳсулотлар ҳажмига кўпайтирилади. Агарда корхоналарда юқорида кўрсатилган кўрсаткичлардан учинчиси тўғрисида маълумотлар бўлса, яъни айланма маблағларни биркитиш кўрсаткичлари бўлса қуйидаги йўл билан аниқланса:

$$(BK_1 - BK_0) \times MT$$

Бу ерда:

BK_1 ва BK_0 — жорий ва ўтган даврларда айланма маблағларни биркитиш кўрсаткичлари, яъни сотилган маҳсулотларнинг бир сумига нисбатан айланма маблағларни сарфи.

Кўриниб турибдики, айланма маблағларни жорий ва ўтган даврлардаги кўрсаткичларни фарқи сотилган маҳсулотлардан олинган тушумга кўпайтирилади.

Корхоналар амалиётида ҳам иккинчи, ҳам учинчи кўрсаткичлардан фойдаланилади. Демак, бу корхоналарда бизнинг тўртинчи кўрсаткичимиз икки йўл билан аниқланиши мумкин. Лекин шуни тасдиқлаш керакки, агарда тўртинчи кўрсаткичимиз бир корхона маълумотлари бўйича икки йўл билан аниқланса, бир хил натижа олинади.

Иқтисодий адабиётда юқорида кўрилган кўрсаткичлардан иккинчиси бошқа усулда, яъни қуйидагича аниқланади:

Айланма маблағларнинг ўртача қиймати	×	Таҳлил қилинаётган календар кунлар
Сотилган маҳсулотлардан олинган тушум		

Бу усул юқорида келтирилгандан биров мураккаб бўлсада, амалиётда кенг фойдаланилади. Бундан ташқари бу усул билан айланма маблағларни алоҳида элементлари бўйича айланиш кўрсаткичлари ҳам аниқланади. Демак, бу усулни ҳам эътиборга олиб қўйиш керак.

Энди юқорида кўрилган айланма маблағларни айланиши билан корхонанинг молиявий ҳолати ўртасидаги алоқани ифодаловчи кўрсаткичларни амалий маълумотларда кўриб чиқамиз.

Айланма маблағларни айланиш кўрсаткичлари

	1998 йил	1996 йил
1. Сотилган маҳсулотлардан олинган тушум, минг сўм	76330,5	92796,8
2. Айланма маблағларнинг ўртача қиймати, минг сўм	4207,5	7747,8
3. Айланма маблағларнинг айланиш миқдори (1:2), марта	18,1	12,0
4. Айланма маблағларни бир марта айланишига сарф қилинган календар кунлар (365:3), кун	20,2	30,4
5. Айланма маблағларнинг биркитиш кўрсаткичлари (2:1), тийин	5,5	8,3

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонада 1996-1998 йилларда айланма маблағларнинг айланиши тезлашган. Айланма маблағларнинг айланиш миқдори 12,0 мартадан 18,1 мартагача ошган, айланма маблағларни бир марта айланиши учун сарф қилинган ўртача календар кунлар 30,4 дан 20,2 кунларга қисқартирилган, айланма маблағларни бириктириш кўрсаткичи 8,3 тийиндан 5,5 тийингача камайтирилган. Демак, корхонада айланма маблағлар тежалган. Айланма маблағларни тежалган суммаси:

$$(30,4 - 20,2) \times \frac{76330,5}{365} \text{ ёки } (8,3 - 5,5) \times 76330,5 = 2133 \text{ м.}$$

яъни 2133 минг сўмни ташкил этган.

Айланма маблағларнинг айланишини ўзгаришини корхона молиявий ҳолатига таъсирини чуқурроқ таҳлил этиш учун айланма маблағларнинг алоҳида элементларини айланишини таҳлил қилиш лозим. Айланма маблағларнинг алоҳида элементларини айланишига корхонанинг алоҳида бўлинмаларининг - цехлар, омбор хўжалиги, маркетинг бўлимининг фаолияти таъсир кўрсатади. Демак, айланма маблағларнинг алоҳида элементларини таҳлил қилиш, келгусида айланма маблағларнинг айланишини тезлаштиришга бағишланган тавсияларни аниқлаштиришда корхона бўлинмаларининг фаолиятини яхшилашда катта аҳамиятга эга.

Айланма маблағларни алоҳида элементлари бўйича уларнинг айланишини таҳлил этиш қуйидаги йўналишларда ўтказилиши мумкин:

- ўзлик айланма маблағларнинг айланиши;
- меъёрланган айланма маблағларнинг айланиши;
- меъёрланмаган айланма маблағларнинг айланиши;
- ишлаб чиқариш захираларининг айланиши;
- тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг айланиши;
- тайёр маҳсулотни айланиши;
- жўнатиш товарлар ва ҳисоб-китобдаги маблағларнинг айланиши;

- пул маблағларни айланиши;
- дебиторлик қарзларни айланиши.

Айланма маблағларнинг алоҳида элементларини айланиб туриши ўз хусусиятларига эга. Масалан, ўзлик, меъёрланган, меъёрланмаган айланма маблағларнинг айланиб туриши сотилган маҳсулотларнинг ҳажмига, ишлаб чиқариш захираларининг умумий сарфига таъсир қилади; тугалланмаган ишлаб чиқаришни айланиб туриши тайёр маҳсулотга; тайёр маҳсулотларнинг омбордаги қолдиқларини айланиб туриши маҳсулотларни истеъмолчиларга жўнатиш ҳажмига; истеъмолчиларга жўнатиш товарларни айланиб туриши корхона ҳисоб-китоб счётига, пул туришига ва ҳоказо.

Айланма маблағларнинг алоҳида элементларини айланиб туриш хусусиятлари шунини талаб этадики, уларнинг айланиб туриш кўрсаткичлари ҳар хил базаларга нисбатан ҳисоб-китоб қилиниши лозим. Бу ҳолатни эътиборга олиб, айланма маблағларни айланиб туришини қўшимча кўрсаткичлари, яъни айланма маблағларнинг алоҳида элементларини айланиб туриш кўрсаткичлари қуйидагича аниқланади:

$$1. \text{ Ўзлик айланма маблағларнинг } = \frac{\text{Ўзлик айланма маблағларнинг ўртача қиймати} \times \text{Таҳлил қилинаётган календар кунлар}}{\text{Сотилган маҳсулотларнинг ҳажми}}$$

$$2. \text{ Меъёрланган айланма маблағларнинг } = \frac{\text{Меъёрланган айланма маблағларнинг ўртача қиймати} \times \text{Таҳлил қилинаётган календар кунлар}}{\text{Сотилган маҳсулотларнинг ҳажми}}$$

3. Меъёрланмаган айланма маблағларнинг	$= \frac{\text{Меъёрланмаган айланма маблағларнинг ўртача қиймати} \times \text{Таҳлил қилинаётган календар кунлар}}{\text{Сотилган маҳсулотларнинг ҳажми}}$
4. Ишлаб чиқариш захираларнинг	$= \frac{\text{Ишлаб чиқариш захираларнинг ўртача қиймати} \times \text{Таҳлил қилинаётган календар кунлар}}{\text{Ишлаб чиқариш захираларнинг умумий сарфи}}$
5. Тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг	$= \frac{\text{Тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ўртача қиймати} \times \text{Таҳлил қилинаётган календар кунлар}}{\text{Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот}}$
6. Тайёр маҳсулотнинг	$= \frac{\text{Тайёр маҳсулот қолдиқларининг ўртача қиймати} \times \text{Таҳлил қилинаётган календар кунлар}}{\text{Жўнатишган товарлар ҳажми}}$
7. Жўнатишган товарлар ва ҳисоб-китобдаги маблағларнинг	$= \frac{\text{Жўнатишган товарлар ва ҳисоб-китобдаги маблағларнинг ўртача қиймати} \times \text{Таҳлил қилинаётган календар кунлар}}{\text{Ҳисоб-китоб счётига тушган пуллар суммаси}}$
8. Нақд пул маблағларнинг	$= \frac{\text{Нақд пул маблағларнинг ўртача қолдиғи} \times \text{Таҳлил қилинаётган календар кунлар}}{\text{Сотилган маҳсулотларнинг ҳажми}}$

Энди юқорида кўрилган кўрсаткичларни амалий материаллардан фойдаланиб аниқлаймиз. Бунинг учун корхона ҳисоби маълумотларидан фойдаланамиз, (минг сўм).

1. Сотилган маҳсулотларнинг ҳажми – 55600.
2. Ишлаб чиқариш захираларнинг умумий сарфи – 3000.
3. Умумий ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот – 50000.

4. Жўнатилган товарларнинг умумий ҳажми — 60000.
 5. Корхона ҳисоб-китоб счётига тушган пул маблағлар — 54000.
- Ўртача қолдиқлар кўрсаткичлари:
 Умумий айланма маблағлар — 3500.
 шу жумладан:
- а) ўзлик айланма маблағлар — 2500.
 - б) меъёрланган айланма маблағлар — 2800.
 - в) меъёрланмаган айланма маблағлар — 700.
 - г) ишлаб чиқариш захиралари — 1500.
 - д) тугалланмаган ишлаб чиқариш — 1000.
 - е) тайёр маҳсулот — 500.
 - ж) жўнатилган товарлар ва ҳисоб-китобдаги маблағлар — 300.
 - з) нақд пул маблағлар — 200.

Келтирилган маълумотларга асосланиб, айланма маблағларни алоҳида элементлари бўйича айланиб туриш кўрсаткичларини — бу айланма маблағларнинг бир марта айланиши учун сарф қилинган ўртача календар кунларни аниқлаймиз.

13-жадвал

Айланма маблағларни алоҳида элементларини айланиб туриш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш услуби	Кунлар
1	2	3
1. Бутун айланма маблағлар	$\frac{3500 \times 365}{55600}$	23
2. Ўзлик айланма маблағлар	$\frac{2500 \times 365}{55600}$	16,5
3. Меъёрланган айланма маблағлар	$\frac{2800 \times 365}{55600}$	18,5
4. Меъёрланмаган айланма маблағлар	$\frac{700 \times 365}{55600}$	4,5
5. Ишлаб чиқариш захиралар	$\frac{1500 \times 365}{30000}$	18,5
6. Тугалланмаган ишлаб чиқариш	$\frac{1000 \times 365}{50000}$	7,3
7. Тайёр маҳсулот	$\frac{500 \times 365}{60000}$	3,0
8. Жўнатилган товарлар ва ҳисоб-китобдаги маблағлар	$\frac{300 \times 365}{54000}$	2,0
9. Нақд пул маблағлар	$\frac{200 \times 365}{55600}$	1,3

Бутун айланма маблағларнинг бир марта айланиши учун 23 кун сарф этилган бўлса, айланма маблағларнинг алоҳида элементлари бўйича бу кўрсаткич, жадвалда берилганидек, 18,5 дан 1,3 кунларни ташкил этган. Келтирилган кўрсаткичлар, айланма маблағларнинг қайси элементлари бўйича уларнинг айланишини тезлаштириш учун керакли тадбирлар амалга ошириш зарурлигини кўрсатиб турибди.

Бу кўрсаткичлар ҳам жорий даврни ўтган давр билан таққослаши, яъни динамикада таҳлил этилиши лозим. Бу таҳлил айланма маблағларнинг алоҳида элементлари бўйича ҳам, уларнинг айланиб туришини ўзгариши — тезлаштирилиши, сусайтирилиши натижасида айланма маблағларнинг тежалганлиги ёки айланма маблағларни тўлдирилганлиги ҳам аниқланиши мумкин.

Демак, айланма маблағларнинг алоҳида элементлари бўйича айланиб туриш кўрсаткичларини таҳлил этиш айланма маблағларни айланиши билан корхона молиявий ҳолати ўртасидаги алоқани таҳлил этишни чуқурлаштиради ва аниқлаштиради.

Маълумки, юқорида аниқланган айланма маблағларнинг алоҳида элементлари бўйича айланиб туриш кўрсаткичлари ҳар хил базаларга асосланиб ҳисобланган. Агар бу кўрсаткичлар бир аниқ базага — сотилган маҳсулотлар ҳажмига асосланса, уларни ўзаро таққослаш мумкин. Бажарилган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, умумий айланма маблағларни бир марта айланиши 23 кунни ташкил этган бўлса, уларнинг алоҳида қисмлари бўлмиш ишлаб чиқариш захираларда бу кўрсаткич 10,2 кунни, тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича 6,6 кунни, тайёр маҳсулот бўйича 3 кунни, жўнатишган товарлар ва ҳисоб-китобдаги маблағлар бўйича 2 кунни ва нақд пул маблағлари бўйича 1,3 кунни ташкил этган.

Айланма маблағларнинг айланиб туришини корхона молиявий ҳолатига таъсирини таҳлил қилиш тўғрисида гап борар экан, яна қуйидагиларни эътиборга олишни зарур деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, бозор муносабатларига ўтиш билан корхоналараро иқтисодий алоқалар мураккаблашиб бормоқда. Корхоналар фаолиятида айланма маблағлар етишмай қоляпти. Айланма маблағлардан самарали фойдаланиш катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу сабабли 1997 йил 9 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Айланма маблағларни сақланиши ва уларни тўлдириб туриш жавобгарлигини ошириш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Иккинчидан, корхоналарда фойдаланаётган айланма маблағларни устидан назоратни кучайтириш ва мавжуд айланма маблағлардан оқилона фойдаланиш долзарб вазифага айланмоқда. Шу сабабли 1997 йил 25 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан корхона ва ташкилотлар учун айланма маблағларни меъёрлари тасдиқланди.

Айланма маблағларнинг айланиб туриши таҳлили айланма маблағларнинг айланишини тезлаштирилиши ёки сусайтирилиши сабабли корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ва олинаётган фойданинг ўзгаришини аниқлаш билан якунланиши лозим.

Айланма маблағларнинг айланиб туришининг ўзгаришини маҳсулот ишлаб чиқаришга таъсирини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$\left[\begin{array}{c} \text{Айланма маблағларнинг жорий} \\ \text{даврдаги айланиш} \\ \text{миқдори} \end{array} - \begin{array}{c} \text{Айланма} \\ \text{маблағларнинг} \\ \text{ўтган даврдаги} \\ \text{айланиш миқдори} \end{array} \right] \times \begin{array}{c} \text{Айланма} \\ \text{маблағларнинг} \\ \text{жорий даврдаги} \\ \text{ўртача қиймати} \end{array}$$

Кўриниб турибдики, агарда айланма маблағларнинг айланиши тезлаштирилса, ишлаб чиқариладиган маҳсулот кўпаяди ва аксинча, айланма маблағларнинг айланиши сусайтирилса, маҳсулот ишлаб чиқариш камаяди.

Айланма маблағлар айланишининг корхона фойдасига таъсири қуйидагича аниқланади:

$$\left[\begin{array}{c} \text{Ўтган даврдаги} \\ \text{ялпи фойда} \end{array} \times \frac{\begin{array}{c} \text{Айланма} \\ \text{маблағларнинг} \\ \text{жорий даврдаги} \\ \text{айланиш миқдори} \end{array}}{\begin{array}{c} \text{Айланма} \\ \text{маблағларнинг ўтган} \\ \text{даврдаги айланиш} \\ \text{миқдори} \end{array}} - \begin{array}{c} \text{Ўтган даврдаги} \\ \text{ялпи фойда} \end{array} \right]$$

Демак, айланма маблағларнинг айланиш миқдори жорий даврда ўтган даврга нисбатан ўзгаришига қараб, корхона фойдаси кўпаяди ёки камаяди. Айланма маблағлар айланиб туришининг корхона молиявий ҳолатига таъсирини таҳлил этиш

айланма маблағларнинг айланишини тезлаштиришга сафарбар этилган таклиф ва тавсиялар билан яқунланиши керак.

Айланма маблағларнинг айланиб туриши мураккаб, кўп қиррали жараён бўлиб, унга ташқи ва ички, объектив ва субъектив, ишлаб чиқариш, ташкилий, иқтисодий шарт-шароитлар, омиллар таъсир кўрсатади, лекин умумий омил ва шарт-шароитлар сифатида қуйидагилар ҳисобланади:

- корхонанинг аниқ тармоққа алоқадорлиги;
- ишлаб чиқариш циклининг муҳлати;
- корхонада ишлаб чиқаришнинг ҳажми;
- истеъмолчиларни жойланиш жўғрофияси;
- таъминловчиларни жойланиш жўғрофияси;
- қарзларни тўлашга лаёқатлиги;
- банклар билан алоқалар даражаси;
- истеъмол қилинадиган ресурслар;
- таъминловчи ва истеъмолчи корхоналар билан шаклланган алоқалар;

- маркентинг хизмат даражаси;
- корхона менежерлар хизмати;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш даражаси;
- меҳнатни ташкил қилиш даражаси.

Шундай қилиб, айланма маблағларнинг айланиб туришини таҳлил қилиш — молиявий таҳлилни асосий босқичларидан бири бўлиб, у ҳамма вақт корхона раҳбариятини, таҳлилчилар, аудиторларнинг эътибор марказида бўлиши лозим.

4.2. Маҳсулотлар таннархи ва корхоналарнинг молиявий ҳолати

Маҳсулот таннархи корхоналар фаолиятининг асосий сифат кўрсаткичларидан биридир. Корхоналарда ўтказилаётган барча тадбирлар, техникавий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг ҳаммаси корхона ҳаражатларига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннарига таъсир кўрсатади. Таннархнинг ўзгариши, албатта, корхоналарнинг молиявий ҳолатига таъсир этади.

Илгари таннархнинг таҳлили, корхоналарнинг умумий фаолиятини таҳлил қилиш пайтида, олдинроқ кўрилиб, молиявий таҳлил ўтказилаётган вақтда таннарх тўғрисида гап бўлмасди. Лекин, бозор муносабатларига ўтиш билан, юқорида тасдиқланганидек, асосий эътибор корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишга йўллантирилмоқда. Шу сабабли

охирги йилларда молиявий таҳлил бўйича гап борар экан, иқтисодий адабиётда маҳсулот таннархини таҳлил қилиш, корхоналарни молиявий ҳолатини таҳлил этиш билан бирга ёритилмоқда.

Бизнинг қўлланмада ҳам таннархни таҳлил қилиш муаммолари ёритилади, чунки:

- бозор муносабатлари даврида корхона фаолиятининг сифат кўрсаткичлари аҳамиятга ошиб боради, шу жумладан, таннарх кўрсаткичини аҳамиятга ҳам;

- маъмурий бошқарув тизимидан воз кечилиши муносабати билан корхоналар фаолиятида нимагадур таннархни қисқартириш муаммоларга керакли эътибор берилмаяпти;

- республикада ҳаражатлар таркиби тўғрисидаги Низомда корхона ишлаб чиқариш ҳаражатларининг ҳисоби ва ҳисоботи чамбарчас боғланган, демак, корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили таннарх муаммоларини ҳам ўз таркибига олиши керак.

Таннархни таҳлил қилиш тўғрисида гап кетганда шуни эътиборга олишимиз керакки, собиқ иттифоқ даврида бу борада кўп назарий ва амалий, илмий текширув ишлари бажарилган эди ва маъмурий тизимга мосланган таннарх ҳисоби ҳамда ҳисоботи тизими яратилганди. Бу тизим ўз таркибига қуйидагиларни олган эди:

- таннарх ишлаб чиқаришнинг муҳим иқтисодий категорияларидан бири бўлиб, у маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишдаги иқтисодий муносабатларни ифодалади;

- таннарх кўрсаткичи корхоналар фаолиятининг сифат кўрсаткичларидан бири бўлиб, таннархни камайтириб туриш халқ ҳўжалиги миқёсида кўтарилган вазифалардан бири шаклида тасдиқланган эди;

- таннарх кўрсаткичларининг асосланган аниқ тизими шаклланган эди. Бу тизим ўз таркибига ўрта тармоқ ва индивидуал таннарх кўрсаткичларни, фабрика, завод ва тўлиқ таннархни, ялпи, товар ва сотилган маҳсулотларнинг таннархини, бир сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқариш учун сарф қилинган ҳаражатлар кўрсаткичини олар эди;

- корхоналар ҳаражатлари асосий ва қўшимча, тўғри ва эгри, таҳминан ўзгарувчан ва таҳминан ўзгармас ҳаражатларга, элементларга ва моддаларга туркумланиб, улар ҳаражатлар таркиби таҳлилида кенг фойдаланилар эди;

- алоҳида ишлаб чиқариш тармоқларининг хусусиятларини

тўлиқ эътиборга олиб, бу тармоқлар бўйича алоҳида маҳсулотларнинг таннархини аниқлаш тизими — калкуляция тизими ишлаб чиқилган эди;

- таннарх кўрсаткичлари бўйича давлат ҳисоботи шаклланган эди. Бу 5-шакл «Ишлаб чиқаришга ҳаражатлар», 6-шакл «Товар маҳсулоти таннархи». Бу ҳисоботлар таннарх кўрсаткичларини ҳар томонлама таҳлил қилиш имкониятини беради;

- таннарх кўрсаткичлари таркибида асосий кўрсаткич сифатида бир сўмлик товар маҳсулотини ишлаб чиқариш учун кетган ҳаражатлар қабул қилинган.

Республикада бозор муносабатларига мосланган ҳисоб ва ҳисобот тизими ҳам шаклланмоқда. Бу борада таннарх бўйича бир қанча тадбирлар амалга ошириляпти. Ҳаражатлар таркиби тўғрисидаги Низом 1995 йили қабул қилинди. 1999 йили қайтадан кўриб чиқилди. Ҳаражатлар тўғрисида андозалар қабул қилинди. Лекин, афсуски, бу борада илгари бажарилган ишларни муҳим томонлари эътиборга олинмади.

Таннархни камайтириб туриш ҳамма корхона ва ташкилотлар олдида турадиган доимий вазифадир. Демак, таннархни камайтириш катта аҳамиятга эга, чунки:

- таннархни пасайтириш корхона фойдасини кўпайтиради, корхонанинг молиявий ҳолатини яхшиловчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади;

- таннархни пасайтириш орқали тежалган маблағлар ҳисобидан корхона ходимларига мукофотлар берилади, демак, бу ҳолат корхона ходимларини моддий рағбатлантиришга ёрдам беради;

- таннархни пасайиш ҳисобидан корхона жамоаси ижтимоий нуқтаи назаридан ривожлантирилади, яъни корхона ходимларининг ижтимоий эҳтиёжлари қондирилади;

- корхонанинг техникавий даражасини кўтариб туриш, ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш учун ҳам таннархни пасайтириш ҳисобидан олинган маблағлардан фойдаланилади;

- маълумки, ишлаб чиқарилган маҳсулотларга нарх-наво тасдиқланаётганда, шаклланаётганда маҳсулотларнинг таннархи эътиборга олинади. Демак, таннархни пасайтириш — нарх-наволарни камайтиришдаги асосий шарт-шароитлардан биридир. Нарх-наволарни камайтириш ходимларнинг реал иш ҳақисини ошириш, уларнинг турмуш даражасини кўтариш омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий адабиётда фикр борки, бозор муносабатларига ўтиш даврида, деярли ҳамма корхона, ташкилотларда таннарх ўсиб бормоқда ва бу шароитда таннархни пасайтириш вазифаси кун тартибидан олинди, деб ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча бозор муносабатлари шаклланиши билан бу вазифа кун тартибига қўйилади деб ҳисоблаймиз. Ундан ташқари бозор муносабатлари даврида корхоналараро рақобат ривожланар экан, объектив заруриятки, корхоналар, ташкилотлар ўз маҳсулотларини кам ҳаражатлар билан ишлаб чиқаришга интиладилар, демак, таннарх пасайтирилиб бориши лозим.

Таннарх ҳисоби ва ҳисобот тизими ҳамма вақт корхоналар фаолиятига бошқарувлик қилишда катта аҳамиятга эга бўлган. Собиқ иттифоқ даврида бу тизим, давлат бошқарув органлари керакли маълумотлар билан таъминланган, давлатнинг мулкдорлик вазифасини бажаришга ёрдам берган.

Лекин бу даврда таннарх ҳисоби ва ҳисобот тизими бозор муносабатларининг талабларига мосланмаган, корхоналарни солиққа тортиш муаммолари билан боғланмаган эди.

Республика халқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтказилиши билан республикада, юқорида қайд этилгандек, бухгалтерия ҳисобини, ҳисоботини ташкил қилиш борасида ҳам керакли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бухгалтерия ҳисоби, аудит тўғрисидаги республика қонунлари қабул қилинди, бухгалтерия ҳисоб андозалари, бухгалтерия ҳисоби счёт режалари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Ҳисобот тизими ҳам такомиллаштирилмоқда.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ислоҳотлари таркибида таннарх ҳисоби ва ҳисоботини ислоҳ қилиш алоҳида ўрин тутди. Бу борада 1995 йилда тасдиқланган ва амалиётга киритилган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом» таннарх ҳисоби ва ҳисобот тизимини бозор муносабатларига мослаштиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Бу Низом таннарх ҳисоби ва ҳисоботига қўйидаги янгиликларни киритди:

1. Корхона ҳаражатларини янгичасига ҳисобга олиш, бозор муносабатларига мосланиб, халқаро андозаларга жавоб берадиган даражада ишлаб чиқилди.

2. Корхона ҳаражатларининг шаклланиши унинг молиявий ҳолати билан, корхона молиявий натижаларини солиққа тортиш билан боғланди.

3. Таннарх кўрсаткичлар тизими такомиллаштирилди, илгари қабул қилинган фабрика-завод ва тўлиқ таннарх кўрсаткичлари ўрнига битта кўрсаткич тавсия этилди. Бу ишлаб чиқариш таннархи, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган ҳаражатлар йиғиндиси.

Илгариги қўшимча ҳаражатлар «давр ҳаражатлари» номи билан маҳсулот таннархига киритилмасдан корхона фойдаси ҳисобидан қопланади.

4. Корхона ҳаражатларини туркумлаштириш ҳам такомиллаштирилди.

Авваламбор корхонадаги барча ҳаражатлар қуйидагиларга гуруҳланади:

- сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи;
- давр ҳаражатлари;
- молиявий ҳаражатлар;
- фавқулот ҳаражатлари.

Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига қуйидаги ҳаражатлар киритилган:

- бевосита ва билвосита моддий ҳаражатлар;
- бевосита ва билвосита меҳнат ҳаражатлари;
- бошқа, бевосита ва билвосита ҳаражатлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама ҳаражатлар.

Ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, бироқ асосий фаолиятдан олинган фойдада ҳисобга олинадиган ҳамда давр ҳаражатларига кирадиган ҳаражатлар қуйидаги гуруҳларга бўлинган:

- сотиш ҳаражатлари;
- бошқариш ҳаражатлари (маъмурий сарф-ҳаражатлар);
- бошқа операцион ҳаражатлар ва зарарлар;

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий фаолияти бўйича ҳаражатлар қуйидагича туркумланган:

- фоизлар бўйича ҳаражатлар;
- хорижий валюта билан операция бўйича салбий курс тафовутлари;
- қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш;
- молиявий фаолият бўйича бошқа ҳаражатлар.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи ҳаражатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилган:

- ишлаб чиқариш моддий ҳаражатлар;
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш ҳаражатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;
- асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;
- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа ҳаражатлар.

Кўриниб турибдики, корхона ҳаражатлари ҳар хил нуқтаи назардан олиниб, туркумлаштирилган ва ҳаражатларни туркумлаштириш чуқурлаштирилган, деталлаштирилган, улар бўйича корхона ҳаражатларининг таркиби таҳлил этилиши мумкин.

Шундай қилиб, республикада 1995 йилда қабул қилинган, 1999 йили қайтадан кўриб чиқилган ҳаражатлар таркиби тўғрисидаги Низом бозор муносабатларига мосланган маҳсулот таннархи ҳисоби ва ҳисобот тизимини шаклланишида, албатта, катта аҳамиятга эга.

Лекин бозор муносабатларига тўлиқ жавоб берадиган таннарх ҳисоби ва ҳисоботини шаклланишига ҳали эрта. Юқорида кўрилган Низомни ўзида ҳам камчиликлар, ечилимаган муаммолар оз эмас.

Фикримизча улар қуйидагилардан иборат:

1. Низомда авваламбор таннарх кўрсаткичлари тизими жуда чегараланган. Унда асосий таннарх кўрсаткичи — ҳар бир сўмлик товар маҳсулоти учун сарф қилинган ҳаражатлар, ялпи ва товар маҳсулоти таннархи тўғрисидаги кўрсатмалар келтирилмаган. Маҳсулотни тўлиқ таннархи аниқланмайди. Бу кўрсаткичлар тикланса таннархини таҳлил этиш чегараланмаган бўлиб, унинг таҳлили тўлиқ бўларди.

2. Таннарх кўрсаткичлари бўйича илгари фойдаланилган 5-шакл «Ишлаб чиқариш ҳаражатлари» ва 6-шакл «Товар маҳсулоти таннархи» ҳисоботлардан воз кечилиши муносабати билан таннархни элементлар ва моддалар бўйича таҳлили ҳамда ундан ташқари таннархга таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш имкониятлари баратараф этилган. Сақланган давлат статистика ҳисоботи 5-Е-шакл «Корхона ҳаражатлари тўғрисида»ги ҳисоботда керакли маълумотлар ҳаддан ташқари чегараланган.

3. Низомда корхона ҳаражатларининг туркумлаштиришда такомиллаштириш билан биргаликда ҳаражатларни асосий ва қўшимча ҳаражатларга туркумлашдан воз кечилган. «Қўшимча ҳаражатлар» атамаси ўрнига «Давр ҳаражатлари» қабул қилинган, натижада қўшимча ҳаражатларни таҳлил қилиш имконияти йўқ қилинган, чунки «Давр ҳаражатлари» таркибида бир гуруҳ асосий ҳаражатлар ҳам ҳисобланади.

4. Маълумки, 1958 йилдан бошлаб мамлакатда маҳсулотлар таннархи бўйича асосий кўрсаткич қабул қилинган бўлиб, бу ҳар бир сўмлик товар маҳсулотини ишлаб чиқариш учун ҳаражатлар кўрсаткичи эди. Бу кўрсаткич илгари фойдаланилган солиштиришга эга бўлган товар маҳсулоти таннархи ўрнига тасдиқланганди. Янги кўрсаткич бутун ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти бўйича аниқланиб, ҳақиқатан ҳам корхоналарнинг товар маҳсулоти учун кетган ҳаражатларнинг хоҳлаган даврда ўзгаришини кўрсатиб беради. Афсуски Низомда бу кўрсаткич тўғрисида гап ҳам юритилмайди.

5. Илгари корхона ҳаражатларини туркумлашда ҳаражатлар «асосий ва қўшимча», «тўғри ва эгри» ҳаражатларга бўлинарди. Низомда бу туркумлашлар сақланилган. Лекин алмаштириб юборилган. «Асосий ва қўшимча» ҳаражатлар тўғрисида гап борар экан, мазмунда эгри ва тўғри ҳаражатлар фараз этилган ҳамда аксинча. Бу туркумлашлар ўз мазмунига эга бўлиб, ҳар бири ўзига хос вазифани бажаради. ҳаражатларни «асосий ва қўшимча» ҳаражатларга туркумлаш ҳамма корхоналарда мавжуд. Асосий ҳаражатлар бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғланган бўлиб, қўшимча ҳаражатлар эса бошқарувлик билан боғланган ҳаражатларни ифодалайди. ҳаражатларни «тўғри ва эгри» ҳаражатларга бўлиш ҳамма корхоналарда бўлмасдан, фақат бир хил маҳсулот эмас, балки қўлаб хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилса, корхона ҳаражатлари шу ишлаб чиқарилган турли хил маҳсулотларнинг таннархига эгри йўллар (пропорционально) билан киритилса, натижасида ҳаражатлар «тўғри ва эгрига» бўлинади.

6. Маҳсулотлар таннархи таркибини таҳлил этишда ҳаражатларнинг элемент ва моддаларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Низомда бунинг учун имкониятлар йўқ. Бу таҳлилни ўтказиш учун бухгалтериянинг бирламчи маълумотларидан фойдаланишга тўғри келади. Бунинг учун ҳаддан ташқари кўн вақт сарфланади.

7. Провардида яна бир нарсани айтиш керакки, Низомда илгари асосланиб қабул қилинган бир қанча атамалардан асоссиз воз кечилган. Масалан, балансдаги фойда «Солиқ тўлашдан олдинги фойда», «Маҳсулот сотишдан фойда», «Маҳсулот сотишдан ялпи фойда» билан алмаштирилган ва ҳоказо.

Маҳсулотлар таннархи таҳлили тўғрисида гап борар экан шуни таъкидлаш керакки, тасдиқланган 1, 2, 2а, 3, 4, ва 5 шакллардаги молиявий ҳисоботларда таҳлил учун зарур бўлган кўп маълумотлар келтирилмайди. Лекин корхоналар ҳукумат томонидан тасдиқланган 5-Е-шаклидаги «Корхона ҳаражатлари тўғрисида»ги почта-йиллик, чораклик давлат статистик ҳисоботини тузиб топширишади. Бу ҳисобот маълумотларидан фойдаланиш мумкин.

Маълумки, ҳаражатлар таркиби тўғрисидаги Низомда корхона ҳаражатлари қуйидагича туркумланади:

1. Ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган ҳаражатлар, шу жумладан:

1.1. Тўғри ва эгри моддий ҳаражатлар.

1.2. Тўғри ва эгри меҳнат ҳаражатлар.

1.3. Бошқа тўғри ва эгри ҳаражатлар.

2. Ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган давр ҳаражатлари:

2.1. Маҳсулотларни сотиш ҳаражатлари.

2.2. Бошқарув ҳаражатлари.

2.3. Бошқа оператив ҳаражатлар ва зарарлар.

3. Корхоналарнинг молиявий фаолияти ҳаражатлари, шу жумладан:

3.1. Фоизлар бўйича ҳаражатлар.

3.2. Хорижий валюталар операциялари бўйича салбий курс фарқлари.

3.3. Молиявий фаолият бўйича бошқа ҳаражатлар.

4. Фавқулодда зарарлар.

Бу маълумотларга асосланиб корхона ҳаражатларини, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархини умумий ўзгариш йўналишларини таҳлил қилиш мумкин. Авваламбор қуйидаги кўрсаткичларни таҳлил қилишимиз мумкин.

Корхона умумий ҳаражатларининг динамик ўзгариши
(минг сўм)

	1998	1996	1998 й. 1996 й. нисбатан фоиз
Ҳамма ҳаражатлар, шу жумладан:	23500	23600	120,8
Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари	21400	17500	122,3
Давр ҳаражатлари	5700	5300	107,5
Молиявий фаолият ҳаражатлари	1200	500	240,0
Фавқулодда ҳаражатлар	200	300	33,3

Жадвал маълумотлари корхона умумий ҳаражатларини ўзгариши билан бирга корхонанинг бозор муносабатлари даврида молиявий алоқаларини ҳам таҳлил қилиш имкониятларини беради. Кўриниб турибдики, молиявий фаолиятни олиб бориш учун корхона ҳаражатлари 1996-1998 йилларда 2,4 марта кўпайган, демак, корхонада молиявий операцияларни амалга ошириш яхши ривожланаяпти.

Корхоналарнинг умумий ҳаражатлари таҳлили уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмининг ўзгариши билан боғланган ҳолда ўтказилиши лозим. Бунинг учун ҳар бир сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқариш учун кетган ҳаражатлар кўрсаткичлари таҳлил қилиниши керак.

Энди, 5-Е давлат статистика ҳисоботи маълумотларидан фойдаланиб, корхона ҳаражатларининг таркибий ўзгариши таҳлил этилади.

Корхона ҳаражатларининг таркиби

	Ҳаражатлар, минг сўм		Ҳаражатлар таркиби, фоиз	
	1998	1996	1998	1996
	1	2	3	4
Жами ҳаражатлар шу жумладан:	28500	23600	100,0	100,0
1. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари	21400	17500	75,0	74,2
Ундан:				
Моддий ҳаражатлар	6500	5000	30,4	28,6
Ишлаб чиқариш қабилдаги иш ҳақи тўлов ҳаражатлари	9000	8000	40,1	45,7

	Ҳаражатлар, минг сўм		Ҳаражатлар таркиби, фоиз	
	1998	1996	1998	1996
	1	2	3	4
Асосий воситалар ва помоддий активлар амортизацияси	5400	4000	25,2	22,9
Ишлаб чиқаришнинг бошқа ҳаражатлари	500	500	2,3	2,3
2. Давр ҳаражатлари Ундан:	5700	5300	20,0	22,5
Бошқарув ходимларига иш ҳақи тўлаш ҳаражатлари	600	500	10,4	3,4
Асосий маъмурий воситаларга амортизация ажратмалари	1000	900	18,0	17,0
Бошқарув ходимларининг хизмат сафари ҳаражатлари	100	80	1,8	1,6
Ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва ривож лантириш ҳаражатлари	-	-	-	-
Банк хизматларига тўловлар	400	500	7,4	9,4
Ижтимоий тўловлар	-	-	-	-
Номоддий хизматлар тўлови	100	90	1,8	1,7
Бюджетга мажбурий тўловлар, солиқ ва ийғимлар	150	330	2,5	6,2
Нобюджет жамғармаларига ажратмалар	350	400	6,0	7,5
Маҳсулотларни сотиш ҳаражатлари	3000	2500	52,2	47,2
Бошқа муомала ҳаражатлари	-	-	-	-
3. Молиявий фаолият бўйича ҳаражатлар Ундан:	1200	500	4,2	2,0
Қарам ва уюшмалаш тирилган корхоналарга берилган қарзлар бўйича фоизлар.	200	100	16,5	20,0
Банкларнинг кредитлари бўйича тўловлар	300	120	25,0	24,0
Ердан фойдаланганлик учун ижара тўлови	200	10	16,5	20,0
Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш ҳаражатлари	400	130	33,2	26,0
Молиявий фаолият бўйича бошқа ҳаражатлар	100	50	8,0	10,0
4. Фавқулодда зарарлар	200	300	0,8	1,3

Жадвал маълумотларига биноан қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

- корхона ҳаражатларини асосий қисмини ишлаб чиқариш тан-нарни ташкил этиб, ўтган даврда унинг салмоғи деярли ўзгармаган;
- давр ҳаражатларининг кўпчилиги қўшимча ҳаражатлар булиб, уларнинг салмоғи умумий ҳаражатлар таркибида 1/5 қисмини ташкил этади. Қўшимча ҳаражатларнинг салмоғи 2,5 фоизга қисқартирилган. Демак, корхонада ишлаб чиқаришга бошқарувчилик қилиш такомиллаштирилмоқда ва натижада қўшма ҳаражатлар қисқарилмоқда;

- корхонада молиявий фаолият кучайтириляпти, бу фаолият билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар салмоғи кўпайяпти ва мазкур ҳолат корхонанинг молиявий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатмоқда;

- ишлаб чиқариш таннархи таркибида иш ҳақи тўловлари 40 фоиздан ошиғини ташкил этади. Демак таннархни пасайтиришда меҳнат ҳаражатларини қисқартиришга кўпроқ эътибор сафарбар этилиши лозим. Бу муаммо корхонада ечиляпти, 1996-1998 йилларда таннарх таркибида бу ҳаражатлар 45,7 фоиздан 42,1 фоизгача қисқартирилди.

- маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар давр ҳаражатларининг деярли ярмини ташкил этиб, уларнинг салмоғи 5,3 фоизга кўтарилган. Бу ҳолатни табиий деб ҳисобласак ҳам бўлади, чунки бозор муносабатлари шаклланиши даврида маҳсулотларни сотиш муаммолари оғирлашади, сотиш ҳаражатларини ошиб боришига олиб келади;

- молиявий фаолият билан боғлиқ ҳаражатлар ҳам ўсган. Уларнинг айниқса қимматли коғозлар билан бўлган операциялар бўйича салмоғи кўтарилган. Демак, корхонанинг молия бозордаги фаоллиги ошиб бормоқда.

Юқорида тўрт гуруҳ ҳаражатлар бўйича уларнинг таркибий ўзгариши кўриб чиқилди. 5-Е статистика ҳисоботидан фойдаланиб, корхона ҳаражатларини элементлари ва моддалари бўйича ҳам уларнинг таркибий ўзгаришини таҳлил қилишимиз мумкин.

Лекин на ҳаражатлар тўғрисидаги Низомда, на статистика ҳисоботида корхона ҳаражатларининг элементлари ва моддалари бўйича аниқ таснифи келтирилган эмас. Бу ҳолат таннархни таҳлил қилишни оғирлаштиради.

ҳаражатлар тўғрисидаги Низомга ва 5-Е статистика ҳисоботига асосланиб, корхона ҳаражатларининг элементлари ва моддалари бўйича қуйидаги таснифларни, туркумлашни тавсия этиш мумкин.

Корхона ҳаражатларининг элементлари бўйича таснифи:

1. Хом ашё ва материаллар.

1.1. Хом ашё ва асосий материаллар.

1.2. Ёқилғи ва энергия.

1.3. Табиий хом ашё.

1.4. Бошқа материал ҳаражатлар.

2. Корхона ходимларининг иш ҳақи тўловлари.

2.1. Ишлаб чиқариш қабiliдаги иш ҳақи тўловлари.

2.2. Ишлаб чиқариш ходимлари бўйича ижтимоий чегирмалар.
2.3. Ишлаб чиқариш ходимлари бўйича операция харажатлари.

2.4. Бошқарув ходимларга иш ҳақи тўловлари.

2.5. Бошқарув ходимлари бўйича ижтимоий чигирмалар.

2.6. Бошқарув ходимлари бўйича операция харажатлари.

3. Асосий воситалар ва номоддий активларнинг амартизацияси.

3.1. Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш қабiliдаги номоддий активларнинг амартизацияси.

3.2. Ишлаб чиқариш қабiliда бўлмаган асосий воситалар ва номоддий активларнинг амартизацияси.

4. Бошқа харажатлар.

4.1. Молиявий фаолият бўйича харажатлар.

4.2. Фавқулодда харажатлари.

4.3. Бошқа моддий ва меҳнат харажатлари.

Бу тасниф маълумотларидан фойдаланиб, корхона харажатларининг алоҳида элементлари ва уларнинг таркибий ўзгаришини таҳлил қилиш билан бирга корхоналар фаолиятидаги моддий сифимни, хом ашё сифимини, энергия ва ёқилғи сифимини, фонд сифимини, маҳсулот сифимини таҳлил қилишимиз мумкин.

Корхона харажатларининг моддалари бўйича таснифи:

1. Хом ашё ва асосий материаллар.

2. Ишлаб чиқариш қабiliдаги иш ҳақи.

3. Ишлаб чиқариш ходимлари бўйича ижтимоий чигирмалар.

4. Ишлаб чиқариш ходимлари бўйича операция харажатлари.

5. Ишлаб чиқариш қабiliдаги асосий воситалар ва номоддий активларнинг амартизацияси.

6. Цех харажатлари.

6.1. Моддий харажатлар.

6.2. Цех маъмурий асосий воситалар амартизацияси.

6.3. Цех маъмурий ходимлари иш ҳақи.

6.4. Цех маъмурий ходимлари иш ҳақи бўйича ижтимоий чигирмалар

6.5. Маъмурий ходимлар бўйича операция харажатлари

6.6. Бошқа цех харажатлари.

7. Умумзаавод харажатлари.

7.1. Моддий харажатлар.

7.2. Умумзаавод маъмурий асосий воситалар амартизацияси.

7.3. Умумзаавод маъмурий ходимлари иш ҳақи.

7.4. Умумзавод маъмурий ходимлари иш ҳақи бўйича ижтимоий чигирмалар.

7.5. Умумзавод маъмурий ходимлари бўйича операция ҳаражатлари.

7.6. Бошқа умумзавод ҳаражатлари.

Маълумки, ҳаражатлар элементлари бўйича ялпи маҳсулот таннархи, ҳаражатлар моддалари бўйича товар маҳсулоти таннархи аниқланади. Ҳаражатлар моддалари маълумотларига биноан корхонанинг ишлаб чиқариш (п.п. 1-5) ва ноишлаб чиқариш (п.п.6-7) ҳаражатларини ёки асосий ва қўшимча ҳаражатларнинг таркибини, улар ўртасидаги нисбатни таҳлил этиш мумкин.

Кўриниб турибдики, қабул қилинган Низом халқаро стандартларга жавоб берадими, таннарх кўрсаткичларини таҳлил қилишни бирмунча мураккаблаштиряпти. Низом асосида тасдиқланган молиявий ҳисоботлар, тавсия этилган таснифлар маълумотларидан фойдаланиб, таннархни таҳлил қилиш қуйидаги йўналишларда ўтказилиши мумкин:

- корхоналар ҳаражатлари таркибини таҳлил қилиш;
- таннарх кўрсаткичлари даражасини ва динамикасини таҳлил қилиш;
- маҳсулотлар таннархига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш.

Маълумки, фан-техникани ривожланиши, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи таркибида асосий ҳаражатларнинг салмоғи ошиб, қўшимча ҳаражатларнинг салмоғи пасайиб бориши лозим. Низомда корхона ҳаражатлари асосий ва қўшимча ҳаражатларга туркумлаштирилмаган бўлсада, уларнинг ўзгаришини таҳлил қилиш зарурдир. «Қўшимча ҳаражатлар», «Давр ҳаражатлари» таркибида бўлсада, уларни камайтириш вазифаси мавжудир, демак, бу таҳлил этилиши керак.

Ҳаражатлар таркибини таҳлил қилиш таннархининг алоҳида кўрсаткичлари таҳлили билан биргаликда ўтказилиши лозим. Бу ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотларнинг таннархи кўрсаткичлари ҳамда ҳар бир сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган ҳаражатлардир.

Таннарх кўрсаткичлари таркибида асосий кўрсаткич бўлиб, ҳар бир сўмлик товар маҳсулотига кетган ҳаражатлар ҳисобланади ва бу кўрсаткич товар маҳсулотининг таннархини

товар маҳсулотининг улгуржи нархда олинган ҳажмига бўлиш йўли билан аниқланади.

Товар маҳсулотининг ҳажми улгуржи нархда аниқлаганда қўшилган қийматга солинадиган солиқ ва акциз солиқлар ҳисобидан чиқариб ташланади. Таҳлил қилинаётган корхонамиз бўйича таннарх кўрсаткичларини кўриб чиқамиз.

16-жадвал

Маҳсулот таннархи кўрсаткичлари (минг сўм)

	1998 й.	1997 й.	Динамика , фоиз
1. Ялпи маҳсулот таннархи	65500	63500	103,1
2. Товар маҳсулотнинг тўлиқ таннархи	65500	63500	103,1
3. Товар маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи	63100	62400	101,1
4. Сотилган маҳсулот таннархи	58500	57400	101,9
5. Улгуржи нархдаги товар маҳсулоти	68500	67400	101,6
Бир сўмлик товар маҳсулоти учун кетган ҳаражат (2:5), тийин	91,2	90,9	101,6

Кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган корхонада таннарх кўрсаткичларининг ҳаммаси кўтарилган. Демак, таннархни ўзгариши корхонанинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатаётти. Ялпи маҳсулот таннархини кўтарилиши товар маҳсулоти таннархини кўтарилишидан юқори бўлганлигининг сабаби шундаки, таҳлил қилинаётган даврда ялпи маҳсулотни ўсиш суръати товар маҳсулотини ўсиш суръатидан кўпроқ бўлган. Товар маҳсулоти тўлиқ таннархининг ишлаб чиқариш таннархига нисбатан кўпроқ қимматлашгани — бу корхонада қўшимча ҳаражатларнинг кўпайганлигини кўрсатади.

Маҳсулот таннархини таҳлил қилиш таннархга таъсир кўрсатувчи омилларнинг таҳлили билан якунланиши лозим. Омиллар бўйича таҳлил одатда бир сўмлик товар маҳсулоти учун кетган ҳаражатларнинг кўрсаткичлари бўйича ўтказилади. Бу кўрсаткичга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- алоҳида маҳсулотлар таннархининг ўзгариши;
- алоҳида маҳсулотларга қўйилган нарх-наволарнинг ўзгариши;
- товар маҳсулотининг таркибий ўзгаришлари.

Бу омилларнинг бир сўмлик товар маҳсулотига кетган ҳаражатлар динамикасига таъсирини таҳлил этамиз. Авваламбор бир сўмлик товар маҳсулотига кетган ҳаражатларни динамикаси, бу:

$$= \frac{\text{Жорий даврдаги бир сўмлик товар маҳсулотига кетган ҳаражатлар}}{\text{Ўтган даврдаги бир сўмлик товар маҳсулотига кетган ҳаражатлар}}$$

Бу кўрсаткич қуйидаги шаклда аниқланади:

$$= \frac{\sum M_1 T_1}{\sum M_1 H_1} \cdot \frac{\sum M_0 T_0}{\sum M_0 H_0}$$

M_1 ва M_0 — жорий ва ўтган даврда ишлаб чиқарилган алоҳида маҳсулотларнинг миқдори.

T_1 ва T_0 — жорий ва ўтган даврда ишлаб чиқарилган алоҳида маҳсулот турларининг таннари.

H_1 ва H_0 — жорий ва ўтган даврда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг алоҳида турлари бўйича қўйилган улгуржи нархлар.

$\sum M_1 T_1$ — жорий даврдаги товар маҳсулотини жорий таннари.

$\sum M_1 H_1$ — жорий даврдаги товар маҳсулотини жорий улгуржи нархдаги ҳажми.

$\sum M_0 T_0$ — ўтган даврдаги товар маҳсулотини ўтган даврдаги таннари.

$\sum M_0 H_0$ — ўтган даврдаги товар маҳсулотини ўтган давр улгуржи нархдаги ҳажми.

Энди бир сўмлик товар маҳсулотига кетган ҳаражатлар динамикасига юқорида қўрсатилган омиллар таъсирини аниқлаймиз.

1. Алоҳида маҳсулотлар таннарининг ўзгариши таъсири:

Жорий давр товар маҳсулотининг бир сўмига кетган ҳаражатларнинг жорий таннари ва ўтган давр улгуржи нархи асосида аниқланган даражаси

$$= \frac{\text{Жорий давр товар маҳсулотининг бир сўмига кетган ҳаражатларнинг жорий давр таннари ва ўтган даврдаги улгуржи нархи асосида аниқланган даражаси}}{\text{Жорий давр товар маҳсулотининг бир сўмига кетган ҳаражатларнинг ўтган давр таннари ва ўтган даврдаги улгуржи нархи асосида аниқланган даражаси}}$$

Бу кўрсаткич қуйидаги шаклда аниқланади:

$$= \frac{\sum M_1 T_1}{\sum M_1 H_0} \cdot \frac{\sum M_1 T_0}{\sum M_1 H_0}$$

$\sum M_1 H_0$ — жорий даврдаги товар маҳсулотининг ўтган давр нархдаги ҳажми.

$\Sigma M_1 T_0$ — жорий даврдаги товар маҳсулотининг ўтган даврдаги таннархи.

Кўриниб турибдики, бу омилни аниқлашда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори (M_1) ва уларга қўйилган нархлар (H_0) ўзгармас сифатда олинган, ўзгаргани фақат маҳсулотларни алоҳида турлари бўйича таннарх (T_1 ва T_0) ва натижада бу омилнинг таъсири аниқланади.

2. Алоҳида маҳсулотлар нархи ўзгаришининг таъсири:

Жорий давр товар маҳсулотининг бир сўмига кетган харажатларнинг жорий таннархи ва ўтган давр улгуржи нархи асосида аниқланган даражаси

$$= \frac{\text{Жорий давр товар маҳсулотининг бир сўмига кетган харажатларнинг ўтган давр таннархи ва ўтган даврдаги улгуржи нархи асосида аниқланган даражаси}}{\text{Жорий давр товар маҳсулотининг бир сўмига кетган харажатларнинг ўтган давр таннархи ва ўтган даврдаги улгуржи нархи асосида аниқланган даражаси}}$$

Бу кўрсаткич қуйидаги шаклда аниқланади:

$$= \frac{\Sigma M_1 T_1}{\Sigma M_1 H_0} \cdot \frac{\Sigma M_1 T_0}{\Sigma M_1 H_0}$$

Кўриниб турибдики, бу омилнинг таъсирини аниқлашда ҳам ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори (M_1), алоҳида маҳсулотларнинг таннархи (T_1) ўзгармайди, ўзгаргани фақат маҳсулотларнинг алоҳида турларига қўйилган нархлар (H_1 ва H_0) ва натижада бу омилнинг таъсири аниқланади.

3. Товар маҳсулоти таркибий ўзгаришининг таъсири. Товар маҳсулоти таркибига ҳар хил маҳсулотлар кириб, улар ўзига хос рентабеллик даражаларига эга. Уларнинг бир сўмлик ҳажми учун ҳар хил харажатлар бўлади, натижада товар маҳсулотининг таркибида бу маҳсулотларнинг салмоқлари жорий даврда ўтган даврга нисбатан ўзгарса, бир сўмлик товар маҳсулоти учун кетган харажатларнинг ўртача даражасига таъсир кўрсатади ва у қуйидагича аниқланади:

Жорий давр товар маҳсулотининг бир сўмига кетган харажатларнинг жорий таннархи ва ўтган давр улгуржи нархи асосида аниқланган даражаси

$$= \frac{\text{Жорий давр товар маҳсулотининг бир сўмига кетган харажатларнинг ўтган давр таннархи ва ўтган даврдаги улгуржи нархи асосида аниқланган даражаси}}{\text{Жорий давр товар маҳсулотининг бир сўмига кетган харажатларнинг ўтган давр таннархи ва ўтган даврдаги улгуржи нархи асосида аниқланган даражаси}}$$

Бу кўрсаткич қуйидаги шаклда аниқланади:

$$= \frac{\Sigma M_1 T_0}{\Sigma M_1 H_0} \cdot \frac{\Sigma M_0 T_0}{\Sigma M_0 H_0}$$

Кўриниб турибдики, бу омилнинг таъсирини аниқлашда, ҳисоб-китобда маҳсулотлар таннархи, нархи ўзгармас сифатда олинган, ўзгаргани — бу товар маҳсулотини жорий даврда ўтган даврга нисбатан ўзгаришидир (M_1 ва M_0). Демак, жорий даврда ўтган даврга нисбатан товар маҳсулотининг таркиби ўзгарган бўлса, бу омил бир сўмлик товар маҳсулотига кетган ҳаражатлар даражасига таъсир кўрсатади.

Юқорида келтирилган омилли кўрсаткичлар ҳар бир омилнинг таъсирини аниқ кўрсатади, улар ўзаро боғланган, кўпайтмаси эса бир сўмлик товар маҳсулотларига кетган ҳаражатлар динамикасини беради, яъни:

$$\frac{\Sigma M_1 T_1}{\Sigma M_1 H_0} : \frac{\Sigma M_0 T_0}{\Sigma M_0 H_0} = \frac{\Sigma M_1 T_1}{\Sigma M_1 H_0} : \frac{\Sigma M_1 H_0}{\Sigma M_1 H_0} \times$$

$$\frac{\Sigma M_1 T_1}{\Sigma M_1 H_1} : \frac{\Sigma M_1 T_1}{\Sigma M_1 H_0} \times \frac{\Sigma M_1 T_0}{\Sigma M_1 H_0} : \frac{\Sigma M_0 H_0}{\Sigma M_0 H_0}.$$

Энди, таҳлилнинг бу кўрсаткичлар мисолида кўрамиз.

Бир сўмлик товар маҳсулотига кетган ҳаражатлар кўрсаткичлари

Маҳсулотлар турлари	Маҳсулотлар сони, дона		Бир дона маҳсулотнинг нархи (сгм)		Бир дона маҳсулотнинг таннархи (сгм)	
	Жорий давр M_1	Ўтган давр M_0	Жорий давр H_1	Ўтган давр H_0	Жорий давр T_1	Ўтган давр T_0
А	500	400	50	40	30	35
Б	200	250	30	40	25	30
В	150	100	15	10	10	5

Бир сўмлик товар маҳсулотга кетган ҳаражатларнинг жорий даврда ўтган даврга нисбатан динамикаси:

$$\left(\frac{500 \times 30 + 200 \times 25 + 150 \times 10}{500 \times 50 + 200 \times 30 + 150 \times 15} \right) : \left(\frac{400 \times 35 + 250 \times 30 + 100 \times 5}{400 \times 40 + 250 \times 40 + 100 \times 10} \right) =$$

$$= 0,677 : 0,815 = 0,794 \times 100 = 79,4.$$

Демак, бир сўмлик товар маҳсулотига кетган ҳаражатлар даражаси жорий даврда ўтган даврга нисбатан $(100 - 79,4) = 20,6$ фоизга камайган.

Бу ўзгаришга омиллар таъсири қуйидагича бўлган:

1. Алоҳида маҳсулот турлари таннархининг ўзгариши таъсири:

$$\left(\frac{500 \times 30 + 200 \times 25 + 150 \times 10}{500 \times 40 + 200 \times 40 + 150 \times 10} \right) : \left(\frac{500 \times 35 + 200 \times 30 + 150 \times 5}{500 \times 40 + 250 \times 40 + 100 \times 10} \right) =$$
$$0,729 : 0,796 = 0,915 \times 100 = 91,5 \text{ фоиз}$$

Демак, алоҳида маҳсулот турлари таннархининг ўзгариши, бир сўмлик товар маҳсулотига кетган ҳаражатлар даражасини 9,5 фоизга камайтиришга олиб келган.

1. Алоҳида маҳсулот турларига қўйилган нархларнинг ўзгариши таъсири:

$$\left(\frac{500 \times 30 + 200 \times 25 + 150 \times 10}{500 \times 50 + 200 \times 30 + 150 \times 15} \right) : \left(\frac{500 \times 30 + 200 \times 25 + 150 \times 10}{500 \times 40 + 200 \times 40 + 150 \times 10} \right) =$$
$$0,6647 : 0,729 = 0,887 \times 100 = 88,7 \text{ фоиз}$$

Демак, алоҳида маҳсулот турларига қўйилган нархларнинг ўзгариши, бир сўмлик товар маҳсулотига кетган ҳаражатлар даражасини 11,3 фоизга камайтиришга олиб келган.

2. Товар маҳсулоти таркибининг ўзгариши таъсири:

$$\left(\frac{500 \times 35 + 200 \times 30 + 150 \times 5}{500 \times 40 + 200 \times 40 + 150 \times 10} \right) : \left(\frac{400 \times 35 + 250 \times 30 + 100 \times 5}{400 \times 40 + 250 \times 40 + 100 \times 10} \right) =$$
$$= 0,796 : 0,815 = 0,976 \times 100 = 97,6 \text{ фоиз}$$

Демак, товар маҳсулотининг таркибий ўзгариши ҳам ижобий таъсир кўрсатиб, бир сўмлик товар маҳсулотига кетган ҳаражатлар даражасини 2,4 фоизга камайтирди. Шундай қилиб, бир сўмлик товар маҳсулотини ишлаб чиқариш учун қилинган ҳаражатлар даражасини жорий даврда ўтган даврга нисбатан камайтиришга ҳамма омиллар ижобий таъсир кўрсатади. Юқорида кўрилган маҳсулотлар таннархини таҳлил қилиш шундай хулосага олиб келяптики, бу таҳлил корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлилида ўз ўрнига эга бўлиши лозим.

V БОБ. КОРХОНАНИНГ ИШЧАНЛИК ВА БОЗОРГА ОИД ФАОЛЛИГИ ТАҲЛИЛИ

5.1. Корхоналарнинг ишчанлик фаоллиги таҳлили

Олдиндан айтилганидек, халқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтказилиши корхоналар молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва ўтказишга катта таъсир кўрсатади. Маълумки, собиқ иттифоқ даврида корхоналар фаолиятини таҳлил қилишда таҳлилчиларнинг асосий эътибори корхоналар фаолиятида давлат томонидан тасдиқланган маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича режаларнинг бажаришни аниқлашга сафарбар этиларди. Бозор муносабатлари шарт-шароитида корхоналар фаолиятида маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш ўртасидаги ўзаро нисбат, асосан, маҳсулотга бўлган талаб ва таклиф билан аниқланади. Демак, ишлаб чиқарилган маҳсулот ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларга мосланган бўлиб, бу маҳсулотларнинг истеъмолчиларини аниқлаш лозим.

Шу муносабат билан корхоналар фаолиятида ишчанлик ва бозорга оидликни ташкил этиш — уларни ривожлантиришни талаб қилади ва бу вазият ўз навбатида корхоналарнинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади. Демак, корхоналарни ишчанлик ва бозорга оидлигини таҳлил қилишнинг объектив зарурлигини тасдиқлайди. Ишчанлик ва бозорга оидлик корхоналарнинг иқтисодий мустаҳкамлиги, қабул қилинган режаларни ўз вақтида бажариш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни бозор талабларига мослиги, рақобатдошлиги, корхоналарнинг асосланган истиқболи мавжудлиги билан боғлиқ.

Корхоналарнинг ишчанлиги қуйидаги ўзаро нисбат боғланишга тўғри келиши лозим:

Корхона фойдасининг динамика индекси	>	Маҳсулот сотишнинг динамика индекси	>	Корхона мол-мулки қийматининг динамика индекси
---	---	--	---	--

Яъни, корхона фойдасининг кўпайиш суръати маҳсулот сотишнинг кўпайиши суръатидан юқори бўлиши лозим ва бу охирги кўрсаткич корхона мол-мулки қийматини кўпайиш суръатидан юқори бўлиши лозим, масалан:

$$120 \text{ фоиз} > 110 \text{ фоиз} > 105 \text{ фоиз.}$$

Бу ўзаро боғланиш, нисбат жаҳон тажрибасида «корхона иқтисодиётининг олтин қоидаси» деб аталади. Бу қоидага риоя қилиш учун корхонада ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш, маҳсулотлар сифатини ошириб бориш, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини кўтариш талаб этади. Корхона ишчанлиги унинг иқтисодий мустаҳкамлиги ва бошқа корхона, ташкилотлар билан бўлган алоқаларининг интенсивлиги билан аниқланади.

Корхона ишчанлиги кўп қиррали жараён бўлиб, уни таҳлил қилиш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга муваффақ:

$$1. \text{ Корхона активининг айланиш кўрсаткичи} = \frac{\text{Сотилган маҳсулотлар тушуми}}{\text{Корхона активларининг ўртача қиймати}}$$

$$2. \text{ Узоқ муддатли активларнинг айланиш кўрсаткичи} = \frac{\text{Сотилган маҳсулотлар тушуми}}{\text{Узоқ муддатли активларнинг ўртача қиймати}}$$

$$3. \text{ Умумий айланма маблағларнинг айланиш кўрсаткичи} = \frac{\text{Сотилган маҳсулотлар тушуми}}{\text{Умумий айланма маблағларнинг ўртача қиймати}}$$

$$4. \text{ Захира ва харажатларнинг айланиш кўрсаткичи} = \frac{\text{Сотилган маҳсулотлар тушуми}}{\text{Захира ва харажатларнинг ўртача қиймати}}$$

$$5. \text{ Корхонага тегишли капиталнинг айланиш кўрсаткичи} = \frac{\text{Сотилган маҳсулотлар тушуми}}{\text{Корхонага тегишли капиталнинг ўртача қиймати}}$$

6. Тайёр маҳсулотнинг айланиш кўрсаткичи	=	$\frac{\text{Сотилган маҳсулотлар тушуми}}{\text{Тайёр маҳсулот қол-диқларининг ўртача қиймати}}$
7. Дебиторлик қарзларнинг айланиш кўрсаткичи	=	$\frac{\text{Сотилган маҳсулотлар тушуми}}{\text{Дебиторлик қарзларнинг ўртача ҳажми}}$
8. Дебиторлик қарзларни ўртача муҳлати (йиллик)	=	$\frac{365 \text{ кун}}{\text{Дебиторлик қарзларнинг айланиш кўрсаткичи}}$
9. Кредиторлик қарзларнинг айланиш кўрсаткичи	=	$\frac{\text{Сотилган маҳсулотнинг тушуми}}{\text{Кредиторлик қарзларнинг ўртача ҳажми}}$
10. Кредиторлик қарзларнинг ўртача муҳлати (йиллик)	=	$\frac{365 \text{ кун}}{\text{Кредиторлик қарзларнинг айланиш кўрсаткичи}}$
11. Пул айланма маблағларнинг айланиш кўрсаткичи	=	$\frac{\text{Сотилган маҳсулотлар тушуми}}{\text{Пул айланма маблағларнинг ўртача ҳажми}}$
12. Сотилган маҳсулотларнинг ҳар бир сўмига айланма маблағлар сарфи	=	$\frac{\text{Умумий айланма маблағларнинг ўртача қиймати}}{\text{Сотилган маҳсулотлар тушуми}}$

Юқорида кўрилган кўрсаткичларни аниқлаш усули тўғрисида гап борар экан, қуйидагиларни эътиборга олиш керак:

Биринчидан, агарда таҳлил қилинаётган корхона қўшилган қийматта солинадиган солиққа ва акциз солиққа тортилса, сотилган маҳсулотлар тушумидан улар чиқариб ташланиши лозим.

Иккинчидан, ишчанлик кўрсаткичлари ўзаро боғланган бўлишлиги учун юқорида берилгандек, ишчанлик кўрсаткичлар ягона сотилган маҳсулотлар тушумига асосланган ҳолда аниқланиши лозим.

Келтирилган кўрсаткичлардан аёнки, ишчанлик даражасини таҳлил қилиш — бу корхоналар умумий активлари, уларнинг алоҳида элементларидан фойдаланишни ифодалайди.

Масалан, корхоналарнинг умумий активлари айланиши кўрсаткичи корхоналарда мавжуд асосий ва айланма маблағлардан ишлаб чиқариш жараёнида қандай фойдаланаётганлигини ифодалайди. Корхоналарда фойдаланаётган активларнинг алоҳида элементлари ҳар хил айланишга эга бўлганлиги сабабли, уларнинг айланиши алоҳида таҳлил этилади.

Мълумки, корхоналар ўзлик ва ташқаридан қарзга олинган маблағлардан фойдаланадилар, демак, уларнинг айланиши алоҳида таҳлил этилиши лозим. Ишчанликни таҳлил қилиш корхоналарда активлардан янада самарали фойдаланиш мақсадида тавсиялар ишлаб чиқиш имкониятини беради.

Энди, 1997 йил 1 январда қабул қилинган бухгалтерия баланси шакли ва бошқа молиявий ҳисоботларга биноан юқорида келтирилган ишчанлик кўрсаткичларини аниқлаш методларига тўхталамиз.

1. Корхоналарнинг умумий активлари айланиши	=	$\frac{2\text{-шакл, мисра } 010-020-030}{1\text{-шакл, мисра } 310 \text{ ёки } 550}$
2. Узоқ муддатли активларнинг айланиши	=	$\frac{2\text{-шакл, мисра } 010-020-030}{1\text{-шакл, мисра } 110}$
3. Умумий айланма маблағларнинг айланиши	=	$\frac{2\text{-шакл, мисра } 010-020-030}{1\text{-шакл, мисра } 300}$
4. Захира ва харажатларнинг айланиши	=	$\frac{2\text{-шакл, мисра } 010-020-030}{1\text{-шакл, мисра } 120 + 130 + 140 + 150 + 160}$
5. Корхонага тегишли капиталнинг айланиши	=	$\frac{2\text{-шакл, мисра } 010-020-030}{1\text{-шакл, мисра } 390}$
6. Тайёр маҳсулотларнинг айланиши	=	$\frac{2\text{-шакл, мисра } 010-020-030}{1\text{-шакл, мисра } 140}$
7. Дебиторлик қарзларнинг айланиши	=	$\frac{2\text{-шакл, мисра } 010-020-030}{2\text{-шакл, 3-графа жами}}$
8. Кредиторлик қарзларнинг айланиши	=	$\frac{2\text{-шакл, мисра } 010-020-030}{2\text{-шакл, 4-графа жами}}$
9. Пул айланма маблағларнинг айланиши	=	$\frac{2\text{-шакл, мисра } 010-020-030}{1\text{-шакл, мисра } 170 + \dots + 290}$

Юқорида келтирилган моделларда керакли молиявий ҳисоботларнинг мисраларидаги маълумотлардан фойдаланиш назарда тутилган, лекин бу маълумотлар асосан лаҳзалик қатор шаклида берилади. Шунинг учун улар бўйича, ишчанлик кўрсаткичларини ҳисоблашдан олдин, ўртача маълумотларни аниқлаш лозим. Масалан, корхона активлари, умумий айланма маблағлар ва бошқалар.

Ҳаммаси бўлиб ишчанлик кўрсаткичлари 12 та бўлиб, юқорида улардан 9 таси бўйича ҳисоблаш усуллари берилган, қалганларини аниқлаш учун 8,10, 12 ва бошқа ҳисобланган кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Куйидаги жадвалда бу кўрсаткичларнинг амалий материалларда ҳисоблаш натижалари берилган:

17-жадвал

Корхонанинг ишчанлик кўрсаткичлари (минг сўм)

<i>Маълумотлар базаси (минг.сум.)</i>	Жорий давр	Ўтган давр	Динамика, фоиз
1. Сотилган маҳсулотлар тушуми	76330	72500	105,6
2. Корхона активларининг ўртача қиймати	30550	27868	109,6
3. Корхона капиталининг ўртача қиймати	20120	18500	108,7
4. Узоқ муддатли активларнинг ўртача қиймати	8500	7800	108,9
5. Умумий айланма маблағларнинг ўртача қиймати	22050	19968	110,4
6. Захира ва ҳаражатларнинг ўртача қиймати	18500	16600	111,4
7. Пул айланма маблағларнинг ўртача қиймати	3550	3367	105,4
8. Тайёр маҳсулотнинг ўртача қиймати	9300	7500	124,0
9. Дебиторлик қарзларнинг ўртача қиймати	2500	2000	125,0
10. Кредитор қарзларнинг ўртача қиймати	4500	4000	112,5
<i>Кўрсаткичлар (марта ҳисобида)</i>			
1. Корхона активларининг айланиши	2,5	2,6	96,1
2. Узоқ муддатли активларнинг айланиши	8,9	9,3	95,7
3. Умумий айланма маблағларнинг айланиши	3,5	3,6	97,2
4. Захира ва ҳаражатларнинг айланиши	4,1	4,4	93,2
5. Корхона капиталининг айланиши	3,5	3,5	97,4
6. Тайёр маҳсулотнинг айланиши	8,2	9,7	84,5
7. Дебиторлик қарзларнинг айланиши	30,5	36,2	84,3
8. Дебиторлик қарзларнинг ўртача муҳлати (кунлар)	12	10	120
9. Кредиторлик қарзларнинг айланиши	16,9	18,1	93,3
10. Кредиторлик қарзларнинг ўртача муҳлати (кунлар)	19,9	18,1	109,9
11. Пул маблағларнинг айланиши	21,5	21,6	99,5
12. Сотилган маҳсулотлар ҳар сўмига айланма маблағлар сарфи (тийин)	28,0	27,5	101,8

Кўриниб турибдики, ўтган даврда корхонада ишчанлик фаоллиги сусайган. Бунни сотилган маҳсулотларнинг ўсиш суръати корхона активларини ўсиш суръатидан камчиллиги кўрсатиб турибди. Бошқа корхоналар билан алоқалар ҳам мураккаблашган. Жадвал маълумотларига кўра қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- корхона молиявий ресурсларидан фойдаланиш даражаси пасайди;

- корхона активларининг деярли ҳамма элементларини айланиши секинлашди;

- операцион цикл муҳлати узунлашди.

Демак, корхонада ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўп.

Корхона активларининг алоҳида элементларини айланиши тўғрисида гап борар экан, уларнинг ҳаммаси бўйича бир айланиш учун сарф қилинган календар кунлар ва бу айланишнинг ўзгариши натижасида активларнинг алоҳида элементларига нисбатан уларни тежалганлиги ёки тўлдирилганлиги тўғрисидаги кўрсаткичларни таҳлил қилишимиз мумкин.

Бу кўрсаткичлар корхоналарнинг ишчанлик активлигини янада чуқурроқ таҳлил этиб, келгусида корхона ишчанлигини кўтариш учун керакли тадбирларни ишлаб чиқиб, уларни амалга оширишни енгиллаштиради.

5.2. Корхоналарнинг бозорга оидлиги таҳлили

Корхоналар бозор муносабатлари шарт-шароитида ишчанлик даражасини кўтариш билан бирга, бозорга оидлик даражасини ҳам кўтариб туриши лозим. Иқтисодий адабиётда корхоналарнинг бозорга оидлигини уларнинг акцияларини жозибадорлик кўрсаткичлари билан боғлашади. Бизнинг фикримизча, корхоналарнинг бозорга оидлиги акцияларни жозибадорлигига қараганда кенг мазмунда бўлиб, улардан ташқари яна корхоналарнинг пул маблағлари ҳаракати ва улардан оқилона фойдаланишни ҳам ўз ичига олади. Шу нуқтаи назардан корхоналарнинг бозорга оидлигини қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида таҳлил қилиш лозим:

1. Корхоналарнинг акцияларини жозибадорлик кўрсаткичлари.

Бу кўрсаткичлар корхоналарни бозор иқтисодиётига киришини, бозор тизилмаларида қатнашини, ташқаридан инвесторларни, акция олувчиларни ўз фаолиятига жалб қилишини ифодалайди. Бунинг учун корхоналар ўз акцияларига дивидент

бериш қобилиятига эга бўлишлари лозим. Ундан ташқари корхона акцияларининг бозор нархи уларнинг номинал нархидан баланд бўлишини таъминлаш керак. Буларнинг ҳаммасини эътиборга олиш учун қуйидаги бозорга оидлик кўрсаткичларини таҳлил этиш мақсадга мувофиқ:

$$1. \text{ Битта акциянинг потенциал даромадлилиги} = \frac{\text{Корхонанинг бир акциясига соф фойда}}{\text{Битта акциянинг бозор нархи}}$$

$$2. \text{ Битта акциянинг ҳақиқий даромадлилиги} = \frac{\text{Битта акцияга дивиденд суммаси}}{\text{Битта акциянинг номинал нархи}}$$

$$3. \text{ Битта акция курс баҳосининг ўзгариш коэффициенти} = \frac{\text{Акциянинг сотув баҳоси} - \text{Акциянинг сотиб олиш баҳоси}}{\text{Битта акциянинг номинал нархи}}$$

$$4. \text{ Акциялар бўйича тўланган дивидендларнинг салмоғи} = \frac{\text{Барча тўланган дивидендлар суммаси}}{\text{Корхонанинг соф фойдаси}}$$

Акция эгалари корхонанинг соф фойдасидан дивидендлар учун ажратилган қисми, акцияларнинг бозор баҳосини ошиб бориши, дивиденд ставкалари билан қизиқадилар. Бу саволларни ҳаммасига юқорида келтирилган кўрсаткичлар тўлиқ жавоб беради. Бу кўрсаткичларнинг даражаси ва уларнинг ўзгариши 18-жадвалда берилган.

Кўриниб турибдики, корхона акциялари жозибадорлиги юқори даражада. Корхона 100 минг сўмлик акцияларни чиқарган. Битта акциянинг ҳам потенциал, ҳам ҳақиқий даромадлилики даражаси ва акцияларнинг бозордаги баҳоси ошиб бормоқда, тақсимлаш учун ажратилган фойда кўпаймоқда.

Демак, корхона акцияларининг жозибадорлиги унинг молиявий ҳолатни яхшилашда асосий омиллардан бирига айланган. Корхоналарда ишлаб чиқариш тўғри ташкил қилинса, юқорида кўрилган кўрсаткичларнинг ҳаммаси ошиб боради. Лекин амалиётда улар ёки ошади, ёки камаяди, баъзи бирлари ошса, бошқалари камаяди. Шу сабабли корхона акцияларининг жозибадорлиги таҳлил этилганда, асосий вазифа бу кўрсаткичларни ўзгаришида умумий йўналишни аниқлашдан иборат ва шунга қараб бу кўрсаткичларни келгусида кўтариш йўлларини аниқлаш керак.

Корхона акцияларини жозибадорлик кўрсаткичлари

	Жорий давр	Ўтган давр	Динамика, фоиз
Маълумотлар базаси:			
1. Битта акциянинг номинал баҳоси (сўм)	1000	1000	100
2. Битта акциянинг бозор баҳоси (сўм)	1500	1300	115,4
3. Битта акцияга соф фойда (сўм)	300	250	120
4. Битта акцияга дивиденд суммаси (сўм)	100	80	125
5. Умумий тўланган дивидендлар ҳажми (минг сўм)	10	8	125
6. Корхонанинг соф фойдаси (минг сўм)	30	25	120
Кўрсаткичлар:			
1. Битта акциянинг потенциал даромадлиги (сўм)	20	19,3	103,8
2. Битта акциянинг ҳақиқий даромадлиги (сўм)	10	8	125
3. Битта акция курс баҳосининг ўзгариш коэффициенти	50	30	166,6
4. Акцияларга тўланган дивидендларнинг салмоғи	33,3	32,0	104,1

2. Корхона пул маблағларининг айланиш кўрсаткичлари. Бу кўрсаткичлар корхона пул маблағларининг ҳолатини, ҳаракатини, шаклланишини ва фойдаланиш даражасини аниқлашга ёрдам бериш керак. Пул ҳаракатлари тўғрисидаги 4-шакл, ҳисоботига асосланиб, пул маблағларнинг айланишини таҳлил этиш учун куйидаги кўрсаткичлар тавсия этилади:

1. Хўжалик фаолиятидаги пул маблағлар оқимлари.
2. Сармоялардан олинган фойда ва молиявий хизматлар.
3. Солиққа тортилиш.
4. Сармоялик фаолияти.
5. Молиявий фаолият.
6. Ижара бўйича тўловлар ва тушумлар.
7. Валюта маблағлари оқимлари.

Корхонанинг пул маблағлари хазинада, ҳисоб-китоб ва валюта счётларида сақланади. Пул маблағларининг кўпайиб бориши, албатта, корхоналар фаолиятининг ижобий натижаси бўлиб ҳисобланади, лекин бозор муносабатлари даврида пул маблағлари бекорга йиғилиб ётиши керак эмас. Ортиқча пул маблағлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини кўтаришга, акциялар сотиб олишга ва бошқа мақсадларда фойдаланишга сарфланиши лозим.

Корхоналар фаолиятидаги пул маблағлари оқимлари — бу истеъмолчилардан олинган, таъминотчиларга ҳамда ходимларга тўланган пуллар. Сармоялар молиявий хизматлар билан боғлиқ бўлган фойда ва ҳаражатлар бу депозитларга, акцияларга олинган фоизлар, дивидендлар, ва кредитларга тўланган фоизлар, акцияларга берилган дивидентлардан иборатдир.

Сармоялик фаолияти номоддий активларни ҳамда узоқ муддатли моддий активларни сотиб олишни, уларни сотишни, узоқ ва қисқа муддатли сармояларни ифодалайди. Бу кўрсаткичлар корхоналарни келгуси фаолиятга тайёргарлик кўришини, истиқболини кўрсатади.

Молиявий фаолияти кўрсаткичлари ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, улар акциялар чиқаришни, узоқ ва қисқа муддатга олинган мажбуриятларни, ижара алоқалар бўйича даромад ва ҳаражатларни ифодалайди.

Валюта маблағлари оқимлари — валюта тушиш йўналишларини ва улардан фойдаланиш йўналишларини таҳлил қилишга ёрдам беради.

Пул маблағларнинг айланиш кўрсаткичларини қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин:

19-жадвал

Корхоналарнинг пул маблағларини айланиш кўрсаткичлари
(МИНГ СЎМ)

	Жорий даврда	Ўтган даврда	Динамика, фоиз
1	2	3	4
<i>I. Хужалик фаолиятидаги пул маблағлари оқимлари:</i>			
1. Истеъмолчилардан олинган пуллар	50300	45200	111,3
2. Таъминотчиларга тўланган пуллар	21300	19500	109,2
3. Ходимларга тўланган пуллар	15000	13000	115,4
4. Бошқа тушган ва сарф қилинган пул маблағлар	-	-	-
<i>II. Сармоя ва молиявий хизматлар билан боғлиқ бўлган фойда:</i>			
1. Олинган фоизлар	300	280	111,1
2. Тўланган фоизлар	30	25	120
3. Олинган дивидентлар	500	450	111,1
4. Тўланган дивидентлар	60	50	120
<i>III. Солиққа тортилиш:</i>			
1. Фойдадан олинадиган солиқ	10500	9800	107,1
2. Бошқа солиқлар	1500	1490	100,6

	Жорий даврда	Ўтган даврда	Динамика, фоиз
1	2	3	4
IV. Сармоя фаолияти:			
1. Номоддий активларни сотиб олиш, сотиш	100	90	111,1
2. Узоқ муддатли активларни сотиб олиш, сотиш	5000	4800	104,1
3. Узоқ ва қисқа муддатли сармоялар	12000	11000	109,1
V. Молиявий фаолият:			
1. Акциялардан тушумлар	500	500	100
2. Узоқ ва қисқа муддатли заёмлардан тушумлар	-	-	-
3. Ижара бўйича тушумлар ва сарфлар	50	50	100
VI. Валюта маблағлари оқимлари:			
Валюта тушумлари:			
1. Маҳсулот сотишдан	50300	43000	111,3
2. Олинган кредит	12000	11000	120
3. Бошқа тушумлар	-	-	-
Валюта сарфлари:			
1. Ишлаб чиқаришга	20000	18000	111,1
2. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришга	5000	5000	100
3. Таъминотчиларга	21300	19500	109,2
4. Кредитларга ва бошқа сарфлар	1000	2000	50

Жадвалда келтирилган маълумотлар илгари молиявий ҳисоботларда кўрсатилмас эди. Янги молиявий ҳисобот бозор муносабатларига мосланган бўлиб, янги маълумотлар корхоналарнинг бозорга оидлигини таҳлил қилишда катта рол ўйнайди.

Жадвалда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, корхонада:

- бозорга оид фаолият кучайтириляпти;
- пул оқимлари ҳам даромадлар, ҳам ҳаражатлар бўйича ривожланмоқда;
- молиявий фаолият ижобий натижаларга эга;
- бюджет билан алоқалар ривожланиб бормоқда;
- ташқи иқтисодий алоқалар ривожланмоқда. Валюта тушумлари кўпаймоқда;
- таъминотчилар билан алоқалар жадаллаштириляпти.

3. Дебиторлик, кредиторлик қарзлар кўрсаткичлари.

Бозор муносабатлари даврида дебиторлик ва кредиторлик қарзларни тутган ўрни тубдан ўзгаради. Собиқ иттифоқ даврида корхоналарнинг фаолияти марказлаштирилган бўлиб, бутун корхоналарнинг фаолият муаммолари марказлаштирилган бошқарув орқали ечилар эди.

Корхоналарни ресурслар билан таъминлаш давлат лимитлари билан, маҳсулот ишлаб чиқариш халқ хўжалик режалари билан, маҳсулотларни сотиш давлат томонидан тасдиқланган минтақалараро, республикалараро, тармоқлараро кооперациялаштириш режалари билан аниқланарди. Натижада дебиторлик ва кредиторлик қарзлар алоҳида корхоналар фаолияти билан боғлиқ бўлмай, ташқи, халқ хўжалиги алоқалари ва муаммолари билан аниқланар эди.

Бозор муносабатлари даврида корхоналарга формал эмас, реал иқтисодий мустақиллик берилади. Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги Қонунида таъкидланганки, бозор муносабатлари шаклланиш пайтида «Давлат корхоналарга жавоб бермайди», «Корхоналар давлатга жавоб бермайди». Корхоналар ўз вақтида тасдиқланган солиқ ва тўловларни бериб туриши керак, давлат эса илгариги дотация ва субсидияларни камайтириб, корхоналар устидан умумий бошқарувни сақлайди.

Бу вазиятда дебиторлик ва кредиторлик қарзлар корхоналарнинг бозорга оидлигини ифодаловчи катта аҳамиятга эга бўлган кўрсаткичларга айланади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўзининг махсус буйруғи билан дебиторлик ва кредиторлик тўғрисидаги ҳисоботни молиявий таҳлилнинг асосий молиявий манбаларидан бири сифатида тасдиқлагани тасодифан эмас.

Дебиторлик қарз — «бошқаларнинг менга қарзи», кредиторлик қарз — «менинг бошқаларга қарзим» деб ифодалаш мумкин. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар корхоналараро иқтисодий алоқаларни, ўзаро ҳисоб-китобларни ифодалаб, улар бозор муносабатлари даврида корхоналарнинг ишлаб чиқаришга, молиявий ҳолатига, бозорга оидлигига таъсир кўрсатувчи омиллардан бирига айланади.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида илгари шаклланган корхоналараро иқтисодий алоқалар тарқалиб кетди. Бу алоқаларни янги шарт-шароитларда янгичасига тубдан ўзгартириб шакллантириш зарурияти пайдо бўлди. Натижада корхоналараро алоқалар мураккаблашди ва дебиторлик-кредиторлик қарзлар кўпая бошлади, ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатувчи муаммога айланди.

Корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш, халқ хўжалигидаги иқтисодий ҳисоб-китобларни тезлаштириш, бу борада корхона ва ташкилотлар раҳбарлари жавобгарлигини ошириш мақсадида 1994 йил май ойида Ўзбекистон

Республикаси Президентининг «Халқ хўжаликда ҳисоб-китобларни ўз вақтида олиб боришда корхона ва ташкилот раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш тўғрисида», 1996 йил 24 январда «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китобларни мустаҳкамлаш тўғрисида», 1997 йил 11 мартда «Қишлоқ хўжалигида ҳисоб-китоб тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонлари қабул қилинди.

Демак, корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишда дебиторлик ва кредиторлик қарзларни таҳлил этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Дебиторлик қарзлар — бу корхоналар маблағларидан бир қисмини уларнинг фаолиятдан четга чиқариш, уларнинг молиявий ҳолатини оғирлаштиришдир.

Дебиторлик қарзлар корхоналарнинг нақт пулга ва моддий айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини чегаралайди. Бу эҳтиёжларни қоплаш учун корхоналар ташқи маблағларни сафарбар этишга мажбур бўладилар. Дебиторлик қарзларни кўпайиб бориши корхона айланма маблағларининг айланишини секинлаштиради, демак, молиявий ҳолатини оғирлаштиради.

Республикада 1997 йилдан бошлаб қабул қилинган бухгалтерия балансига биноан дебиторлик қарзлар ўз таркибига қуйидагиларни олади:

- сотиб олувчилар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар;
- аванс (бўнак) тўловлар;
- бюджет билан ҳисоб-китоблар;
- корхона ходимлари билан ҳисоб-китоблар;
- шўъба корхоналар билан ҳисоб-китоблар;
- ассоциация қилинган корхоналар билан ҳисоб-китоблар;
- таъсис этувчилар билан ҳисоб-китоблар;
- бошқа дебиторлик қарзлар.

Кредиторлик қарзлар таркибига қабул қилинган бухгалтерия балансида кўрсатилганидек қуйидагилар киради:

- мол етказиб берувчиларга қарзлар;
- бюджет бўйича қарзлар;
- меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар;
- ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар;
- мулкый ва шахсий суғурталар бўйича қарзлар;
- бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар;
- шўъба корхоналарига қарзлар;
- уюшма корхоналарига қарзлар;
- бошқа кредиторларга қарзлар.

Кредиторлик қарзлар ҳам корхоналараро ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказмаслик натижасида пайдо бўлади. Лекин кредиторлик қарзлар маблағларни корхоналар фаолиятидан ташқарига чиқариш эмас, аксинча, корхоналар фаолиятига бошқа корхона ва ташкилотларнинг маблағларини жалб қилиш демакдир.

Кредиторлик қарзлар — «бошқа корхоналар ҳисобидан фаолият кўрсатиш» деса ҳам бўлади. Чунки кўп корхоналар маблағларга бўлган эҳтиёжини қоплаш учун банк кредитларидан эмас, кредиторлик қарзларидан фойдаланмоқдалар.

Демак, кредиторлик қарзларни кўпайиши бошқа корхоналарни оғир молиявий ҳолатга олиб келса, дебиторлик қарзларни кўпайиши корхоналарни ўз мажбуриятларидан қутилиш имкониятларини камайтиради, айланма маблағларнинг айланишини сусайтиради.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари таҳлил этилганда улар ҳажмининг ўзгариши-динамикаси ва ўзаро нисбати аниқланади. Бу қарзларнинг динамикаси аниқлаганда ҳам дебиторлик, ҳам кредиторлик қарзлар бўйича муҳлатли ва муҳлати ўтган қарзлар алоҳида таҳлил этилади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ўртасидаги нисбат ҳар хил, уларнинг ҳажми эса бир хил бўлиши мумкин. Дебиторлик қарзлар кредиторлик қарзлардан, кредиторлик қарзлар эса дебиторлик қарзлардан кўп бўлиши мумкин.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларни оптималлаштириш муаммоси катта аҳамиятга эгаллиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1998 йил 4 августда «Дебиторлик ва кредиторлик қарзларни солиштиришни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида тасдиқланган. Бу қарорда дебиторлик ва кредиторлик қарзларни солиштириш йўллари ва уларни таҳлил қилиш учун фойдаланадиган кўрсаткичлар тизими берилган.

«Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида далолатнома» (2а-шакл) ва молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланиб, бу қарзлар қуйидагича таҳлил қилиниши мумкин:

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг умумий кўрсаткичлари
(минг сўм)

	Жорий давр	Ўтган давр	Динамика, %
1. Умумий қарзлар:			
Дебиторлик	800	700	114,3
Кредиторлик	1000	800	125,0
Шу жумладан, республикадан ташқарида:			
Дебиторлик			
Ҳажми	200	150	133,3
Салмоғи, фоиз	25	21,4	116,8
Кредиторлик			
Ҳажми	300	250	120,0
Салмоғи, фоиз	30	31,3	95,8
2. Умумий қарзлардан муҳлати ўтган қарзлар:			
Дебиторлик			
Ҳажми	500	400	125,0
Салмоғи, фоиз	62,5	57,1	109,5
Кредиторлик			
Ҳажми	700	600	116,7
Салмоғи, фоиз	70,0	75,0	93,3
Шу жумладан, республикадан ташқарида:			
Дебиторлик			
Ҳажми	300	200	150
Салмоғи, фоиз	60	50	120,0
Кредиторлик			
Ҳажми	500	400	125
Салмоғи, фоиз	71,4	66,7	107

Жадвал маълумотларига биноан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Корхонада ҳам дебиторлик, ҳам кредиторлик қарзлар кўпайган.

2. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳам республикада, ҳам республикадан ташқарида кўпайган. Дебиторлик қарзлар таркибида республикадан ташқарида бўлган қарзлар салмоғи ошган, кредиторлик қарзлар бўйича бу кўрсаткич бир оз камайган.

3. Ҳам дебиторлик, ҳам кредиторлик қарзлар таркибида муҳлати ўтган қарзларнинг салмоғи юқори бўлиб, дебиторлик қарзлар бу кўрсаткич бўйича ўсган, кредиторлик қарзлар бўйича бир оз пасайган.

4. Муҳлати ўтган дебиторлик, кредиторлик қарзлар асосан республикадан ташқарида жойлашган ва бу ҳолат уларни камай-тиришни оғирлаштиради.

Кўриниб турибдики, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар бўйича корхона паст даражада бозорга оиддир. Демак, бу борада корхонада керакли тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 августида қабул қилинган қарорига биноан дебиторлик ва кредиторлик қарзларни доимо, ҳар томонлама таҳлил қилиб туриш вазифаси қўйилган. Бунинг учун яна қуйидаги жадвалда берилган кўрсаткичлардан фойдаланиш лозим.

21-жадвал

Дебиторлик қарзлар кўрсаткичлари (минг сўм)

	Жорий давр	Ўтган давр	Динамика, фоиз
1. Қарзларнинг умумий ҳажми	800	700	114,3
шу жумладан:			
Мухлатли, 60 кунгача			
Ҳажми	300	300	100,0
Салмоғи, фоиз	37,5	42,9	88,0
Мухлати ўтган			
Ҳажми	500	400	125,0
Салмоғи, фоиз	62,5	51,9	122,3
Улардан:			
60 кундан 1 йилгача			
Ҳажми	200	150	133,3
Салмоғи, фоиз	40,0	37,5	106,6
1 йилдан 3 йилгача			
Ҳажми	200	150	133,3
Салмоғи, фоиз	40,0	37,5	106,6
3 йилдан ошган			
Ҳажми	100	100	100
Салмоғи, фоиз	20,0	25,0	80,0
2. Умумий қарзлардан:			
Сотиб олувчилар билан ҳисоб-китоблар			
Ҳажми	500	400	125,0
Салмоғи, фоиз	62,5	57,1	109,9
Аванс тўловчилар			
Ҳажми	200	150	133,3
Салмоғи, фоиз	25,0	21,4	116,8
Ходимлар билан ҳисоб-китоблар			
Ҳажми	60	100	60,0
Салмоғи, фоиз	7,5	14,3	48,0
Бошқа қарзлар			
Ҳажми	40	50	80
Салмоғи, фоиз	5,0	7,1	70,4

Жадвал маълумотларига кўра:

- дебиторлик қарзлари муҳлатлари эътиборга олинади. Қарзларнинг муҳлати 3 йилдан ошса, бу қарзлар умидсиз ҳисобланади;

- дебиторлик қарзлари алоҳида турлар бўйича таҳлил этилади;

- корхонада муҳлати ўтган қарзларнинг салмоғи умуман кўтарилган. Лекин шу билан бирга муҳлати 3 йилдан ошган қарзлар солмоғи 5 фоизга камайган;

- дебиторлик қарзларнинг асосий қисми маҳсулот сотиб олувчиларга тўғри келади ва уларнинг салмоғи 57,1 фоиздан 62,5 фоизгача кўтарилган.

Демак, корхонада дебиторлик қарзларни камайтириш, уларнинг таркибини тақомиллаштириш ва шу йўл билан унинг молиявий ҳолатини яхшилаш корхона фаолиятида кун тартибига қўйилган масалалардан биридир.

Энди, худди шу тарзда кредиторлик қарзлар кўрсаткичларини қараб чиқамиз.

22-жадвал

Кредиторлик қарзлар кўрсаткичлари (минг сўм)

	Жорий давр	Ўтган давр	Динамика, фоиз
1. Қарзларнинг умумий ҳажми:	1000	800	125,0
шу жумладан:			
Муҳлатли, 60 кунгача			
Ҳажми	600	500	120,0
Салмоғи, фоиз	60,0	62,5	96,0
Муҳлати ўтган			
Ҳажми	400	300	133,3
Салмоғи, фоиз	40,0	37,5	106,7
Улардан:			
60 кундан 1 йилгача			
Ҳажми	100	100	100
Салмоғи, фоиз	25,0	33,3	75,0
1 йилдан 3 йилгача			
Ҳажми	200	150	133,3
Салмоғи, фоиз	50,0	50,0	100,0
3 йилдан ошган			
Ҳажми	100	50	200,0
Салмоғи, фоиз	25,0	16,7	149,7
2. Умумий қарзлардан:			
Таъминотчилар билан ҳисоб-китоблар			
Ҳажми	600	500	120,0
Салмоғи, фоиз	60,0	62,5	96,0
Олинган аванслар (бўнақлар)			

	Жорий давр	Ўтган давр	Динамика, фоиз
Ҳажми	100	100	100
Салмоғи, фоиз	10,0	12,5	89,3
Меҳнатга тўлов бўйича			
Ҳажми	250	150	166,6
Салмоғи, фоиз	25,0	18,7	133,7
Бошқа қарзлар			
Ҳажми	50	50	100
Салмоғи, фоиз	5,0	6,3	79,4

Жадвал маълумотларига кўра қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- кредиторлик қарзларни кўпайиб бориши ҳам муҳлатли, ҳам муҳлатдан ўтган қарзлар ҳисобидан бўлган, лекин муҳлати ўтган қарзларнинг кўпайиши юқорироқ суръатда бўлган;

- муҳлати ўтган қарзлар таркибида бир йилдан ўтган қарзларнинг кўпайиши корхонада муаммога айланган. Айниқса, шуни таъкидлаш керакки, муҳлати 3 йилдан ошган қарзлар 49,9 фоизга кўпайган. Маълумки, кредиторлик қарзларнинг тасдиқланган қайтариб бериш муҳлати 3 йил ҳисобланади. Демак, бу корхона бошқа корхоналарга нисбатан, иқтисодий алоқаларни биров бўлса ҳам (50 минг сўм, 100 минг сўм) адолатсизликка олиб борапти ва у корхоналарни молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатапти;

- кредиторлик қарзларнинг асосий қисми таъминловчиларга тўғри келади. Бу қарзларнинг солмоғи 62,5 фоиздан 60,0 фоизга камайган бўлсада, улар қарзларнинг ярмидан кўпини ташкил этмоқда. Таъминотчилар билан алоқалар яхшиланмаса, корхона оғир аҳволга тушиб қолиши мумкин, чунки таъминотчилар маҳсулот бермай қўяди;

- корхонада меҳнатга тўлов ва ижтимоий суғурта бўйича ҳам вазият яхши эмас. Бу қарзлар 33,7 фоизга кўпайган. Демак, ўз вақтида иш ҳақи берилмаяпти.

Кўриниб турибдики, корхонада бозорга оидликни кўтариш мақсадида керакли тадбирлар амалга оширилиши лозим. 1995 йил 12 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари жавобгарлигини кўтариш тўғрисида»ги фармонида биноан, ҳамма мулк шаклларидаги хўжалик субъектларига ўз маҳсулотларини истеъмолчиларга олдиндан 15 фоизли тўловларсиз жўнатиш ман

қилинганига қарамасдан истъёмолчиларга маҳсулот жўнатилиши давом этаяпти. Шу сабабли дебиторлик қарзларни алоҳида сабаблар бўйича таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга. Кредиторлик қарзларни ҳам алоҳида сабаблари бўйича таҳлил этишнинг аҳамияти каттадир.

Шундай қилиб, корхоналарнинг ишчанлигини ва бозорга оидлигини таҳлил этиш бозор муносабатлари талабларига жавоб бериб, уни ўтказиш молиявий таҳлилнинг алоҳида босқичига айланиши қонуний зарурият бўлиб, бу корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳолати таҳлилини чуқурлаштиришга ва уни ҳар томонлама ифодалашга ёрдам беради.

VI БОБ. КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

6.1. Корхоналар фойдаси таҳлили

Юқорида корхоналар молиявий ҳолатини алоҳида томонлари ва йўналишларини таҳлил қилиш масалалари кўриб чиқилди. Молиявий таҳлилнинг якуний босқичи бўлиб, корхоналар фаолиятининг молиявий якунлари таҳлили ҳисобланади. Корхоналар фаолиятининг молиявий якунлари бўлиб фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари ҳисобланади.

Фойда ижтимоий ишлаб чиқариш ҳамма босқичларининг иқтисодий категориясидир.

Қаерда ижтимоий ишлаб чиқариш барпо этилган бўлса, унда қатнашувчиларнинг меҳнати иккига бўлинади — биринчи қисми ишлаб чиқариш қатнашчиларини шахсий эҳтиёжларини таъминлаш, қоплаш учун фойдаланилади, иккинчи қисми эса мулкдорларни, давлат ва ижтимоий эҳтиёжларни қоплашга сафарбар этилади.

Фойда иқтисодий катигория ва молиявий якун сифатида ўзининг энг юқори аҳамиятига бозор муносабатлари, бозор иқтисодиёти даврида кўтарилади. Фойдани барпо этиш, уни реализация қилиш бу кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришни, қиймат қонунини ва хўжалик юритиш усули сифатида фойдаланадиган хўжалик ҳисоботининг объектив талабидир.

Кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш ишлаб чиқаришнинг доимо кенгайишини, унинг техникавий даражасини мунтазам кўтариб туришни талаб этади. Бунинг учун ишлаб чиқаришда ҳамма вақт фойдага эришилиши, реализация қилиниши ва ундан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиш лозим.

Қиймат қонуни алоҳида корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинган харажатлар — ижтимоий-зарурий харажатлар даражасида ёки ундан кам бўлишини талаб этади. Бу талабни амалга ошириш учун корхоналар фойдага эга бўладилар ва уларнинг рентабеллик даражаси ўртача ёки ундан юқори бўлиши керак.

Маълумки, хўжалик ҳисобининг талабларидан бири, асосий талаби — бу корхоналар фаолиятини рентабеллик бўлиши, яъни корхоналар ўз фаолиятини фойда олиш билан якунлашлариدير. **Фойда — абсолют кўрсаткич бўлиб, у корхоналар фаолияти самарасини ифодалайди.** Фойда корхоналар фаолиятининг ҳар хил йўналишларини молиявий якунидир. Шу сабабли фойда турли шаклда бўлиши мумкин.

Республикамизда «Маҳсулот (ишлар ва хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом» қабул қилинмасдан олдин корхоналар фойдаси қуйидаги шаклларда ҳисобга олинар эди:

- баланс бўйича фойда;
- сотилган маҳсулотлардан фойда;
- бошқа сотув операциялар фойдаси;
- ноишлаб чиқариш фойдаси;
- соф фойда.

Юқорида кўрсатилган Низомга биноан корхона ва ташкилотлар фойдаси қуйидаги, шаклларда ҳисобга олинади:

- **Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда.** Бу сотишдан олинган соф тушумдан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини олиш билан аниқланади;

- **Асосий фаолиятдан олинган фойда** — асосий фаолиятдан кўрилган фойда, бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва плюс асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа зарарлар сифатида аниқланади;

- **Хўжалик фаолиятидан олинган фойда** (ёки зарар), бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси, плюс молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва минус зарарлар сифатида аниқланади;

- **Солиқ тўлагунгача олинган фойда**, у умум хўжалик фаолиятидан олинган фойда, плюс фавқулотда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ва минус зарар сифатида аниқланади.

- **Йилнинг соф фойдаси**, у солиқ тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади.

Демак, хўжалик фаолиятидан олинган фойда ҳисобланаётганда молия фаолиятидан кўрилган фойда ҳамда солиқ тўлагунгача

олинган фойда ҳисобланаётганда фавқулот вазиятлардан кўрилган фойда аниқланади, эътиборга олинади.

Кўриниб турибдики, қабул қилинган Низомга кўра, фойда шакллари таркиби кенгайтирилди ва фойда шакллари бозор муносабатларига мослаштирилди. Корхоналар фаолиятининг молиявий яқунлари бухгалтерия баланси ва «Молиявий фаолият тўғрисидаги ҳисобот»га асосланиб таҳлил қилинади ва бу таҳлил юқорида кўрилган фойданинг бутун шакллари бўйича ўтказилиши лозим. Шу сабабли ана шу фойда шакллари устида тўхталамиз.

Сотилган маҳсулотлардан олинган ялпи фойда фойданинг асосий шакли бўлиб, у сотишдан олинган тушумдан сотилган маҳсулотлар таннархини айириш билан аниқланади. Сотилган маҳсулотлардан олинган соф тушумни аниқлаш учун сотилган маҳсулотлардан олинган ялпи тушумдан давлат бюджетига ўтказилган қўшилган қийматга солинадиган солиқ, акциз солиқлари ва экспорт-божхона поштиналари олиб ташланади.

Асосий фаолиятдан олинган фойда сотилган маҳсулотлардан олинган фойдадан давр харажатларини олиб ташлаш ва асосий фаолият билан алоқадор бошқа даромадлар, зарарларни эътиборга олиш йўли билан аниқланади.

Давр харажатлари деганда бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ва сарфлар тушинилади ва ўз таркибига бошқарув харажатларини, маҳсулотни сотиш харажатларини ва умумхўжалик аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатларни олади.

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинадиган бошқа даромадларга — қарздорлардан олинган жарима, пенялар, ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги фойда, сотилган асосий ва айланма маблағлардан олинган даромадлар, давлат субсидиялари, ҳолисона молиявий ёрдам, ошхона, ёрдамчи хизматлардан олинган даромадлар киритилади.

Асосий ишлаб чиқариш фаолияти, маҳсулот сотишдан ташқари, корхона харажатлари таркибида консервация қилинган ишлаб чиқариш кучлари билан боғлиқ бўлган сарфлар, тара билан боғлиқ бўлган операциялардан зарарлар, суд ва арбитраж харажатлари, тўланган жарималар ва пенялар, воз кечилган дебиторлик қарзлар билан боғлиқ зиёнлар, валюта операциялари бўйича салбий фарқлар, ўтган йилларда ўтказилган операциялар бўйича зиёнлар ва ҳоказо билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Хўжалик фаолиятдан олинган фойда корхоналар асосий фаолиятдан ташқари молиявий натижаларни ҳам эътиборга олиш йўли билан аниқланади. Бунинг учун корхоналар молиявий фаолияти билан боғлиқ бўлган даромадлар ва харажатлар ҳисобга олинади.

Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар — бу акцияларга олинган дивидендлар, шўъба ва ассоциация қилинган корхоналардан олинган дивидент ва харажатлар, хорижий мамлакатларни валюталари бўйича ижобий курс, қимматли қоғозларга сарф қилинган сармояларни қайтадан баҳолашдан олинган даромадлар, узоқ муддатга ижарага берилган мол-мулкдан тушган даромадлар ва ҳоказо.

Молиявий фаолият харажатлари — бу узоқ муддатга ижарага олинган мол-мулкларга тўловлар, чет эл валютаси билан операциялар бўйича салбий курс тафовутлар ва зарарлар, қимматли қоғозларга сарфланган маблағларни қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар ва ҳоказо.

Солиқ тўлангунгача олинган фойда ишлаб чиқариш, но ишлаб чиқариш молиявий фаолият якунларидан ташқари кўзда тутилмаган вазиятлардан келиб чиққан даромад ва зарарларни эътиборга олиш йўли билан ҳисобланади. Кўзда тутилмаган вазиятлар билан боғланган даромад ва харажатлар корхоналарнинг одатдаги хўжалик фаолиятига хос эмаслиги, бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги керак, бошқарув ходимлари томонидан қабул қилинадиган қарорларга боғлиқ бўлмаслиги лозим.

Соф фойда — бу корхоналарнинг ўзида қоладиган даромад бўлиб, у корхоналарнинг эҳтиёжлари учун фойдаланадиган даромадлардир. Юқорида кўрилган корхоналарнинг фойда шакллари молиявий ҳолатни таҳлил қилишда катта аҳамиятга эга, лекин низомда яна бир фойда шакли кўрилган — бу солиққа тортиладиган фойда.

Солиққа тортиладиган фойдани аниқлаш учун солиққа тортилгунгача бўлган фойдага:

- низомда келтирилган биринчи иловага асосан чегирилмайдиган харажатлар ёки доимий тафовутлар қўшилади;
- Низомда келтирилган иккинчи иловага биноан вақтлар бўйича тафовутлар қўшилади ёки айриб ташланади;
- қабул қилинган солиқлар бўйича қонунларга биноан корхоналарда солиқлар бўйича тасдиқланган имтиёзлар айриб ташланади.

Кўриниб турибдики, солиққа тортиладиган фойдани ҳисоблаш мураккаб бўлиб, у солиқларни фискал функциясини янада кучайтириш билан боғланган. Шу сабабли молиявий таҳлил даврида бу фойда шаклини аниқлаш, уни таҳлил этиш корхоналарнинг молиявий ҳолатини баҳолашда ўз ўрнини топиши лозим. Юқорида кўрилган ҳамма фойда шакллари молиявий таҳлилда фойдаланилади, лекин корхоналарнинг молиявий ҳолатини баҳолашда алоҳида эътибор солиқ олингунгача олинган фойда ва сотилган маҳсулотлардан олинган фойда кўрсаткичларга сафарбар этилади. Чунки солиқ олингунгача олинган фойда корхоналарнинг бутун ҳўжалик молиявий ҳолатини ифодалайди. Соф фойда эса корхоналарнинг жамият олдидаги бурчини оқлагандан сўнг ўзларининг келигувсида ривожланиш имкониятларини ифодалайди. Молиявий таҳлилда фойда кўрсаткичларининг ҳажми, уларнинг таҳлил қилаётган давр мобайнида ўзгариш динамикаси ва корхоналар фойдасига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлил қилиниши лозим.

Фойдага таъсир кўрсатувчи омиллар ички ва ташқи, объектив ва субъектив, ташкилий ва иқтисодий, ишлаб чиқариш ва техникавий бўлиши мумкин. Молиявий таҳлилда асосий эътибор иқтисодий, аналитик ҳамда молиявий ҳолатга бевосита ва миқдоран таъсир кўрсатувчи омилларга йўналтирилиши лозим.

Сотилган маҳсулотлардан олинган ялпи фойдани таҳлил этишда қуйидагилар бундай омиллар бўлиб ҳисобланади:

1. Сотилган маҳсулотларнинг ҳажмини ўзгариши.
2. Сотилган маҳсулотларнинг таннархини ўзгариши.
3. Сотилган маҳсулотларнинг нарх-наволарини ўзгариши.
4. Сотилган маҳсулотларнинг таркибий, ассортимент ўзгариши.

Омилли таҳлил корхоналар фаолиятини молиявий яқуни натижаси фойда таҳлилининг зарурий қисмидир. Корхоналар фаолиятининг самарасига баҳо берилганда олинган фойданинг кўпайиши ёки камайиши, қайси омиллар таъсирида бўлганлигини аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Фойда ҳажмини ўзгариши-кўпайиши маҳсулотларни кўп сотиш, таннархни пасайтириш, тасдиқланган ассортиментни ўзгартириш ва нарх-навони кўтариш натижаси бўлиши мумкин ва аксинча.

Таннархни пасайтириш, маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш ижобий омиллар сифатида қабул қилинса, нарх-навони кўтариш ва маҳсулотларнинг ассортиментини ўзгартириш — сал-

бий омиллар ҳисобланади. Чунки, нарх-навони кўтарилиши бозорда якка ҳукмронликдан фойдаланиш натижаси бўлиши мумкин. Ассортиментнинг ўзгаришига келсак, корхоналар ҳам хўжалик ва аҳоли эҳтиёжини эътиборга олмасдан кўп фойда берадиган маҳсулотлардан кўпроқ ишлаб чиққан бўлиши мумкин.

Энди, иқтисодий адабиётда кенг фойдаланилаётган индекс усулидан фойдаланиб, корхоналар фойдасига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қиламиз.

Корхоналарда сотилган маҳсулотлардан олинган ялпи фойданинг умумий ўзгариши — бу динамика индексиدير.

$$= \frac{\text{Жорий даврда сотилган маҳсулотлар жорий нархларда} - \text{Жорий даврда сотилган маҳсулотлар жорий таннархда}}{\text{Ўтган даврда сотилган маҳсулотлар ўтган давр нархларида} - \text{Жорий даврда сотилган маҳсулотлар жорий нархларда}}$$

Бу индекс схема сифатида:

$$= \frac{\Sigma K_1 C_1 - \Sigma K_1 C_1}{\Sigma K_0 C_0 - \Sigma K_0 C_0}$$

K_1 ва K_0 — жорий ва ўтган даврларда сотилган маҳсулотларнинг сони.

C_1 ва C_0 — жорий ва ўтган даврларда сотилган маҳсулотларга қўйилган нархлар.

C_1 ва C_0 — жорий ва ўтган даврларда сотилган маҳсулотларнинг таннархи.

Индекснинг суратида жорий даврда олинган фойда кўрсатилади, чунки сотилган маҳсулотлар жорий нархларда ($K_1 C_1$) ифодаланган бўлиб, ундан жорий даврда сотилган маҳсулотларни жорий таннархи ($K_1 C_1$) олиб ташланган.

Индекснинг махражида эса ўтган даврда олинган фойда кўрсатилади, чунки унда ўтган даврда сотилган маҳсулотлардан олинган тушумдан ($\Sigma K_0 C_0$) бу маҳсулотнинг таннархи олиб ташланади ($\Sigma K_0 C_0$).

Фойданинг жорий даврда ўтган даврга нисбатан ўзгаришига — динамикасига таъсир кўрсатувчи омилларни индекслар ёрдамида аниқлаймиз.

1. Сотилган маҳсулотлар ҳажмининг ўзгариши таъсирини аниқловчи индекс:

$$= \frac{\text{Жорий даврда сотилган маҳсулотлар ўтган давр} \times \text{Ўтган даврдаги рентабеллик коэффициенти (R_0)}}{\text{Ўтган даврда сотилган маҳсулотлар ўтган давр нархларида} - \text{Ўтган даврда сотилган маҳсулотлар ўтган давр таннархида}}$$

Бу индекс қуйидаги шакл сифатида ёзилади:

$$= \frac{(\sum K_1 C_0) \times R_0}{\sum K_0 C_0 - \sum K_0 C_0}$$

Ўтган даврдаги рентабеллик коэффициенти ўша даврда маҳсулот сотувидан олинган фойдани шу маҳсулотнинг таннархига бўлиш йўли билан аниқланган. Индекс суратида жорий даврда олинган фойда кўрсатилади, лекин бу ҳисоб-китобда маҳсулотларнинг нархи ва таннархи ўзгармас деб олинган, фақат сотилган маҳсулотлар ҳажмининг ўзгариши эътиборга олинган. Индекс маҳражида, юқорида кўрсатилгандек, ўтган даврда сотилган маҳсулотлардан олинган фойда аниқланган. Демак, бу индекс фақат сотилган маҳсулотларнинг ҳажми таъсирини кўрсатади. Иқтисодий адабиётда бу омилнинг таъсири одатда, бошқа йўл билан аниқланади.

Ўтган даврда олинган фойда жорий даврда ўтган даврга нисбатан сотилган маҳсулотлар динамика кўрсаткичига кўпайтирилади ва натижа ўтган даврда олинган фойда билан солиштирилади. Олинган натижа муаллифлар фикрича фойдага сотилган маҳсулотлар ҳажмининг таъсирини кўрсатади. Масалан, ўтган даврда олинган фойда 500 минг сум, сотилган маҳсулотларнинг жорий даврда ўтган давридагига нисбатан динамикаси 110 фоиз. Демак, $\frac{500 \times 110}{100} = 550$ минг с. — 500 минг с. = 50 минг с.

Кўриниб турибдики, корхона фойдаси сотилган маҳсулотлар ҳажмининг ўзгариши натижасида 50 минг сўмга кўпайган.

Фикримизча, бу ҳисоб-китобда сотилган маҳсулотлар ҳажмининг ўзгаришидан ташқари, уларнинг таркибий-ассортимент ўзгариши таъсирини ҳам ўз ичига олади. Демак, бу йўл билан аниқланаётган омил таъсирини ҳисоблаш асоссиз ва нотўғридир.

Сотилган маҳсулотлар таннархининг таъсири индекси:

$$\begin{array}{rcl}
 \text{Жорий даврда сотилган маҳсулотлар} & - & \text{Жорий даврда сотилган} \\
 \text{жорий нархларда} & & \text{маҳсулотлар жорий таннархда} \\
 \hline
 \text{Жорий даврда сотилган маҳсулотлар} & - & \text{Жорий даврда сотилган маҳсулотлар} \\
 \text{жорий нархларда} & & \text{ўтган давр таннархида}
 \end{array}$$

Бу қуйидаги шакл сифатида ёзилади:

$$= \frac{\Sigma K_1 C_1 - \Sigma K_1 C_0}{\Sigma K_1 C_1 - \Sigma K_1 C_0}$$

Кўриниб турибдики, индекс суратида жорий даврда олинган фойда кўрсатилган, махражда ҳам жорий даврда маҳсулот сотишдан олинган фойда, лекин бу ҳисоб-китобда жорий даврда сотилган маҳсулотлар ўзгармас, ўткан давр таннархида (C_0) олинган. Демак, бу индекс корхона фойдасига маҳсулотлар таннархининг ўзгариш таъсирини аниқлайди.

1. Сотилган маҳсулотларга қўйилган нарх-наволарнинг таъсири индекси:

$$\begin{array}{rcl}
 \text{Жорий даврда сотилган маҳсулотлар} & \times & \text{Жорий даврда сотилган маҳсулотлар} \\
 \text{жорий нархларда} & & \text{ўтган давр таннархида} \\
 \hline
 \text{Жорий даврда сотилган маҳсулотлар} & - & \text{Жорий даврда сотилган маҳсулотлар} \\
 \text{ўтган давр нархларида} & & \text{ўтган давр таннархида}
 \end{array}$$

Бу индекс схема сифатида:

$$= \frac{\Sigma K_1 C_1 - \Sigma K_1 C_0}{\Sigma K_1 C_0 - \Sigma K_1 C_0}$$

Кўриниб турибдики, ҳам суратда, ҳам махражда жорий даврда сотилган маҳсулотлардан олинган фойда аниқланаяпти. Лекин бажарилган ҳисоб-китобларда сотилган маҳсулотларнинг таннархи (C_0) ўзгармас сифатда, яъни ўтган давр даражасида олинган. Сотилган маҳсулотга қўйилган нарх-наволар ўзгарувчан. Демак, бу индекс корхона фойдасига нархлар таъсирини аниқлайди.

1. Сотилган маҳсулотлар таркибий, ассортимент ўзгаришининг таъсир индекси:

$$\begin{array}{rcl}
 \text{Жорий даврда сотилган} & - & \text{Жорий даврда сотилган} \\
 \text{маҳсулотлар ўтган давр нархларида} & & \text{маҳсулотлар ўтган давр таннархида} \\
 \hline
 \text{Жорий даврда сотилган} & \times & \text{Ўтган даврдаги рентабеллик} \\
 \text{маҳсулотлар ўтган давр таннархида} & & \text{коэффициенти (R}_0\text{)}
 \end{array}$$

Бу индекс қуйидаги шакл сифатида ёзилади:

$$y = \frac{\Sigma K_1 C_0 - \Sigma K_1 C_0}{(\Sigma K_1 C_0) \times R_0}.$$

Бу гал ҳам индекснинг суратида ва махражида жорий даврда сотилган маҳсулотлардан олинган фойда ифодаланган. Лекин кўриниб турибдики, суратда аниқланган фойда жорий даврда сотилган маҳсулотларни ҳажмига, ўтган давр нарх-наво ва таннархларига асосланган. Махражда эса сотилган маҳсулотдан олинган фойда ўтган давр рентабеллик коэффициентига асосланган бўлиб, у ўтган даврда сотилган маҳсулотлар ўтган даврдаги таркибини, ассортиментини ҳисобга олган.

Шундай қилиб, индекснинг сурати сотилган маҳсулотлардан олинган фойда маҳсулотларнинг жорий таркибига, махражда аниқланган фойда сотилган маҳсулотлардан олинган фойда маҳсулотларнинг ўтган даврдаги таркибига асосланган, демак бу индекс маҳсулотларни таркибий ўзгаришини корхона фойдасига таъсирини аниқлаб беради.

Юқорида келтирилган омил индекслари бир-бири билан боғлиқ ва уларнинг кўпайтмаси умумий индексга баробар. Яъни:

$$\begin{aligned} &= \frac{\Sigma K_1 C_1 - \Sigma K_1 C_1}{\Sigma K_0 C_0 - \Sigma K_0 C_0} = \frac{(\Sigma K_1 C_0) \times R_0}{\Sigma K_0 C_0 - \Sigma K_0 C_0} \times \\ &\frac{\Sigma K_1 C_1 - \Sigma K_1 C_1}{\Sigma K_1 C_1 - \Sigma K_1 C_0} \times \frac{\Sigma K_1 C_1 - \Sigma K_1 C_0}{\Sigma K_1 C_0 - \Sigma K_1 C_0} \times \\ &\frac{\Sigma K_1 C_0 - \Sigma K_1 C_0}{(\Sigma K_1 C_0) \times R_0}. \end{aligned}$$

Юқорида кўрилган омилли таҳлилни ўтказиш учун молиявий ҳисобот маълумотларидан ташқари бирламчи бухгалтерия маълумотларидан фойдаланишга тўғри келади, лекин бу қўшимча меҳнат молиявий таҳлилда, албатта, ўзини оклайди. Чунки корхоналар фаолиятининг молиявий яқунларини баҳолашда юқорида келтирилган омиллар таъсирини миқдоран аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Омилли таҳлилнинг мураккаб эмаслиги қуйидаги 23-жадвал материалларидан кўриниб турибди:

Омилларнинг сотилган маҳсулотлардан олинган фойдага таъсирини аниқлаш услубияти (минг сўм)

		Маълумотлар	Ҳисоб-китоб усули	Натижа
	Маълумотлар базаси			
1	Жорий даврда сотилган маҳсулотлар, жорий нархларда ($\Sigma K_1 C_{1j}$).	40000	-	-
2	Жорий даврда сотилган маҳсулотларнинг жорий таннархи ($\Sigma K_1 C_{1j}$).	30000	-	-
3	Жорий даврда сотилган маҳсулотлар ўтган давр нархларида ($\Sigma K_1 C_{10}$).	35000	-	-
4	Жорий даврда сотилган маҳсулотлар ўтган давр таннархида ($\Sigma K_1 C_{10}$).	33000	-	-
5	Ўтган даврда сотилган маҳсулотлар ўтган давр нархларида ($\Sigma K_0 C_{0j}$).	25000	-	-
6	Ўтган даврда сотилган маҳсулотлар ўтган давр таннархида ($\Sigma K_0 C_{0j}$).	20000	-	-
7	Ўтган даврда рентабеллик коэффициенти (R_0).	0,25	$\frac{25000 - 20000}{20000}$	0,25 ёки 25 фоиз
	Омиллар таъсирининг ҳисоб-китоби			
1	Сотилган маҳсулотлардан олинган фойдани умумий динамикаси, умумий индекс.	-	$\frac{40000 - 30000}{25000 - 20000}$	Фойданинг ўсиши 5 минг сўм, динамикаси 200 фоиз
2	Маҳсулот ҳажмининг ўзгариши таъсири, маҳсулот ҳажми индекси.	-	$\frac{33000 \times 0,25}{25000 - 20000}$	Фойданинг ўсиши 3,25 минг сўм, динамикаси 165 фоиз
3	Маҳсулот таннархининг ўзгариши таъсири, таннарх индекси.	-	$\frac{40000 - 30000}{40000 - 33000}$	Фойданинг ўсиши 3,0 минг сўм, динамикаси 143 фоиз
4	Маҳсулотларга қўйилган нархларнинг ўзгариши таъсири, нарх индекси.	-	$\frac{40000 - 33000}{35000 - 33000}$	Фойданинг ўсиши 5,0 минг сўм, динамикаси 350 фоиз

		Маълумотлар	Ҳисоб-китоб усули	Натижа
5	Маҳсулотнинг таркибий ўзгариши таъсири, ассортимент индекси.	-	$\frac{35000 - 33000}{33000 \times 0,25}$	Фойданинг камайиши 6,25 минг сўм, динамикаси 24 фоиз

Кўриниб турибдики, жорий даврда ўтган даврга нисбатан корхонада сотилган маҳсулотлардан олинган фойда икки маротаба кўпайди — 5 минг сўмдан 10 минг сўмга етди, демак, ўсиш ҳажми 5 минг сўмни ташкил қилди.

Бу ўсиш қуйидаги омилларнинг таъсиридир:

- маҳсулот ҳажми + 3,25 минг сўм ёки 165 фоиз;
- маҳсулот таннархи + 3,0 минг сўм ёки 143 фоиз;
- маҳсулот нархлари + 5,0 минг сўм ёки 350 фоиз;
- маҳсулот таркиби - 6,25 минг сўм ёки 24 фоиз.

Жами ўсиш + 5,0 минг сўм ёки 200 фоиз.

Ёки омил индексларни кўпайтмаси умумий фойда динамикаси индексга баробар,

$$\frac{165}{100} \times \frac{143}{100} \times \frac{350}{100} \times \frac{24}{100} = 200 \text{ фоиз.}$$

Демак, корхона фаолиятида сотилган маҳсулотлардан олинган фойдани 2 марта кўпайтиришда — сотилган маҳсулотларни кўпайиши, уларнинг таннархини камайиши, маҳсулотларга қўйилган нархларни оширилиши ижобий рол ўйнаган, лекин маҳсулотларнинг таркибий ўзгариши фойда кўришда салбий бўлган.

Бир хил сабабларга кўра жорий даврда ўтган даврга нисбатан кўп фойда келтирадиган маҳсулотлар кам ишлаб чиқарилган, сотилган, уларнинг салмоғи бутун сотилган маҳсулотлар таркибида қисқартирилган, натижада сотилган маҳсулотлардан олинган фойда 6,25 минг сўмга камайган.

Шундай қилиб, корхоналар фойдасини таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга бўлиб, корхоналар фаолияти молиявий якунларининг биринчи, олдинги босқичи бўлиб ҳисобланади. Корхоналар фаолиятининг молиявий якунлари таҳлили рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили билан якунланади.

6.2. Корхоналар рентабеллиги таҳлили

Корхонанинг рентабеллиги нисбий кўрсаткич бўлиб, корхона фаолияти самарадорлик даражасини ифодалайди. Демак, корхоналар фаолиятини баҳолашда асосий, сифатли кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Рентабеллик даражаси корхоналар фаолиятида бажаришаётган вазифаларни олдиндан аниқлайди. Бундай вазифалар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- Рентабеллик кўрсаткичи корхоналар фаолиятига сарфланган сармояларни, ўзини ўзи қоплашини аниқлайди. Собиқ иттифоқ даврида халқ хўжалик миқёсида ўртача ўзини ўзи қоплаш муҳлати сифатида 7-9 йил қабул қилинган эди. Демак, корхоналар ўзини ўзи қоплаш учун уларнинг фаолиятида рентабеллик 12-14 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

- Ҳозирги пайтда ҳамма корхоналар фаолиятида кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш амалга оширилиши, молиялаштириш имкониятларига эга бўлишлари керак, яъни олинган фойда ҳисобидан ишлаб чиқаришни кенгайтириб, унинг техникавий даражасини кўтариб бориш лозим. Бунинг учун, яъни ўзини ўзи молиялаштириш учун, корхоналарнинг рентабеллик даражаси 20-25 фоиздан кам бўлиши керак эмас.

- Маълумки, корхоналар ўзларининг маблағларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ўзлик манбалардан, яъни корхоналарга тегишли манбалардан ҳамда ташқаридан олинадиган узоқ ва қисқа муддатли қарзлардан фойдаланиши мумкин. Лекин, бу қарзларни ўз вақтида қайтариб бериш керак. Бунинг учун ҳам корхоналарнинг рентабеллиги керакли даражада бўлиши лозим.

- Республикада ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти қурилаяпти. Бунинг учун республикада кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилаяпти. Бу сиёсат ҳам халқ хўжалигида, ҳам алоҳида корхоналар миқёсида ўтказилаяпти. Корхоналарда бу масалани ечиш учун улар керакли даражада рентабелликка эга бўлишлари лозим.

Шундай қилиб, рентабеллик катта аҳамиятга эга бўлиб, уни таҳлил этиш молиявий таҳлилда ўз ўрнини топиши лозим. Рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилишдан олдин икки нарсани аниқлаб олиш лозим:

Биринчидан, рентабеллик қандай шаклларда бўлиши мумкин?

Иккинчидан, рентабеллик нисбий кўрсаткич экан, унинг даражаси қандай аниқланиши, нимага нисбат ҳисобланиши лозим?

Авваламбор шуни таъкидлаш керакки, рентабеллик иқтисодий категория, атама бўлиб, социализм билан боғлиқ собиқ социалистик корхоналар самарадорлигини ўлчаш учун ўйлаб чиқилган ва шакллантирилган эди. Шўро даврида корхоналарнинг рентабеллик кўрсаткичи капитализм тизимида тааллуқли фойда меъёрига қарши, унинг ўрнига ўйлаб чиқилганди.

Маълумки, капитализм даврида фойда меъёри икки шаклда аниқланган:

- капиталистик фойдани капиталистик ишлаб чиқариш жорий харажатларга бўлиш йўли билан, бизнинг терминамолиямиз бўйича бу фойдани сотилган маҳсулотларнинг таннархига бўлиш билан;

- капиталистик фойдани капиталистик корхоналарда аванслаштирилган фондларга — доимий капиталга, бизнинг терминларимиз бўйича ишлаб чиқиш асосий ва айланма фондларга ва ўзгарувчан капиталга, бизнинг терминалогиямиз бўйича иш ҳақиға сарфланган капитал-маблағларга бўлиш йўли билан аниқланган.

Республика бозор муносабатларига ўтар экан, корхоналарнинг молиявий ҳолатини баҳолашда юқорида кўрсатилган фойда меъёр кўрсаткичларига ўтиши керак эди, лекин бозор муносабатларига ўтиш даврида рентабеллик кўрсаткичлари сақлаб қолинмоқда.

Рентабеллик кўп қиррали, мураккаб иқтисодий кўрсаткич бўлиб, у ўз шаклланиш таърифига эга.

Шўро даврининг биринчи йилларида социализм тизимида мослаштирилган бутун иқтисодий муаммолар, кўрсаткичлар шакллана бошлади, жумладан, рентабеллик кўрсаткичи ҳам.

Шўро даврида фаолият кечираётган, янгидан ташкил қилинаётган корхоналар ишига баҳо бериб, троцкичилар фойда келтирмаётган, демак, давлат бюджетига ҳеч нарса ўтказмаётган корхоналарни ёпишни, тугатишни талаб қилдилар. Бунга қарши социализм тизимида мослашган рентабеллик кўрсаткични асослаш лозим эди. Шу мақсадда социализм тизими даврида 1928 йилдан бошлаб, корхоналарнинг рентабеллигини икки шаклда ифодаланиши тасдиқланган: **жорий рентабеллик ва халқ хўжалиги рентабеллиги.**

Жорий рентабеллик фойда билан боғлиқ бўлиб, у корхоналар фойда кўрса, демак, уларда жорий рентабеллик

мавжуд. Жорий рентабелликда корхоналар фаолияти пул жамғармаларини ишлаб чиқариш, фойда келтириш нуқтаи назаридан баҳоланади. Корхоналарда фойда бўлмаса, жорий рентабеллик йўқ, демакдир.

Лекин фойда келтирмайдиган корхоналар халқ хўжалигига, аҳолига керакли маҳсулотлар ишлаб чиқариши мумкин. Бу вазиятни эътиборга олинган ҳолда халқ хўжалиги рентабеллиги аниқланган. Халқ хўжалиги рентабеллиги — корхоналар фаолиятини халқ хўжалик нуқтаи назардан баҳолашдир. Корхоналар фойда келтирмаса ҳам, агарда улар халқ хўжалигини, аҳоли эҳтиёжларини таъминланётган бўлса, бу корхоналар жорий рентабелликка эга эмас, лекин халқ хўжалиги рентабеллигига эга.

Жорий ва халқ хўжалиги рентабелликларининг тасдиқланиши, қабул қилиниши, мамлакатда бюджет эҳтиёжлари нуқтаи назардан зарар келтирувчи, лекин халқ хўжалигини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлган корхоналарни сақлаб қолиш имкониятини берди. Рентабеллик назарияси, амалиёти янада такомиллаша борди.

Биринчи рентабеллик шакли жорий рентабеллик дейилса, иккинчи шаклини истиқболлик рентабеллик, деб аташ керак эди. Бу ҳолатда ҳозир жорий рентабелликка эга бўлмаган корхоналарни келгусида бу рентабелликка етишиши ҳисоб-китоб қилинса, унда истиқбол рентабеллиги келиб чиқиши мумкин эди. Бажарилган илмий тадқиқот ишлар натижасида жорий ва халқ хўжалиги рентабеллик шакллари ўрнига 1955-1956 йилларда **хўжалик ҳисоби ва халқ хўжалиги рентабеллиги тавсия этилди.**

Хўжалик ҳисоби рентабеллиги хўжалик юритиш услуги сифатида қабул қилинган хўжалик ҳисоби билан боғлиқ. Маълумки, хўжалик ҳисобининг энг асосий талаби — бу корхоналар фаолиятида фойда келтириш, рентабеллик фаолиятини таъминлашдан иборат.

Демак, хўжалик ҳисоби рентабеллиги бу корхоналар фаолиятини хўжалик ҳисоби талаблари нуқтаи назардан баҳолаш, халқ хўжалиги рентабеллиги — бу корхоналар фаолиятини халқ хўжалиги эҳтиёжларини қондириш, таъминлаш нуқтаи назардан баҳолашдир.

60-йиллардан бошлаб иқтисодий адабиёт ва амалиётда жорий рентабеллик атамаси кам ишлатилиб, кейинчалик умуман ишлатилмай қўйди, унинг ўрнига хўжалик ҳисоби рентабелли-

ги ибораси ишлатилияпти. Халқ хўжалиги рентабеллиги ҳозирги пайтда ҳам ўз кучини, аҳамиятини йўқотгани йўқ.

1965 йили қабул қилинган, амалга оширилган хўжалик ислоҳоти — «Янги режаланштириш ва иқтисодий рағбатлантириш тизими» хўжалик ҳисоби рентабеллиги кўрсаткичларини янада такомиллаштирди, умумий ва ҳисоб-китоб рентабеллиги кўрсаткичлари тавсия этилди. Умумий рентабеллик корхоналар фаолиятининг молиявий ҳолатини баҳолаш учун фойдаланилиб, бу кўрсаткич корхона фойдасини, унинг ишлаб чиқиш фондларига бўлиш йўли билан аниқланади. Ҳисоб-китоб рентабеллиги 1965 йил хўжалик ислоҳоти томонидан тасдиқланган учта рағбатлантириш фондларини шакллантириш: ишлаб чиқаришни ривожлантириш, корхонани ижтимоий ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш фондларига маблағ ажратиш базаси сифатида қабул қилинди.

Бу рентабеллик кўрсаткичини аниқлаш учун корхонанинг умумий фойдасидан фондлар учун тўловларни, банк кредитлари учун тўланган фоизларни, қайд қилинган тўловларни тўлаб, қолган корхона фойдасини ишлаб чиқиш фондларига бўлиш йўли билан аниқланади.

Шундай қилиб, рентабеллик кўрсаткичининг моҳияти ва шакллари йиллар давомида ўзгариб, такомиллаша борди. Рентабеллик нисбий кўрсаткич экан, унинг даражасини аниқлаш ҳам катта аҳамиятга эга.

1965 йилгача мамлакатда барча корхоналар рентабеллиги қуйидагича аниқланган:

Корхона фойдаси

Сотилган маҳсулотнинг таннархи

Кўриниб турибдики, у пайтда қабул қилинган рентабеллик кўрсаткичи корхонанинг жорий харажатлари самарадорлигини ифодалаган, чунки рентабеллик фойдани сотилган маҳсулотларни таннархига бўлиш йўли билан аниқланган.

Режаланштириш тизимида маҳсулотларга нарх-наволар, асосан, давлат томонидан тасдиқланган, давлат томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ассартименти ҳам тасдиқланар эди. Демак, корхоналар нарх-наво ва маҳсулот ассортиментини ўзгартириб, улар ҳисобидан фойдани кўпайтириш имкониятига эга эмас эдилар. Корхоналар олинadиган фойданинг сотиладиган

маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш ва бу маҳсулотларнинг таннаrxини пасайтириш йўли билан кўпайтирарди.

Маълумки, рентабеллик даражасига ҳар хил омиллар таъсир кўрсатади: техникавий, технологик, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, ички ва ташқи омиллар ва ҳоказо. Корхоналар улардан кенг фойдаланиб, уларни сафарбар этишарди.

Лекин қабул қилинган рентабелликни аниқлаш усули корхоналарни жорий харажатларини пасайтиришга сафарбар этиб, ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланишни рағбатлантирмас эди. Натижада корхоналарда миллиард-миллиард сўмлик асосий ва айланма фондлар ишлаб чиқаришга киритилмасдан, ишлатилмасдан ётарди. Қабул қилинган хўжалик юритиш усуллари корхоналарни улардан оқилона фойдаланишга сафарбар этмасди.

1965 йили қабул қилинган хўжалик ислоҳоти ишлаб чиқаришда асосий ва айланма фондлардан самарали фойдаланиш вазифасини икки йўналишда ечади.

Биринчидан, корхона ва ташкилотларга ортиқча, керак бўлмаган моддий ресурсларни сотиш ҳуқуқини берди.

Иккинчидан, рентабеллик кўрсаткичини ҳисоблаш усулини такомиллаштириб, рентабелликни аниқлаш орқали корхоналарнинг асосий ва айланма маблағлардан самарали фойдаланишини рағбатлантирди.

1965 йилдан бошлаб корхоналар ва ташкилотларнинг рентабеллик даражаси қуйидаги йўл билан ҳисобланадиган бўлди:

Корхона фойдаси

Ишлаб чиқаришнинг асосий
ва меъёрлаштирилган айланма
маблағларини уртача киймати

Тавсия этилган янги рентабеллик кўрсаткичи илгари фойдаланилган рентабеллик кўрсаткичини инкор қилмайди. Бу кўрсаткичлар бир-бирини бойитади, бир-бирини тўлдиради шу сабабли амалиётда ҳам эски, ҳам янги рентабеллик кўрсаткичлардан фойдаланилмоқда, чунки улар мустақил иқтисодий кўрсаткичлар бўлиб, илгари фойдаланилган кўрсаткичлар корхоналарнинг жорий харажатлари самарадорлигини ифодаласа, янги рентабеллик кўрсаткичи корхоналарнинг ишлаб чиқиш асосий ва айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди.

Рентабеллик кўрсаткичи корхоналар фаолиятининг асосий молиявий натижаси ҳисобланар экан, уни таҳлил этишга корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлилида керак ўрин ажратиш лозим. Шу муносабат билан савол туғилади, бозор муносабатлари шароитларида рентабеллик даражаси қандай аниқланиши керак ва рентабелликни ўлчаш учун қандай кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ?

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг ҳозирги даврда профессори, иқтисод фанлари доктори М. Тўлахўжаева¹ хорижий мамлакатлар тажрибасдан фойдаланиб, рентабелликни таҳлил этиш учун қуйидаги кўрсаткичларни тавсия этган.

$$\text{Ҳамма активларнинг рентабеллик коэффициенти} = \frac{\text{Корхонанинг соф фойдаси}}{\text{Баланс валютасининг ўртача қиймати}} ;$$

$$\text{Маҳсулот сотиш рентабеллик коэффициенти} = \frac{\text{Корхонанинг соф фойдаси}}{\text{Маҳсулот сотишдан тушум}} ;$$

$$\text{Корхонага тегишли капиталнинг рентабеллик коэффициенти} = \frac{\text{Корхонанинг соф фойдаси}}{\text{Корхонага тегишли капиталнинг ўртача қиймати}} ;$$

$$\text{Битта акциянинг рентабеллик коэффициенти} = \frac{\text{Корхонанинг соф фойдаси}}{\text{Муомаладаги акциялар сони}} .$$

Республика иқтисодчиларидан А.Н. Ли, С.И. Шевченко² қуйидаги рентабеллик коэффициентларини тавсия қилганлар:

$$\text{Активлар рентабеллиги} = \frac{\text{Операция ёки соф фойда}}{\text{Активларнинг ўртача йиллик қиймати}}$$

$$\text{Маҳсулот сотиш рентабеллиги} = \frac{\text{Ялли ёки соф фойда}}{\text{Маҳсулот сотишдан соф тушум}}$$

¹ Тулахаджаева М. Анализ финансовой отчетности и финансовых коэффициентов. Газета «Налоговые и таможенные вести», №22, 1994 год.

² Ли А.Н., Шевченко С.И Основные принципы финансового анализа предприятия. Сборник «Финансовое законодательство Республики Узбекистан». Выпуск 11, 1995 год.

$$\text{Корхонага тегишли капитал рентабеллиги} = \frac{\text{Корхонанинг соф фойдаси}}{\text{Корхонага тегишли капиталнинг ўртача қиймати}}$$

$$\text{Қарзга олинган капиталнинг фойдаланиш самарадорлиги} = \frac{\text{Корхонага тегишли капиталнинг рентабеллиги}}{\text{Қарзга олинган маблағларнинг ўртача фоиз ставкasi}}$$

$$\text{Маҳсулот рентабеллиги даражasi} = \frac{\text{Ялпи ёки соф фойда}}{\text{Сотилган маҳсулот таннархи}}$$

$$\text{Моддий ишлаб чиқариш заҳираларнинг бирикитиш коэффиценти} = \frac{\text{Моддий ишлаб чиқариш заҳиралари}}{\text{Маҳсулот сотишдан соф тушум}}$$

$$\text{Битта акциянинг фойдалилиги} = \frac{\text{Корхонанинг соф фойдаси}}{\text{Муомаладаги акциялар сони}}$$

$$\text{Фонд сирими коэффиценти} = \frac{\text{Асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати}}{\text{Маҳсулотлар сотишдан соф тушум}}$$

$$\text{Кумулятив фойда коэффиценти} = \frac{\text{Тақсимланган фойда}}{\text{Активларнинг ўртача йиллик қиймати}}$$

О.Р. Ефимова¹ қуйидаги рентабеллик кўрсаткичлардан фойдаланган:

$$\text{Активлар рентабеллиги} = \frac{\text{Корхонанинг соф фойдаси}}{\text{Биланс валютасининг ўртача йиллик қиймати}}$$

$$\text{Жорий активлар рентабеллиги} = \frac{\text{Корхонанинг соф фойдаси}}{\text{Жорий активларнинг ўртача қиймати}}$$

¹ Ефимова О.Р. Финансовый анализ. М., 1996 г.

$$\text{Инвестиция рентабеллиги} = \frac{\text{Корхонанинг умумий фойдаси}}{\text{Асосий маблағлар, айланмадан ташқари активлар, узоқ муддатли қарзлар, кредитларни ўртача қиймати}}$$

$$\text{Корхонага тегишли капиталнинг рентабеллиги} = \frac{\text{Корхонанинг соф фойдаси}}{\text{Корхонага тегишли капиталнинг ўртача қиймати}}$$

$$\text{Сотув рентабеллиги} = \frac{\text{Корхонанинг соф фойдаси}}{\text{Сотилган маҳсулотлардан тушум}}$$

А.Д. Шеремет ва Р.С. Сайфулин¹ Рентабелликни таҳлил қилиш учун қуйидаги рентабеллик коэффицентларни тавсия этишган:

$$\text{Сотув рентабеллиги} = \frac{\text{Маҳсулот сотишдан фойда}}{\text{Сотилган маҳсулотлардан тушум}}$$

$$\text{Жами капиталнинг рентабеллиги} = \frac{\text{Корхона баланси бўйича фойда}}{\text{Баланс валютасининг ўртача қиймати}}$$

$$\text{Асосий воситалар ва айланмадан ташқари активлар рентабеллиги} = \frac{\text{Корхона баланси бўйича соф фойда}}{\text{Асосий воситалар ва айланмадан ташқари активларнинг ўртача қиймати}}$$

$$\text{Перманент капитали рентабеллиги} = \frac{\text{Корхона баланси бўйича соф фойда}}{\text{Корхонага тегишли капитал ва узоқ муддатга солиштирилган қарзлар, кредитларнинг ўртача қиймати}}$$

В.Г. Артеменко ва М.В. Беллендирлар¹ қуйидаги рентабеллик кўрсаткичлардан фойдаланишган.

$$\text{Мол-мулк рентабеллиги} = \frac{\text{Корхонанинг соф фойдаси}}{\text{Баланс валютасининг ўртача қиймати}}$$

¹ Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С. Методика финансового анализа. М., 1996 г.

¹ Артеменко В.Г., Беллендир М.В. Финансовый анализ. М., 1996 г.

$$\text{Жорий активлар рентабеллиги} = \frac{\text{Корхонанинг соф фойдаси}}{\text{Жорий активларнинг ўртача қиймати}}$$

$$\text{Инвестиция рентабеллиги} = \frac{\text{Корхона ялпи фойдаси}}{\text{Корхонанинг тегишли капитали ва узоқ муддатга олинган қарзларининг ўртача қиймати}}$$

$$\text{Корхонага тегишли капиталнинг рентабеллиги} = \frac{\text{Корхонанинг соф фойдаси}}{\text{Корхонанинг тегишли капиталнинг ўртача қиймати}}$$

$$\text{Асосий фаолият рентабеллиги} = \frac{\text{Маҳсулот сотишдан фойда}}{\text{Маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган харажатлар}}$$

$$\text{Ишлаб чиқариш фондлар рентабеллиги} = \frac{\text{Корхонанинг ялпи фойдаси}}{\text{Ишлаб чиқариш фондларининг ўртача қиймати}}$$

Корхоналар банкротлиги ва санацйаси масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳукумат ҳайъати томонидан 1997 йил 17 апрелда қабул қилинган «Молия таҳлили бўйича услубий тавсияларда» қуйидаги рентабеллик кўрсаткичлари фойдаланилган:

$$\text{Маҳсулот сотиш рентабеллик коэффициенти} = \frac{\text{Сотилган маҳсулотдан фойда}}{\text{Сотилган маҳсулотдан тушум}}$$

$$\text{Асосий воситалар рентабеллик коэффициенти} = \frac{\text{Корхонанинг соф фойдаси}}{\text{Асосий воситаларнинг ўртача қиймати}}$$

$$\text{Корхонага тегишли капиталнинг рентабеллик коэффициенти} = \frac{\text{Корхонанинг соф фойдаси}}{\text{Корхонага тегишли капиталнинг ўртача қиймати}}$$

$$\text{Перманент капиталининг рентабеллик коэффициенти} = \frac{\text{Корхонанинг соф фойдаси}}{\text{Корхонага қарашли капиталнинг ҳамда узоқ муддатга олинган қарзлар ва кредитларнинг ўртача қиймати}}$$

$$\frac{\text{Капиталнинг умумий айланш рентабеллик коэффициенти}}{= \frac{\text{Сотилган маҳсулотдан тушум}}{\text{Баланс валютасининг ўртача қиймати}}}$$

Ўзбекистон Республикаси корхоналарни иқтисодий ному таносиблик ишлари бўйича Кумитаси томонидан 1997 йил 10 декабрда қабул қилинган «Қишлоқ хўжалик корхоналарни молиявий таҳлили бўйича услубий тавсиялар» ва «Қишлоқ хўжалик корхоналарни иқтисодий ному таносиб деб ҳисоблашнинг вақтинча тартиби»да рентабеллик даражасини ўлчаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тавсия этилган:

$$\frac{\text{Маҳсулот рентабеллик коэффициенти}}{= \frac{\text{Маҳсулот сотишдан фойда}}{\text{Сотилган маҳсулотнинг таннархи}}}$$

$$\frac{\text{Активлар рентабеллик коэффициенти}}{= \frac{\text{Корхонанинг умумий фойдаси}}{\text{Баланс валютасининг ўртача қиймати}}}$$

Самарқанд кооператив институтининг профессори, иқтисод фанлари доктори И.Т. Абдукаримов¹ рентабелликни таҳлил қилиш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланган:

$$\frac{\text{Маҳсулот сотиш рентабеллиги}}{= \frac{\text{Корхонанинг ялпи фойдаси}}{\text{Маҳсулот сотишдан соф тушум}}}$$

$$\frac{\text{Корхонага тегишли капитал рентабеллиги}}{= \frac{\text{Корхонанинг соф фойдаси}}{\text{Корхонага тегишли капиталнинг ўртача қиймати}}}$$

$$\frac{\text{Харажатлар рентабеллиги}}{= \frac{\text{Корхона асосий фаолиятдан фойда}}{\text{Асосий фаолият харажатлари}}}$$

Рентабелликни таҳлил қилиш учун юқорида келтирилган тавсияларига эътиборимизни жалб қилишимизнинг сабаблари:

1. Рентабелликни ўлчаш учун адабиётда ҳар хил кўрсаткичлар тизимлари тавсия этилган, демак муаллифлар томонидан рентабеллик мазмуни ҳар хил тушунилади.

¹ Абдукаримов И.Т. Как читать и анализировать финансовую отчетность. Т., 1999 г.

2. Рентабеллик кўрсаткичларини шаклланишига ҳам муаллифлар ҳар хил қарашади, натижада рентабелликни баҳолаш учун иккитадан еттигача кўрсаткичлар тавсия этилди.

3. Юқорида кўрсатилган тавсиялардан кўриниб турибдики, кўпчилик муаллифлар корхоналар рентабеллигини соф фойдага асосланиб аниқлайдилар. Фикрймизча бу нотўғри, асосланмаган тавсия. Рентабелликни ўлчашдан мақсад – корхоналар фаолияти самарадорлигини аниқлаш экан, рентабелликни ҳисоблашда соф фойда эмас, ялпи фойда ёки сотилган маҳсулотлардан олинган фойда эътиборга олинishi лозим.

4. Муаллифлар рентабелликка тааллуқли бўлмаган кўрсаткичларни тавсия этишган. Масалан, битта акция рентабеллиги, ишлаб чиқариш захираларини биркитиш коэффициентлари фонд ҳажми коэффициенти, капиталнинг умумий айланиш рентабеллиги.

5. Аниқ бир рентабеллик кўрсаткичига ҳар хил ном беришади. Масалан: сотув рентабеллиги, реализация рентабеллиги сотилган маҳсулот рентабеллиги ва бу кўрсаткич ҳар хил усул билан аниқланади. Масалан: ялпи ёки соф фойдани сотилган маҳсулотлар таннархига, соф фойдани сотилган маҳсулотдан олинган тушумга, сотилган маҳсулотлардан олинган фойдани сотилган маҳсулот тушумига бўлиш йўллари билан аниқланади.

6. Маълумки, рентабеллик корхоналар фаолиятини, ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини умуман ифодалаши лозим.

Юқорида келтирилган кўрсаткич тизимларидан кўриниб турибдики, муаллифлар корхона ресурсларининг алоҳида элементлари рентабеллигини аниқлашни тавсия этганлар. Масалан: асосий воситаларни, перманент капиталини, инвестицияларни, қарзга олинган капитални, корхонага тегишли капитални, асосий ва моддий айланма маблағларни рентабеллик кўрсаткичлари. Бу кўрсаткичлар самарадорлик кўрсаткичлари бўлиб, мазмунан рентабелликка тўғри келмайди.

Шундай қилиб, умуман молиявий таҳлилга ўхшаб, рентабеллик даражасини ўлчашда ҳам умумий қабул қилинган услуб, кўрсаткичлар тизиммаси ҳали шаклланган эмас.

Рентабеллик даражасини ўлчаш услуби, рентабеллик кўрсаткичлар тизимининг шаклланиши қуйидаги тамойилларга асосланиши лозим:

– рентабеллик кўрсаткичлари асосий ва қўшимча шаклларда бўлиши керак. Асосий кўрсаткичлар корхона фаолиятининг

умумий натижаси самарадорлигини ифодалаб берса, қўшимча рентабеллик кўрсаткичлари эса корхона ресурсларининг алоҳида элементлари самарадорлигини ифодалайди;

- рентабеллик кўрсаткичи корхона фаолиятини умумий-молиявий натижасини ифодалар экан, рентабеллик кўрсаткичи, авваламбор, корхонанинг ялпи ёки унинг асосий фаолиятидан олинган фойда асосида аниқланиши лозим, лекин баъзи пайтларда рентабелликни ўлчаш олдига қўйилган мақсадга биноан рентабеллик кўрсаткичи сотилган маҳсулотдан олинган фойдага асосан ҳам аниқланади.

Бу тамойилларга биноан корхоналар рентабеллигини таҳлил этишда, фикримизга, қуйидаги рентабеллик кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

1. Рентабелликнинг асосий кўрсаткичлари:

- корхона активларининг ёки мол-мулкнинг рентабеллиги;
- ишлаб чиқариш рентабеллиги ёки ишлаб чиқариш асосий ва айланма фондларининг рентабеллиги;
- корхона жорий ҳаражатларининг рентабеллиги;
- маҳсулот рентабеллиги.

2. Рентабелликнинг қўшимча кўрсаткичлари:

- корхонага тегишли капиталнинг рентабеллиги;
- асосий капиталнинг рентабеллиги ;
- айланма капиталнинг рентабеллиги ;
- инвестицияларнинг рентабеллиги;
- перманент капиталининг рентабеллиги ;
- қарзга олинган капиталнинг рентабеллиги.

Кўриниб турибдики, тавсия қилинаётган рентабеллик кўрсаткичлар тизими аниқ бир тартибга солиниб, унда юқорида келтирилган муаллифларнинг фикрлари ҳам эътиборга олинган. Бу кўрсаткичларнинг аниқлаш услубиятлари қуйидагича бўлса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

1. Рентабелликнинг асосий кўрсаткичлари:

$$\text{Мол-мулкнинг рентабеллиги} = \frac{\text{Солиқ тўланишдан олдинги фойда}}{\text{Корхона мол-мулкнинг ўртача қиймати}}$$

Бу кўрсаткич бутун корхона мол-мулки самарадорлигини ифодалайди. Мол-мулк корхонанинг бутун ишлаб чиқариш, ҳўжалик фаолияти учун хизмат қилади. Шу сабабли бу

кўрсаткич корхонанинг ялпи фойдаси — солиқлар тўланишдан олдинги фойдага асосан аниқланиши лозим.

Кўрсаткични аниқлаш шакли:

1997 йил 1 январдан олдинги молиявий ҳисоботлар бўйича:

$$\frac{2\text{-шакл, 170 мисра}}{1\text{-шакл, 300 мисра}}$$

1997 йил 1 январдан кейинги молиявий ҳисоботлар бўйича:

$$\frac{2\text{-шакл, 170 мисра}}{1\text{-шакл, 310 мисра}}$$

Ишлаб чиқариш рентабеллиги корхоналарда ишлатилаётган ишлаб чиқариш асосий ва айланма фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди. Ишлаб чиқариш фондлар корхона фаолиятини моддий базасини ташкил этиб, ишлаб чиқаришни асосий омили бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли бу кўрсаткич ҳам корхонанинг солиқ тўлашдан олдинги фойдаси асосида аниқланиши лозим.

$$\text{Ишлаб чиқариш рентабеллиги} = \frac{\text{Солиқ тўланишдан олдинги фойда}}{\text{Ишлаб чиқариш фондларининг ўртача қиймати}}$$

Молиявий ҳисоботларга биноан аниқласак солиқ тўлашдан олдинги фойда ҳисоботи 2-шаклидан, ишлаб чиқариш асосий ва айланма фондларнинг ўртача қиймати бухгалтерии баланси ёки бухгалтерия бирламчи ҳисобот маълумотларига биноан аниқланади.

Жорий харажатлар рентабеллиги илгаридан фойдаланадиган рентабеллик кўрсаткичи бўлиб, у корхона харажатларини — маҳсулотни ишлаб чиқариб, уни сотишга кетган харажатлар самарадорлигини ифодалайди. Демак, бу кўрсаткич маҳсулот сотиш билан боғланган бўлиб, маҳсулот сотишдан олинган фойдага асосан аниқланади.

$$\text{Жорий харажатлар рентабеллиги} = \frac{\text{Маҳсулот сотишдан фойда}}{\text{Сотилган маҳсулот таннарни}}$$

Бу кўрсаткични аниқлаш учун керакли маълумотлар молиявий ҳисобот 2-шаклини 070 ва 060 мисраларидан олинади.

Маҳсулот рентабеллиги, одатда, савдо ташкилотларида кенг фойдаланиб, ҳозирги пайтда фойдаланиш учун бошқа тар-

моқларга ҳам тавсия этиляпти. Бу кўрсаткич сотилган маҳсулотни ҳар бир сўмига нисбатан қанча фойда олинганлигини ифодалайди ва демак, у сотилган маҳсулотдан олинган фойда асосида аниқланиши лозим.

$$\text{Маҳсулот рентабеллиги} = \frac{\text{Маҳсулот сотишдан олинган фойда}}{\text{Маҳсулот сотишдан тушум}}$$

Бу кўрсаткични аниқлаш учун керакли маълумотлар молиявий ҳисобот 2-шаклни 070 ва 050 мисраларидан олинади. Сотилган маҳсулотдан олинган тушум соф бўлиши лозим. Яъни ялпи тушумдан қўшилган қийматга солинадиган солиқ ва акциз солиқлар олиб ташланиши керак.

2. Қўшимча рентабеллик кўрсаткичлари:

Корхонага тегишли капиталнинг рентабеллиги. Маълумки, корхоналар ўзлик ва ташқаридан сафарбар этилган маблағлардан фойдаланадилар. Уларнинг самарадорлигини алоҳида аниқлаш, молиявий таҳлилни чуқурлаштиришга ёрдам беради.

$$\text{Корхонага тегишли капиталнинг рентабеллиги} = \frac{\text{Солиқ тўланишдан олдинги фойда}}{\text{Корхонага тегишли капиталнинг ўртача қиймати}}$$

Кўрсаткични аниқлаш шакли:

1997 йил 1 январдан олдинги молиявий ҳисоботлар бўйича:

$$\frac{2\text{-шакл, } 170 \text{ мисра}}{1\text{-шакл, } 480 \text{ мисра}}$$

1997 йил 1 январдан кейинги молиявий ҳисоботлар бўйича:

$$\frac{2\text{-шакл, } 170 \text{ мисра}}{1\text{-шакл, } 390 \text{ мисра}}$$

Қарзга олинган капиталнинг рентабеллиги узоқ ва қисқа муддатга олинган қарзлар самарадорлигини кўрсатади. Бу қарзлар ҳам корхонанинг бутун ишлаб чиқариш — хўжалик фаолиятига хизмат қилади ва шу сабабли улар самарадорлиги корхонанинг ялпи фойдаси асосида аниқланади.

$$\text{Қарзга олинган капиталнинг рентабеллиги} = \frac{\text{Солиқ тўланишдан олдинги фойда}}{\text{Қарзга олинган капиталнинг ўртача қиймати}}$$

Кўрсаткични аниқлаш шакли:

1997 йил 1 январдан олдинги молиявий ҳисоботлар бўйича:

$$\frac{2\text{-шакл, } 170 \text{ мисра}}{1\text{-шакл, } 520 + 770 \text{ мисра}}$$

1997 йил 1 январдан кейинги молиявий ҳисоботлар бўйича:

$$\frac{2\text{-шакл, } 170 \text{ мисра}}{1\text{-шакл, } 540 \text{ мисра}}$$

Асосий капиталнинг рентабеллиги ҳам корхонанинг ялпи фойдаси асосида аниқланиши лозим. Чунки асосий капитал корхонанинг бутун фаолиятига хизмат қилади ва унинг рентабеллиги асосий фондларни корхона фойдаси асосида аниқланган фондлар қайтимидир.

$$\text{Асосий капиталнинг рентабеллиги} = \frac{\text{Солиқ тўланишдан олдинги фойда}}{\text{Асосий капиталнинг ўртача қиймати}}$$

Кўрсаткични аниқлаш шакли:

1997 йил 1 январдан олдинги молиявий ҳисоботлар бўйича:

$$\frac{2\text{-шакл, } 170 \text{ мисра}}{1\text{-шакл, } 080 \text{ мисра}}$$

1997 йил 1 январдан кейинги молиявий ҳисоботлар бўйича:

$$\frac{2\text{-шакл, } 170 \text{ мисра}}{1\text{-шакл, } 110 \text{ мисра}}$$

Айланма капиталнинг рентабеллиги ҳам корхонанинг ялпи фойдаси асосида аниқланиши лозим. Чунки айланма маблағлар ҳам корхонанинг бутун фаолиятига хизмат қилади. Бу кўрсаткич корхона моддий ва пул айланма маблағлари самарадорлигини ифодалайди.

$$\text{Айланма капиталнинг рентабеллиги} = \frac{\text{Солиқ тўланишдан олдинги фойда}}{\text{Айланма капиталнинг ўртача қиймати}}$$

Кўрсаткични аниқлаш шакли:

1997 йил 1 январдан олдинги молиявий ҳисоботлар бўйича:

$$\frac{2\text{-шакл, 170 мисра}}{1\text{-шакл, } 180 + 330 \text{ мисра}}$$

1997 йил 1 январдан кейинги молиявий ҳисоботлар бўйича:

$$\frac{2\text{-шакл, 170 мисра}}{1\text{-шакл, 330 мисра}}$$

Инвестициялар рентабеллиги ҳам корхонанинг ялпи фойдаси асосида аниқланиб, бу кўрсаткич корхона асосий капиталини ҳамда узоқ муддатга олинган кредит ва қарзлар самарадорлини ифодалайди.

$$\text{Инвестиция рентабеллиги} = \frac{\text{Солиқ тўланишдан олдинги фойда}}{\text{Асосий капитал ва узоқ муддатга олинган кредит қарзларнинг ўртача қиймати}}$$

Кўрсаткични аниқлаш шакли:

1997 йил 1 январдан олдинги молиявий ҳисобот бўйича:

$$\frac{2\text{-шакл, 170 мисра}}{1\text{-шакл, } 480 + 520\text{-мисралар}}$$

1997 йил 1 январдан кейинги молиявий ҳисобот бўйича:

$$\frac{2\text{-шакл, 170-мисра}}{1\text{-шакл, } 390 + 400 + 410\text{-мисралар}}$$

Шундай қилиб, корхоналарнинг молиявий ҳолатига молиявий ресурсларнинг алоҳида элементлари таъсир кўрсатар экан, демак, бу элементларнинг ҳам рентабеллигини таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга.

Иккинчидан, корхона ресурсларининг алоҳида элементлари корхоналарнинг молиявий ҳолатини умумий даражасига таъсир кўрсатар экан, бу ресурсларни рентабеллиги аниқланганда, солиқ тўлашдан олдинги, яъни ялпи фойда эътиборга олиниши лозим.

Энди юқорида кўрилган рентабелликнинг асосий ва қўшимча кўрсаткичларини корхонамиз мисолида кўрамиз.

Рентабеллик кўрсаткичларини ҳисоб-китоби (минг сўм)

	Жорий давр	Ўтган давр	Динамика
<i>1. Маълумотлар базаси</i>			
1. Корхона активларининг ўртача қиймати	7622,7	6901,1	110,5
2. Ишлаб чиқариш фондларининг ўртача қиймати	4311,9	3139,0	137,4
3. Корхонага тегишли капиталнинг ўртача қиймати	5972,2	4537,8	137,6
4. Асосий капиталнинг ўртача қиймати	5535,2	3799,3	145,7
5. Айланма маблағларнинг ўртача қиймати	2087,7	3101,8	67,3
6. Узоқ мuddатли қарзларнинг ўртача қиймати	1065,7	-	-
7. Маҳсулотлар сотишдан тушум	9636,0	9279,6	103,8
8. Сотилган маҳсулотларнинг таннари	5273,4	6017,1	87,0
9. Солиқ тўлашдан олдинги фойда	4550,0	3622,4	125,6
10. Маҳсулотлар сотишдан олинган фойда	4362,6	3262,9	133,7
<i>2. Рентабеллик кўрсаткичлари</i>			
<i>А) Асосий кўрсаткичлар, фоиз</i>			
1. Корхона активларининг рентабеллиги (9:1)	59,7	52,5	113,7
2. Ишлаб чиқариш рентабеллиги (9:2)	105,5	115,3	91,5
3. Корхона жорий харажатларининг рентабеллиги (10:8)	86,2	54,2	159,0
4. Маҳсулот рентабеллиги (10:7)	47,3	35,2	134,1
<i>Б) Қўшимча кўрсаткичлар, фоиз</i>			
1. Корхонага тегишли капиталнинг рентабеллиги (9:3)	76,2	79,8	95,5
2. Қарзга олинган капиталнинг рентабеллиги (9:6)	426,8	-	-
3. Асосий капиталнинг рентабеллиги (9:4)	82,2	95,3	86,3
4. Айланма капиталнинг рентабеллиги (9:5)	217,9	116,8	186,9
5. Инвестицияларнинг рентабеллиги 9:(3+6)	61,2	79,8	76,7

Жадвал маълумотларига ва аниқланган рентабеллик кўрсаткичларига биноан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

– рентабеллик кўрсаткичлари жорий даврда ўтган даврга нисбатан умуман кўтарилган. Демак, корхона фаолиятининг молиявий натижалари яхшиланган;

– лекин рентабеллик кўрсаткичлари ҳар хил ўзгарган. Демак, уларнинг ўзгаришига ҳар хил омиллар таъсир кўрсатган;

– энг юқори суръатларда кўтарилган кўрсаткичлар – бу жорий харажатларнинг ва айланма маблағларнинг рентабеллик кўрсаткичларидир;

- жорий харажатларнинг рентабеллигини ошиши — бу сотилган маҳсулотларнинг таннархини пасайтириш йўли билан қўлга киритилган;

- айланма маблағлар рентабеллигининг кўтарилиши, фикримизча, корхонада меъёрдан юқори айланма маблағларни йўқ қилиш натижаси бўлса керак;

- сотилган маҳсулотларнинг рентабеллиги — бу ҳам сотилган маҳсулотлар таннархининг пасайтириши натижасидир. Қўриниб турибдики, сотилган маҳсулотларнинг ҳажми 3,8 фоизга кўпайган, сотилган маҳсулотлар таннархи шу даврда 12,4 фоизга пасайган;

- корхона активларининг рентабеллиги кўтарилган, лекин шу даврда ишлаб чиқариш фондларининг рентабеллиги пасайган. Бунга сабаб ўрганилаётган даврда корхонада ишлаб чиқариш фондлари 37,4 фоизга кўпайган. Янги фондлар ҳали ўзлаштирилган эмас. Шу сабабли ишлаб чиқариш фондлари самарадорлиги пасайган;

- худди шу сабабли янги фондларнинг ўзлаштирилмаганлиги натижасида корхонага тегишли капиталининг ва инвестицияларнинг рентабеллик даражаси камайган.

Жадвалда келтирилган маълумотлар шуни тасдиқлайдики, рентабелликни таҳлил қилишда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш керак. Бу кўрсаткичлардан ҳар бири корхоналар молиявий натижасини алоҳида томонларини, хусусиятларини ифодалайди ва бу молиявий натижаларни ҳар томонлама таҳлил қилишга имконият беради. Рентабелликни таҳлил этиш рентабеллик даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш билан яқунланиши лозим. Юқорида келтирилган рентабеллик кўрсаткичларига, улардан ҳар бири билан боғлиқ бўлган омиллар таъсир кўрсатади.

Масалан, корхона активлари рентабеллигига айланма маблағларнинг айланиши, маҳсулот рентабеллигини ўзгариши; ишлаб чиқариш рентабеллигига — айланма маблағларни биркитиш, маҳсулот рентабеллигини ўзгариши ва маҳсулот фонд сифими фондлар қайтими; маҳсулот рентабеллигига маҳсулот таннархи, маҳсулотларга қўйилган нархлар; жорий харажатлар рентабеллигига нархлар ва сотилган маҳсулотнинг таркибий ўзгариши таъсир кўрсатади.

Жорий харажатлар рентабеллиги омиллари.

Юқорида айтилгандек, жорий харажатлар рентабеллигига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- сотилган маҳсулот таннархининг ўзгариши;
- сотилган маҳсулотнинг нархини ўзгариши;
- сотилган маҳсулотнинг таркибий ўзгариши.

Омилли таҳлил учун индекс усулидан фойдаланамиз, бунинг учун жорий харажатлар рентабеллигини умумий динамика ва омилли индексларини ҳисоблаймиз.

Жорий харажатлар рентабеллигини динамикаси, яъни жорий даврда ўтган даврга нисбатан ўзгариш индекси, бу:

$$\frac{\text{Жорий даврда сотилган маҳсулотдан олинган фойда}}{\text{Жорий даврда сотилган маҳсулотнинг таннари}} : \frac{\text{Ўтган даврда сотилган маҳсулотдан олинган фойда}}{\text{Ўтган даврда сотилган маҳсулотнинг таннари}}$$

Умумий динамик индексининг шакли:

$$\frac{\Sigma M_1 B_1 - \Sigma M_1 T_1}{\Sigma M_1 T_1} : \frac{\Sigma M_0 B_0 - \Sigma M_0 T_0}{\Sigma M_0 T_0}$$

M_1 ва M_0 — жорий ва ўтган даврда сотилган маҳсулотларни турлари бўйича миқдори.

B_1 ва B_0 — жорий ва ўтган даврда маҳсулот турлари бўйича нарх-наволиар.

T_1 ва T_0 — жорий ва ўтган даврда маҳсулотларни турлари бўйича таннари.

$\Sigma M_1 B_1$ — жорий даврда сотилган маҳсулотлар тушими.

$\Sigma M_0 B_0$ — ўтган даврда сотилган маҳсулотлар тушими.

$\Sigma M_1 T_1$ — жорий даврда сотилган маҳсулотлар таннари.

$\Sigma M_0 T_0$ — ўтган даврда сотилган маҳсулотлар таннари.

Индексдан кўриниб турибдики, жорий харажатлар рентабеллиги динамикасини аниқлаш учун бу рентабелликнинг жорий даврдаги даражаси ўтган даврдаги даражаси билан таққосланади. Жорий харажатлар рентабеллиги даражаси жорий ва ўтган даврда сотилган маҳсулотдан олинган фойдани сотилган маҳсулотнинг таннарига бўлиш билан аниқланади.

Энди омилли индексларни келтирамиз.

Таннархнинг таъсири индекси:

$$\frac{\text{Жорий даврда сотилган маҳсулотдан фойда}}{\text{Жорий даврда сотилган маҳсулотнинг таннари}} : \frac{\text{Жорий даврда сотилган маҳсулотдан фойда, маҳсулотнинг ўтган давр таннари бўйича}}{\text{Жорий даврда сотилган маҳсулот таннари}}$$

Таннарх таъсири индексининг шакли:

$$\frac{\Sigma M_1 B_1 - \Sigma M_1 T_1}{\Sigma M_1 T_1} : \frac{\Sigma M_1 B_1 - \Sigma M_1 T_0}{\Sigma M_1 T_1}$$

$\Sigma M_1 T_0$ — жорий даврда сотилган маҳсулотларнинг ўтган йилги таннархи.

Бу индексда ҳам сотилган маҳсулотдан олинган фойда динамикаси аниқланади, лекин бу гал жорий даврда олинган фойда ўтган давр таннархига асосланган фойда билан таққосланади.

Кўриниб турибдики, таққослашда фақат сотилган маҳсулотнинг таннархи ўзгаришти. Демак, бу индекс таннархнинг жорий харажатлар рентабеллигига таъсирини ифодалайди.

Нарх-наво таъсири индекси:

Жорий даврда ўтган давр таннархи асосида сотилган маҳсулотдан фойда	:	Жорий даврда ўтган давр нарх-навоси ва таннархи асосида сотилган маҳсулотдан фойда
Жорий даврда сотилган маҳсулотнинг таннархи		Жорий даврда сотилган маҳсулот таннархи

Нарх-наво таъсири индекси шакли:

$$\frac{\Sigma M_1 B_1 - \Sigma M_1 T_0}{\Sigma M_1 T_1} : \frac{\Sigma M_1 B_0 - \Sigma M_1 T_0}{\Sigma M_1 T_1}$$

Кўриниб турибдики, бу индексда жорий даврда сотилган маҳсулот (M_1) асосида аниқланган икки жорий харажатлар рентабеллиги даражаси таққосланаяпти. Сотилган маҳсулотдан олинган фойдалар аниқланганда, сотилган маҳсулот сони (M_1), сотилган маҳсулот таннархи ҳам (T_0) ўзгармаяпти, нарх-наво эса (B_1 ва B_0) ўзгаришти. Демак, бу ҳисоб-китобда жорий харажатлар рентабеллиги динамикасига нарх-наво ўзгариши таъсири аниқланади.

Маҳсулот таркиби таъсири индекси:

Ўтган даврда нарх ва таннархда жорий даврда сотилган маҳсулотдан фойда	:	Ўтган даврда сотилган маҳсулотдан олинган фойда
Жорий даврда сотилган маҳсулотнинг таннархи		Ўтган даврда сотилган маҳсулот таннархи маҳсулот таннархи

Нарх-наво таъсири индекси шакли:

$$\frac{\Sigma M_1 B_0 - \Sigma M_1 T_0}{\Sigma M_1 T_1} : \frac{\Sigma M_0 B_0 - \Sigma M_0 T_0}{\Sigma M_1 T_1}$$

$\Sigma M_1 B_0$ — Сотилган маҳсулотдан жорий даврда ўтган давр нархи асосида олинган тушум.

$\Sigma M_1 T_0$ — жорий даврда сотилган маҳсулотнинг ўтган давр таннархида ҳисобланган ҳажми.

Кўриниб турибдики, бу индексда жорий даврдаги жорий харажатларни рентабеллик даражаси ўтган даврдаги рентабеллик даражаси билан таққосланади, лекин бу рентабеллик кўрсаткичларида фақат маҳсулотлар таркиби ўзгарган, демак, бу индекс жорий харажатлар рентабеллигига маҳсулотлар таркибий ўзгариши таъсирини ифодалайди.

Юқорида фойдаланилган индексларни аниқлаш кўп қийин эмас. Молиявий ҳисоботда (2-шакл) маҳсулотлар сотиш тушими, сотилган маҳсулотлар таннархи ва сотилган маҳсулотлардан олинган фойда тўғрисида маълумотлар мавжуд. Бухгалтерия бирламчи ҳисобидан фақат жорий даврда сотилган маҳсулотларни ўтган давр нарх-наволарида ($\Sigma M_1 B_0$) ва ўтган давр таннархида баҳоланиш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни олишга тўғри келади ($\Sigma M_1 T_0$).

Аниқланган омилли индекслар ўзаро алоқада бўлиб, улар бир-бирига қўпайтирилса, жорий харажатлар рентабеллиги умумий индекси олинади, уларнинг абсалют ўзгариш фарқлари олинса, уларнинг суммаси умумий индекснинг фарқига баробар.

Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан фойдаланиб тасдиқлаймиз:

25-жадвал

Жорий харажатлар рентабеллиги омиллари таъсири

		Минг сўм
Маълумотлар базаси		
1	Жорий даврда сотилган маҳсулотлардан тушум ($\Sigma M_1 B_1$).	800
2	Жорий даврда сотилган маҳсулотлар таннархи ($\Sigma M_1 T_1$).	640
3	Ўтган даврда сотилган маҳсулотлардан тушум ($\Sigma M_0 B_0$).	595
4	Ўтган даврда сотилган маҳсулотлар таннархи ($\Sigma M_0 T_0$).	490
5	Жорий даврда сотилган маҳсулотлар ўтган давр нарх-наволарида ($\Sigma M_1 B_0$).	680
6	Жорий даврда сотилган маҳсулотлар ўтган давр таннархида ($\Sigma M_1 T_0$).	560

1. Жорий харажатлар рентабеллигини умумий динамика индекси

$$\frac{800 - 640}{640} : \frac{595 - 490}{490} = (0,250 : 0,214) \times 100 = 116,7 \text{ фоиз.}$$

Демак, жорий харажатлар рентабеллиги жорий даврда ўтган даврга нисбатан 16,7 фоизга ошган.

2. Сотилган маҳсулотлар таннархининг таъсири:

$$\frac{800 - 640}{640} : \frac{800 - 560}{640} = (0,250 : 0,375) \times 100 = 66,6 \text{ фоиз.}$$

Демак, корхонада сотилган маҳсулотлар таннархининг ўзгариши жорий харажатлар рентабеллигига салбий таъсир кўрсатган, натижада жорий харажатлар рентабеллиги 33,4 фоизга камайган (100-66,6). Жорий даврда ўтган даврга нисбатан сотилган маҳсулотларнинг таннархи кўтарилган. Масалан, сотилган маҳсулотларни бир сўмга нисбатан сарф этилган харажатлар ўтган даврда 17,6 тийиндан жорий даврда 20 тийинга кўтарилди.

3. Сотилган маҳсулотларга қўйилган нарх-навонинг таъсири:

$$\frac{800 - 560}{640} : \frac{680 - 560}{640} = (0,375 : 0,186) \times 100 = 200 \text{ фоиз.}$$

Кўриниб турибдики, корхона маҳсулотларига нарх-наволар кўтарилган, натижада жорий харажатлар рентабеллиги даражаси икки марта кўтарилган. Демак, нарх-наволарни ўзгартириш рентабелликка ижобий таъсир кўрсатган.

4. Сотилган маҳсулотларнинг таркибий ўзгартирилиши таъсири:

$$\frac{680 - 560}{640} : \frac{595 - 490}{490} = (0,186 : 0,214) \times 100 = 87,6 \text{ фоиз.}$$

Жорий даврда ўтган даврга нисбатан сотилган маҳсулотларнинг таркиби ўзгарди ва бу ўзгариш жорий харажатлар рентабеллигига салбий таъсир кўрсатди. Бу омил таъсирида жорий харажатлар рентабеллиги 12,4 фоизга камайган (100-87,16).

Умумий рентабеллик динамика индекси билан омилли индекслар ўртасидаги боғланиш қуйидагича тасдиқланади:

Рентабеллик даражаси	Жорий давр	Ўтган давр	+ўсиш -камайиш
Умумий рентабеллик	25,0	21,4	+ 3,6
Таннарх таъсири	25,0	37,5	-12,5
Нарх-наво таъсири	37,5	18,6	+ 18,9
Маҳсулот таркиби таъсири	18,6	21,4	-2,8
Жами	x	x	3,6

ёки

$$\frac{25,0}{21,4} = \frac{25,0}{37,5} \times \frac{37,5}{18,6} \times \frac{18,6}{21,4}$$

ёки

$$1,167 = (0,666 \times 2,00 \times 0,876) \text{ ёки } 116,7 \text{ фоиз.}$$

Демак, жорий харажатлар рентабеллигининг умумий динамика индекси уч омилли индекслар кўпайтмасига баробар.

Ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқариш асосий ва айланма фондларнинг рентабеллигига, юқорида айтилгандек, қуйидаги уч омил таъсир кўрсатади:

- маҳсулотлар рентабеллигининг ўзгариши;
 - фондлар сифимининг ўзгариши;
 - айланма маблағларни биркитиш кўрсаткичининг ўзгариши.
- Яна умумий динамик ва омиллар кўрсаткичларини аниқлаймиз.

1. Ишлаб чиқариш рентабеллигининг умумий динамикаси:

$$\frac{\text{Жорий даврда олинган ялпи фойда}}{\text{Жорий даврда ишлаб чиқариш фондларининг ўртача қиймати}} : \frac{\text{Ўтган даврда олинган ялпи фойда}}{\text{Ўтган даврда ишлаб чиқариш фондларининг ўртача қиймати}}$$

Ишлаб чиқариш рентабеллиги динамикаси — демак, бу жорий даврдаги рентабеллик кўрсаткич даражасини ўтган даврдаги рентабеллик кўрсаткичи даражаси билан солиштиришдир.

2. Ишлаб чиқариш рентабеллигига маҳсулот рентабеллиги ўзгаришининг таъсири:

$$\left[\frac{\text{Жорий даврдаги рентабеллик даражаси}}{\text{Ўтган фондлар сифимининг даражаси}} : \frac{\text{Ўтган даврдаги ишлаб чиқариш рентабеллик даражаси}}{\text{Ўтган даврдаги ишлаб чиқариш рентабеллик даражаси}} \right] :$$

Фондлар сифими даражаси — бу ўтган даврда асосий фондлар қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлинишидир, яъни

ўтган даврда ҳар бир сўмлик маҳсулотта асосий фондларининг қанча қиймати тўғри келишини кўрсатади.

3. Фондлар сифимининг ўзгариши таъсири:

Жорий даврдаги фондлар сифими	Ўтган даврдаги фондлар сифими ва
ва ўтган даврдаги айланма	ўтган даврдаги айланма
маблағларни биркитиш	: маблағларнинг биркитиш
кўрсаткичига асосланган жорий	кўрсаткичига асосланган ишлаб
давр ишлаб чиқариш	чиқариш рентабеллик даражаси
рентабеллик даражаси	

Ҳисоб-китоб қилинган ишлаб чиқариш рентабеллик кўрсаткичларида фақат маҳсулотнинг фондларга қайтиши ўзгаришда, демак, бу омилни таъсири аниқланипти.

4. Айланма маблағларнинг биркитиш кўрсаткичи ўзгаришининг таъсири:

Жорий даврдаги ишлаб чиқариш	Айланма маблағларни ўтган
рентабеллик даражаси	даврдаги биркитиш кўрсаткичига
	асосланган жорий даврдаги ишлаб
	чиқариш рентабеллиги даражаси

Энди юқорида кўрилган умумий ва омилли ишлаб чиқариш рентабеллиги кўрсаткичларини мисолда миқдоран аниқлаймиз.

Ишлаб чиқариш рентабеллигининг умумий ўзгариши.

$$\frac{200}{300} : \frac{120}{200} = (0,667 : 0,600) \times 111,2$$

Демак, жорий даврда ўтган йилга нисбатан ишлаб чиқариш рентабеллиги 11,2 фоизга ошган.

1. Маҳсулот рентабеллиги таъсири:

$$\left(\frac{180}{550} : \frac{200}{400} \right) : \frac{120}{200} = (0,654 : 0,600) \times 100 = 109$$

**Ишлаб чиқариш рентабеллигига таъсир қилувчи омилларнинг
ҳисоб-китоби (минг сўм)**

		Жорий давр	Ўткан давр	Динамика, фоиз
	Маълумотлар базаси			
1	Сотишган маҳсулотдан тушум	550	400	137,5
2	Ишлаб чиқариш фондларининг ўртача қиймати	300	200	150,0
3	Асосий капиталнинг ўртача қиймати	220	150	146,7
4	Айланма капиталнинг ўртача қиймати	80	50	160,0
5	Солиқ тўлашдан олдинги фойда	200	120	166,7
6	Маҳсулот сотишдан фойда	180	110	163,6
7	Ишлаб чиқариш рентабеллиги (5:2)	66,7	60,0	111,2
8	Маҳсулот рентабеллиги (6:1)	32,7	27,5	118,8
9	Фонд сизими – бир сўмлик тушумга асосий капитал қиймати (3:1) тийин	40,0	37,5	106,7

Демак, маҳсулот рентабеллигининг ўзгариши ишлаб чиқариш рентабеллигига ижобий таъсир кўрсатди ва натижада ишлаб чиқариш рентабеллиги 9 фоизга ошди.

2. Фондлар қайтими (фонд сизими) ўзгаришининг таъсири:

$$\left[\frac{180}{550} : \left(\frac{220}{550} + \frac{50}{400} \right) \right] : \left(\frac{180}{550} : \frac{200}{400} \right) = (0,622 : 0,654) \times 100 = 95,1$$

Фондлар қайтими тушумнинг бир сўмига нисбатан 37,5 тийиндан 40,0 тийинга кўтарилиши ишлаб чиқариш рентабеллигига салбий таъсир кўрсатди. Натижада ишлаб чиқариш рентабеллиги даражаси 4,9 фоизга пасайди.

3. Айланма капиталнинг биркитиш кўрсаткичининг ўзгаришининг таъсири:

$$\frac{200}{300} : \left[\frac{180}{550} : \left(\frac{220}{550} + \frac{50}{400} \right) \right] = (0,666 : 0,623) \times 100 = 106,9$$

Айланма капитални биркитиш кўрсаткичининг ўзгариши ишлаб чиқаришлар рентабеллигини 6,9 фоизга кўтарди.

Демак, ишлаб чиқариш рентабеллигига маҳсулот рентабеллигини ва айланма капитални биркитиш кўрсаткичлари ижобий таъсир кўрсатди. Фондларнинг қайтими эса салбий таъсир кўрсатди. Энди корхоналар активлари рентабеллиги ва унга таъсир қилувчи омилларни кўриб чиқамиз.

Корхоналар активлари рентабеллигининг умумий ўзгариши:

Корхона активларининг жорий : Корхона активларининг ўтган
даврдаги рентабеллилик даражаси : даврдаги рентабеллилик даражаси

Корхоналар активлари рентабеллигига икки омил таъсир
кўрсатади:

1. Корхона активларининг айланиши.
2. Маҳсулот рентабеллиги.

1. Корхона активлари рентабеллигига корхона активлари
айланишининг таъсири:

$$\left(\begin{array}{l} \text{Ўтган даврдаги} \\ \text{маҳсулот} \\ \text{рентабеллиги} \end{array} \times \begin{array}{l} \text{Корхона} \\ \text{активларининг} \\ \text{айланиш миқдори} \end{array} \right) : \begin{array}{l} \text{Ўтган даврдаги} \\ \text{корхона активлари} \\ \text{рентабеллиги} \end{array}$$

2. Корхона активлари рентабеллигига маҳсулот рентабеллиги
таъсири:

$$\left(\begin{array}{l} \text{Жорий даврда} \\ \text{корхона активлари} \\ \text{рентабеллиги} \end{array} : \begin{array}{l} \text{Ўтган даврдаги} \\ \text{маҳсулот} \\ \text{рентабеллиги} \end{array} \right) \times \begin{array}{l} \text{Корхона} \\ \text{активларининг} \\ \text{айланиш миқдори} \end{array}$$

Бу ҳисоб-китобларни корхона маълумотларида кўриб чиқамиз.

27-жадвал

Корхона активларининг рентабеллиги (минг сўм)

	Жорий давр	Ўтган давр
Маълумотлар базаси		
1. Сотилган маҳсулотдан тушум	600	500
2. Солиқ тўланмасдан олдинги фойда	150	100
3. Корхона активларининг ўртача қиймати	45	40
4. Корхона активларининг айланиш миқдори (1:3)	13,3	12,5
5. Маҳсулот рентабеллик даражаси (2:1)	25	20
6. Корхоналар активларининг рентабеллик даражаси (2:3)	250	333

Жорий даврда ўтган даврга нисбатан корхона активларининг
рентабеллиги 33,2 фоизга ошди. Кўришиб турибдики, корхоналар
активларининг айланиши тезлашган — 12,5 мартадан 13,3
мартагача кўпайган. Демак, бу омилнинг таъсири:

$(20 \times 13,3) : 250 = (266 : 250) \times 100 = 106,4$ фоиз ижобий бўлиб,
активлар рентабеллигини 6,4 фоизга кўтаришга имкон берган.

Маҳсулот рентабеллиги ҳам таҳлил қилинаётган даврда кўтарилган, демак, бу омил ҳам активлар рентабеллигига ижобий таъсир кўрсатган. Яъни:

$$333:(20 \times 13,3) = (333:266) \times 100 = 125,2 \text{ фоиз.}$$

Корхона активлари рентабеллигини 25,2 фоизга кўтаришга имкон берган. Икки омилнинг кўпайтмаси корхоналар активлари рентабеллигининг умумий динамикасига тенг, яъни:

$$\frac{106,4 \times 125,2}{100} = 133,2 \text{ фоиз.}$$

Корхона рентабеллик кўрсаткичларига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш учун керакли маълумотлар молиявий ҳисоботларда ва бирламчи бухгалтерия ҳисобида мавжуд.

Омиллар таҳлили бўйича юқорида келтирилган ахборотлар умуман молиявий таҳлилда, айниқса, рентабеллик таҳлилида омиллар бўйича таҳлил ўтказишнинг объектив зарурлини исботлаяпти ва омиллар бўйича ўтказилган таҳлил корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишни чуқурлаштиради ҳамда янги ҳулосалар чиқаришга, тавсиялар беришга имконият яратади.

6.3. Корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги таҳлили

Илгари, одатда, юқори молия-банк органлари корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини доимо таҳлил қилишар эди. Бозор муносабатларига ўтиш пайтида корхоналар фаолияти билан шуғулланувчи органлар ва ташкилотлар ўзларининг асосий эътиборини корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишга сафарбар этмоқдалар.

Корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш усуллари юқорида кўрилди. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлилида алоҳида корхоналарнинг иқтисодий ночорлигини кўриш лозим. Корхоналарнинг иқтисодий ночорлигини таҳлил қилиш бозор муносабатлари ва корхоналараро рақобат алоқалари билан боғлиқ.

Бозор муносабатлари даврида корхоналар учун бозор иқтисодиётида ўз ўрнини топиш хўжалик юритишнинг асосий тамойилига айланиб қолади. Бу даврда корхоналарни синиши, банкрот бўлиши ижтимоий ишлаб чиқаришни қонуний

ҳолатига айланиб қолади. Буни республика мисолида кўришимиз мумкин. Банкрот бўлган корхона, ташкилотлар сони республикада 1995 йили 55 та, 1996 йили 70 та, 1997 йили 145 та, 1998 йили 436 та, 1999 йили 963 та бўлган.

Шу воқеалар муносабати билан корхоналарнинг иқтисодий ночорлигини таҳлил қилиш ва бу таҳлил усулини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга. Бу борада республикада Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, корхоналарни банкрот ва санация бўлиши масалалари бўйича ҳукумат комиссияси, Ўзбекистон Республикаси мол-мулк қўмитаси ҳузуридаги корхоналарни иқтисодий ночорлиги масалалари бўлими томонидан анча ишлар амалга оширилди.

Авваламбор корхоналарнинг иқтисодий ночорлигини аниқлашнинг қонуний-услубий базаси барпо этилди. Ўзбекистон Республикаси корхоналарни синиш ва санацияга ўтказиш масалалари бўйича ҳукумат комиссияси томонидан 1997 йил 17 апрелда «Корхоналарни молиявий таҳлил қилиш бўйича услубий тавсиялар», «Корхоналарни иқтисодий ночорлиги масалалари бўйича ҳудудий бошқармаси тўғрисида вақтинча низом», «Корхоналарнинг ихтиёрий равишда тузатиш тўғрисида қарор қабул қилиш тўғрисида вақтинча низом», «Иқтисодий ночор корхоналарни санация қилишда уларга молиявий ёрдам бериш тартиби» тасдиқланди ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мол-мулк қўмитаси ҳузуридаги корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги масалалари тўғрисида қўмита томонидан 1997 йил 10 декабрда «Қишлоқ хўжалик корхоналарни иқтисодий ночор деб тан олиш тўғрисида вақтинча тартиб», 1998 йил 20 мартда «Корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини мониторинг ва таҳлил қилиш тартиби» тасдиқланди.

Юқорида келтирилган меъёрий-услубий ҳужжатларни таҳлил қилиш бизни қуйидаги хулосаларга олиб келди:

Биринчидан, улардан учтаси корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлилига, қолганлари корхоналарнинг иқтисодий ночорлигига бағишланган.

Иккинчидан, улардан учтасида бевосита корхоналарнинг иқтисодий ночорлигини таҳлил қилиш кўрсаткичлари тизими кўрилган, тавсия қилинган.

«Молиявий таҳлил тўғрисида услубий тавсияларда» корхоналарни иқтисодий ночорлигини таҳлил этиш учун қуйидаги кўрсаткичлар тавсия этилган:

1. Қарзларни қайтиб беришга қодирлик коэффициенти.

2. Корхонага тегишли ва қарзга олинган маблағлар ўртасидаги ўзаро нисбат.

3. Молиявий қарамлик коэффиценти.

4. Ўзлик айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти.

5. Захира ва харажатларни ўзлик манбалар билан таъминланганлик коэффиценти.

6. Қарзларни қайтиб беришга қодирликни тиклаш коэффиценти.

7. Корхонанинг чаққонлик коэффиценти.

8. Маҳсулот сотиш рентабеллик коэффиценти.

9. Ўзлик капиталнинг рентабеллик коэффиценти.

10. Асосий воситаларни рентабеллик коэффиценти.

11. Перманент капиталнинг рентабеллик коэффиценти.

12. Корхона капиталининг умумий айланиш коэффиценти.

Кўриниб турибдики, корхоналарни иқтисодий ночорлигини таҳлил этиш учун ҳаддан ташқари кенг кўрсаткичлар тавсия этилган, улардан бир қисми иқтисодий ночорликка алоқаси бўлмаган кўрсаткичлардир. Банкротлик ва санация масалалари бўйича ҳукумат комиссияси томонидан қабул қилинган «Корхоналарни иқтисодий ночорлигини аниқлаш учун критериялар тизимида» корхоналар иқтисодий ночорлигини таҳлил қилиш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизими қисқартирилган ва улар қуйидагилардан иборат:

1. Қарзларни қайтиб беришга қодирлик коэффиценти.

2. Ўзлик ва қарзга олинган маблағларнинг ўзаро нисбати коэффиценти.

3. Молиявий қарамлик коэффиценти.

4. Ўзлик айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти.

Бу кўрсаткичларнинг мазмуни ҳисоблаш услублари ва уларни меъёрий даражалари ҳам келтирилган. «Қишлоқ хўжалик корхоналарни молиявий таҳлил қилиш услубий тавсияларда» ва «Қишлоқ хўжалик корхоналарни иқтисодий ночор деб тап олишнинг вақтинча тартиби»да ночорликни таҳлил қилиш учун юқорида кўрсатилган кўрсаткичлар тўлиқ қайтарилган ва улардан ташқари қуйидагилар тавсия этилган:

1. Маҳсулотнинг рентабеллик коэффиценти.

2. Активларнинг рентабеллик коэффиценти.

«Корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини мониторинг ва таҳлил қилиш тартиби»да юқорида келтирилган кўрсаткичлардан ташқари яна иккита кўрсаткич тавсия этилган:

1. Ишлаб чиқариш кучларидан фойдаланиш коэффиценти.
2. Асосий фондларни эскириш коэффиценти.

Юқорида келтирилган тавсияларни синчиклаб ўрганиш, таҳлил қилиш бизни қуйидаги хулосаларга олиб келди:

1. Бу меъёрий-услубий материалларни асосий вазифаси корхоналарнинг иқтисодий ночорлигини аниқлаш усулини, унинг учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизимини шаклландан иборат эди. Лекин бу материалларда корхоналар ночорлигига ҳар хил қараш ифодаланган ва ночорликни аниқлаш учун ҳар-хил кўрсаткичлар тизими тавсия этилган. Тавсия этилган кўрсаткичлар сони 4 тадан 12 та гача.

2. Тавсия этилган кўрсаткичлардан кўпчилиги ҳар хил услубда аниқланади. Масалан: қарзларни қайтариб беришга қодирлик коэффиценти.

1) Қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий ҳолатини ва иқтисодий ночорлигини аниқлашга бағишланган ҳужжатларда қуйидагича:

Айланма активлар — муддати ўтган дебиторак қарзлар

Айланма активлар — узайтирилган мажбуриятлар

2. Корхоналарнинг иқтисодий ночорлини аниқлаш критериялар тизимида қуйидагича:

Айланма активлар — муддати ўтган дебиторак қарзлар

Қисқа муддатли мажбуриятлар

3. Корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини мониторинг ва таҳлил қилиш тартибида қуйидагича:

Айланма активлар

Қисқа муддатли мажбуриятлар	Муддати ўтган қисқа муддатли мажбуриятлар	Истеъмолчилардан олинган, муддати ўтган аванслар
-----------------------------	---	--

Ўзлик ва қарзга олинган маблағлар ўртасидаги ўзаро нисбат кўрсаткичи ҳам ҳар хил аниқланади.

Юқорида кўрсатилган меъёрий-услубий ҳужжатларда қуйидагича аниқлаш тавсия этилган:

- 1)

Ўзлик маблағларнинг манбалари		
Қисқа муддатга олинган қарзлар	-	Муддати узайтирилган мажбуриятлар

- 2)

Қисқа муддатга олинган қарзлар
Ўзлик маблағларнинг манбалари

- 3)

Ўзлик маблағларнинг манбалари
Қисқа муддатга олинган қарзлар

Кўриниб турибдики, қарзларни қайтариб беришга қодирлик коэффиценти, ўзлик маблағлар ва қарзга олинган маблағларнинг ўзаро нисбати коэффиценти келтирилган ҳужжатларда ҳар хил мазмунда келтирилади ва шу сабабли, бу коэффицентлар турли усулда аниқланади. Масалан, ўзлик маблағлар билан қарзга олинган маблағлар ўртасидаги ўзаро нисбат тўғрисида гап кетар экан, фақат ўзлик маблағлар билан қисқа муддатга олинган қарзлар ўртасидаги ўзаро нисбат таҳлил этилади, узоқ муддатга олинган қарзлар нимагадир эътиборга олинмайди. Ундан ташқари фақат «Корхоналар молиявий ҳолати таҳлили тўғрисидаги тавсиялар»да бу коэффицент қисқа муддатга олинган қарзларни ўзлик маблағларнинг манбаларига бўлиш йўли билан аниқланади, қолган ҳужжатларда эса бу кўрсаткич ўзлик маблағларнинг манбаъларини қисқа муддатга олинган қарзларнинг ҳар хил шаклига бўлиш йўли билан аниқланади.

Яна бир кўрсаткич – бу ўзлик маблағлар билан таъминланиш коэффиценти. Бу кўрсаткич ҳам ҳар хил аниқланган. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили тўғрисидаги услубий тавсияларда ва «Қишлоқ хўжалик корхоналарини молиявий ҳолатини таҳлил қилиш тўғрисидаги услубий тавсиялар»да бу кўрсаткич қуйидагича аниқланган:

Ўзлик маблағларнинг манбалари – Узоқ муддатли активлар

Айланма активлари

«Қишлоқ хўжалик корхоналарни иқтисодий ночорлигини тан олиш тартиби»да ва «Корхоналарни мониторинг қилиш ва молия-

хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш тартиби»да қуйидагича аниқланиш тавсия этилган:

Ўзлик маблағларнинг манбалари	Узоқ муддатга олинган қарзлар	Узоқ муддатли активлар
Айланма активлари		

Бу ерда ўзлик маблағлар билан таъминланиш коэффиценти ҳам икки мазмунда кўрилади. Биринчидан, аниқланган кўрсаткичда айланма активлар фақат ўзлик маблағларнинг манбалари билан таъминланса, иккинчидан, аниқланган кўрсаткичда, унда нимагадир, узоқ муддатга олинган қарз ва кредитлар ҳам эътиборга олинган.

Бу кўрсаткичнинг номи ҳам ҳужжатларда ҳар хил берилган. «Корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш услубий тавсияларда», бу кўрсаткични номи — захира ва харажатларни ўзлик манбалар билан таъминлаш коэффиценти, бошқа ҳужжатларда эса бу кўрсаткичнинг номи — ўзлик айланма маблағлар билан таъминланиш коэффиценти деб аталган.

Маълумки, захира ва харажатлар корхона айланма маблағлари ва айланма активларининг бир қисmini ташкил қилади. Корхоналар эса бугун айланма маблағлари билан таъминланиши лозим.

1. Юқорида келтирилган меъёрий-услубий материалларда корхоналарнинг иқтисодий ночорлигини тан олиш кўрсаткичларини меъёрий даражаларини аниқлаш муаммоси бўйича ҳам бир фикрлик ифода этилган эмас.

Корхоналарда мониторинг ўтказиш ва молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили тўғрисидаги тартибда қуйидагича меъёрий даражалар тавсия этилган:

- қарзларни қайтариб беришга қодирлик коэффиценти — 1,0 дан паст эмас;
- ўзлик маблағлар билан қарзга олинган маблағлар ўртасидаги ўзаро нисбат — 1 дан кам эмас;
- ўзлик айланма маблағлар билан таъминланиш коэффиценти — 0,1 дан кам эмас;
- чаққонлик коэффиценти — ўрта тармоқ даражасидан кам эмас.

Юқорида келтирилган бошқа меъёрий-услубий материалларда қуйидаги меъёрий даражалар тавсия этилган:

- қарзларни қайтариб беришга қодирлик коэффиценти — 2 дан кам эмас;

- ўзлик маблағлар билан қарзга олинган маблағлар ўртасидаги ўзаро нисбат — 2 дан кам эмас;
- ўзлик айланма маблағлар билан таъминланиш коэф-фициенти — 0,1 дан кам эмас;
- чаққонлик коэффициенти — 0,5 дан кам эмас.

Бу ҳужжатларда берилган тавсиялар, ўзлик айланма маблағлар билан таъминланиш коэффициентидан бошқа кўрсаткичлар, бир-биридан тубдан фарқ қилади.

2. Иқтисодий нуқтаи назардан иқтисодий ночорликка учраган корхоналар ҳар хил ночорлик даражасида бўлиши мумкин.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини молиявий таҳлили тўғрисидаги услубий тавсияларда ва қишлоқ хўжалик корхоналарини иқтисодий ночор деб тан олиш тўғрисидаги тартибда иқтисодий ночорликка учраган корхоналар **уч гуруҳга**, корхоналарда мониторинг ўтказиш ва уларни молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлили тўғрисидаги тартибда иқтисодий ночорликка учраган корхоналар **беш гуруҳга бўлинади**.

Бу ҳолат корхоналарни иқтисодий ночорлиги тан олингандан кейин, уларни ҳаёт-мамотини аниқлашни мураккаблаштиради.

Бизнинг фикримизча иқтисодий ночорликка учраган корхона ва ташкилотлар икки гуруҳга бўлиниши лозим. Яъни:

- санацияга ўтказиладиган корхоналар;
- банкрот, синди деб эълон қилинадиган корхоналар.

Шундай қилиб, корхоналарни банкротлиги ва санацияга ўтказиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳукумат комиссияси, Ўзбекистон Республикаси мол-мулк Давлат қўмитаси ҳузурида корхоналарни иқтисодий ночорлиги масалалари бўлими томонидан тайёрланган, қабул қилинган бир қанча меъёрий-услубий ҳужжатларга қарамасдан корхоналарни иқтисодий ночорлигини аниқлаш бўйича ҳали республикада асосланган, келишилган, ягона услубият шаклланигани йўқ.

Лекин бундай услубиятни шакллантириш объектив заруратдир. Чунки бозор муносабатлари даврида корхоналарни банкротта учраши, синиши табиий ҳол, бундай ходисалар энг ривожланган капиталистик мамлакатларда ҳам мавжуд. Бу борада Ўзбекистон Республикаси тўғрисида гап борар экан, 1995-1998 йилларда республикада 700 дан ошiq корхоналар ва ташкилотлар банкрот деб эълон қилинган, улардан 346 таси тугатилган. 1999 йили банкрот деб эълон қилинган корхоналар ва ташкилотларни сони 969 тани ташкил этди. 1999 йил 1 январгача 538

корхона ва ташкилотлар санация қилинди, улардан 400 таси амалга оширилган тадбирлар натижасида ўзларининг молиявий ҳолатини яхшиладилар.

Корхоналарни иқтисодий ночорлигини тан олиш, уларни санацияга ўтказиш, банкрот деб эълон қилиш — масъулиятли, ҳар томонлама мураккаб муаммо, чунки бу корхона ва ташкилотларнинг, қолаверса, уларнинг меҳнаткаш жамоаларининг келгуси ҳаёт-мамотидир.

Демак, корхоналарнинг иқтисодий ночорлигини тан олиш, уларни санацияга ўтказиш, банкрот деб эълон қилиш, бу муаммони ҳар томонлама асосланган равишда ечишни талаб этади. Бунинг учун корхоналарни иқтисодий ночорлигини тан олиш усулини ҳар томонлама асослаш ва шакллантириш лозим. Фикримизча бу усул қуйидаги тамойилларга асосланган бўлиши лозим:

- корхона ва ташкилотларни иқтисодий ночорлигини аниқлаш кўрсаткичлари банкрот деб эълон қилинадиган, санацияга ўтказиладиган корхона ва ташкилотларга алоҳида тасдиқланиши лозим;

- буни эътиборга олиб, иқтисодий ночор деб тан олинган корхона ва ташкилотлар икки гуруҳга бўлиниши лозим: банкрот деб эълон қилинадиган, санацияга ўтказиладиган;

- корхона ва ташкилотларни иқтисодий ночорлиги билан шуғулланувчи ҳукумат комиссияси ва мол-мулк қўмита учун ягона усул шаклланиши лозим ва улар иқтисодий ночор корхоналар масалаларини кўришда бир хил критерияга асосланиши керак;

- иқтисодий ночор деб тан олинган корхона ва ташкилотларни қарзларни қайтариб беришга қодир эмас, деб қабул қилиниши лозим.

Юқорида кўрилган тамойиллар ҳамда корхона ва ташкилотларни иқтисодий ночорлиги билан шуғулланишни такомиллаштириш мақсадида, фикримизча, иқтисодий ночорликни аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Номуътадил молиявий мустахкамлик коэффиценти. Корхоналарнинг захира ва харажатларга бўлган эҳтиёжларини қоплашга ўзлик маблағларнинг манбалари ҳамда узоқ муддатга олинган қарз ва кредитлар етишмайди, бу қопланмаган

эҳтиёжлар қисқа муддатга олинган қарз ва кредитлар ҳисобидан қопланади. Бу мажбуриятларни тез фурсатда қайтариш лозим.

2. *Инқирозга учраган молиявий ҳолат коэффиценти.* Корхона ҳамда ташкилотларнинг захира ва харажатларга бўлган эҳтиёжлари улардаги мавжуд бутун манбалар — ўзлик маблағларнинг манбалари, узоқ ва қисқа муддатга олинган қарзлар, кредитлар сафарбар этилса ҳам қопланмайди. Демак, корхона ва ташкилотлар фаолиятни давом этиш имкониятларига эга эмас.

3. *Балансининг абсолют ликвидлик коэффиценти.* Бу коэффицент қисқа муддатга олинган қарз ва кредитларни корхона ҳамда ташкилотларда мавжуд нахт пуллар ҳисобидан қайтариб бериш имкониятини ифодалайди. Корхоналар балансининг умумий ва хусусий ликвидлик коэффицентлари корхоналарни қарзлардан қутилишда потенциал имкониятларини кўрсатса, балансининг абсолют ликвидлик коэффиценти уларнинг реал имкониятларини ифодалайди.

4. *Ўзлик маблағлар ва қарзга олинган маблағлар ўртасидаги ўзаро нисбат коэффиценти.* Бу коэффицентни икки шаклда аниқлаш мақсадга мувофиқ:

- корхоналарнинг бутун маблағлари-активлари билан корхоналарнинг бутун мажбуриятлари, яъни узоқ ва қисқа муддатга олинган қарз ҳамда кредитлар ўртасидаги ўзаро нисбат коэффиценти. Бу коэффицент корхона активларини унинг умумий мажбуриятларига бўлиш йўли билан аниқланади;

- корхоналарнинг айланма маблағлари-айланма активлари билан қисқа муддатга олинган қарз ҳамда кредитлар ўртасидаги ўзаро нисбат коэффиценти. Бу коэффицент корхона айланма активларини унинг қисқа муддатли мажбуриятларга бўлиш йўли билан аниқланади.

5. *Корхоналарнинг айланма активларга бўлган эҳтиёжларини ўзлик манбалари билан таъминланиш коэффиценти.* Бу коэффицентни аниқлаш учун корхона ўзлик маблағларининг манбаларидан узоқ муддатли активлар қиймати айриб ташланади ва қолган қисми айланма активлар қийматига бўлинади.

6. *Корхона активларининг рентабеллик коэффиценти.* Бу коэффицент корхоналар мол-мулкидан фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди. Бу коэффицентни аниқлаш учун солиқ тўлашдан олдинги фойдани корхона активларининг ўртача қийматига бўлиш билан аниқланади.

Юқорида таъкидланганидек, корхоналарни иқтисодий ночорлигини аниқлаш учун келтирилган ҳужжатларда бир қанча бошқа коэффицентлар, кўрсаткичлар тавсия этилган. Масалан, молиявий қарамлик, ишлаб чиқариш кучларидан фойдаланиш коэффицентлари, корхоналарнинг ўзлик капитали, асосий воситалари, перманент капитали ва маҳсулотнинг рентабеллик коэффицентлари. Фикримизча, бу коэффицентлар корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги билан бевосита алоқадор эмас, демак, улардан фойдаланишнинг ҳолати йўқ. Шундай қилиб, мавжуд услубий тавсияларни умумлаштириб, корхоналарни иқтисодий ночорлигини аниқлаш олдига қўйилган вазифаларни эътиборга олиб, корхоналарни иқтисодий ночорлигини тан олишда, уларни санацйга ўтказишда, банкрот деб эълон қилишда, қуйидаги баҳолаш критерияларидан, коэффицентлардан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

28-жадвал

Корхоналарнинг иқтисодий ночорлигини аниқлаш кўрсаткичлари тизими

	Коэффицентларни меъёрий даражалари, фоиз	
	Санацйя	Банкрот
1. Муътадил молиявий мустаҳкамлик коэффиценти	≥ 100	-
2. Инқирозга учраган молиявий ҳолат	-	< 100
3. Абсолют ликвидлик коэффиценти	1.0-10.0	< 1.0
4. Ўзлик маблағлар билан қарзга олинган маблағлар ўртасидаги ўзаро писбат коэффиценти	100-200	< 100
5. Оборот маблағларни ўзлик манбалар билан таъминланганлиги	50-100	< 50
6. Активлар рентабеллик коэффиценти	5 гача	< 1.0

Бу кўрсаткичларнинг меъёрий даражалари қуйидагича асосланган:

- номуътадил молиявий мустаҳкамлик бу корхоналарда оз бўлса ҳам фаолиятни давом этиш учун имкониятлар мавжудлигини кўрсатади. Бу корхоналарга бироз ёрдам берилса, улар ўз молиявий ҳолатини яхшилашлари мумкин;

- инқирозга учраган молиявий ҳолат бу корхоналарнинг захира ва харажатларга бўлган эҳтиёжлари бутун манбалардан — ўзлик манбалар, узоқ ва қисқа муддатга олинган қарз ва

кредитлардан фойдаланилса ҳам тўлиқ қопланмайди. Демак, бу корхоналарда фаолият тўхтайди;

- абсолют ликвидлик коэффициенти, одатда, 20 фоиз ёки ундан кўп бўлиши керак. Бу коэффициент 1 фоиздан ҳам кам бўлса, корхоналар қарзларни қайтиб беришга умуман қодир эмас. Демак, улар банкрот деб эълон қилиниши лозим. Агарда бу коэффициент 1 фоиздан 10 фоизгача бўлса, корхоналар қарзларни қайтариб беришга биров қодир. Уларни санаццяга ўтказиш мумкин;

- корхоналарнинг ўзлик маблағларнинг манбалари ташқаридан олинган қарз ва кредитлардан 2 маротабадан кўп бўлиши лозим. Бу коэффициентнинг даражаси 100 фоиздан ошиқ, лекин 200 фоиздан кам бўлса, корхоналар фаолиятини давом этиш учун биров имкониятга эга, уларни санаццяга ўтказиш мумкин. Бу коэффициент 100 фоиздан кам бўлса, улар банкрот деб эълон қилиниши лозим;

- ўзлик маблағларнинг манбалари ҳисобидан корхоналарнинг оборот маблағларга бўлган эҳтиёжи 100 дан ортиқ фоизга қопланиши лозим. Агарда бу коэффициент 50 фоиздан кам бўлса, демак, корхоналарда фаолият тухтаб қолиши мумкин, улар банкрот деб эълон қилинишлари керак. Агарда бу коэффициент 50 фоиздан 100 фоизгача бўлса, бу корхоналарга биров ёрдам берилса, улар ўз фаолиятини давом этиш имкониятига эга;

- корхоналар ўз-ўзини қоплаш учун активларнинг рентабеллиги 10-13 фоиз бўлиши лозим. Корхоналар активларининг умуман рентабеллиги бўлмай, зарари бўлса, уларни банкрот деб эълон қилиш керак, агарда активларни рентабеллик даражаси 5 фоизгача бўлса, уларни санаццяга ўтказиш лозим.

Тавсия этилаётган кўрсаткичларнинг меъёрий даражалари юқорида келтирилган меъёрий-услубий ҳужжатларда кўрсатилган тавсиялардан фарқ қилади. Фикримизча, бизнинг тавсияларимиз асосланган ва амалиёт талабларига тўлиқроқ жавоб беради. Тавсия этилган критериялардан амалиётда фойдаланилса, корхоналарнинг иқтисодий нозорлигини таҳлил қилиш, аниқлаш сезиларли такомиллаштирилади ва бозор муносабатларидан фойдаланиш самараси кўтарилади.

Ўқув қўлланмамизда корхоналар молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг бозор муносабатлари давридаги назарий ва амалий муаммоларини тадқиқ қилиш, ёритиш бизни қўйидаги хулосаларга олиб келди:

– Бозор муносабатларига ўтиш билан корхоналарнинг молиявий ҳолатини ахамияти ошиб боради.

– Корхоналарни ишлаб чиқариш — хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда уларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишни тутган ўрни кучайиб боради.

– Корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишни яхшилаш мақсадида республикада ҳисобни ва ҳисоботни ташкил этиш такомиллаштирилмоқда.

– Молиявий таҳлил бозор муносабатларининг талабларига жавоб бера бориб, у ҳар томонлама, асосланган, чуқур бўлиши лозим.

Молиявий таҳлил икки йўналишда амалга оширилиши лозим:

Биринчидан, корхоналарда бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида фаолият кечираётган корхоналарни молиявий ҳолатини баҳолаб, меъёрий ва илғор корхоналарнинг кўрсаткичлари билан солиштириб, молиявий ҳолатни яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш.

Иккинчидан, бозор муносабатлари даврида табиий бўлган корхоналарнинг иқтисодий ночорлигини ҳар томонлама, асосланган равишда таҳлил қилиб, корхоналарни санацияга ўтказиш, банкрот деб эълон қилиш жараёнини такомиллаштириш.

Корхоналар молиявий ҳолатини таҳлил қилишни яхшилаш учун:

– молиявий таҳлил усулини такомиллаштириш лозим;

– молиявий таҳлил бўйича меъёрий-услубий тавсияларни ҳар томонлама ишлаб чиқиш;

– барча ўқув юртларида молиявий таҳлил фанини ўқитишни яхшилаш лозим;

– корхоналарни молиявий ҳолатини таҳлил қилишда қизиққан, манфаатдор орган ва ташкилотларни бу борада қилаётган ишларини янада яхшилаш зарур;

– молиявий таҳлилда молиявий кўрсаткичларни миқдорий ифодалаш, баҳолаш, улар иқтисодий мазмун билан боғланган тарзда таҳлил этилиши лозим;

– молиявий таҳлил билан шуғулланувчи ходимлар, мутахассислар кенг иқтисодий илмга эга бўлишлари керак;

– молиявий таҳлил якунида корхоналарнинг молиявий ҳолатини қўтаришга сафарбар этилган тавсиялар бўлиши даркор.

Ишонамизки, юқорида эслатилган муаммоларни ечиш учун қўйилган вазифаларни бажаришда тавсия этилаётган ўқув қўлланмаси сезиларли ёрдам беради. Ўқув қўлланма иловаларида 1993 йилдан олдин, 1993-1996 йилларда ва 1997 йилдан бошлаб фойдаланилаётган ҳамда 2002 йил 1 январдан киритиладиган балансларнинг шакллари келтирилган.

Адабиёт ва материаллар рўйхатида фойдаланилган, тавсия этиладиган ҳуқуқий ҳужжатлар, меъёрий-услубий манбалар ва кейинги йилларда чоп этилган иқтисодий адабиёт манбалари келтирилган.

ХОТИМА ЎРНИДА

Хурматли ўқувчи, ушбу ўқув қўлланмадан фойдаланувчи!

Тавсия қилинаётган бу қўлланма муаллифнинг кўп йиллар мобайнидаги ўқитувчилик фаолияти, ўйлаши, изланиши ва тадқиқот ишларининг натижасидир.

Ўқув қўлланмада муаллифнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллик даврида «Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили» фанидан Банк-молия Академияси, Бухгалтирлар ва аудиторлар Ассоциацияси, Тошкент молия институти ҳузуридаги тармоқлараро молия-банк ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги магистратурада дарслар ўтказиш режалари, мавзулари баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги бозор муносабатларига ўтказилмоқда. Бозор муносабатлари даврида корхона ва ташкилотлар фаолиятининг асосий натижалари бўлиб молиявий кўрсаткичлар шаклланади. Демак, корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили корхоналарнинг бошқарув тизимини такомиллаштиришда алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўқув қўлланмада хорижий мамлакатларнинг тажрибалари, мамлакатимизда бажарилган илмий-амалий ишларнинг натижалари, бозор муносабатларига ўтиш вазифалари, бозор муносабатларининг самарадорлигини кўтариш муаммолари ўз ифодасини топган. Қўлланмани тайёрлашда муаллиф соҳа мутахассисларини, талабаларни таҳлил асосида фақат молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш услубларига ўргатиш билан чегараланмасдан, бу кўрсаткичларнинг мазмунини тушунишга, молиявий муаммолар бўйича ўйлашга, хулосалар чиқаришга, тавсиялар ишлаб чиқаришга ўргатишга интилган. Шу сабабли ўқув қўлланмада қўрилган муаммоларни кўпчилигига ҳар томонлама, батафсил, турли нуқтаи назардан қараш амалга оширилган.

Ҳозирги пайтда иқтисодий мавзудаги адабиётларнинг тарқалиши, ўқувчиларга етиб бориши мураккаблиги сабабли

муаллиф молиявий таҳлил бўйича чоп этилган асарларга ва бошқа материалларга кўпроқ эътибор берган.

Ўйлаймизки, ўқув қўлланмани ўқитувчилар, аспирантлар, магистрлар, бакалаврлар, корхона, ташкилот раҳбарлари, халқ хўжалик мутахассислари катта қизиқиш билан қабул қиладилар.

Муаллиф келгусида ҳам бу борада илмий тадқиқот ишларни давом этар экан, ҳурматли ўқувчи ва фойдаланувчиларга илтимос қилиб, қўлланма бўйича ўз мулоҳазаларини, танқидий фикрларини ва тавсиялари Тошкент шаҳри, Лугфий кўчаси, 18-уйдаги Тармоқлараро молия-банк ходимлари малакасини ошириш институтига юборишларини сўрайди. Улар муаллиф томондан самимийлик билан қабул қилинади ва келгуси ишларда эътиборга олинади.

Адабиёт ва материаллар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:

1. Корхоналар тўғрисида, 1991.
2. Банкротлик тўғрисида, 1994.
3. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида, 1996.
4. Қишлоқ хўжалик корхоналари санацияси тўғрисида, 1997.
5. Банкротлик тўғрисида (янги таҳрири), 1998.

II. Республика Президенти Фармонлари

6. Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширишда корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг жавобгарлигини кўтариш тўғрисида, 1995.

7. Корхоналарни банкротлиги тўғрисидаги қонунни амалга оширилиш тўғрисида, 1996.

8. Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш тадбири тўғрисида, 1997.

9. Қишлоқ хўжаликда ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштиришнинг кардинал тадбирлари тўғрисида, 1997.

10. Корхоналарни банкротлик ва санацияси механизмни такомиллаштириш тўғрисида, 1999.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

11. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларни камайитириш тадбирлари тўғрисида. 1997.

12. Қишлоқ хўжалик корхоналарини санациясини амалга ошириш тадбирлари тўғрисида. 1998.

13. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларни солиштиришни амалга ошириш тўғрисида. 1998.

14. Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилишнинг қўшимча тадбирлари тўғрисида. 1999.

IV. Меъёрий-тавсиявий материаллар:

15. Қишлоқ хўжалик корхоналарини молиявий таҳлил қилиш бўйича услубий тавсиялар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Давлат мол-мулк қўмитаси ҳузуридаги иқтисодий ночорлик масалалари бўйича қўмита, 1997.

16. Корхоналарнинг иқтисодий ночорлик белгиларини аниқлаш учун критериялар тизими. Ўзбекистон Республикаси корхоналарини банкротлиги ва санация масалалари бўйича ҳукумат комиссияси. 1997.

17. Корхона (ташкилот) ларнинг чорак ва йиллик молиявий ҳисобот шакллари ва ҳажмини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги буйруғи. 1997 йил 15 январ.

18. Корхонани молиявий таҳлили бўйича услубий тавсиялар. Ўзбекистон Республикаси банкротчилик ва санация масалалари бўйича ҳукумат комиссияси. 1997.

19. Корхоналарни хўжалик-молиявий фаолиятини мониторинг ва таҳлил қилиш тартиби. «Солиқ ва божхона хабарлари», 26-сон, 1997.

20. Молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг асосий шакллари ва кўрсаткичлари бўйича эсдалик. Ўзбекистон Республикаси Молиявий Қонунлари, 3-сон, 1995.

21. Хўжалик субъектлари молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш тартиби. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 ноябр қарорига илова.

22. Акциядорлар жамиятларининг молиявий ҳолатини баҳолаш учун услубий тавсиялар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги. 2000.

23. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти. 9-сон, «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот». 1998.

24. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти. 2-сон, «Асосий хўжалик фаолиятдан даромадлар». 1998.

25. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби стандарти. 1-сон, «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот». 1998.

V. Умумий иқтисодий адабиёт:

26. Петров В.В., Кавалев В.В. Как читать баланс. Москва, 1993 г.
27. Русак Н.А. Основы финансового анализа. Москва, 1995г.
28. Ефимова О.В. Финансовый анализ. Москва, 1996 г.
29. Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С. Методика финансового анализа. Москва, 1996 г.
30. Артеменко В.Г., Беллендир М.В. Финансовый анализ. Москва, 1997 г.
31. Маркарьян Э.А., Герасеминко В.П. Финансовый анализ. Москва, 1997 г.
32. Шеремет А.Д., Нечашев Е.В. Методика финансового анализа. Москва, 1999 г.
33. Погостинская Н.А., Погостинеский Ю.А. Системный анализ финансовой отчетности. Москва, 1999 г.
34. М. Тўлаходжаева. Молиявий ҳисоботни ва молиявий коэффициентлар таҳлили. «Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси, 22-сон, 1994.
35. А. Т. Иброхимов. Молиявий таҳлил. Тошкент, 1995.
36. А.Х. Шоалимов Молиявий ҳолат таҳлили. «Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси, 5-сон, 1995.
37. А. Н. Ли, С. И. Шевченко. Корхона молиявий таҳлилининг асосий тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси Молиявий Қонунлари, 11-сон, 1995.
38. И.Т. Абдукаримов Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш. Тошкент. 1998.
39. М. К. Пардаев, Б. И. Исроилов Молиявий таҳлил. Тошкент, 1999.
40. Н. Хасанов Молиявий таҳлил, Тошкент, 1999.
41. Т.С. Маликов, О.О. Олимжонов. Молиявий менежмент. Тошкент, 1999.

Корхона баланси

1 январ 1993 йилгача

Актив	Код сатр	Йил бошига	Ҳисобот давом охирига
1. Асосий восита ва қўйилмалар			
Асосий воситалар (01)	010		
Номоддий активлар (04)	0,20		
Капитал қўйилмалар ва аванслар (33, 35, 61)	030		
Асбоб-ускуналар(07)	035		
Узоқ мuddатли молиявий қўйилмалар (58)	040		
Даромадни ишлатилиши (81)	050		
Қатнашувчилар билан ҳисоб-китоблар (75)	065		
Мулк учун ҳисоб-китоблар (76)	070		
Зарарлар (80)	080		
1-бўлим бўйича жами:	090		
2. Запаслар ва харажатлар:			
Ишлаб чиқариш захираари (05, 06, 08, 12)	100		
Туталланмаган ишлаб чиқариш (03, 20, 21, 23, 29, 30)	110		
Товарлар қолдигига тегишли муомала харажатлари (44)	120		
Келгуси давр харажатлари (31)	130		
Тайёр маҳсулот (40)	140		
Товарлар (41)	150		
Бошқа захиралар ва харажатлар	160		
2-бўлим бўйича жами	170		
2-бўлимдан-йўлдаги захиралар ва товарлар	171		
3. Пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва бошқа активлар			
Касса (50)	200		
Ҳисоб-китоб смети (51)	210		
Валюта смети (52)	220		
Банклардаги бошқа смети (54,55)	230		
Бошқа пул маблағлари (56)	240		
Қисқа мuddатли молиявий қўйилмалар (58)	250		
Қарзга олинган маблағларнинг ишлатилиши (82)	270		
Дебиторлар билан ҳисоб-китоблар:			
Товарлар, ишлар ва хизматлар учун (45, 62, 76)	300		
Олинган векселлар (59)	310		
Берилган аванслар бўйича (61)	320		
Бюджет билан (68)	325		
Бошқалар билан	330		
Ходимлар томонидан олинган ссудалар бўйича улар билан ҳисоб-китоблар (73)	340		
Фондлар ва мақсади молиялаш маблағлари билан қопланмаган харажатлар (87, 88, 96)	350		
Бошқа активлар	360		
3-бўлим бўйича жами:	370		
Баланс	390		

Актив	Код сатр	Йил бошига	Ҳисобот давом охирига
Пассив			
<i>I. Ўз маблағлари манбалари:</i>			
Низом фонди (85)	400		
Асосий воситаларнинг эскириши (02)	410		
Арзон ва тез эскирувчи буюмларнинг эскириши (13)	420		
Капитал қўйилмаларни молиялаш (93, 94)	430		
Мулк учун ҳисб-китоблар (76)	440		
Таъсис этувчилар билан ҳисоб-китоблар (75)	445		
Махсус фондлар ва мақсадли молиялаш (87, 88, 96)	450		
Келгусидаги харажатлар ва тўловларни қоплаш захираси (98)	460		
Амортизация фонди (86)	470		
Келгуси давр даромадлари (83)	480		
Сотилмаган товарлар бўйича савдо устамаси (42)	490		
Фойда (даромад) (80)	510		
I бўлим бўйича жами:	520		
<i>II. Кредитлар ва бошқа қарзга олинган маблағлар</i>			
Қисқа муддатли кредитлар (90)	600		
Ўрта муддатли кредитлар (91)	610		
Узоқ муддатли кредитлар (92)	620		
Муддатида қайтарилмаган ссудалар	630		
Қисқа муддатли қарзга олинган маблағлар (95)	640		
Узоқ муддатли қарзга олинган маблағлар (95)	650		
II бўлим бўйича жами:	660		
<i>III. Ҳисоб-китоблар ва бошқа пассивлар</i>			
Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар			
Товарлар ва хизматлар учун (60)	700		
Берилган векселлар бўйича (66)	710		
Олинган аванслар бўйича (61)	720		
Бюджет билан (68)	730		
Иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг бюджетдан ташқари фондлари билан (65)	735		
Сугурта бўйича (69)	740		
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича (70)	750		
Бошқа кредиторлар билан	760		
Ишчи ва хизматчилар учун олинган ссудалар (97)	765		
Бошқа пассивлар	770		
III-бўлим бўйича жами	780		
Баланс	800		

Раҳбар _____

Бош ҳисобчи _____

Корхона баланси
1993 йил 1 январдан 1997 йил 1 январгача

Актив	Сатр год	Йил бошига	Йил охирига
I Асосий воситалар ва бошқа айланмадан ташқари активлар			
Номоддий активлар:			
Бошланғич қиймат (04)	010		
Эскириш (05)	011		
қолдиқ қиймат (010-011)	012		
Асосий воситалар:			
Бошланғич қиймат (01)	020		
Эскириш (02)	021		
қолдиқ қиймат (020 – 021)	022		
Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (07)	030		
Туталланмаган капитал қўйилмалар (08)	040		
Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар (06)	050		
Таъсисчилар билан ҳисб-китоблар (75)	060		
Бошқа айланмадан ташқари активлар	070		
I бўлим бўйича жами:	080		
II. Захиралар ва харажатлар:			
Ишлаб чиқариш заҳиралари (10; 15)	100		
Ўстиришдаги ва боқувда турган чорва моллари (11)	110		
Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар:			
Бошланғич қиймат (12)	120		
Эскириш (13)	121		
Қолдиқ қиймат (120-121)	122		
Туталланмаган ишлаб чиқариш (20; 21; 23;29;30)	130		
Келгуси давр харажатлари (31)	140		
Тайёр маҳсулот (40)	150		
Товарлар:			
Сотиш баҳосида (41)	160		
Савдо устамаси (42)	161		
Сотиб олиш баҳосида(160-161)	162		
Қолдиқ товарларга тўғри келадиган муомила харажатлари (44)	170		
II бўлим бўйича жами: (100 + 110 + 122 + 130 + 140 + 150 + 162 + 170)	180		
III. Пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва бошқа активлар			
Дебиторлар билан ҳисоб-китоблар:			
Товарлар, иш ва хизматлар учун (45; 62; 76)	200		
Олинган векселлар бўйича (62)	210		
Шуъба корхоналар билан (78)	220		

Актив	Сатр год	Йил бошига	Йил охирига
Бюджет билан (68)	230		
Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича (73)	240		
Бошқа дебиторлар билан	250		
Мол етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилган аванслар (61)	260		
Қисқа мuddатли молиявий қўйилмалар (58)	270		
Пул маблағлари:			
Касса (50)	280		
Ҳисоб-китоб смети (51)	290		
Валюта смети (52)	300		
Бошқа пул маблағлари (55; 56; 57)	310		
Бошқа айланма активлари	320		
III бўлим бўйича жами: (200 + 210 + 220 + 230 + 240 + 250 + 260 + 270 + 280 + 290 + 300 + 310 + 320)	330		
Зарарлар:			
Ўтган йилларда (87)	340		
Ҳисобот йилида	350		
Баланс (080; 180; 330; 340; 350 сатр сумма)	360		
Пассив	Сатр коди		
I. УЗ МАБЛАҒЛАРИ МАНБАЛАРИ:			
Низом фонди (85)	400		
Захира фонди (86)	410		
Махсус мақсадларга мўлжалланган фондлар (88)	420		
Мақсадли молиялаштириш ва тушумлар (96)	430		
Ижара мажбуриятлари (97)	440		
Таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар (75)	450		
Ўтган йиллар тақсимланмаган фойдаси (87)	460		
Фойда:			
Ҳисобот йилидаги (80)	470		
Ишлатилган (81)	471		
Ҳисобот йили тақсимланмаган фойдаси	472		
I бўлим бўйича жами: (400 + 410 + 420 + 430 + 440 + 450 + 460 + 472)	480		
II. Узоқ мuddатли пассивлар:			
Узоқ мuddатли банк кредитлари (92)	500		
Узоқ мuddатли қарзлар (95)	510		
II бўлим бўйича жами (500 + 510):	520		
III. Ҳисоб-китоблар ва бошқа пассивлар:			
Қисқа мuddатли банк кредитлари (90)	600		
Корхона хизматчилари учун банк кредитлари (93)	610		
Қисқа мuddатли қарзлар (94)	620		

Актив	Сатр год	Йил бошига	Йил охирига
<i>Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар:</i>			
Товарлар, ишлар ва хизматлар учун (60)	630		
Берилган векселлар бўйича (60)	640		
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича (70)	650		
Ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича (69)	660		
Мулкий ва шахсий суғурталар бўйича (65)	670		
Шўъба корхоналар билан (78)	680		
Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича (67)	690		
Бюджет билан (68)	700		
Бошқа кредиторлар билан	710		
Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар (64)	720		
Келгуси давр даромадлари (83)	730		
Келгусидаги харажатлар ва тўловлар захираси (89)	740		
Даргумон қарзлар бўйича захиралар (82)	750		
Бошқа қисқа муддатли пасивлар	760		
III бўлим бўйича жами:	770		
600 + 610 + 620 + 630 + 640 + 650 + 660 + 670 + 680 + 690 + 700 + 710 + 720 + 730 + 740 + 750 + 760			
Баланс (480; 520; 770 сатрлар суммаси)	780		

Раҳбар _____
 Бош ҳисобчи _____

Бухгалтерия баланси 1997 йил 1 январдан

Кўрсаткичларнинг номи	Сатр коди	Ҳисобот йили бошига	Ҳисобот даври охирига
1	2	3	4
Актив			
<i>1. Узоқ мuddатли активлар</i>			
<i>Асосий воситалар:</i>			
Бошлангич (қайта тиклаш) қиймат (01,03)	010		
Эскириш (02)	011		
Қолдиқ қиймат 010-011	012		
<i>Номоддий активлар:</i>			
Бошлангич қиймат	020		
Эскириш	021		
Қолдиқ қиймат 020-021	022		
Капитал қўйилмалар (07,08)	030		
Шўъба корхоналардаги акциялар (06)	040		
Шўъба корхоналарига берилган қарзлар (06)	050		
Уюшма корхоналаридаги акциялар (06)	060		
Уюшма корхоналарига берилган қарзлар (06)	070		
Узоқ мuddатли инвестициялар (06)	080		
Бошқа қарзлар (06)	090		
Бошқа активлар	100		
I бўлим бўйича жами: 012 + 022 + 030 + 040 + 050 + 060 + 070 + 080 + 090 + 100	110		
Айланма активлар			
Ишлаб чиқариш захиралари (10, 11, 12, 13, 15, 16)	120		
Туталланмаган ишлаб чиқариш (20, 21, 23,29)	130		
Тайёр маҳсулот (40)	140		
Олиб сотиладиган товарлар (41-42)	150		
Келгуси давр сарфлари (31)	160		
Пул маблағлари (51,55,56,57)	170		
Валюта маблағлари (50,52,55,56,57)	180		
Фазнадаги пул маблағлари (50)	190		
Қисқа мuddатли қўйилмалар (58)	200		
Сотиб олинган хусусий акциялар (56)	210		
<i>Дебиторлар:</i>			
Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар (09, 45, 62-82)	220		
Бўнак (аванс) тўловлари (61)	230		
Бюджет билан ҳисоблашишлар (68,19)	240		
Ходимлар билан ҳисоблашишлар (73)	250		
Шўъба корхоналари билан ҳисоблашишлар (78)	260		
Уюшма корхоналари билан ҳисоблашишлар (79)	270		
Таъсисчилар билан ҳисоблашишлар (75)	280		

Кўрсаткичларнинг номи	Сатр коди	Ҳисобот йили бошига	Ҳисобот даври охирига
Бошқа дебиторлар (63,71,76)	290		
II бўлим бўйича жами: 120 + 130 + 140 + 150 + 160 + 170 + 180 + 190 + 200 + 210 + 220 + 230 + 240 + 250 + 260 + 270 + 280 + 290	300		
Баланснинг активи бўйича жами 110 + 300	310		
Пассив			
Ўзлик маблавларнинг манбалари			
Низом капитали (85/1)	320		
Қўшилган капитал (85/2)	330		
Захира капитали (85/3)	340		
Таксимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (87)	350		
Мақсадли тушум ва фойдалар (96,88)	360		
Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун захиралар (89)	370		
Келгуси давр даромадлари (83)	380		
I бўлим бўйича жами: 320 + 330 + 340 + 350 + 360 + 370 + 380	390		
Мажбуриятлар			
Узоқ муддатли қарзлар (95,97)	400		
Узоқ муддатли кредитлар (92)	410		
Қисқа муддатли қарзлар (93,94)	420		
Қисқа муддатли кредитлар (90)	430		
Харидор ва буюртмачилардан олинган (счётларга келиб тушган) бўнақлар (64)	440		
Кредиторлар:			
Мол етказиб берувчилар (60)	450		
Бюджет бўйича қарзлар (68)	460		
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар (70/1, 70/2)	470		
Ижтимоий сугурта ва таъминот бўйича қарзлар (69)	480		
Мулкий ва шахсий сугурталар бўйича қарзлар (65)	490		
Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар (67)	500		
Шўъба корхоналарига қарзлар (78)	510		
Уюшма корхоналарига қарзлар (78)	520		
Бошқа кредиторлар (75/1, 71/2, 73,76/1,79)	530		
II бўлим бўйича жами: 400 + 410 + 420 + 430 + 440 + 450 + 460 + 470 + 48 0 + 490 + 500 + 510 + 520 + 530	540		
Баланснинг пассиви бўйича жами: 390 + 540	550		

Раҳбар _____

Бош ҳисобчи _____

БУХГАЛТЕРСКИЙ БАЛАНС-Проект¹ с 1 января 2002 года

Наименование показателей	№ стр.	На начало отчетного года	На конец отчетного года
А К Т И В			
1. Долгосрочные активы			
Основные средства:			
Первоначальная (восстановительная) стоимость (01,03)	010		
Износ (02)	011		
Остаточная (балансовая) стоимость (стр. 010- стр.011)	012		
Нематериальные активы:			
первоначальная стоимость (04)	020		
Износ (05)	021		
Остаточная (балансовая) стоимость (стр. 020- стр.021)	022		
Долгосрочные инвестиции всего, в т.числе:	030		
Ценные бумаги (0610)	031		
Инвестиции в дочерние предприятия (0620)	032		
Инвестиции в совместные предприятия (0630)	033		
Инвестиции в ассоциированные предприятия (0640)	034		
Инвестиции в зависимые общества (0650)	035		
Прочие долгосрочные инвестиции (0690)	036		
Капитальные вложения (07,08)	040		
Долгосрочная дебиторская задолженность и отсроченные расходы (09)	050		
Итого по разделу 1 (стр. 012 + 022 + 030 + 040 + 050)	060		
11. Текущие активы			
Товарно-материальные ценности всего, в т.числе	070		
Материальные запасы (10,11,12-13,15,16)	071		
Незавершенное производство (20, 21, 23, 26, 27)	072		
Готовая продукция (28)	073		
Товары (29)	074		
Расходы будущих периодов и текущая часть отсроченных расходов (31,32)	080		

¹ Пировард тасдиқланганда бу баланс шакли ўзгартирилиши мумкин.

Наименование показателей	№ стр.	На начало отчетного года	На конец отчетного года
Дебиторская задолженность всего	090		
в т.числе:			
Счета к получению (40-49)	091		
Счета к получению от подразделений (41)	092		
Счета к получению по претензиям (42)	093		
Авансы выданные поставщикам и подрядчикам (43)	094		
Авансы выданные персоналу (44)	095		
Авансовые платежи по налогам и обязательным платежам (45)	096		
Задолженность учредителей по взносам в уставный капитал (47)	097		
Задолженность прочих дебиторов (46,48)	098		
Краткосрочные инвестиции (58)	100		
Денежные средства всего,			
в т.числе:	110		
Касса (50)	111		
Расчетный счет (51)	112		
Валютные счета (52)	113		
Прочие денежные средства (55,56,57)	114		
Прочие текущие активы (59)	120		
Итого по разделу 11 (стр.070+080+090+100+110+120)	130		
Всего по активу баланса (060+130)	140		
Пассив			
1.Собственный капитал			
Собственный капитал,	150		
в т.числе:			
Уставный капитал (85.1)	151		
Добавленный капитал (85.2)	152		
Резервный капитал (85.3)	153		
Выкупленные собственные акции	154		
Нераспределенная прибыль (непокрытый убыток) (87)	155		
Гранты и субсидии (88)	156		
Резервы предстоящих расходов и платежей (89)	157		
Итого по разделу 1 (150)	160		
11.Обязательства			
Долгосрочные обязательства,	170		
в т.числе:			
Счета к оплате поставщикам и подрядчикам (70)	171		
Отсроченные долгосрочные обязательства (72)	172		

Наименование показателей	№ стр.	На начало отчетного года	На конец отчетного года
Авансы полученные от покупателей и заказчиков (73)	173		
Долгосрочные банковские кредиты (75)	174		
Долгосрочные займы (76)	175		
Прочие долгосрочные обязательства (71,74,77)	176		
Текущие обязательства, в т.числе	180		
Счета к оплате поставщикам и подрядчикам (060)	181		
Счета к оплате подразделениям (61)	182		
Авансы полученные и текущая часть отсроченных обязательств (62,63)	183		
Задолженность по платежам в бюджет (64)	184		
Задолженность по страхованию и платежам во внебюджетные фонды (65)	185		
Задолженность учредителям (66)	186		
Расчеты с персоналом по оплате труда (67)	187		
Задолженность разным кредиторам и прочие начисленные обязательства (68)	188		
Краткосрочные банковские кредиты и внебанковские займы (69)	189		
ИТОГО по разделу 11 (170 + 180)	190		
ВСЕГО по ПАССИВУ баланса (160 + 190)	200		

2002 йил 1 январгача тузилаётган ва 2002 йил 1 январдан кири-
тиладиган бухгалтерия балансларининг бўлимлари ўргасидаги алоқа

А к т и в			П а с с и в		
Баланс бўлимлари	2002 йил 1 январгача	2002 йил 1 январдан	Баланс бўлимлари	2002 йил январгача	2002 йил январдан
I	110	060	I	390	160
II	300	130	II	540	190
Баланс	310	140	Баланс	550	200

Бухгалтерия балансининг бўлимлари таркибидаги ўзгаришлар
эътиборга олинса бўлимлараро, бўлимларнинг моддалараро
алоқалари қуйидагича ифодаланади:

Баланс бўлимлари	2002 йил 1 январгача	2002 йил 1 январдан
А к т и в		
1. I бўлим. Узоқ муддатли активлар	110	060
2. II бўлим таркибида:		
А) ишлаб чиқариш захиралар ва харажатлар ёки моддий айланма маблағлар	120 + 130 + 140 + 150 + + 160	071 + 072 + 073 + 074 + 080
Б) дебиторлик қарзлар, қисқа муддатли инвестициялар, пул маблағлари	170 + 180 + + 190 + 200 + 210 + 220 + + 230 + 240 + + 250 + 260 + + 270 + 280 + + 290	091 + 092 + 093 + 094 + 095 + 096 + 097 + 098 + 100 + 111 + 112 + 113 + 114 + 120
П а с с и в		
1. I бўлим. Ўзлик маблағларнинг манбалари	390	160
2. II бўлим таркибида:		
а) узоқ муддатли мажбуриятлар	400 + 410	171 + 172 + 173 + 174 + 175 + 176
б) қисқа муддатли мажбуриятлар	420 + 430 + + 440 + 450 + + 460 + 470 + + 480 + 490 + + 500 + 510 + + 520 + 530	181 + 182 + 183 + 184 + 185 + 186 + 187 + 189 +

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
------------	---

I БОБ. БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

1.1. Халқ ҳўжалигини бозор муносабатларига ўтказиш ва корхоналарнинг молиявий ҳолати аҳамиятини кўтариш	6
1.2. Молиявий таҳлилнинг асосий тамойиллари ва манбалари	11
1.3. Бухгалтерия баланси — молиявий таҳлилнинг асосий манбаи	22

II БОБ. МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛ ТАЖРИБАСИДАН. КОРХОНА МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ УМУМИЙ БАҲОЛАШ

2.1. Хорижий мамлакатлар молиявий таҳлили тажрибасидан	38
2.2. Мустақил Ўзбекистон Республикасида молиявий таҳлил қилиш услубининг ишлаб чиқиши	48
2.3. Корхоналарнинг молиявий ҳолатини умумий баҳолаш	56

III БОБ. КОРХОНАЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ МУСТАҲКАМЛИГИ ВА БАЛАНС ЛИКВИДЛИГИ ТАҲЛИЛИ

3.1. Корхоналарнинг молиявий мустаҳкамлиги таҳлили	64
3.2. Бухгалтерия баланси ликвидлигини таҳлил қилиш	86

IV БОБ. АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРНИНГ АЙЛАНИШИ, МАҲСУЛОТЛАР ТАННАРХИ ВА КОРХОНАЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ

4.1. Айланма маблағларнинг айланиши ва корхоналарнинг молиявий ҳолати	105
4.2. Маҳсулотлар таннарни ва корхоналарнинг молиявий ҳолати	116

БОБ V. КОРХОНАЛАРНИНГ ИШЧАНЛИК ВА БОЗОРГА ОИД ФАОЛЛИГИНИ ТАҲЛИЛИ

5.1. Корхоналарнинг ишчанлик фаолиги таҳлили	134
5.2. Корхоналарнинг бозорга оидлиги таҳлили	139

VI БОБ. КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

6.1. Корхонанинг фойдаси таҳлили	152
6.2. Корхоналар рентабеллиги таҳлили	163
6.3. Корхонанинг иқтисодий нозорлиги таҳлили	189
Хотима ўрнида	202
Адабиёт ва материаллар рўйхати	204
Иловалар	207

ОГЛАВЛЕНИЕ

Введение.....	3
---------------	---

Глава I. РЫНОЧНЫЕ ОТНОШЕНИЯ И ОСНОВА АНАЛИЗА ФИНАНСОВОГО СОСТОЯНИЯ ПРЕДПРИЯТИЯ

1.1. Перевод народного хозяйства на рыночные отношения и возрастание роли финансового состояния предприятия	6
1.2. Основные принципы и источники финансового анализа	11
1.3. Баланс предприятия - основной источник финансового анализа	22

Глава II. ИЗ ОПЫТА ФИНАНСОВОГО АНАЛИЗА И ОБЩАЯ ОЦЕНКА ФИНАНСОВОГО СОСТОЯНИЯ ПРЕДПРИЯТИЯ

2.1. Из зарубежного опыта финансового анализа	38
2.2. Разработка методики анализа финансового состояния предприятия в Узбекистане	48
2.3. Общая оценка финансового состояния предприятия	56

Глава III. АНАЛИЗ ФИНАНСОВОЙ УСТОЙЧИВОСТИ ПРЕДПРИЯТИЯ И ЛИКВИДНОСТИ БАЛАНСА

3.1. Анализ финансовой устойчивости предприятия	64
3.2. Анализ ликвидности баланса предприятия	86

Глава IV. ОБОРАЧИВАЕМОСТЬ ОБОРОТНЫХ СРЕДСТВ, СЕБЕСТОИМОСТЬ ПРОДУКЦИИ И ФИНАНСОВОЕ СОСТОЯНИЕ ПРЕДПРИЯТИЯ

4.1. Оборачиваемость оборотных средств и финансовое состояние предприятия	105
4.2. Себестоимость продукции и финансовое состояние предприятия	116

Глава V. АНАЛИЗ ДЕЛОВОЙ И РЫНОЧНОЙ АКТИВНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЯ

5.1. Анализ деловой активности предприятия	134
5.2. Анализ рыночной активности предприятия	139

Глава VI. АНАЛИЗ ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТОВ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЯ

6.1. Анализ прибыли предприятия	152
6.2. Анализ рентабельности предприятия	163
6.3. Анализ экономической несостоятельности предприятия	189
Вместо заключения	202
Список литературы и материалов	204
ПРИЛОЖЕНИЕ №1	
ПРИЛОЖЕНИЕ №2	
ПРИЛОЖЕНИЕ №3	
ПРИЛОЖЕНИЕ №4	
ПРИЛОЖЕНИЕ №5	

CONTENTS

Introduction	3
--------------------	---

Chapter I. THE BASIC PRINCIPLES OF THE ANALYSIS OF ENTERPRISE'S FINANCIAL CONDITION AND MARKET RELATIONS

1.1. Transition of national economy to the market and increasing the role of enterprises' financial condition	6
1.2. The basic principles and sources of financial analysis	11
1.3. Balance sheet of enterprise — the basic source of the financial analysis	22

Chapter II. THE EXPERIENCE OF FINANCIAL ANALYSIS AND GENERAL ESTIMATION OF ENTERPRISE'S FINANCIAL CONDITION

2.1. Foreign experience of financial analysis	38
2.2. Development of the methods of the enterprise's financial state analysis in Uzbekistan	48
2.3. A general (common) estimation of a financial condition of the enterprise	56

Chapter III. THE ANALYSIS OF FINANCIAL STABILITY AND LIQUIDITY OF BALANCE

3.1. Analysis of enterprise's financial stability	64
3.2. Analysis of enterprise's balance liquidity	86

Chapter IV. CAPITAL TURNOVER. COSTS of PRODUCTION AND FINANCIAL STATE OF ENTERPRISE.

4.1. Turnover of capital and enterprise's financial conditions	105
4.2. Production costs and enterprise's financial condition	116

Chapter V. THE ANALYSIS OF ENTERPRISE'S BUSINESS AND MARKET ACTIVITY

5.1.	The analysis of business activity	134
5.2.	The analysis of market activity	139

Chapter VI. THE ANALYSIS OF ENTERPRISE'S FINANCIAL RESULTS

6.1.	Enterprise's profit analysis	152
6.2.	Analysis of enterprise profitability	163
6.3.	Analysis of enterprise's economic insolvency	189
	Instead of conclusion	202
	The literature and materials	204
	APPENDIX №1	
	APPENDIX №2	
	APPENDIX №3	
	APPENDIX №4	
	APPENDIX №5	

Э. А. АКРАМОВ

КОРХОНАЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Тошкент — «Молия» нашриёти — 2004

Мухаррир
Техник муҳаррир
Компьютерда саҳифаловчи
Рассом

М. Миркомиллов
А. Мойдинов
З. Мухамеджанова
М. Одилов

Босишга рухсат этилди 9.01.04 й. Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$.
«TimesUZ» ҳарфида териблиб, офсет усулида босилди. Босма табоғи 13,75.
Нашриёт ҳисоб табоғи 13,06. Адади 1000. Буюртма № 35.
Баҳоси шартнома асосида

«Молия» нашриёти, 700000, Тошкент, Якуб Колас кучаси, 16-уй.
шартнома № 12-04

МЧЖ «ASIA OFFSET PRINT» босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш. Хуршид кучаси, 122
№ 35 - 1,0 - 2004